


(ХИНА)
АЗВ



УПЕНДРАНАТҲ АШК

КЎҲНА ДЕВОР

УПЕНДРАНАТҲ АШҚ

КЎҲНА ДЕВОР

(РОМАН)

07

БИБЛИОТЕКА ИГПИ

Инв. № 22090

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАЦИРИЁТИ
Тошкент — 1975

Русчадан
Л. Парпихўжсаев ва Н. Бозорбоев таржимаси

© Гафур Гуэом помидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, (тарж

Шундай қилиб, бир куни тоқати тоқ бўлған Четаи ҳеч кимга билдиrmай Жоландҳар посёлкаси яқинидаги Бости Газапга жўнаворди: у бўлажак қайлиғини кўриб келишга аҳд қилган эди.

Четаи йўлда кетиб бораркан, онлаларида номи бир неча кундан бўён тилдан тушмаётган қизни кўз олдига келтиришга ҳаракат қиларди. Кеч кириб борар, шаҳарнинг бозор қисмидаги ҳозиргина сув сепилган кўчаларидан лой ҳиди аиқиб турарди. Ҳамма ёқ ғала-ғовур. Мусиқа бозори¹даги дўкончалариниғ остонасига ўтириб олган машвоқлар ўз маҳоратларини намойиш қилиб, ўткеничиларга завқ бахш этиб, сурнайларини чалардилар. Сал нарироқда, муюлишдаги болохонанинг айвонида таҳмад² ва дағал матодан тикилган очиқ ёқали кўйлак кийган, салласи палапартиш ўралган, пон³дан лаблари қизарип кетган иккита панижоблик қўшиқчи шонр саводсиз қайнана билай саводҳои келинининг жашжали ҳақидаги қўшиқни айтишар, халоийқ улариниғ қўшиғини ҳаяжон билан тингларди; варракларини олдириб қўйгани болалар бўлса унинг йиртилиб кетганини кўриб, ўгирилаган болалар учиролмаганидан суюнардилар.

Четаи ҳеч нарсага эътибор бермай, Судан майдони ёнидан ўтди-да, Чҳатти тор кўчасига бурилди, катта

¹ Мусиқа бозори — машвоқлар маҳалласи.

² Таҳмад — белдан пастга ўраб юриладиган мато.

³ Пон — чайнаш учун мўлжалланган қоришма. Бетель ўсимлости япрогига ўраб тайёрланади.

бозордаги оломон орасидан зўр-базўр ёриб ўтиб, Бастига бориладиган бекатга чиқиб олди ва извошга ўтиради. Ўерда атиги иккитагина йўловчи ўтиради. Соат тўртгача Бастига етиб олишга ошиқкан Чэтан, бетоқат бўлиб извошидан сўради:

— Хўш, тез орада йўлга чиқамизми?

— Яна битта йўловчини кутаман, келса жўнаймиз.

Шу пайт олисдан терлаб-пишиб кетган бир жаноб кўринди. Извошли уига бақирди:

— Извош сизни кутяпти, сетҳ жий!¹

Сетҳ етиб келиб орқа ўриндиққа, Чэтанинг ёнига ўзини ташлади. Бироқ извошчи жўнаш ўрнига яна бир йўловчини кутиб, ўқтин-ўқтин қичқира бошлади:

— Басти Газанга борадиган яна бир йўловчи борми!

Чэтанинг тоқати тоқ бўлди:

— Юра қолсанг-чи, ахир! Тўрт киши бўлдик-ку! Ёки сендан жарима ундиришларини кутяпсанми?

Извошли тиржайиб қўйди:

— Жаримани сиз тўламайсиз-ку, жаноб! Олдинда жойим бор ҳали.

Чэтан бу ярамас извошчини таишлаб, бошқасига ўтиб ўтиргиси келиб кетди-ю, бироқ бошқалари ҳали-бери йўлга чиқадиганга ўхшамасди. Чэтан бўлса шошарди. Шунинг учун извошчига деди:

— Бўпти! Мен икки кишининг ҳақини тўлайман, факат тезроқ жўнагин!

Извошли қувониб кетди, отга қамчи босди, извош шамолдек елиб кетди.

2

Чэтан посёлкадаги эски ва янги Бастининг ўртасида жойлашган майдонга етиб келди. Майдон улкан гумбазли дарвозалар ортида эди. Шу ерда Чэтан извошдан тушиб, ҳисоб-китоб қилгач, чапга бурилиб янги райондаги тор кўчаларнинг биридан жадал одимлаб кетди. Ў хотин-қизлар мактаби ёнидан ўтаётуб берк эшиклар

¹ Сетҳ — бой, пулдор; жий — ҳурмат маъносини билдирувчи қўшишча.

га кўз қирини ташлаб қўйди. Ўурчакдаги уйиниг ёнига бўрғач, Четан тўхтади ва баланд овоз билан чақирди: «Мулкраж, ҳой Мулкраж».

Остенада ўрта бўйли, ориққина бир йигитча пайдо бўлди. У худди меҳмоннин кутиб тургандек, қувноқ садомлашгач, ичкарига таклиф этди. Четан кирди. У фурсатни бой бермай, дарҳол мақсадга кўчди:

— Менга қара, Мулкраж! Менга бир ёрдам қил! Еннигдаги мактабда бир қиз ўқийди. Беривали тор кўчасида истиқомат қизувчи пандит¹ Динбандҳунинг қизи.

— Чандами? Шундай қиз бор.

— Сен уни биласанми?

— Шу ерда яшаб туршиб ўз қизларимизни билмасам уят-ку? Бунинг устига Динбандҳу узоқ қаршидошимиз бўлади.

— Уйиниг қизи шу ерда ўқийдими?

— Ҳа.

— Үндай бўлса кетдик, Ҳозир дарслар тугайди. Уни танимайман, шунинг учун чиққашида менга кўрсатиб қўясан.

Мулкраж ялинтириб ўтириди. Дарҳол кийни бошлиди. У кийнигаётib ўқтин-ўқтин ошинасига синовчан назар ташлаб қўяркан, кейин гап нимада эканлигини ўйлаб топгандек, маънодор қилиб, салмоқлаб деди: «Э-ҳа. Гап бу ёқда дегин-а...» Улар ташқарига чиқиши. Мулкраж эшикни ёниб, тамбани тираб қўйди.

Тор кўчанинг бошида, майдонда дайди машшоқ томошабинларни тўплаш мақсадида бир қўллаб синизгасини тутганича: «О Хира! Бутун жаҳон олдида мениншарманда қилдинг...» қўшиғининг куйини ижро этиб иккиси кўли билан ногора чаларди. Атрофига анчагина томошабинлар тўпланиб қолишган эди.

Мулкраж билан Четан тор кўчадан чиқишиб, ўзларини томоша кўраётган қилинб кўрсатиш мақсадида томошабинлар давраснига қўшилиши. Мулкраж тор кўч томонига бир назар ташлаб олгач: «Дарслар тугаллаб қолди», — деб қўйди.

Шу пайт дарвозадан тоштахта ва сумка кўтариб олган қизалоқлар югуришиб чиқиниди-да, дараҳт шохидаи учирниб юборилган қушлардек ҳар томонига тарқалиб кетиши. Мулкраж шивирлаб қўйди:

¹ Пандит — ўқимишни бораҳман.

— Ана, бир оздан кейин юқори синилар ҳам чиқи-
нади.

Афтидаи, Чэтан Мулкрожниң тапини эшитмагандек
эди. У ошинасниниг елкасига қўлини ташлаб сўради:

— У сенга ёқмайдими?

— У одамга ёқмайдиган даражада ёмон эмас.
Бироқ бу менинг шахсий фикрим: у ёгини ўзинг ҳал қи-
ласан!— деб жавоб берди Мулкрож елкасини қисиб.—
Қиз ўрта бўйликкина. Доим хафаҳол юради... Оғир-
вазмин. Мен уни ҳеч қачон мактабидаги бошқа қизлар
каби ўйнаб-кулиб, валақлаб, ҳиринглаб юрганини кўр-
маганиман. Булар ҳеч гап эмас, сен ўзиннга яраша эп-
чилсан! Бир-бировингга жуда мос тұшасанлар.

— Ранг-воши қандай?— деб сўради Чэтан.

— Бугдой ранг. Оқ танли деб бўлмайди.

Чётандаги қизиқиш бирдан сўнгандай бўлди. У энди
қондай қилиб жуфтакни ростлаб қолишни ўйлай бош-
лади. Бироқ миясида: «Онам сўраб қолса-чи, унга нима
деб жавоб бераман?» деган фикр «ярқ» этиб кетди.
Шунда у мана бундай қарорга келди: «Хунук экан дей-
ман-қўяман». Бироқ ўзида қандайдир қаршилик сезди:
«Ким билади, балки у менга ёқиб қолар?»

Мулкрож Чётанинг қўлига аста туртди-да, шивир-
лади: «Қара, келишяпти...»

Чётанинг эти жимирилаб кетди, у ўша томонга қа-
ради. Иккала оғайни ўзларини томоша кўраётганде
қилиб кўрсатиш мақсадида атайлаб оломонга аралаши-
хетишиди.

Кўчада бир неча дугоналари билан ўп икки-ӯп уч-
ёшлар чамасидаги чиройли бир қиз келарди. У китоб кўта-
ғиб олган эди. Шундай юриб келардики, худди чиройли
юраётганини ўзи ҳам сезаётгандай. Қиз қувноқ кулимси
раш билан ёшлар томонга бир қараб қўйди. Чётанинг
жраги гупиллаб уриб, юзлари қип-қизариб кетди.

Чётан худди бир нарса сўрайдигандек Мулкрожни
қўлига туртди. У бўлса, бу қиз эмас деган ишорани
қилди.

Чётан худди бирор изза қилгандек тек туриб қолді.
Кейин деди:

— Мен кетаман.

— Ҳозир у чиқади.

— Йўқ, кетаман.

— Эсинингни единингми?

Шу пайт тўсатдан бир қанча ёш ва катта қизлар гала-гала бўлиб югуриб чиқишиди. Бироқ чиройли қизнинг қиёфаси Чэтанинг фикр-ёдини шунчалик банд қилиб олган эдики, ҳеч нарсани пайқамасди. Тўсатдан Мулкрож унинг елкасига туртиб, гўё ўз-ўзига гапираётгандек деди: «Келяпти».

Чэтан қизиқсиниб ўша томонга қаради: кўчада ўрта бўйли, тўлагина, буғдой ранг бир қиз келарди; эгнида уйда кийиладиган кул ранг матодан тикилган кўйлак. Қиз ҳеч қаёққа қарамасдан борарди. Қўлида тоштахта ва бир талай китоб бор эди. Қиз кўзларини ердан узмасди.

Шу алфозда ёнларидан жимгина ўтиб кетди.

Кўзбойлағич томошасини тугатди. У тақсимча тутган қўлини йиғилганлар устидан пул учун Чэтанга узатди. Чэтан оғир бир хўрсиниб нари кетди ва бориб извошнинг орқа ўриндиғига ўтирди.

Кўчада туриб қолган Мулкрож сўради: «Хўш, қалай?»

Чэтан фақат совуққина жилмайиб қўя қолди.

Мулкрож:

— Ахир айтган эдим-ку, тўй...— деган эди, Чэтан унинг сўзини бўлди:

— Шу бақалоқ қизгами? Икки дунёда ҳам уйлашмайман!

3

Шу йили Чэтан маҳаллий коллежнинг санъат бакалаври даражасига имтиҳон топширганди. Шундан кейин онаси уни уйлантириш пайига тушиб қолди. Отаси ўз корнини ўзи зўрға тўйдириб юргани сабабли онаси ўглини маълумотли қилиш учун турли йўллар излашга мажбур эди. Бироқ уни Лоҳурга юборишга қурби етмасди. Башарти ўғли яхшигина маълумот олган экан, онасининг назарида унинг эндиги вазифаси хизматга кириб олиш ва имкони борича тезроқ оила қуриб, қарилликдан истеъфога чиқиш тараддудига тушиб қолган отасига мададкор бўлиб, мункиллаб қолган онасини ҳеч тугамайдиган уй юмушларидан қутқариш деб ҳисобларди:

Аммо Чэтан олган маълумоти билан чекланиб қолмоқчи эмасди. Аксинча, энди худди зиндои азобига дуч келадигандек ҳис қиласарди ўзини. Имтиҳонлар тугашига бир йеча кун қолганида уни ўзи ўқиган коллежда ишлашга таклиф қилишган бўлса-да, у агар санъат бақалаври даражасини ололса, нима қилиб бўлса ҳамки, Лоҳурга боришга ва у ерда ё санъат магистри, ёки хуқуқ бакалаври бўлишга аҳд қилиб қўйган эди.

У Лоҳурда ўқиб келган маҳалладош ўртоқлари билан учрашиб қолгудек бўлса, назарида мактаб ўқувчи-сидек ҳис қиласарди ўзини. Улар инглиз тилида ҳар хил ижтимоий, диний, сиёсий мавзуларда қийналмасдан ганира олишарди. Чэтан бўлса битта инглиэча жумлани ҳам тўғри айтольмасди. Шунинг учун у доим Лоҳурга қочиб кетиши иштиёқи билан ёнарди.

Худди шу кунлари уларнинг уйида Бастидан келган бир кекса жаноб пайдо бўлди, у ҳассага ва бошқа бир одамининг елкасига таянган ҳолда ўзининг шол гавдасини зўрға судраб юрарди. Шу пайтда Чэтан меҳмонхонанинг ёнидаги хонада ҳикоялар китобининг тепасида мук тушиб, азоб чекиб ўтиради. «Азоб чекиши»нинг бонси шу эдики, у ўқишидан кўра ёзишни кўпроқ хуш кўярди. Шунинг учун ҳам китобни фақат зарур бўлиб қолганидагина очарди.

Чолни олиб келган одам уй оидидаги очиқ майдончада тўхтаб Чэтанинг бувасини чақирди. Ҳозирги на овқатланиб бўлган буваси шу топда юқорида чилим чекиб, ҳузур қилиб ўтиради. Қандайдир кишилар уни чақиришашётганини эшишиб, чилимини ҳам кўтариб меҳмонхонага тушди. Меҳмонлар билан қуюқ сўрашгач, уларни ўтқазди ва ўзи ҳам ўтиради. Меҳмонларнинг биринчи сўзларидан бувасининг севинчдан чеҳраси ёриншиб кетгани ва узоқ субҳатнинг қулоғига чалингани айрим сўзларидан Чэтан уларнинг ташриф буориш сабабларини англади. Ҳозир буваси уни чақириб қолиб, бир оз чалғиши имкони туғилишига ишончи комил эди. Аммо у ўйлагандек бўлиб чиқмади. Чэтан ўзини мук тушиб китоб ўқиётгандек кўрсатиб узоқ кутди. Бироқ буваси уни чақирмади ҳам, келганлар билан узоқ маслаҳатлашганидан кейин, айтидаи, Чэтанинг онасидан ниманидир сўраш учун юқорига чиқиб кетди.

Чэтан илгарилари бундай ҳолларда меҳмонхонага ўзи кириб келарди-да, меҳмонларга уйланиш ҳақидаги

некрларини ўзи баён этарди. Ҳатто дўсти Аナンдин ча-
приб келиб, иккаласи биргаликда меҳмонларнинг қай-
иқбоп қизлари борлигини айтшиш, уларни айблаган
айтлари ҳам бўлган. Бироқ ўша куни ҳаммаси бошқача
улиб чиқди: яъни буваси ташқарига чиққанида ҳам у
тгиз ўзи хонада ўтираверди.

Кишининг раҳмини келтириб бўйин ва қўллари тин-
ай қалтираётган ҳўрматли қариянинг шол қиёфасига
араб туриб Чэтан уни эрмак қилишни хаёлига ҳам
елтиrolмади.

Меҳмоннинг товуши шундай майин, жиддий ва
юсиқ эдикни, кишида дарҳол ўзинга нисбатан катта ҳур-
мат уйғотарди. Чэтанда қўшни тор кўчада истиқомат
қиладиган дўсти Мулкрож Аナンдиниг ҳузурига югуриб
бориш иштиёқи ҳам туғилмади.

Орадан бир оз ўтгач, буваси келиб жанобга қан-
дайдир қофоз тутқазди. Чэтан буваси ойисидан «тўрт
маълумот»¹ни сўраб ёзиб келганини тушуниди.

Чол хайрлашиб ўриндан турди. Енидан ўтиб кета-
стив қалтираётган қўли билан Чэтанинг бошини силаб
деди:

— Уғлим, имтиҳонлар ҳам тугабди. Энди ўзиниги
кўп қийнайверма. Бир неча кун дам олиб куч тўпла.

У фақат шу гапларни айтди, холос. Кейин шоллик-
дан гавдасини зўр-базўр судраб зинапоялардан туша-
бошлади. У бошқалар каби Чэтанинг маълумотини
ҳам, маошини ҳам, энди бу ёғига нималар қилмоқчи
эканлигини ҳам сўрамади ва ўзи ҳақида ҳам ҳеч нарса
айтмади.

Чэтан чақирилмаган меҳмонлариниң иайдо бўлниш
сабабини ойиси ёки бувасидан сўраб билишини жуда-
жуда хоҳлади-ю, бироқ бу истагидан воз кечиб хонасида
ўтираверди.

Кечки овқат пайтида Чэтан хато қилмаганини анг-
лади. Чол бир вақтлар қурилишда хизмат қилиб, касал-
лиги туфайли истеъфога чиққан экан. Унга ҳамроҳ бў-
либ гишт пишириладиган иккита хумдоннинг эгаси
бўлмиш кичик укаси келган экан.

Чэтан тутақиб онасига деди:

¹ Ҳиндлар анъанаисидаги «тўрт маълумот» иуёвнинг отаси, она-
си, буваси ва ўзининг насл-насаби ҳақида маълумотидир. Агар
йигитнинг «тўрт маълумот» қизнинг «тўрт маълумот»га мос тушиб
қолса, унда улар браспа никоҳ ўқилиши мумкин эмас.

Вужуди тинимсиз қалтираб турадиган ҳурматли жаноб аллақандай эркалаш билан сўради:

— Хўш, ўғлим, тўйга сен қарши эмасмисан?

Чэтан ҳайрон қолгандек бўлиб «Қанақа тўй?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, бироқ ҳайрон қолишини ҳам, бирор нарса ҳақида сўрашни ҳам эплолмади.

У жим тураверди.

Чол деди:

— Ўғлим, биз сенга қизни кўрсатамиз. Мен ўзим эркин фикрли одамман. Умрбод бирга яшамоқчи бўлаётган қизингин кўрмасдан бўладими?

Чэтан жимгина ўтираверди. Унинг сўзамоллиги қаёққа гойиб бўлганини тушуниб бўлмасди.

Чол бир оз жим туриб яна гап бошлади:

— Эндиги гап фақат отангда қолди. Укам унинг ҳузурига келиб барча урф-одатлар бўйича розилигини слади. Хўш, ўзинг розимисан?

Четанинг оғзи қуриб, томогига бир нима тиқилгандек бўлди. Аммо охирги сўзлар уни тилга киритди. У тутила-тутила секингни:

— Биласизми... мен... мен... ўқишини давом эттирмоқчиман,— дейа олди.

— Ҳар қандай маълумотли ва ақлли йигит шунга интилади, ўғлим,— деб уни қувватлади чол.— Албатта, ўқишини давом эттири. Бунинг шимаси ёмон? Ҳеч ким бу истагингин тортиб олмайди. Икки йил деган нарса кўз очиб юмгунингча ўтиб кетади. Чанда эрининг йўлига тўғоноқ бўладиган қизлардан эмас. У соддадил, ақлли, тушунган қизлардан, ўқишингга ҳеч ким халақит бермайди. Бунинг устига ўзим ҳам қўлдан келганча сени қўллаб-қувватлаб турман.

Чэтан нима деб жавоб беришни ҳам билмасди. Чол хайр-хўшлашар экан, қўллари қалтиради. У билан бирга розилик ва шод-хурсандчилик белгиси сифатида буваси ҳам ўриндан турди.

Хижолатда қолган Чэтан бир неча дақиқа жойидан жилолмай жимгина ўтираверди. Шундан кейин барча ғазабини энди бамайлихотир чилим тортаётган буваснга жаратди. Чэтан диққат бўлиб ўзига-ўзи сўзлай бошлиди: «Мени тинч қўйинг, деб сизга неча марта айтгандим?! Сиз бўлсангиз мени қайта-қайта қийнайверасиз! Хўш, шега? Мен уйдан қочиб кетаман». Шундан кейин ер тенинб ўз хонасига қайтиб келди.

Пешинда онаси тушликка чақириб келганида у қаравотда шифтга тикилганича ётарди.

Онаси каравотнинг бир чеккасига келиб ўтирди ва өркалаб сўради:

«Хўш, бугун овқат емасликка аҳд қилдингми?»
Чэтан унга термилиб совуққина жавоб берди: «Қорим очгани йўқ.»

Бу айтилган сўзларнинг оҳангига онасига ҳамма нарсалии аён этди.

Меҳмонлар ҳақида у бир оғиз ҳам сўз айтгани йўқ.

Бир оздан сўнг Чётанинг қулогига шундай сўзлар чалинди:

— Бугун Жўвали Маҳрининг қизи келди.

Чётан жавоб бермади.

— Унинг қайнанаси ҳам Басти Газанда яшайди,— деб сўзини давом эттирди онаси.— Бечорагина... Ахир ҳали турмуш қурганига икки йил ҳам бўлгани йўқ-да. Ярим йил муқаддам ўғлини туқсан эди. Ҳар томонлама бахтли эди... Энди бўлса бева бўлиб ўтирибди... Унинг эрини яқинда қандайдир кичкина станцияга ўтказишган экан. У ерга боргач, бозгак касалига чалиниб қолибди. Ким ёрдам берарди? Қариндош-уруглари йироқда, хотини бўлса гўдагини ташлаб кетолмайди. Даволайдиган одам ҳам йўқ. Бизининг темир йўл докторларимиз буна-қанги кичкина станцияларга боришармиди?! Шундай қилиб бечора ёлғиз ўзи бир неча кун ётибди. Бу ердагилар бўлса у барча дардлардан халос бўлгандаи кейингина ҳамма гапдан воқиф бўлишибди.

Чётанинг газаби изсан сўниб кетди. У Жўвали қизининг бошинга тушган даҳшатли мусибатдан ғам-ғуссага ботган эди. Онасидан сўради:

— Биро ҳақида гатирияпсизми?

Онаси жавоб берди:

— Ҳа, ҳа, ўша ҳақида. Уларнинг уйи нақ унинг торкӯчаси ёнида.

— Қимишиг?

— Пандит Диңбандҳүннинг-да.

— Диңбандҳүннинг ким бўлди?

— Ҳалиги, бугун Бастидан келди-ку, ўша-да,— онаси маънодор қилиб жилмайди,— сени деб келгап... Мен бўлсан Биро билан сенинг қайлиғиниг тўғрисида ҳам гаплашиб олдим. У менга: «Холажон, у шундай мулозаматли, қувноқ қизки, ушақаси етти иқлимда ҳам

топилмайди. Товуши ҳам бирар майин, бирар майинки. У билан бир-икки оғиз гаплашсангиз бас, қантдек эриб кетасиз...» деди.

Чэтан жим турарди.

— Бориб уни кўриб келсанг нима қилибди? Ёқмаса уйланмайсан қўясан.

Онаси шу гапларни айтгач, жим бўлиб қолди. Чэтан бўлса хаёлап Бастидаги чиройли қизнинг суратини чиза бошлади.

Бир оздан кейин онаси яна овқатга чақирган эди, индамай ўрнидан турди.

Онасининг Биро билан учрашгандан сўнг тинмай келинини мақтайверишдан. Чэтан ич-ичидан қувоншоб юрди. Сўнгги куплардаги воқеаларнинг тасвири унинг ҳаёлида худди киню лентаси каби ўтиб турарди. У бошигини эгганича одимлаб бораркан, ўша куплар ҳақида ўйларди. Чэтан извошли билан қандай ҳисоб-китоб қилганини, узун, тор ва одамлар тиқилиб кетгани кўчадан узоқ масофа юриб қўйганини эслай олмасди. У бошини кўтариб Атари чорраҳасида турганини кўрди. Кечки қўёшнинг сўнгги табассуми баланд оқ уйларнинг томларини тилла рангга бўяган пайтда Чэтан ўзининг тор кўчасига аста бурилаётган эди.

4

Чэтан уйга кириб:

— Бастидаги соҳибжамолингизни кўриб келдим! Агар менга битта эмас, тўла-тўқис еттита умр берилганди ҳам барибир унга уйланмаган бўлардим! — деганида онаси ошхонада ўтириб кечки овқатга ушнаётган эди.

Онаси нон ясаётган эди. У ишини тўхтатиб сўради:

— Сен уни қаерда кўра қолдинг?

— Бастида-да, қаерда бўларди! — деб жавоб берди Чэтан.

Онаси ишини йигиншириб йўлакка чиқди. Чэтан 1апида давом этарди:

— У менга ҳечам ёқмади — қадди-қомати ҳам, киними ҳам, ҳеч қаери ёқмади. Соchlари тўзиб кетгани,

ўзи исқирт, уст-боши қишлоқча... Мен шундай қизга уй-ланишм керакми? Наҳотки у менниг ўқишининг ёрдам бера олса?

— Бундан чиқди, у жуда ҳам ёқимсиз экан-да? Биро айтган эди-ку...

Чэтан дудуқлана бошлади: «Биро айтдики... Биро айтдики... Ҳе, ўша Биронигизни...»

Бироқ онаси унинг гапини бўлди:

— Содда қизлар яхши бўлади, ўғлим. Минг турланадиган сатанглар бўлса-чи — бошингга битган бало... Мана мен битта ўшанақасини деб элдан бурун адон тамом бўлдим. Акангнинг хотинини қарагни. Аканг бўлса карта билан шахматдан қўли бўшамайди, у-чи, — олифталигу, безакларга зеб берганни берган, мен шўрлик уларнинг оқсочига айланаб қолганман, уззукун уй юмушлари билан ўралашиб ётаман. Хўш, қўлидан иш келмайдиган қизини нима қиласман?..

Чэтан чиқиб кетмоқчи эди, онаси уни тўхтатиб: «Сен уларга хат ёзиб юбор», — деди.

— Хат? — ҳайрон бўлиб такрор сўради Чэтан.

— Ҳа, бўлмаса у бечоралар, эҳтимол, отангнинг ҳузырига келмоқчиidlар. Яхинси уларга ёзиб юбор.

— Нима деб ёзаман?

— Бирор гап ўйлагин. Масалан, ўқинши давом эттироқчиман, ҳозирча ўйланмоқчи эмасман, деб ёза қол. Ишқилиб, бирор ишонарлироқ баҳона топгин-да.

Шу гапларни айтиб у аввалги жойига келиб ўтирдида, яна хамириига ёпишди.

Чэтан ўз хонасига тушди-да, кийинши ўзгартириб, дўстлари билан валақлашиб келгани чиқиб кетди. Онаси ошхонадан туриб:

— Менга қара, кўп ҳаяллаб кетма, тезроқ кел. «Чол»ни учратиб қолсанг, тезроқ жўнатиб юбор. Овқатини еб олгаидан кейин билганини қилсин!

Чэтанининг онаси акаси Ромонандни «чол» деб чақиради. Уйининг шодлиги-ю, қайфуси уни тариқча қизиқтирмаади; шахсий қийинчилклари ҳам уни камдан-кам ташвишга соларди. Ҳеч нарса — отасининг дағдагасию

уришлари, опасининг нолишиню қарғишлари, хотинининг таъна-дашномларни кўз ёшлари унинг оромини бузомасди.

Ҳамма нарсадан бунчалик юз ўгириш, турган гап, ёшлиқда сийилган бедасоб калтақларнинг оқибати эди. Ҳатто савалашсанъатининг устаси фарангни пандит Шедиром ҳам бир неча марта нолиб: «Уришдан менинг қўлларим узилиб кетди-ю, бу тўнкага чивин чаққанчалик таъсир этмади»,-- деган эди. Уғлининг боқибекамлигидан ҳашвишланган отаси қуйидаги панжоб нақлини қайтаргани қайтарган эди:

Тентакининг бўйиню елкасига қанча ур,
Ақли кирмас, тураверар бўлиб сур.

Бўрон доим қутилмагандай бостириб келарди. Агар отаси ўғилларидан биронтасининг қўлида китоб кўриб қолгудек бўлса, аввалига шунчаки ҳазил йўснинда, уни эркалаб китобини қўлига оларди-да, бир неча бетини варақлаб чиқарди. Кейин томдан тараша тушгандай инглиз тилими, математиками ёки бўлмаса география ё тарихга оид (қўлидаги дарсликка қараб) биронгта савол берарди. Агар қайтарилган жавоб тўғри бўлса отаси ўглининг елкасига қоқар, кўтариб ўпар ва қувониб ўғлининг келажагига норлоқ истиқбол тиларди. Шундан кейин отаси қизиқиб кетиб кетма-кет қийнидан-қийни саволлар ёғдиради. Натижা калтаклаш билан тугарди.

Ёшлигига Чэтанинг бошида ҳам шундай калтаклар сингай эдикни, узоқ вақт бетоб бўлиб ётишга тўғри келарди. Бироқ, у кейинчалик отасининг ғазабидан қочиб қутулиш йўлини топди. Отаси уйда бўлган чоғлари Чётан йўлини қилиб ташқарига чиқиб кетишга уринарди. Ўкаси ҳали ёш бола бўлса-да, у ҳам шунга ўхшаш ҳийлаларни ўйлаб топарди.

Пандит жий уйга келганида иккала ёш ака-ука унинг кўзига кўринмасликининг усулларини ўйлаб қўйишарди. Айниқса, оталари дарсликининг бирон варагини улар қўлидагина эмас, балки уйининг бирон бурчагида ҳам кўрмаслигининг ҳаракатини қилишарди. Кўчадан оталарининг овози эшишилиши биланоқ улар китобларни яширишга тушишарди. Агар пандит жий пастда бўлса, улар дарсликларини юқорига олиб чиқиб кетишарди, борди-ю, оталари юқорига чиқса, болалар йўлини қилишиб меҳмонхонаага тушишарди-да, бирор дарслик-

ни кўриб қолишиша дарров беркитишарди. Оталари ётгу-
дек бўлса ўғиллари дарҳол жон-жаҳдлари билан унинг
оёқларини уқалашга тушишарди ва у тез орада ухлаб
қоларди. Ана шундагина ҳеч нарсадан қўрқмаса бў-
ларди.

Бироқ Чэтанинг ё романлар ўқийдиган, ё беиш
сандирақлаб юрадиган акаси бўлса негадир доим отаси
уйга келганда дарслик тепасига мук тушарди. Ромонанд
уйдан қочиб кетиш, отасининг кўзига кўринимаслик учун
ҳийла-найранглар ўйлаб топиш у ёқда турсин, аксийча,
доим пандит жий остона ҳатлаб кириши билан у албатта
уйда ўтириб оларди. Эҳтимол, у отаси беиш юрганини
созмасин деб шундай қиласа керак. Бундан ташқари
Ромонандда укаларининг эҳтиёткорлиги ва айёрлиги
йўқ эди. У топқири ҳам эмас эди ва дарров гап тўқиб
ташлашга уқувсиз эди. Шунинг учун Ромонандининг
фақат уйдагина эмас, кўча-кўйда ҳам азият чеккан вақт-
лари кўп бўлган.

Бир куни қандайдир тантана туфайли отаси (у би-
лан бирга Ромонанд ҳам бор эди) тҳонадор¹нинг зиё-
фатига жўнайди. Улар кўчадан эмас, темир йўлдан юриб
боришарди. Бирдан отасц семафорни кўрсатиб, ўғлидан
сўраб қолди: «Инглиз тилида анавини нима дейди?»

Ромонанд дарҳол жавоб берди: «Сингал».

Шу заҳотиёқ қулоқ-чаккасига тарсаки тушди: «Тен-
так, «сингал» эмас, «сигнал». Станция бошлигининг ўғли
бўла турнаб қашлоқиларга ўхшаб, сингал, сингал, деб
валдирайди-я».

Чичоки Малиян станциясининг рўпарасида ҳарбий
омбор жойлашган эди. Ўша пайтларда Ромонанд сак-
кизинчи, Чэтан олтинчи синфда ўқишарди. Бир куни
тушга яқин улар оталари билан омбор ёнидан ўтиб
кетишаётуб Чэтан акасидан сўраб қолди: «Ака, анави
барак нимади?»

Ромонанд инглизча ёзилган вивесканни ўқий бошла-
ди: «Чичоки Малиян милетри депот»².

У ҳали охиригача ўқиб бўлмасиданоқ кўзларидан
учқун чақиаб кетди. Отаси бақирди: «Саккизинчи синф-
да ўқийсан-ку, «депот» эмас, «депо» дейишиларини ҳа-
лиям билмайсан».

¹ Тҳонадор — полиция участкасининг бошлиги.

² Чичоки Малиян станциясининг ҳарбий омбори (ингл).

Пандит жий стрелкачидан стул сүраб олди-да, ака-сига дарслик көлтиришни буюрди. Чэтан йўлини қилиб чан бериб қолди. У ёги нима бўлганини қўяверасиз энди. Ромонанд ана шундай калтаклар остида мактабни туттади ва коллежга ўқишга кирди. Бу ерда унинг ишлари баттар юришмади. Инглиз тилидан заиф, санскритни бўлса кўргани кўзи йўқ эди. У ҳукумат хизматида ҳам, савдо-сотиқ идораларида ҳам, ҳатто қадимги арнйлар замонасида ҳам жошли тил ҳисобланмаган санскрит нега энди ҳозир ўргатилишини сира тушунмасди. Шундай қилиб бир куни, ёзги каникул яқинлашиб қолганда Ромонанд ўқишига тўланадиган уч ойлик пулни ҳамёнга уриб Деҳлига қочиб қолди. У ерда бир рассомнинг устахонасига шогирд бўлиб кирди. Баҳтга қарши Ромонандни пандит Шодиромнинг эски ошналаридан бирни учратиб қолиб, у уйнга қайтишига мажбур бўлди.


Ромонандни койишлар эмас, отасининг савашлари қўрқитарди, шунинг учун яна коллеж қатнай бошлади. Бироқ синфда ўтириб зерикарли лекцияларни тинглаш ўринига у коллеж боғидаги сершоҳ дараҳтнииг остига ўтириб олиб қизиқарли романларни ўқпиди. Китобларни у дўкондан вақтнчаликка олиб, эвазига кунинга иккайса¹ дан ҳақ тўлаб турарди.

Бу ишнинг оқибати ҳам кутилгандан ортиқ бўлиб чиқмади, яъни машгулотларнинг аҳён-аҳёнда бир қатнашувиҳиси имтиҳонларни топшира олмади. Авваллари ўз вақтида топширолмаган бўлса, кейинчалик анча вақтгача топширолмай юрди.

Ромонандни коллеждан ҳайдаб юборишганда у бирор ишнинг бошнин тутиб кетиш ҳақида ўйлаш ўрнига карта билан шахматга муккасидан кетди. Бунда қисман ўзининг ҳам, қисман отасининг ҳам айби бор эди. Ромонанднинг отаси у Деҳлига қочиб кетгандан кейин қайсар тялярни бурнидан ҳалқа ўтказиб қўлга ўргатишларидай ўғлини ҳам оёғига «тушов» солмоқчи бўлди: яъни пандит жий уни ўйлантириб қўйди.

Ромонанд коллежга қатнашдан қатъий бош тортган бўлса-да, келгуси йилда ҳам отаси уни хизматга жойлаштира олмади. Келинининг минфири-минфири пандит жийининг жонига теккач, у ўғлини олиб ўртоқларидан бири бўлмиш тафтиш идорасининг бошлиғи ҳузуринга

¹ Пайса — руциининг юздан бир улуси.



жўнади. Дўсти Ромонандни ишга олмоқчи бўлди, бироқ ойлиги югурдак болаларникичалик, яъни ойига ўтиз беш руния эди. Пандит жий донг қотиб қолди: «Бадбахт! Мен ҳар кунги ичишиминг ўзига ўттиз беш руниядан сарфлайман-ку!» Омади келмаган ўғлининг қўлилари тутганча идорадан отилиб чиқиб кетди.

Шундан кейин пандит жий ўғлини хизматга жойлаб қўйиш учун бир неча марта ҳаракат қилди ва хотинидан гоҳ Фирозпурга, гоҳ Лоҳурга, гоҳ Декхлига бориш учун пул олди. Бироқ Шекхон бозоридаги вино дўкопидан нарига ўтиб кетолмади.

Ромонанднинг ўзи бўлса, «бош қотирмаслик» йўлини танлаб олди. Натижада ҳаёти тўла изга тушмаган бўлса-да, бир талай бола-чақага ота бўлди. Хотини ёки онаси таъна-дашномлари билан безор қилиб юборишган чоғлари Ромонанд тиззасига тирсагини қўйиб, энгахини кафтларига босганча худди ўз хаёлига чўмганидек осто-нага ўтириб оларди. Бироқ зум ўтмай бош чайқаб ўринидан туради ва муздек ичимликлар билан савдо қилувчи сардор Найд Сингхининг ёки пахта ва йигирилган ил билан савдо қилувчи пандит Банорасий Досининг дўконига қараб йўл оларди. У ерга бориб ё картага, ё шахматга мук тушиб ётаверарди.

Ромонанднинг ишсиз юриши онасини кўп қийнарди. Бироқ, эҳтимол, уни илондек заҳар ва майдагап келини кўпроқ ташвишга солармиди?! Шундай қилиб, отасининг ўғлини ишга жойлаштириш учун уринишлари ичкилик дўконидан парига ўтмагач, онаси аллақаердан қарз-қавола қилиб Ромонандга кирхона очиб берди.

Воқеа бундай бўлгани эди. Ромонанднинг энг яқин дўсти Найд Сингхининг қиши кезлари савдоси уича юрини майдиган, аммо шахмат ўйини авжига чиқадиган дўконига бир куни Фирозпурдан ажойиб шахматчи кириб келди. Биринчи навбатда у округуда энг уста шахматчи хисобланган Ромонандни кетма-кет бир неча партия қолдиради.

Ўйин тамом бўлганида Ромонанд ҳақиқий шахматчи каби иотаниш кишининг ўйинларини кўкка кўтариб мақтади ва лимонад шишаининг қопқоғини очар экан, эрта суга яна келишини таклиф этди. Шунда ўша одам Жоландҳарга иш юзасидан келиб қолганини айтди. Дўкопга қараса шахмат доналари тикиб қўйилган экан, ўзини тутолмай қолибди, аслида эса бу ерга шахмат ўйинаш

учун эмас, иш қидириб келибди. Ромонанднинг янги танишган дўстига яна ҳам меҳри ошиб, у жойлашган вокзал олдидағи меҳмонхонанагача кузатиб борди. Ромонанд йўлдаги сұхбатдан жанобнинг оти Рожром эканини, унинг яқинигинагача ҳам шахсий кирхонаси бўлганини билib олди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Энг муҳими шуки — у таниқли шоир эди. Ҳукуматга қарши шеърлар ёзиб қамоқхонага тушиб қолгач, кирхонадан мосуво бўлибди. Шундай қилиб энди Фирозпурни ташлаб, яна кирхона очиш учун Жоландҳарга келибди. Аммо бу ишни амалга ошириш учун унга бирмунча маблаг сарфлай оладиган шерик керак эди.

Ромонанд ажойиб шахматчи ва таниқли шоирнинг бошига тушган кулфат учун фақатгина ҳамдард бўла олиши мумкин: негаки, унинг ҳамёнида бир пайса ҳам пули йўқ эди. Шундай бўлса ҳам, албатта бирор нарса ўйлаб кўришга сўз бериб, Рожромни юпатди.

Шу куни Чэтан уйнга қайтиб келганида идиш-товоқларни тозалаётган онасини ва унинг рӯпарасига чеканик тескари қўйиб ўтириб олиб ҳадеб янги дўстининг ўйнига усталигини мақтаётган акасини кўрди.

Чэтан шошиб тургани учун акасининг сўзларини охиригача эшитолмади. Бироқ бир неча кун ўтмай Ромонанд ҳаётида ажабланарли ҳол рўй берганини сезиб қолди. Энди у куининг кўп қисемини уйда ўтказиб, ҳатт қир ювишга ҳам қизиқсанар ва онасини кир ювиш кирхонасининг фойдали эканига ишонтиришни ҳамон қўймасди...

Бир куни Чэтан акасининг: «Вақтимни шахмат ва картага кеткизаётганим учум мен айборманим? Ахир менга ҳеч ким ҳеч қанақа ҳунар ўргатмаган-ку. Мен Деҳлига қочиб кетганимда қайтиб келишга мажбур қилмагиларида таниқли рассом бўлиб кетишим мумкин эди. Ҳозир ҳам агар кирхона очадиган бўлсам фақатгина ўзимни эмас, бутун опламизни боқишим мумкин», — деб турганини эштиб қолди.

Онаси, ниҳоят Ромонандга ҳам ақл кириб қолганига қувониб, фақат бир нарсани, ўлига пулини қаердан тўзиб берини ўйларди. Тез орада қулай бир вазият пайдо бўлиб қолди. Гап шундаки, пандит Шодиромда логеряга қизиқиши пайдо бўлган эди. У номаълум астрологдан лотерея билети сотиб олган эди, кутилмаганда уч ярим минг рупия ютуқ чиқиб қолди.

Бироқ бу пайтга келиб пандит жийнинг қарзи ҳам шунчага яқинлашиб қолган эди. Хотини эрига шунчалық ютуқ ато қылган худодан энди лотереядан унинг кўинглини совутиши илтижо қиласади. Чунки унинг фикрича пешанасига ёзилганинг ҳаммаси шу эди. Бироқ пандит Шодиром худонинг илтифоти ҳали тугамаган деб ҳисобларди. Хотинининг илтижосига жавобан у: «О, қодур худо, марҳаматингнинг чеки йўқ» — дерди ва қўшиб қўярди: «Нега энди худойим бир марта марҳамат кўрсатган одамига иккинчи марта марҳамат қилмас экан?» Шодиром қарзининг ярмини тўлади, астрологга тоза ҳиммат кўрсатди ва қолган пулга бўлса тагин лотерея билетлари харид қила бошлади. Унинг қарзлари тагин бир ярим мингдан уч ярим мингга чиққанидагина ишқибозлигини бас қилди.

Онаси ютуқقا чиққан пулдан бир амаллаб бир неча юз рупияни сақлаб қолишга муваффақ бўлган эди. У яна аллақаердан бир неча юз рупия қарз олди-да, ўша пулларга қўшиб кирхона очишга тахт қилиб қўйди. Ромонанд катта дабдаба билан Ҳошиярпурдаги извошчилар турадиган бекат яқинидан каттагина ер бўлагини ижарага олиб, кийим-бошларни ювиш учун дарё қирғоғидан жойни танлагач, «Ҳиндистон кир ювиш фабрикаси» очилганлиги ҳақида шаҳарга жар солдирди. Рекламани тузиб чиқинча ҳам кўп вақт кетганий йўқ: Ромонанднинг дўсти, таниқли шоир кирхонанинг афзалликларини шеърга солиб куйлади. Шоир жаноблари кирхонанинг тенг ҳуқуқли эгаларидан бўлиб қолгани ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Ромонанднинг ташабуси укасини ҳам ҳоли қўймади. Чэтан коллеж ётоқхонасидан ва бошқа мактаблардан «Ҳиндистон кир ювиш фабрикаси» учун кийим-бош топширишни ташкил этарди.

Ромонанднинг иши бир неча ой давомида яхши кетди. Кейин нима бўлганини Чэтан билмайди-ю аммо бирдан ҳар томондан беҳисоб шикоятлар ёғила бошлади. Бир мижоз топширган кийимларини ўч ҳафтагача ололмагач, кирхонага қидириб келиб кир юувучилар эгнида кўрганидан шикоят қиласади. Бошқаси бўлса синглисингор сорийсини сўраб келса, унга бироринини бериб юборишганидан нолирди. Шу кунларда Чэтан имтиҳонларга тайёргарлик кўради. Шундай бўлса ҳам шикоят ва айблашлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетиб,

Ҳамма томондаи илтимослар тушавергац, дарслекларини бир четга қўйиб, кирхонага жўнади. У срда акаси билан фирозпурлик шоир сершоҳ пипал дараҳтиниг ғоясида шахмат суриш билан овора эдилар. Ромонанд ёнди бир вақтлар Нанд Сингҳнинг дўконида ютқизиб қўйганларининг аламини оларди.

Чэтан акаси билан гаплашди, уни койиди, аммо бундан ҳеч гап чиқмади; вазият кундан-кун баттарлашаверди. Чэтан бир куни Ромонанд тўсатдан кирхонани ўз ҳолига ташлаб, сиёsat билан шуғулланишга аҳд қилганини эшишиб қолди.

Маълум бўлшишича, Ромонанд фирозиурлик дўстидан фақат савдо-сотиққа қизиқишни ўрганибгина қолмай, сиёсий соҳадан ҳам айрим маълумотларга эга бўлиб олибди. У ҳукумат конгрессчиларнинг раҳбарларини қамоққа тиқишиларини, шунинг учун кимки конгрессчиларнинг раҳбари бўлиб қолса, айниқса, ҳеч қандай қийинчиликсиз ўзини қамоқда қўришини яхши билиб олибди. Уйдаги ҳаёти уни жонидан тўйдирган эди: ҳар томондаи таъна-дашномлар ёғиларди. Отаси уришар, оиласи ва хотини мингирлашар, мижозлар ва кир юувчилар йўқотган нарсаларини ёки камчиликларни тўлашин талаб қилишарди. Бечорага қамоқхона камераси бамисоли ҳақиқий жаннатдек туюларди.

Шундай қилиб, Ромонанд бу сафар кирхона очишидагидан кўра кўпроқ шинжоат кўрсатиб жамиятга хизмат кўрсатишининг олижаноб йўлига тушиб олди. Конгресснинг маҳаллий ташкилотида суткалаб қолиб кетарди. Ромонанд ўзининг узун ва ориқцина гавдасига уйда тўқилган ширвоний¹ ва тор шим ҳамда гандича шапка кийиб юрарди. У худди бўталоқ каби бўйини чўзиб, у ёқдан бу ёққа юрар экан, уйидагиларга юқоридан назар ташларди.

Бир куни Чэтан конгрессчиларнинг митингларидан биринда қатнашиб, акасининг сиёсий фаолияти кирхонадаги нохуш воқеалии такрорлашдан парига ўтмаслигини айглади.

Ўша куни Ромонанд Четанга ҳукуматнинг матбуотга қарши бир неча репрессия чораларини кўриб қўйганини айтиб берди. Шунинг учун бутун мамлакат бўйлаб корозилик митинглари бўлиб ўтмоқда эди. У ҳам

¹ Ширвоний — эркакларининг ёқасиз узун камзуди.

катта нутқ сўзланадиган митинг ташкил этмоқчи бўлди. Уни шу митингдан ушлаб кетишлари турган гап эди. Акаси Чэтандан, албатта, нутқини эшишишга келишини таклиф этди. Ромонанд кетишга отланаётib шундай деди:

— Иложини топсанг, битта гулчамбар сотиб олиб бор.

Чэтан имом Насрииддин майдонига келганида митинг бошланган эди. У бир четга ўтиб турди. Раислик курси сида кирхона ишининг устаси фарангги, таниқли шоир савлат тўкиб ўтиради. Акаси бўлса газетадан конгрессчи бир арбобнинг нутқини ўқиш билан банд эди. Эҳтимол, у ўзининг катта нутқи деб шуни айтгандир. Чэтан акасининг қўл-оёқлари қалтираётганини сезди. Шундай қалтирардики ҳатто сўри ва унинг устига қўйилган стол ҳам нари бориб, бери келарди.

Шу пайт бир томондан халқ тумтарақай қоча бошлиди: «Полиция! Полиция!» деган бақириқлар эшишилди. Чэтан қўлларида гулчамбар тутганича, қўтарилиган ваҳимада яқин орада турган аравага чиқиб олди. Орадан бир оз ўтгач, у ўлгудек қўрқиб кетган ҳўкизини одамлар полиция деб гумон қилганларини тушууди. Уни 1915 тентак митингга ҳайдаб юборганини ким билади дейсиз? Қутуриб кетган ҳўкиз у ёқдан-бу ёққа зир югуварди. Ниҳоят, жонивор думини хода қилганича бошқа бир томонга қараб қочиб қолди. Одамлар тагин тўплана бошлашди. Чэтан аравадан тушиб ўртада турган сўри томонга силжий бошлади. Шунда у ерда на жаноб рансадан ва на ҳурматли потиқдан пом-нишон қолмаганини кўрди. Фақат сўрига чиқиб олган аллақандай одамлар шовқин-сурон қўтиришарди.

Чэтан уйнга келса, потиқ жаноблари аллақачон этиб келган ва шу топда бамайлихотир ҳурракни уриб ётган экан.

Шу билан Ромонанднинг сиёсатга қизиқшин тугали. Конгресснинг иши ҳақида энди у мутлақо бош қотирмай қўйди. Эртасига эрталабданоқ, ҳар галгидек, сардор Нанд Сипгҳнинг муздек ичимликлар дўконига шошиб жўнаворди.

6

Чэтан акасининг галати қилиқлари ҳақида бош қотириб мусиқа бозорига этиб келди. Бу ерда, ландит

Банорасий Доснинг дўкошида Ромонандни кўриб қолди.
У бир қашча бекорчилар билан карта ўйнарди.

Чэтани дўкониниг эшингига келиб жимгина тўхтади.
Акаси ўз карталарига бутун вужуди билан тикилиб,
рўпарасида ўтирган рақибиға бақирди:

— Қани, тезроқ ташла! Ёки умрбод карталаринигни
титкилаб ўтираверасамми?

Рақиби аллақандай сўниқ овоз билан жавоб берди:

— Етти!

Бошқаси деди:

— Саккиз!

Ромонанд маминнинг билан қичқирди:

— Уи бир!

Чэтани дўкон остонасида жимгина тураркан ўзича
ўйларди: «Бир нулга қиммат шу ўйинни деб вақтларини
бекорга қандай сарфлар эканлар-а?» Тўрт ўйинчи бўлса,
дунёдаги ҳамма нарсани унтиб карта ўйинига берилиб
кетишганди.

Чэтани дўкон эгаси пандит Банорасий Доснинг ҳасти
қаңдай кечеётгани ҳақида ўйлаб кетди. Банорасий Дос
соат саккизда туриб дўконини очарди. У дўконини нега
очаркан? Бу фақат, ўртоқларининг келаверишларига
ишора эди, холос. Улар келишгач, Банорасий Дос ҳеч
нарсанинг ташвишини чекмасдан кун бўйи карта ўйнар-
ди. Унинг бобоси туз ва ёғ билан савдо қиласиди: Банорасий
Дос бўлса бу серташвиш юмушдан қочиб, пахта ва
йигирилган ип билан савдо қилишини афзал кўрди. Арzon
молни ким ҳам бошқатдан тортиб ўтиради дейсиз?
Бир неча беншларни атрофинигга тўплаб олсанг бас, бе-
малол яшаш мумкини. Ўртоқлари келмаган кунлари Ба-
норасий Дос дўкошида бир нарсасини йўқотган одамдек
шумшайиб ўтиради, кейин эса ўзи уларни излаб кетар-
ди. Унинг бу аҳволида уйланниш ҳақида бош қотириш
қаёқда дейсиз. Шундай вақтлар ҳам бўлганки, ўзи нен
ёниб еган. Борди-ю, ҳеч нарса бўлмай қолса бир ёки
икки сер¹ сут билан қаноатланиб қўя қолган.

«Шу ҳам кун кечириш бўлдими?!» — бир зум Чэтанин-
нинг кўз ўигидан ўз орзулари лип-лип ўтди. «Бамисоли
қуртдек яшашади...» ўйлади у нафрат билан.

Чэтанининг хаёлини акасининг ранжиган овози бўлиб
юборди. Ўйинчилардан бири картани яшириб қўйган

¹ Сер — оғирлик ўлчови, таҳминан 900 граммга тенг.

әкан. Бироқ Ромонандни алдаш осон иш әмас әди. У қулочкашлаб туриб фирромчининг юзига бир туширди. У ҳам Ромонандга жавоб қайтарди. Муштлашиб бошлиниб кетди. Ҳали бирор ажратишга улгурмасданоқ тарозининг тоши ишга тушиб кетди. Чэтанинг ҳүши ўзига келганида жанжалкашларининг биттасини пандит Банорасий Дос, бошқасини эса Дургадас маҳкам ушлаб турганини кўрди.

Ана шундагина Чэтан Ромонандни қидириб келганини эслади. У акасининг ёнига борди-да, қўлидан тутиб уйига олиб кетди.

Ромонанднинг ёрилган бошідан қон оқарди. Буни кўрган онаси йиглаб юборди ва Чэтанга «теэроқ сув иситиб кел», деб бақирди. Ўзи бўлса дока олиб келиш учун югуриб кетди. Карта ва шахмат чемпионининг бошини онаси худди эмизикли боланикideк тиззаларига қўйиб жароҳатланган жойини ювди ва дока билан боғлади. Ана шундан кейингина таънали оҳангда сўради:

— Қаерда бу балога йўлиқа қолдинг?

Қандай воқеа рўй берганини Чэтан айтиб бера бошлади. Тўсатдан Ромонанднинг хотини Чампаватининг овози эшишилди. (Шу маҳалгача у гўё ҳеч нарсага парво қилмаётгандек, нимадир тикиб ўтиради.)

— Бу машмашалар қачон тугайди? Бас, етар! Мени ота-онамникига жўнатиб юборниглар! Эшиятисизми?

Шунда Ромонанд энг яхши йўл ўзини дардманид қилиб кўрсатиш эканлигини биллиб инграиди. Чэтан изиятдан жанжал иси келаётганини сезиб онасидан изатимос қилди: «Мен пастда овқатланаман». Шундан кейин тарелкасини олиб шошилиб жўнаб қолди. Чэтан овқатини еб бўлгач, Басти Газандаги пандитга хат синш учун ўтиради.

У тепадаги тўс-тўполоннинг қанчалик кучли бўлганини, у ердаги момақалдироқнинг нақадар қудратли гулдураганини билмасди. Фақат аҳён-аҳёнда Чампаватининг кескин овози ёпиқ тургай эшикнинг тирқишидан кириб, қутуриб кетган табиий оғфатнинг қудратидан дарак берниб турардй.

Чэтан сиёҳ ва ручкани тайёрлаб қўйган бўлса-да, сза олмасди. Унинг хаёллари бошқа нарса билан банд эди. «Бу машмаша яна узоқ давом этармикан?» — ўйлардид у. Шу пайтда кўчадан нотаниш кишининг: «Ромо-

шанд, ҳой Ромонанд!» деб чақиргани әшигилди. Күп ўтмай эшик тақиилади.

Чэтан эшикни очиб ориқкниа, бурни узуни, кичкиниагина бақбақали ўспиринни күрди. Унинг ранги оқини ёди. Эгнидаги чиройли костюми дарҳол кўага ташла-нарди.

- Ромонанд уйдами? — деб сўради у.
- Ҳа.
- Унга Ҳунар келди, деб айтниг.
- Ҳунар соҳибми?
- Ҳа.

Чэтан бир зумгина иотаниш йигитдан кўз узолмай қолди, кейин юқорига чопиб чиқиб, акасига Ҳунар келганини қувонч билан хабар қилди.

«Ҳунар!» Ромонанд иргиб ўринидан турди: у коллежда ўқиган ўртогининг келишини жанжалдан қутулиш учун худонинг марҳамати деб билиб, зинапоядан пастга қараб югорди.

Онаси кетидан бақириб қолди: «Лоақал овқатланиб олсанг-чи! Қаёққа кетяпсан?»

7

Чэтан бу новча ва ориқ йигитга маҳлиё бўлиб тикиларди. Ромонанд бу йигит ҳақида унга жуда кўн маротаба гапириб берган. Ажойиб истеъдол эгаси! Мана колледжа ўқиб юрган кезларни ёз ярқ этиб танитган шеърларидан парчалар:

Бу ширикликлар кўп қиммат,
Нархи экан осмонда.
Қандолатчиларга фақат
Тўрт ҳакам бор ҳамбода.

Еки:

Бхоралдан келди телеграмма,
Унга битилганди даҳшатли хабар:
Тун бўйи бетиним силкнибди ер,
Қўрқувдан ўлибди ҳўқиз, алҳазар.

Чэтан бундай сатрлардан кўпини өслаб қолган. Уларга қойил қолиб юради. Аммо бу шеърлар Ҳунар

соҳибга мутлақо тегишли бўлмай, таниқли юморист шопрники эканини у қаёқдан билсин.

Хунар Лоҳурда босилиб чиқадиган кундалик катта газеталардан бирининг редакциясида ишларди. Четаи эса қачон бўлса-да, адабиётчи бўлишига қатъий ишонарди. Шунинг учун у буюк устози рўпарасида тургандек хис қиларди ўзини. Хунар соҳибининг гап-воши, ташки қиёфаси, кийимлари — хуллас, бутун юриш-туриши Чэтанига одатдаги одамларнидан бошқачароқ туюлар эди.

Учаласи Эмпресс паркига йўл олишди. Йўл-йўлакай Хунар соҳиб Лоҳурдаги ҳаётининг қизиқарли томонлари — мушонралар, адабиётчилар, митинглар ҳақида гапириб борар экан, Четан унинг сўзларини бутун вужуди қулоқ бўлиб тингларди. У Хунардан кўзларини узолмасди. Унинг қиёфасидаги ҳар бир чизиқ Четанинг қалбига кўчиб, ҳар бир сўзи унга жо бўлиб қолаётгандай туюларди. Четаи Лоҳурда ҳаётининг серқирралигини ва барча қизиқарли томонларини кўз олдига келтириб, ўзининг ўралашиб қолган тор дунёси ҳақида ўйларкаи, хўрсениб қўйди. Унинг назарида ўқитувчилик нафрэти қуллигу, адабиётшунослик — озод ва ўз-ўзига хўжайинликдек туюлиб кетди.

Улар майса устига ўтиришди ва Хунар соҳиб тантанали оҳангда шеър ўқин кетди:

Инсонлар устидан ҳукрмон бўлган
Шафқатсан тақдирга биз буқмасдан тиз,
Борамиз саодат юртига икков,
Худо кимга эшик очар тез.

— Бу байтлар кўпинча ҳазил-ҳузул шеърлар ёзадиган таниқли шоир Ҳофиз қаламига мансуб. Бир куни биз ҳаммамиз Симладаги мушонрага таклиф қилингани эдик. Ҳофиз бу шеърин ўша ернинг ўзидаёқ ёзиб, ўқиб берди. Биз ҳаммамиз ҳайратда қолдик. Ӯшанда мен ҳам бир байт шеър битиб, шогирдларимдан бири — Зоҳирга кўрсатдим. Аммо тасодифаи сўзлаш навбати унга мендан олдин тегиб қолди. У шу икки сатр шеърин ўқиб берди. Шунда ҳамма ўриидан туриб кетди, ҳатто Ҳофиз соҳибининг чехрасида енгилгинча ўзгариш пайдо бўлди. Навбат унга келганда, у ўз шеърини ўқимай қўя қолди.

Четаи ўзини тутиб туролмади:

— Илтимос, ўша байтгигизни ўқиб берсангиз.

Хунар соҳиб бошини магрур тутиб, қироат билан ўқий кетди.

Йўлда дуч келгани тақдир ёвузлигидан
Енгиб марду мардона,
Олтин дарвозага етдик, қай биримиз-чун
Насиб бўлмиши кошона.

Чэтан суюниб кетди: «Кимга насиб бўлар экан?»
Кимга? Ҳайратга соладигани шунда!

Ўшандада у бу ажойиб байт бошқа бирорининг қаламига мансуб бўлиб, Хунар соҳибга эса латифани чиройли қилиб сўзлаб берганни учунгина раҳмат айтиш кераклигини Чэтан қаёқдан билсин?! Бироқ шу топда Чэтанинг қалбида Хунар соҳибга иисбатан тубсиз океандек пўртанали ишонч мавж уриб, ҳатто унинг оёқлари остига ўзини ташлашга ҳам тайёр туради.

Кейини Ҳунар соҳиб ўзиники деб бошқа таиниқсан урду шонрларининг газалларини ўқиб берди. Атрофдан ажралиб қолгани, тор дуниёда яшаб, маҳаллий қоллежда санъат бакалаври даражасини олган Чэтан буларчи қаёқдан билсин?

Кечқурун Ҳунар соҳибининг ҳузурига дўстлари йиғилишди. Ҳунар қайнагасининг унда меҳмон бўлиб турган эди. У бир-биридан дилрабо газалларни бирин-кетин ўқийверди. Шеърлар унинг тилидан бамисоли ёмғир пайтида жўш урган тог жилгасидек шариллаб келаверарди. Унинг мияси мисоли хилма-хил ва беҳисоб тўлқинлар мавж уриб турган шеърият уммони эди.

Баъзан Чэтанда шубҳа туғилиб қоларди: ҳали ёш Сўла туриб Ҳунар шунча газалларни қачон тўқиб чиқардилликин? Шунча газал тўқиган бўлса-ю, нега энди унинг биронта тўплами нашр этилмабди? Бироқ Ҳунар соҳиб ҳар бир мушонга ҳақида гапириб бергач, қонун-қондаенини келтириб, кетидан газал қўшиб кетини доим унинг шубҳаларини чипакка чиқараарди. Чэтан ундан усталив билан тўплам ҳақида сўраганида Ҳунар соҳиб иисофли нашриётчини топиш қийинилганини айтиб, умуман, тўплам нашр этишининг нима кераги бор, деган маъниода жавоб килди.

Ниҳояг, соат тунги бирга яқинлашиб қолганда Ҳунар соҳиб ўзининг яқинида ёзган ҳикоясини ўқий бошлайди. Ромонандии эсиоқ босди. Чэтан ичиде адабиётдин

ҳеч балоин түшүнмайдыган акасининг бөандишилиги. Дан койиниб, Ҳунарға ўзининг дастлабки тажрибала-йини сұлаб берди ва хижолат чекиб бир неча шөъриниң үқиди.

— Эх, агар сен Лоҳурда яшасанг эди! — деди Ҳунар сохиб Чөтәниң ҳаддан ташқари қувонтириб, — шу иштөйдөдинг билан тез орадаёқ танилиб кетган бўларднинг!

Ромонанд қаттиқроқ эснарди. Шунинг учун Чэтан ичидә Ҳунар сохибини ҳурматли устози деб атаб, нима бўлгаңдаям Лоҳурга албатта боришга аҳд қилиб, улар билан хайрлашди.

Ака-ука уйларига қайтиб келишгач, Чэтан дархол пандит Динбандҳуга хат ёзди. Хатда у Лоҳурга ке-тиши сабабли никоҳ «бўйинтуруғи»ни бўйнига илмасли-гини, ҳизмати юзасидаи катта шак-шубҳалар ва кутилмаган воқсалар содир бўлиши мумкинлигини маъ-лум қилган эди.

Шу туфайли у, яъни Чэтан ва энг муҳтарам пандит-нинг қизи бир-бирларига бекорга boglaniб қолаётганини ҳам айтди.

8

Эртасига Чэтан акасига ҳеч шарса демасдан Ҳунар сохибин вокзалгача кузатиб қўйди ва янги маънавий устозининг иродаси туфайли кечирган ички кечинмала-ришининг эвази сифатида беш рупия қоғоз пулни қурбон қилди. Гап шундаки, Ҳунар сохиб вокзалга келгандагина ҳамёни уйда қолиб кетганини билди. Ўйига қайтмоқчи бўлди. Бироқ Чэтан «лаҳорлик шонрнинг» ўзининг айтишича, кетиши жуда зарур бўлган поезддан арзимас беш рупияни деб қолиб кетишига йўл қўя олармиди?!

Чэтан уйига қайтиб келганида кўчадаюқ акасини «сийлашаётган» насиҳатомиз сўзларини эшилди. Демак, отаси уйда экан.

Оtasидан чўчиб туриш ҳиссига Чэтаниң ҳеч қачон тарк этмасди.

Пандит Шодиром «Ота-онаиниг койиши — ош билан ион» деган панжоб мақолини рад этиб бўлмайдиган ҳа-киқат деб ҳисобларди ва шунинг учун ўғилларига панди-насиҳат қилаётганида улардан «ош-ион»ни ҳеч аямасди.

Чэтэжүфтакнириб кет. Салласини ўрал юборди. Отаси бу овсалласини ўрашга ҳа. — Қаерда эдинг? Шодиром. У ўглига рўпарасида бамисоли беш-олти ёшлардаги бола тургандек қаради.

Четанинг томоги қақраб қолди. «Қулт-қулт!» ютинаркан, фақат шундай дея олди: «Дўстимни поездга кузатиб қўйдим».

Ромонанд Ҳунар соҳиб ҳақида гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Бироқ Четанинг кўзларидағи илтижони кўриб индамай қўя қолди.

— Яна қандай дўстингни кузатиб қўйдинг? — дея бақирди отаси.

— Лоҳурлик дўстимни,— полга тикилганча жавоб берди Чэтан.

Отаси дағал овоз билан (одатда унинг товуши тор кўчанинг бошланишига жойлашган дориворлар сотила-диган дўкондан ҳам эшитилиб турарди): «Унинг исми нима, билиб қўяй-чи?» деб сўраб улгурмасданоқ ташқаридан шовқин-сурон ва аёл кишининг қаттиқ йиглагани эшитилди.

Бу нотинч Жоландҳар районида шовқин-сурон ва бақириқ-чақириқлар одатдаги гап эди. Сув олишаётгандан қудуқнинг занжири ғижилларди; новдан ювишиётганда ҳам, нарниги томондаги харсанг тошларда кирювишаётганда ҳам ғовур-ғувур товушлари эшитилиб турарди.

Майдондаги уйларнинг устунига боғланган ҳўкизлар маърашади. Аравакашлар жанжаллашишади.

Миниб сайр қилишга ишқибоз болалар эса, ҳўкизларни қурсаб олиб бақиришади. У ёқдан таппи ёлишса, бу ёқдан ўғирлаб кетишади... Уй эгалари эса эшиклари олдига ахлат ташлаб кетган ўткинчиларни оғизларига көлганини қайтармасдан қарғашади. Агар бундай ҳодисалар содир бўлмаса, лоқал гапдан гап чиқиб жанжал ёки муштлашиш авж олиб кетиши мумкин.

Бу шовқин-суронлар одатдаги гап бўлса-да, унда кишини ўзиға жалб этувчи бирор нарса бўларди. Одамларо ишларини ташлаб, томоша қилгани югуришарди.

коллежга қараб асиға астагина иджагини кийиб,

исдан кўзгуни тушириб тиб, ўғлини чақирди. Чэтан май юқорига қараб югурди.

даға билан сўради пандит

— Қаерда эдинг? — дага билан сўради пандит

Мана ҳозир ҳам пандит Шодиром билан Ромонанд дераза ёнига югуришди, Чэтанинг онаси бўлса ошхонадан ташқарига тез мўралади.

Чэтан қўлай фурсат келганини дарҳол англади. У шундай ҳам коллеждан кеч қолишдан чўчиради. Шунинг учун у фурсатини бой бермай пастга югурди. Ҳатто салласини ўраб ҳам ўтирумади. Отасининг зарда билан:

— Мактабдан тўғри уйга кел! — деган овози эши-тилганда у тор қўчага чиқиб олган эди.

9

Чэтанинг отаси пандит Шодиром ташки кўринишидан салобатли, зуваласи пишиқ одам эди. Бўйи беш футу уч дюйм келарди. Унинг юзи думалоққина, сочи кирилган, мўйлови шу қадар узун эдикк, нақ қулогигача етарди. Овози бўлса дағал ва йўгон эди. Қўзлари спиртли ичимликни узлуксиз ичаверишидан қип-қизарис кетганди.

Чэтанинг буваси пандит Руплаъл бир вақтлар патвар¹ лавозимида ишлагди эди. Бувиси эса Шодиром уч ёшга тўлмасданоқ вафот этиб кетган, шунинг учун бола боқишининг барча қийинчилиги катта бувиси Гангадеянинг зиммасига тушганди. Ҳақиқий бараҳман аёл, катта буви Гангадея коҳинлик вазифаларини бажо келтиришни ҳар бир бараҳман ҳаётининг биринчи даражали қонуни деб биларди. Характери жиҳатидан у бирорвга бош эгмайдиган, шаддод аёл эди. Унинг кўп вақти дуохонлик ва урф-одатга риоя қилишга кетарди, қолганини эса уриш-жанжал билан ўтказарди. Набираси бўлса деярли қаровсиз катта бўлди.

Энди Чэтанинг буваси пандит Руплаълга қайтами? Эҳтимол, ўғлининг тарбияси билан у шугулланганди? Асло. У бутунлай қарамади. Руплаъл ҳафталаб ўз участкасида ва бутун округ бўйлаб айланиб юарди. Бунинг устига у ҳаддан ташқарин тақводор онасига кўр-кўрониң тақлид қиласиди. Агар хизматдан вақти ортиб қолгудек бўлса, ҳаммасини беҳисоб намозхонлик ва урф-одатларга бағишлаб ўтказарди. Пандит Руплаълининг Дурға

¹ Патвари — қадимин таисбчи ва хазирачи.

маъбудасига эътиқоди зўр бўлиб, ўзининг айтишига қараганда, худди мана шу парса унинг овозини ўта кескинлаштириб, жаҳлини бурниниг учидатурадиган қилиб қўйибди. Бу феъл-автор ундан пандит Шодиромга, кейин эса Четаи ва унинг ака-укаларига ўтибди. Шундай бўлсада, у очиқ кўнгил ва қувлик-шумлини билмайдиган одам эди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, онаси нимаини қилса пандит Руплаъл ҳаммасини рад этиб бўлмас қонун деб хисобларди. Шунинг учун Четанинг катта бувиси эс-хуши ўзида бўлган дақиқаларда бебош набирасини пансонига жойлаштиришини таклиф қилган эди, бу таклиф ҳеч қандай эътироозсиз амалга ошди.

Бироқ, очигини айтсанак, бошқа йўли ҳам йўқ эди-да. Отаси Шодиромни бир неча марта ўзи билан бирга йўлга олиб чиқиб кетганиди. Бироқ ўлимга маҳкум этилаган одам учун худо қандай бўлса, бошлиқ тобега шундай тал эди. Гоҳ округ бошлиғи, гоҳ молния инспектори, гоҳ ўлончи келиб қоларди. Ҳаммаларининг ҳам кўнглини олиш керак. Шундай чоғларда ўғли пандит Руплаълиниг хаёлига ҳам келмай қоларди. Унинг наридан-бери ювниб, салласини сиқадиган ва ўғлини котибга ташлаб, дарҳол қандайдир тошишириқни бажаришга югуриб кетадиган пайтлари ҳам тез-тез бўлиб туарарди. Ҳатто ўқиётгап намозини ёки сяётган овқатини тугатишга улгурмаган ҳоллари ҳам бўлган.

Шодиромнинг катта бувиси ҳам ўзининг тақво мухлисдорларини зиёрат қилиб келиш учун бораётниб, ун ола кетарди. Бироқ улар шунчалик кўп эдикц, ҳар биринкида узоқ қолиб кетаверишганидан Шодиром мактабга деярли бормай қўйди ва бир синфда уч йил ўтириб колди.

Бола қулоқсиз бўлиб ўсади. Кунларини у спорт майдончасида уриш чиқариш билан ўтказарди.

Пансонда Шодиромниг шўхлиги яна зўрайди. Катта бувиси зиёратдағ қайтиб келгач, набирасини тез-тез, бир-иккى ҳафтага уйга олиб кетиб қоларди. Шундай кунларда Шодиром пансонин баҳона қилиб боши оқсан томонга қуёни бўларди. Зора онла қуриб эс-хушини ишгиб олса, деб Шодиромни эрта уйлантириб қўйиншиди. Бироқ иш бошқача бўлиб чиқди. Тўйдан кейин кўп ўтмай Шодиром энг яқин дўсти Десрожнинг уйида биринчи марга вино мазасини татиб кўрди.

Воқеа мана бундай бўлди: аввалига иккала бола ҳам вино — деб ҳисоблашган эди. Десрожнинг отаси, йистеъфодаги судья ўринбосари еб-ичишини жуда яхши кўрарди. Турган гапки, очофат ва ичкиликбозларнинг ўғиллари ҳам отасига тортади.

Десрожнинг отаси Шекхон бозорига бормай, уйида ичарди. Болалар уининг ҳар куни оз-оздан шиша бўшатишни ва ундан кейин қувноқ ва эзма бўлиб қолишини кўриб юришарди. Десрожнинг отаси соглом ва бақувват одам эди. Уни касал ҳолида кўз олдинга келтириш ҳам мумкин эмасди. Табинийки, болалар шиша ичидаги нарса кучга куч қўшадиган суюқликдан бошқа нарса эмас, деган хуносага келишди. Сирли ичимликдан татиб кўриш иштиёқи уларда кундан-күни ошаверди. Ниҳоят, бир куни Десрож отасининг шишасини ўғирлаб чиқди. Иккаласи бир қултумдан ичишиб, винопининг аччиқ эканигина билишди. Ҳатто уни бошқа ичмасликка аҳд қилишди. Десрож шишани жойига қўйиб чиқди. Бироқ иккала ўртоқ гапни бир ерга қўйиб, эртасига танаффус вақтида уйга келишди-да, яна бир қултумдан ичишди.

Шодиромга ҳеч нарса биринчи марта «ўтли суюқлик»ни татиб кўрганидагидек зарар етказмади ёки уч йил азоб-уқубат чекканидан кейин, ниҳоят, Чэтанинг отаси имтиҳондан ўтди, яъни у жаноб судья ўринбосарининг марҳамати туфайли ҳақиқий ичкиликбоз бўлиб қолди.

10

Энди итоаткор ва ҳамма қийинчиликларга бардош берадиган, пандит ва пуроҳит¹ларининг чизган чизигидан бир қадам ҳам чиқмайдиган аёллар тоғифасига кирувчи Чэтанинг онаси ҳақида ҳикоя қилишимиз қолди. У эрини худонинг қаҳридан қўрққани учун ҳурмат қиларди, деб бўлмасди. Фақат ёшлигиданоқ уига эр, ҳатто кўр, қўлсиз, чўлоқ, ичкиликбоз ёки картабоз — хуллас ким бўлса-да, хотин учун энг олий зот бўлиб қолади, деб қулоғига қўйишган эди. Шунинг учун у итоаткорликни ҳаёт қонунининг а eosий шарти деб ҳисобларди.

¹ Пуроҳит — уй руҳонийси.

Унинг отаси пандит Шивром Мишра Ҳушёриур ибодатхонасида хизмат қиласарди. Унинг биринчи хотини, Ҷэтанинг онаси эндигина уч ёшдан ошганида қазо қиласди. Шивром Мишранинг қавми жуда кичик бўлиб, хотини-тўтишининг ҳам мазаси йўқ эди, шунинг учуп у ўзоқ вақтгача иккинчи марта уйланолмай юрди. Ниҳоят, хотини қазо қилгандан етти йил кейин отаси бир куни қизига қандайдир тўйга кетаётганини айтди, амакини бўлса унга совғалар олиб келишга ваъда берди. Улар қайтиб колишганда эса қиз извошда аллақандай аёл ўтирганини кўриб, ҳайрон қолди.

Шунда холаси унга: «Бу сенинг янги онаиг бўлади» деди.

Ложвати (Ҷэтанинг онасини шундай аташарди) ўз онаси ҳақида унча кўп нарса билмасди. Худди бир неча аср бурун тушида кўргандек унинг юзини элас-элас хотирларди. Мехр-муҳаббатдан маҳрум бўлган қиз онасиниг сиймосини қалбига жо қилиб олган эди. Онаси унинг назарида доим негадир деярли ҳеч нур тушмайдиган, қоп-қороғи ва заҳ ҳовлида ётгандек туюлаверарди. Онаси гўё эски, кир чойшаб ёпилган камбар каравотда ётарди. Унинг юзлари докадек оқарниб кетган, оғзи очиқ, қўзлари ҳорғин ва хира эди. У қалтираётган қўллари билан қизининг бошини силарди ва ҳароратдан қуруқшаб қолган лабларини қимирлатиб нимадир дерди, аммо нишмалигини қизи эслолмайди. Ложвати ҳар гал бирор нарсадан қийналганда, уни хафа қилишганда ёки унинг борлигини эсдан чиқарниб қўйиншганида шу манзарани хаслан кўз олдига келтиради. Шунда қиз аинча енгил тортарди.

Кейинги онаси билан деярли тенгдош эдилар. Янги она, эҳтимол, иккى ёш каттадир. Қишлоқ қизи сочларини турмаклашни ҳам, қўғирроқдек бўлиб кийинини ҳам билмасди. Уни Милан деб чақиришарди, аммо Ложвати қанча уринимасин, «она» ҳам, «желин» ҳам, «хоним» ҳам дейининга тили бормай, шунчаки номини атаб чақириларди.

Сиқилган, азоблаинган ва ота-она меҳридан маҳрум бўлган фарзанд ақли ё мутлақо ўтмаслашиб қолади, ёки кутилмаган даражада ўткирлашиб кетади. Ложвати ёшлигиданоқ жуда зеҳили қиз бўлиб, унинг кўп нарсаларга ақли етиб қолган ва аинчагина мулоҳазали бўлиб олган эди. Унинг дугоналари қўшини маҳалладаги

мəктабга қатнашар, унга эса ўқишга рухсат берншмас эди. Ўша пайтларда жуда озгина қизлар ўқишишарди, Ложватининг отаси бўлса, эски дунёқарашдаги одам бўлиб, шундай катта қизни кўчада ёлғиз юриши одобдан эмас, деб ҳисобларди. Бироқ Ложвати барибир йўлни тениди, дугоналари унга ўтган дарсларини дарслеклардан кўрсатишарди, у бўлса шундай бериллиб щуғуллашардики, ҳатто тутишган акаси Жагдишининг ҳамма китобларини ўқиб чиқди.

Жагдиш улар билан бирга туради. Боланинг ўқишлиарий жудаям кўнгилдагидек бўлмаса-да, бироқ мутолаани жуда севарди. Бир куни пандит Шивром қизининг қўлида Жагдишининг китобларидан бирини кўриб қолди. Шунда у уйни остин-устини қилпб қўлига тушган ҳамма китобларини тўплади-да, ёқиб юборди, болани отасиниң кига жўнатиб, Ложватига бақира кетди. Соддадил ва бегубор қиз бу китобларда қандай ёмон нарсалар борлагини билмаганича қолаверди.

Ложватининг ўқишдан воз кечишига тўғри келди, бироқ энди у тикувчилик ва каштачлилка бериллиб кетди. Буни ҳам унга дугоналари ўргатишди. Қиз жон-дилдан тенгдош ўғай онасининг кўнглидагини топишга ҳзракат қиласарди. Унинг соchlарини ўриб қўярди, кийинтиради, тикишини ўргатарди. Ложвати «онаси»нинг сёдамларга ёқишини истарди. Бироқ қизни ҳеч ким мақзамасди — на отаси, на она ўрнига она бўлган қиз. Отаси турқи-тароватидан баджаҳл одам бўлиб, ўғай онаси бўлса Ложватидан кўп нарса қарздор эканлигини тушинасади.

Бироқ Ложвати ўзини пандит Шодиромга турмушга чиқарганиларидан рози эди.

Ҳамма гап шундаки, ўша кезлари Амритсардаги амакини уйланган бўлиб, унинг уддабурон хотини ҳали уйга қадам босмасдан туриб дарҳол Ложватининг ўғай онасига ўз таъсирини ўтказа бошлади. Шунинг учун қиз шу зайлда кечирилган уч йиллик ҳаётдан сўнг кунларнинг бирида пандит Шодиром уни ота-она уйидан олиб чиқиб кетганида ҳам унчалик куйингани йўқ. Тўғри, жўнаб кетиш пайтида у кўз ёшларини тийиб туролмай беихтиёр йиғлаб юборди: бироқ бу ёш қиз боланинг кўнишиб қолган ўз уйидаги қувончлардан ажralиши йиғиси эмас, аксинча, унинг ҳаётида ҳеч қачон бундай қувончли дамлар бўлмаганидан йиғлагани эди.

Извошга ўтириш вақти келганда эса отаси жиддий қиёфада эркалаб унинг бошини силаган эди, Ложватининг кўз олдидаи яна қон-қоронги ҳовлида ётган бемон онасининг қиёфаси ярқ этиб ўтди, у кўз ёшларни яшириш мақсадида сориисининг учи билан юзини яшириб олди.

Пандит Шодиром уни олиб келган уй унинг шахсий уйи эмас эди. Четанинг онаси буни дарҳол англади, чунки қайнасанининг эски ва хароб бўлган уйи ҳақидаги аллақандай гап-сўзлар унга аввалроқ етиб борган. Ушандайдек у: ўша уй қандай бўлгандаям, яхшими, ёмонми, барибир жанинат ўринида кўришга аҳд қилиб қўйган эди. Шунинг учун у ҳатто энг ёмон бўлса-да, фақат ўзиники бўлса бас, боришга рози эди. Борди-ю, мабодо, вақти келиб ўз уйига қайтиб кетишга тўғри келадиган бўлса, яхшини бу ши ҳозирининг ўзида бўлгани маъқул эди.

Шундай бўлса-да, Ложвати юрганда тенадаи сувоқлар шувиллаб тўкиладиган эски уйининг остонасига қадам қўйгач, юраги бенхтиёр орзиниб кетди. Албатта, отасининг уйи ҳам жуда эски бўлиб, у ер ҳам қоронги ва заҳ эди, у ер ҳам ҳеч қачон шинам бўлмаган, бироқ нима бўлгандаям у уй эди, бу-чи...

Ховлига ахлат ва латта-путталар уйиб ташланган эди. Айрим жойларига кул тўкиб қўйилган, қарга ва калхатлар бу ерга олиб келган суюклар эса ҳовлининг юзи билан битта бўлиб сочилиб ётарди. Пешайвон деворининг у ер-бу еридан майда ғиштлар мўралаб турарди: афтидан, сувоқни ёмғир ювиб кетган бўлса керак. Ошхонанинг эшиги синиб кетганидан зулфинига илиб қўйилган бўлса-да, кесакининг орасида шундай тирқиши бор эдик, қўл суқилса бемалол билаккача сиғарди. Турган гап, ошхонага фақат сичқонларгина эмас, ҳатто мушук ҳам кира оларди. Эшикдан тез-тез бурқсигб чиқиб турадиган тутун деворни бутунлай қорайтириб юборган. Чап томонда ўт тушган пешайвон турарди: ҳамма ёқда босиб қолган том ускуналарининг парчалари, чала куйган ёғочлар сочилиб ётарди. Бу кўримсиз манзара эшик ва томсиз, тутундан қорайтириб кетган очиқ ошхонанинг кўринишини баттар даҳшатли қилиб юборганди. Тошдан

тикланган деворнинг кўп ерлари қулаб тушган. Хароба ичидаги қандайдир ярим яланғоч одам ўтириб олиб ўзи билан ўзи гаплашарди. У қўлларини букар, ҳавода одам шаклинни чизар, тишларини гижирлатиб, гўлдирарди: «Темир одам, ёғоч одам, йўқол!» деб тасаввуридаги шаршаларни ҳайдарди.

«Бу тентак — Чунни» — у эрининг овозини худди тушида эшитгандек бўлди. Шунда ғалати одамининг ишоҳи уларга тушиб, яна тишларини гижирлатди-да, ҳавода дарҳол иккита одамининг тасвирини чизиб, афтидан, темир ва ёғоч одам бўлса керак, уларни келганинг томонига улоқтиргандек, қўли билан кескин ҳаракат қилиди. Унинг кенг пешанаси, пучуқ бурни, лабларининг тириғидан кўриниб турган сўйлоқ тишлари, типна-тиқ сочлари, қоп-қора очиқ бадани — булар ҳаммаси Ложватини даҳшатга солди, у орқага тисарилди.

Эри девор олдинга бориб жиннини ҳайдаб юборди. Кейин қайтиб келиб очиқкўнгиллик билан, бу унинг амакиси эканлигини, ёниб кетган пешайвон ва томсиз ошхона уларнинг мулки бўлганини тушунтира бошлади. Шу билан бирга у жинниси тутган лайтда амакиси пешайвонни ёнириб юборганини ҳам айтиб берди. «Фақат билга мендан кўрқади,— деб мақтаниб қўйди у.— Бир кунн бу сардай йўқол десам, менга ташланиб қолса бўладими. уни иккι марта боплаб туширнишга тўғри келди. Бувим бўлса ҳеч кимни шу тентакчалик яхши кўрмайди. Узоқ вақтгача хафа бўлиб юрди. Бироқ шундан кейин бундай воқеа ҳеч қачон содир бўлгани йўқ...»

Пандит Шодиром, афтидан мақтос кутиб бўлса керак, ёш қайлинига мағрур тикилди, бироқ Ложвати фақатгина оқариб кетди ва қаттиқ қўл куёвига қўркув аралаш қараб қўйди.

Шунда пандит Шодиром ранжиб елкаларини қисди ва атрофга аланглади. «Мен сенга бу уй эмас, фақат вайронда деб айтган эдим-ку». Шундай деб у хижолат чекиб кулимсиради.

Ложватининг оқариб кетган юзларida яна одатдаги қизиллик жилваланди: у ўзининг аҳдини эслади.

— Барибир менга жайнат ўрнига ўтади,— деди у ва дадиллик билан олдинга қадам босди.

У бошқа кийиниб олгач, ҳамма ахлат, кўмир, суюк ва чиқинидиларни ҳовлининг бир бурчагига тўплади ва чорпоя учун чоғроқ жой тозалади.

Ложвати кейин қандай яшади? Шунн айтни мумкини, унинг ҳаёти дастлабки кунларга қараганда тарикча ҳам ўзгарганий йўқ.

Ложвати эрининг қаттиқ қўллигидан полимасди: ёттиқод унга одамлар чекига тушадиган барча баҳтесизлик ва хафачиликлар аввалги яшаб ўтганиларининг гуноҳлари эвазига бўлади деб ўргатганди. Унинг ёлғизлигини баҳам кўрувчи яккаю ягона дугонаси катта бувисендан қолган қўл тегирмони эди. Эрталаб Ложвати ионунига тайёрлаб эрини тўйдиргач, уни хизматга кузатиб қўярди. Пандит Шодиром эшикни ташқаридан қулфлаб кетса-да, у тагин ичкаридан тамбани маҳкамлаб қўйиб, кейин равонига борарди ва эртанини кун учун ун янчарди. Тегирмон дастасини айлантираверишдан ўнг қўли чарчаса, чап қўли билан ишини давом эттирас, гоҳида эсанккала қўли билан ишлар ва доим ёшлигидан эснада қолгани дуони тақрорларди. Дуо ўқир экан, уни қандайдир қувончли ҳислар тобора кучлироқ қамрар, у уйда ёлғиз ўзи устидан қулфланиб ўтирганини, уйни ёмонлигини, ҳозирги куни ғамгину, келажакда яхшиликдан ишонча йўқлигини унтарди.

Унин янчидан бўлгач, Ложвати одатда ип йигиришига тушаркан назарида ёлғизлиги ва ғамгинлиги йигирилгани ип билан кетаётгандай туяларди.

Ҳар куни аҳвол шу эди. Пандит Шодиром истаган вақтида келарди. Янги турмуш қуришган кезлари Ложвати таом тайёрлаб унга қўл теккизмасдан эрини туни билан кутиб чиққан вақти кўп бўлган.

Кейин шундай бир воқеа рўй берди. Санкатчовтҳа¹ рўзаси бошланди. Ложвати доим рўза тутарди. Пандит Шодиром кечқурун уйига қайтиб келиб эшикни очганида хотини унга куни билан, рўза тутинини айтиб, кунижут ва шинни олиб келишини илтимос қилди. У Ганеш² худоси шарафига ўқиладиган дуони тугатиш учун газак тайёрлаб, шу билан рўзани тугатишни хоҳларди. Шу билан бирга Ложвати ундан лоақал шу куни кечқурун уйдан чиқиб кетмаслигини илтимос қилди.

¹ Санкатчовтҳа — ҳар ойнинг иккинчи ярмидан тўрт кун ўтганида (ой календари бўйича) ҳинидлар рўза тутишади. Ганеш худосига сигизиб, ибодат қилишади.

² Ганеш — доноплик худоси. Қулфат ҳамда тўснқларни даф қилувчи тангри спофатида улугланади.

Пандит Шодиром ҳаммаси у айтгандек бўлишига жотинин ишонтириди, имкони борича тезроқ қайтиб кевнига ваъда бериб, куижут олиб келиш учун жўнади. Ложвати унга овқат тайёрлаб ҳовлига чиқди ва ошхона ёнида ўтирганича кута бошлади. Аста-секин намозшом қоронгилиги чўка бошлади. Тун пардаси рўпарасидаги ҳатор уйлар, айниқса, қоп-қора бўлиб кўриниб кетди, ҳарғаларининг тўпланишга чақираётган қаф-қуғлари аллақачон тинди. Мусаффо осмонда биринчи юлдузлар мильтираш бошлади. Ложвати ўрнидан туриб лапма мой ўлдирилган чироқини ёқди, уни ошхонага олиб бориб, тенасига эгилганича пастак курсичага ўтириб яна эрпили кута бошлади.

Соат миллари аста-секин силжири, у бўлса ҳамон қотиб ўтираверарди. Кейин одамларни баҳтсизликдан халос этиб, улардан ғам-кулфатни тескари буриб юборган Ганеш шарафлига дуо ўқий бошлади:

— Сенга шон-шарафлар, Ганеш, шон-шарафлар, Ганеш, о, шон-шарафлар бўлсин, худойим Ганеш!

У дуосини кўп марта такрорлади-ю, аммо пандит жийдан ҳамон дарак йўқ эди. Қурбонлик қилиш вақтида етиб келади. Бироқ уйда тоза сув қолмаган экан. Ложвати қўшиниси Малавидан сув олиш учун қўрқувдан қалтираб остоная яқинлашди. У танбани четга суриб қўйиб айча вақтгача иккиланиб турди. Тўсатдан унинг салгина итаришидан эшик ланг очилиб кетди: пандит жийни кунни қулфламай кетган эди.

Маҳалланинг бошланишида тунги қоронгиликка кўчилиб, кўча фонари нурсиз мильтирарди. Ёнидан бир неча аёл ўтиб кетди. Ложвати уларни билмасди, шунинг учун чақиргиси келмади. Кейин қулоғига шундай сўзлар чалинди:

— Шодиромнинг хотинимисан, болагнам, нима бўлди, нега бу ерда турибсан?

Малави қаёқдандир қайтиб келарди. Ложвати ҳеч нарса дея олмади. Қўшиниси саволини такрорлагандагина бечора минг машақатлар билан қурбонлик учун сув кераклигини тушунирди.

Малави унинг илтимосини бажону дил бажарди ва пандит Шодиром Десрожнинг уйинда маст бўлиб ётганини айтди. Уни кутиш бефойда эди. Малави Ложватига сут ичишини таклиф этди. Ложвати шунақсанги хафа бўлиб кетган эдикни, шу заҳотиёқ хайрлашиб жўнаб қолди.

Шундай қилиб газак тайёрламасдан ойга қурбоиликни атади-да, иккى қултум сув ичиб рўзани тамомлади. Кейин ошхонага бориб вақтни ўтказиш мақсадида кулфатларни барбод этиб, баҳтсизликни олиб кетувчи Ганеш худосига сигниша бошлади.

— Сенга шон-шарафлар бўлсан, Ганеш шон-шарафлар бўлсан, Ганеш, о, шон-шарафлар бўлсан худоийм Ганеш!

Ложвати у ерда қанча вақт ўтириб дуо ўқиганини билмасди, бироқ унн секин-аста мудроқ босди. Ярим кечаларда эшик тақиллади — маст Шодиром келган эди.

Ложвати чўчиб тушди, сапчиб туриб эшик очинига югурди. Шодиром негадир кулиб юборди ва мастиликдан гандираклаб равонга ўтиб кетди. Равон қоп-қороғиги бўлиб, зах ва могор ҳиди аиқиб турарди. Хотин шамининг хира шуъласида эрининг ҳирс билан тўла дум-думалоқ кўзларини кўрди. Узоқ рўза тутиб, бедор ўтирган Ложватининг бутун вужуди қўрқув аралаш титраб кетди.

Эрталаб Ложвати эрига қўшинининг уйига қурбонлик учун сув сўраб чиққанини айтганида у хотинини роса дўппослади. Хўш, иега у эрини кутиб ўтирмабди?

Ложвати ўттиз йил мобайнида эри ва бувасидан шунга ўхшаш хўрликларни жуда кўп кўрган. Аксенга олиб ҳамма дуоларини ўқиб чиқишига ва ақл бовар қилмайдиган даражада кўп урф-одатларга риоя қилишига тўғри келди. Шундай бўлса-да, бошига тинимсиз таъна ва лаънатлар ёғилаверди; юрак ва тан азобларининг чеки йўқ эди. Булар ҳаммаси бувиси қазо қилгунича давом этаверди.

Бироқ шундан кейин ҳам турмуши яхшиланиб кегмади; эри ҳар куни ичиб, ошиқ ўйнарди. Мастилигида доим ютқизарди ва пулни иероф қилишининг ўнлаб ўйларини топарди. Уйига суюқёёқ аёлларни бошлаб келиб, уларниг ноз-фироқлари туфайли ёки ўзини-ўзи овунтириш мақсадида Ложватини бўрсиқининг боласидек савалаган кунлари кўп бўларди. У аввал темир йўлда оддий телеграфчи бўлиб ишлади, кейин станция бошлигининг ёрдамчиси, сўнгра эса станция бошлиғи лавозимиға кўтарилди. Мартабасининг ортиб бораётганига қарамасдан хотининг умрбод чиройли кийинм кийишига рухсат бермасди. Ложвати паришонхотирлик билан томга чиқиб қолгудек бўлса, у хотинини одобсиз-

ликда айблай бошларди. Агар юзлини хиёл очса, бўра-лаб сўкарди, тор кўчада учратиб қолса-чи, уйнга мол-дек судраб келарди. Шундай бўлса-да, Ложвати қаттиқ қўл эрини бошига кўтарар, барча мөҳр-муҳаббатини унга бағишларди. Унинг ишларига ривож ва бойлик ато этишини худодан илтижо қилмаган куни йўқ эди, ҳар йили Жоландҳардаги машҳур муниажжим Атмаромга эри учун жадвал буюрарди; эрининг узоқ умр кўриши учун Вишну¹ ҳақидаги афсоналарни ўқитиб, баҳшида этарди; узундан-узоқ рўзалар тутиб ўзини қийнарди. Ложвати яхши-ёмон кунларида ҳеч қачон эрига гап қайтармади, унинг изми билан ўн тўрт йил мобайнида ўз отасини кўрмади (отаси буни бир куни қизининг юзиға солган эди). Бегона кишиларгагина эмас, ҳатто ўз фарзандларига ҳам умр йўлдоши ҳақида ҳеч қачон ёмон гап айтмади.

11

Ўша куни Чэтанинг юраги безовта эди. У ўқувчиларга топшириқни бериб қўйиб, ўзи бир четга бориб ўтирди-да, уйланиш тўғрисидаги нохуш хаёлларга берилиб кетди. Агар отасининг ўртоқларидан бири набираси Қунтийни хотинликка берганида эди... У қизни бир куни ярмаркада кўриб қолган ва қалбида унга нисбатан муҳаббат алгангаланиб кетганди. У ҳеч қачон Қунтий билан гаплашмаган ва Анантини ҳисобга олмагандা, ҳеч кимга ўзининг пинҳона муҳаббатини бирон марта сездирмаган эди.

Чэтан шу икки-уч йил ичида тунги сайр пайтларидагина унинг уйи ёнидан жимгина ўтиб юарди, холос. Уз муҳаббатига эришиш учун у бошқа ҳеч нарса қилмаган эди. Эҳтимол, қиз унинг муҳаббатини англагандир, бироқ Чэтан буни билишга уринмади ҳам. Факат нигоҳлари тўқнашиб қолгандагина Қунтий ҳам Чэтан ҳақида ўйлаётганини сезарди.

Чэтан ўша куни сув қуйгандек сокни синифда ўтириб, узоқ ўйлагандан кейин, ниҳоят, агар отаси пандит Дин-бандхунинг қизига никоҳ қилинишини қистайверса, Қунтий тўғрисида унга айтишни аҳд қилиб қўйди: ахир у лўстининг набираси-ку!

¹ Вишну — табиат худоси.

У колледждан қайтаётганида йўл-йўлакай ўз аҳднини Аиантга айтиб ўтди. Чэтан уйга келса, эрталаб Десрож келган экан, отаси у билан чиқиб кетибди. Онаси отасининг қайтишини кутиб ўтиради.

Чэтан ичида отасининг ошиасини лаънатлади. У овқатланолмади — чунки онаси ҳам ҳали ионушта қилмаган экан. Чэтан амаллаб бир неча бурда нои саги, ўз хонасига тушди ва иш билан овумоқчи бўлди.

Икки-уч соат шеър ёзди ва кўнгиллагидек чиқавермагач, ҳикоя ёзишга киришди. Аммо бунда ҳам иши юришмади. У ҳар галгидек бастилик Чанда ва пириёнлик Кунитий ҳақидаги ўйларга берилди, отасининг баджахллигидан ғазаби қайнади, хокисор онасига раҳми келди. Шунинг учун ижодий азобларининг натижаси бўлиб бурдалаиган қофозлар қолди, холос.

Чэтан дафтар, ручка ва сиёҳини шкафга беркитиб, юқорига чиқиб кетди. Отасини беҳудага куни бўйи кутган онаси эндигина бир оз тамадди қилган, ҳозир эса идиштовоқларни юваётган эди. Тўсатдан кўчадан пандит Шодиромнинг бақироқ овози эшишилди: «Чэтан!» Чўчиб тушган қушлар ҳовлиниң бурчагидаги инларидан учиб кетишди, жиши болалари нолиганича чирқиллаб қолишиди. Онасининг қўлидан талинка тушниб кетди, икки бармоги билан дҳотини тиззаларига тортиб қўйди. Чэтан бугун Шекхон бозоридаги дўкончининг ҳамёни қаппайганини тушуниди...

Яна: «Чэтан!» деган ҳайқириқ эшишилди. Бу овоз қаттиқ мастиликдан титраб чиқса-да, бироқ ҳулди момагулдиракдек даҳшатли эди. Чэтан паастга қараб югурди, онаси бўлса сапчиб туриб чироқ ёқишига тутийди.

Онаси бундай пайтларда ўзини йўқотиб қўйиб, ҳеч нарсанни кўрмай қоларди. Ҳозир ҳам увалло уринса-да, гугуртни топодмасди. Ниҳоят, у ҳозиргина спичниклаб қидирган токчасидан гугуртни топиб чироқ ёқаётганида оғир қадам ташлаб пандит Шодиром юқорига кўтарилаарди. Ўнинг шалвари гижимланиб, қора тупроққа белангани, кўйлаги ёқавайрон бўлиб, кўксини қоплаган оқ жунлари кўрниш ётарди. Салласини қўлтиғига қисиб олган эди.

Пандит Шодиром мўйловини бураб хотининга тикилди.

— Хўш!..

У чироқни қўйиб қаддини ростлади.

— Уринни сол-чи!

Ложватининг қўрқувдан юраги уриб кетди. Умуман, пандит Шодиром уйдалик чоғида қўрқув унн бир дақиқа ҳам тарк этмасди. Эридан ҳар нарсанни кутини мўмкни эди: ҳозиргина кулиб турган бўлса, зум ўтмай тәрсаки тортиб юборниши ҳеч гап эмасди. Шунинг учун ҳэзир пандит Шодиром уидан мулоҳимлик билан ўрин солишини илтинос қилаётганида Ложвати энг даҳшатли ходисаларни қарши олишга тайёр эди.

Пандит Шодиром салласини боши остига қўйиб ётди. Чэтанинг онаси, инҳоят, чироқни ёқиб, десор а осиб қўйди. Шурида у хотини билан бир гаплашиб олини кераклигини айтди.

Хотини қўрқувдан қалтираб ўрин ёнига келиб ўтирганида пандит Шодиром деди:

— Пандит Венипрасод ва уннинг укаси пандит Динибандҳу Судан майдонида мени учратиб қолишди ва мен уларга розилик бериб келдим.

Ложвати тезгина жавоб берди:

— Жвали Махрининг қизи ўша қизни чиройли деган эди. Аммо негадир Чэтанига ёқмабди.

Пандит жий ўғлини чақирдди.

Чэтани юрак ютиб отасининг ҳузурига келаркан, гапининг пўскалласини тушунтириб қўя қолишга аҳд қилиб, эҳтимолдан холи бўлмаган савол ва жавобларни ичида ишиштарди.

— Бери кел-чи,— деди пандит жий.

Чэтани уннинг оёқ томонига келиб ўтирди.

— Сен қизни кўрдингми?

— Ҳа...

— Ҳўш, уннинг нимаси ёмон экан?

Обдан пухта тузилган рад этиш режаси барбод бўлди:

— Ҳаддан ташқари семиз экан...

У фақат шунигина тушунтира олди.

— Ҳўш, нима бўпти, ҳамма сенга ўхшаган ориқ бўлиши керакми?

Чэтан жим турарди.

— Эртага уларникига онанг билан бирга борасан.

Чэтани йиғламсираб рад этди:

— Боролмайман...

— Иўқ борасан!— бақирди пандит Шодиром.

Кейин босиқроқ овоз билан деди:

— Кўрятсанми, мен у ҳурматли одамларга сўз бердим. Иш ҳал бўлган.

Отаси бирдан Четанин багрига босиб кутилмаган эркалаш билан гап бошлади:

— Қара, ўғлим, мен сенга доим буйруқ берардим, бугун эса, мана, қара, илтимос қиласман...

Отаси яна ўғлини қучоқлаб ўпди ва хотинига юзланили:

— Мен уни жазолайман, бироқ ҳурмат ҳам қиласман.

Четан чайналиб «яхши» деди-да, пастга тушеб кетди. У арзимаган эътироездан бўрон қутуриб кетишини жуда яхши биларди.

Унинг кўкрагидан оғир хўрсиниш отилиб чиқди: бу — унинг аҳди, унинг бастилик қизга, уйланимаслиги хақидаги қасами, отаси билан кўрмоқчи бўлган, пухта ўйлаб қўйган сухбати... Қунтий... эди.

12

Бу воқеадан уч кун кейин, эрта тоңгда Четанинг қалин дўсти Анант уйқули кўзларини ишқаётганда онаси кириб келди ва Четан бериб юборганлигини айтиб унга хат узатди.

Анант базур кўрпа остидан чиқди, уни елкасига ташлаб олди-да, эшик ёнига келиб хатни очди ва тоңгни ўткир, салқин ёғдусига солиб, ўқий бошлади.

Хат бир неча варақдан иборат бўлиб, шошилинч ҳолда ёзилган йирик ва майда ёзувлар билан бўяб ташланган эди:

«Анант, мен Лоҳурга жўнаб кетялман. Бугун мени унаштиришди. Ўша Динбандҳунинг қизига. Мен Бастидан қайтиб келиб «йўқ, дейнишимдан бир кун бурун ойим туш кўрибди. Унинг тушига гўзал, бамисоли Лакшми¹ маъбудасининг ўзидек, чиройли кийинган, қимматбаҳо тақинчоқлар тақсан қиз кирибди. Қиз онамга ҳурмат билан таъзим қилиш учун рўпарасидан келаверибди-ю, тўсатдан кутилмаганда бошқа ёққа бурилиб кетибди. Энди снам бу ёғига чўчимаса ҳам бўлаверади, аммо менинг ор-

¹ Лакшми — ҳиндларда бахт ва гўзаллик худоси.

зуларим-чи... Мен туши билан мижжа қоқмай чиқдим. Бу ерда бўғилиб кетяпман. Қалбимни бўлса Қунтий эгаллаб олган. У ҳақда мудом ўйлайман. Отам Шекҳон бозоридан келганида унга ҳамма гапни тушунтиришга уриниб кўрдим, аммо ҳаммасини охиригача айтишга журъат қилолмадим. Ӯшанда иккаламиз учрашиб мен уйга қайтганимда кечқурун отам келди. Аксига олиб ўша куни пандит Динбанду ва унинг акаси отам билан бирга экан. Отам уларга сўз берибди ва бир рупиясини олибди. Шундай қилиб сагун¹ ҳам берилди. У доим сўзининг устидан чиқади, айниқса, бегона кишиларга сўз берганда. Нима бўлгандаям фотиҳа ўқилди. Номаъқул ишмана шундай рўй берди, мен бир марта кўргаи қизни яна бир кўриш учун кетяпман. Қолган гапларни кейин билиб оларсан...»

У ерда нималар бўлганини Чэтан ўз хатида ёзмаган бўлса-да, биз ҳикоя қилиб берамиз.

Ўша куни кечқурун пандит Шодиром эртага онаси билан бирга бориб қизни кўриб келишини буюрганида, Чэтан эрталабгача винонинг таъсири йўқолиб, отасининг эс-хуши жойига келишини ва унга барча гапни очиқ айтиб, уни ишонтириш мумкинилигини, борди-ю, имкони туғилса, у билан Қунтий ҳақида гаплашиб олишини аҳд қилиб қўйди.

Бироқ отаси кечқурун бурнидаи чиққунча ичиб келгани учун эртасига ҳам кайфи тарқалмади, онаси бўлса олтингугуртда қовирилган мағнэ, хурмо, бодом, майиз, шунингдек қизил тиш чўткаси, хина ва тумор солинган сифир тугунни аллақачон тайёрлаб қўйган эди. Қизил банорас сорий, худди шу рангдаги кофта, иоски ва рўмолларни эса ундан ҳам олдинроқ тахлаб қўйганди. Буларнииг орасида қачонлардир иккита тилла узукка алмашиб олинган гавҳар соч тўғноғичи ярақлаб турарди, шу билан бирга мевалар ҳамда новвот ҳам эсади чиқмаганди. Шундай қилиб, йўлга чиқиши мумкин эди.

Отаси пешинга яқин ўрнидан турганида онаси унинг кўлига сув қуяркан ҳамма нарса таҳт қилиб қўйилганини айтди. Шодиром Чэтанин чақириб тушликдан кейин дарҳол онаси билан Бастига жўнашини ва у ерда унинг мактабдош дўстин Нандалаъл билан учрашиб, қиз кўриши-

¹ Сагун — фотиҳа ўқилиш пайтида келин томон берадигац пул.

га боришини тайинлади. Агар қизининг ота-онаси тўй қачон бўлишини сўраб қолгудек бўлса, икки йилдан кейин бўлади деңглар, деб уқтириди. Отаси шундай йўл-йўриқ кўрсатгач, Десрожининг уйида овқатланишини айтиб, салласини қўлтиқлаганича шошилиб пастга тушиб кетди.

«Ория самож¹» тарафдори — ўқитувчи Нандалаъл Чэтан ўқнгани мактабда олтинчи сипифга дарс берарди. Учрашувни унинг уйида ташкил этишиди. Ўқитувчининг қизи Чётаннинг онасини ҳовлига бошлаб кирди. Чётан эса қачон уни чақиришларини ва ниҳоят елкасидан бу тоб ағдарилишини кутиб ташқарида қолди. Унинг юраги борган сари кучлироқ уради. Бироқ шунда уни жаноб ўқитувчи чақириб қолди.

Чётан ички ҳовлининг тор эшикларидаи тиқилиб ўтгунича томоги қақраб кетди. Ичкари кириб, тўғрида сорийсининг учини юзигача тушириб ўтиргани онасини кўрди. Унинг ёнида жаноб ўқитувчининг хотини гердаёнб ўтиради. Ислоҳчининг хотини бўлгани учуми, ёки гўзаллигини кўз-кўз қилиш учуми, негадир унинг юзи сениқ эди. Чётан онасининг ўнг томонида, бўйрада худди ўша семиз қиз ўтирганини сезиб қолди. У зимдан ўз қуёвига қараб-қараб қўярди. Чётан ҳам унга қараркан, кўзларини худди туман қоплаб олгандек бўлди. Унинг ингоҳи омонат баҳт тахтига эпчилик билан чиқиб олган қайлиғидан сирпаниб ўтиб, ёнида ўтирган бошқа қизга келиб тўхтади. Бир зумда туман тарқалиб кетди. Чётанинг юраги яна ҳам кучлироқ уриб кетди. У бу қизни илгари, бўлажак қайлигини кўриб кетиш учун Бастига келганида кўрганини эслади. Ҳа, бу ўша эди. Чётан қизининг ярим ёпиқ юзига, ёпиб турган гавҳар зирағи ва чиройли, чақмоқ кўзларига ҳайкалдек тикилиб қолди.

Ҳаммаси бир лаҳза ичидаги бўлиб ўтди: жаноб ўқитувчи хотинига Чётанини таништириди, Чётан бўлса ташналил қийиштаётганини айтди чоғи, аммо сувини иҷдими, ичмадими...

Бу ўша, Чётан хатида ўртогига «кейин» айтишини вазда қилган гаплар эди. Хатининг давоми қўйидагича эди:

«Ҳозир Лоҳурга кетяпман. Кейин қаёққа бораман, бу ёғига нима қиласман — мутлақо номаълум. Лоҳурда-

¹ Ория самож — 1875 йилда диний ислоҳотлар ўтказиш мақсадида тузилган жамият.

ги «Дешсевак»нинг муҳаррири пандит Дионатҳ «Ҳинду сабҳа¹шинг маҳаллий бўлимига келгани эди. Мен унга ўзимнинг адабий режаларим ҳақида шама қилиб қўйдим ва ҳозирги хизматимдан кўнглим тўлмаётганини айтдим. У ҳам алланарсаларни ваъда қилди. «Ҳозирча мен билан Лоҳурга боравер, у ерда бирор нарса ўйлаб топармиз» деб жавоб берди.

Кундалик газетада таржимонлик ишлари кўп экан, бироқ мен бу ишни яхши билмайман. Шунга қарамасдан пандит менин руҳлантириб юборди: агар қунт билан ишлагудек бўлсан яхши таржимон бўлишим мумкин эмиш. Умуман, ишнинг моҳиятини тушуниб олишим керак эди. Ҳозирча ҳар ҳафтанинг якшанба сонига ҳикоя ёзиб туришим керак бўлади. Пандит Дионатҳ маошним ҳақида кўп бош қотиряпти. Мен ишни пухта ўрганиб олган тақдирда ҳам унча катта бўлмаган миқдорда маош оламан-да. Бунинг устига Ҳунар соҳиб ҳам ўша ерда яшайди-ку...

Сенинг Чэтанинг».

Орадан тўрт ой ўтгач, бир куни Анант Жоландҷар вокзалида Қапуртҳалага борадиган поездни кутиб турарди. Кутимагандага Лоҳурдан уйнга келаётгани Чэтанин учратиб қолди. У вагондан тушнаб шаҳарга чиқиб кетиладиган эшикка қараб юрмоқчи бўлганида тўсатдан Анантни кўриб қолди. Ҳали поездга паровоз уланмаган эди, шунинг учун иkkala дўст перронда бироз айланниб юришди.

— Лоҳурга кетганингдан буён сендан бир энлик ҳам хат олмадим,— гап бошлади Анант.— Бу нима десган гап ахир?

Чэтан Лоҳурга бирга кетган журналисти ўтакетгани фирибгар чиқиб қолганини гапириб берди. У Чэтанин энг арzon нарҳдаги меҳмонхонага жойлаб қўйибди, кунига бир ярим пао² сут бериб турниши сутчига тайнилаб, соч-соқолнини олиб турниш учун сартарош, кир-чирларини ювиб турниши кирчи билан келишиб қўйганига

¹ Ҳинду сабҳа — Пашжобининг диний ислоҳотлар ўтказиш ташкилотларидаи бири.

² Пао — оғирлик ўлчови. Ҳиндистонининг ҳар ерида ҳар хил — 150 граммдан 250 граммгача қабул қилинган.

ишионтирибди. Кейин у барча ҳисоб-китобни ўзи қилинини айтибди ва бу чиқимларни ҳисобга олган ҳолда газетада йигирма икки рупиялик маош билан таржимонлик қилишин таклиф этибди.

Анант қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди ва сўради:

— Хўш, у ҳисоб-китоб қўлдими?

— Худодан қўрқсанг-чи! — деди Чэтан.— Мен ҳамма иш ҳал бўлди, ишга жойлашдим деб ўйладим. Ишнинг юришиб кетиши фақат менга боғлиқ эди. Шунинг учун мени Лоҳурга ҳатто велосипедим ва айрим нарсаларимни олдириб келдим. Буни қарангки, ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Ниҳоят, орадан иккى ой ўтгач, мен бу иблиснинг панжасидан қутулиб чиққанинда меҳмонхона эгаси гаров сифатида велосипедимни олиб қолди. Сутчига ҳам, сартарошга ҳам, кирчига ҳам ҳеч ким тўламади. Хўжа йишига янги хизмат жойнайдаги бир ойлик маошимни беришга тўғри келди. Велосипедимни зўрга қайтариб олдим.

Анант яна хахолаб юборди. Кейин Чэтан уига редакцияда ишлагани дастлабки пайтларидағи таассуротларини сўзлаб берди.

— Мана у ерда,— деди Чэтан,— газета ишнинг турган-битганин азоб эканини биринчи марта англадим. Қачонлардир мени орзу қўлган ўша иш... Газета ходимлари кундуз соат ўн иккидан олтигача, кеч соат тўққиздан туиги иккигача жувозкашнинг ҳўқизидек ишлашади. Обдан ҳолдан тойишгандан кейин, бир-бирига жирканч коқсалар ва латифалар айта бошлашади. Ахлоқсиз, юзлари сўлгии, кўзларини мудроқ ва чарчоқ босган, ё ўта семиз, ёки ҳаддан ташқари ориқ ва донм ҳамёнида бир пули йўқ — Лоҳурдаги урду ва ҳинди газеталарининг ходимлари мана шунақа!

Чэтан таржима ишидан ташқари «Ўз муаллифимиз» рубрикаси остида ҳикоялар ёзиб турни кераклигини ҳам қўшиб қўйди. Ҳикояни ҳар якшанба сонига бериб турнишга тўғри келарди. Ўзининг мана шу «ноёб асарлари» туфайли у бошқа газетадан иш топади. У ерда ҳам таржимонининг ўрни бўш эди. Чэтанин якшанба сонларига ҳикоя ёзиб турниш ва тезда таржима қилишини ўрганиш шарти билан янги жойга ишга олишди.

Энди Чэтан мана шу газетада кичик ходимлик лавозимида ишлаб турибди, ойнга қирқ рупия олади, Чапгар маҳалласида истиқомат қилади.

— Сен бирор марта Ҳунар соҳиб билан учрашдилгими?

Четан ўзини тутолмай кулиб юборди. Ҳали биронта жўялироқ жавоб берниб улгурмай, Анант оёғини қўлига олиб поездга қараб югуриб қолди: паровозни улаб бўлишган эди. Кўприкдан айланниб ўтишга вақт қолмаганидан Анант рельслардан ҳатлаб бориб, ўз вагонига сакраб чиқиб олди. Кондуктор ҳуштак ҷалган эди, поезд дарҳол жилди.

Шундан кейин Анант Чэтандан бир исча ой давомида ҳеч қандай хабар тополмади, кутилмаганди бир куни ундан хат олди:

«...Шу ҳам ҳаёт бўлдими? Ҳамон бир нарсага ҳайроиман: наҳотки мен шунинг учун уйдан қочиб кетган бўлсан? Мен таржима қилишни ўрганиб олдим ва мук түшиб саккиз соатлаб инглиз тилидан телеграммалар таржима қиласман, гранкалар ўқинман, бунинг устига иширининг ишга кўмилиб ётганимга қарамасдан мендан ҳар бир якшанба сошига ҳикоя ёзишимни талаб қилишига бало борми?»

Ҳикояларни ёзиш бўлса, турган-битгани азоб. Тўғри, дастлабки кезлари баъзи бир материалларим бор эди, бироқ уни ҳар бир якшанбада босиладиган янги ҳикоя учун ҳадеб қаердан олавераман? Мен ёзишини рад этдим. Шундан бери «каттамиз»ни бирор алмаштириб қўйганга ўхшияди. Кун бўйи вайсаб юради. Вайсаш ҳам ганими, бамисоли заҳарли илондек вишиллагани вишиллагани. Агар газетада хато кетса, гарчи ўзининг-ёки бошқа бирорининг айни билан бўлса-да, менга бақиради. Шунинг учун баъзан инятим, орзу-умидларим шумиди, деб ўйлаб қоламан!».

13

Четаи Лоҳурга жўнаб кетгандан буён орадан бир йил ўтди. Бир куни акаси Ромонанд (уни бу вақтга келиб бебош ва тирик товон Ромонанд деб эмас, доктор Ромонанд деб атай бошлашган эди, жилла бўлмаса у ўзини шундай деб улуугларди) ўткинчилардан сўрай-сўрай унинг Чангар маҳалласидаги қароргоҳига кириб келди.

Эрта тоиг маҳали эди. Фаррошлар ва кўчага сув сенувчилар ўз шиларини тугатган бўлсалар-да, ахлат

ташувчи аравалар ҳали уймалашиб юрадилар. Агар очигига кўчилса, Чапгар маҳалласи сув сенуучилари кўчаларга минг марталаб сув сенишини, фаррошлар миллион марталаб супуриниши, бу маҳалла отхоналарининг ёнида, ахлат аравалари турадиган жойда бўлгани, сутчилар, фаррошлар ва кўнчилар яшагани учун ҳеч қачон сезиларли даражада ўзгариб қолмасди.

Чэтанинг акаси барқ уриб гуллаб ётган аиор дарахтлари ёнида шундай сассиқ, ифлос маҳалла бўлишини ҳатто кўз олдига келтира олмасди. Ромонанд рўмолчаси билан бурниши беркитиб, «Пипал паноҳгоҳи»¹ деган дабдабали ном билан аталувчи меҳмонхонага бориладиган тор кўчага етиб келди.

Бу кўчада тошдан қурилган бир нечта уй қатор жойлашган, улардан кейин эса лой деворли уйлардан иборат тор кўча бошланарди. Тор кўчада тошдан қурилган фақат иккитагина уй бор эди. Худди мана шу «Пипал паноҳгоҳи» меҳмонхонаси эди. Тор кўчанинг бошланшида белигача яланғоч, фақатгина таҳмад ўраб олган, қоп-қора фаррош лой деворли уйининг остопасига ўтириб олиб, маза қилиб чилим тортарди. Чэтанинг акаси ундан Лола Бҳагавандоснинг уйини сўради. Фаррөш тошдан қурилган уч қаватли бинони кўрсатди. Ромонанд эшикка яқинлашиб Чэтанин чақирди. Чэтан пастки қаватнинг кираверишидаги ўнг томонга жойлашган хонадан чиқиб қолди. У ярмигача очиқ бўлиб, белига таҳмад ўраб олган эди. Чэтан акасини кўргач, қувончдан бақириб юборди ва шу заҳоти унинг оёқларига бош эгди. Кейин Ромонандни уйнга бошлаб кирди.

Хона қоп-қорони ва зах эди, деворининг сувоқлари бўлса кўчиб кетай-кўчиб кетай дерди. Хонада ҳатто дебраза ҳам, ёки бирор ёруглик тушадиган жой ҳам йўқ эди. Фақат яром қорони ҳовлига қараб очиладиган эшик бор эди, холос. Уни ҳам Чэтан кўнишча ёниб қўяр, шунинг учун хонанинг ҳавоси жуда оғир эди. Хонада шкаф ҳам йўқ эди. Уйининг қоп-қора қурум босиб кетган шифти эса аввалги ижарага турган одам шу ернинг ўзида овқат лиширганини айтиб турарди. Цемент пол топ-тоза эди. Чэтанинг баданига ёпишгани чангдан эса, у ҳозиргина полни ювиб чиққани билиниб турарди. Мебель деб аталувчи нарсалардан бурчакда

¹ Пипал — дарахтнинг номи.

фақатгина ёзув столи бўлиб, рўпарасига юмшоқ стул қўйилганди. Деворга қоқилган михда эса электр лампочкаси осигрилик эди.

— Бу столни қаердан олдинг? — деб сўради акаси. — Қора дарахтдан чиройли қилиб ишланган экан. Бироқ, айтидан, анча тутилган, бирорининг уйидага кўп турганга ўхшайди.

— Менгача анча-мунча одамнинг ҳожатини чиқарган бўлса ҳам ажаб эмас, — деди Чэтан қулиб, — иккала буюмини ҳам эскифурушдан сотиб олдим.

Ромонанд столга яқинроқ бориб замаскалаб, лок суртилган бир неча ёриқларни кўрди. Бу стол шуҳратнараст адабиётчнининг қўлига тушгуича неча марта тузилигашини ким билади дейсиз.

— Қани бу ёққа кир.

Ромонанд ёнида яна бир хона борлигини сезмаган эди. Чэтан қўйпол ишланган эшикни очиб ичкарни кирди ва чироқни ёқди. Акаси деворларига полкалар қоқилган қоп-қоронги ҳужрачага кўз югуртириб чиқди. Қаршиисида ёмон бир каравот турарди. Захиси бу ерда кучлироқ анқирди. Бу хонада ёруғ тушиб туриши учун дарчагина эмас, ҳатто ҳаво кириб туриши учун кичкинагина панжарали туйнук ҳам йўқ эди. Деворининг кўп ерндан сувоқлар кўчиб кетганди. Ромонанд маъюстгина каравотга чўзилди. Бироқ узоқ ёта олмади. Хона чидаб бўлмас даражада дим эди. Ромонанд ўрнидан туриб кўчага чиқди. Чэтан девор ёнида турган шалоқ оромкурсини очиб, стулини ҳам яқинроқ сурди-да, акасининг ёнига жойлашди.

— Ўзингга хўп жой топибсан-да! — деди Ромонанд оёғини чўзиб Чэтанинг стулига қўяркан.

Чэтан қулиб қўйди:

— Сенга қизиқ туюлаётгандир, албатта, бироқ шу ёмон уйининг икки хонаси ҳам менга жуда қийинчилик билан тушган. Лоҳурда уйланмаган йигитнинг квартира топиши осон иш эмас. Унинг ёнида, албатта аёл киши бўлиши керак — онасими, опасими, холасими, келинойисими — ким бўлмасини, ҳатто ўғирланган бўлса-да, аёл билан бирга туриши керак.

Шунда Чэтан яна хаҳолаб юборди ва деди:

— Бироқ бу «шоҳона уй» эгасини болладим. Қидиравериб-қидиравериб шу ерга келиб қолибман, кираверишда юқориги қаватда яшайдиган бева хотин мендан

ёлғиз ўзингизми ёки хотинингиз билан кўчиб келасизми деб сўради. Мен, албатта хотиним билан-да, аммо у ҳозир имтиҳон топшириши керак, шунинг учун ҳозирча ёлғиз ўзиим кўчиб кела тураман, деган жавобни бердим.

Бу гапга ака-ука роса кулишди. Чэтан ўзи ҳақидаги ҳамма гапни айтиб бўлгач, акасининг ишини сўради шу Ромонанд бир йилда ёк стоматологияни эгаллаб олганини билди. У Карочидан диплом олиб, ҳақиқий тиш врачи бўлиб қайтган эди.

14

Чётанинг пандит Банорасий Дос дўконида уззукун карта ўйнайдиган ва онаси «чол» деб атовчи доимий ифлос таҳмад ва кўйлагига ҳеч бир эътибор бермайдиган акаси Ромонанд билан, бугун эрталаб тўсатдан укасининг ўйига кириб келган нимдош бўлса-да, тоза кўбстюм кийган, оппоқ салла ўраб, қизил галстук таққан доктор Ромонанд ўргасида осмон билан срча фарқ бор эди. Бу қовоқ мия, лаёкатсиз ва ҳеч бир ишга ярамайдиган йигитнинг бир ярим йилда қандай қилиб доктор бўлиб олганини гапирган билан адо қилиб бўлмайди. Чётан Карочида тиш врачи дипломини олган аллаким билан дўстлашиб қолганини айтишнинг ўзи кифоя. Ромонанднинг сандирақлаб юрниши ва келинининг қўполлигидан онаси жуда қийини аҳволда қолди — кирхона очишдаги қарзлар устига эркатой ўғли туфайли яна уч юз-тўрт юз қарз орттириб олди. Чётан бир куни Жоландҳарга келганида акасини бирор ишга жойлаштириб қўйинши ҳақида онаси унинг ваъдасини олди. Чётан ўша куни ёк ўзининг врачи дўстидан Ромонандни шогирдликка олишини ҳазилга йўйиб сўради. Врач кутилмаганда рози бўлдич. Чётан буни Ромонандга таклиф этиб, унга врачлик мутахисслигининг фазилатлари ҳақида узундан-узоқ лекция ўқиди. Ромонанд уйнадаги ҳар дақиқада тақрорланниб турадиган машмашалардан тўйиб кетгани ва ундан қутулиш учун боши оқсан томонга жўнаб қолишни мўлжаллаб юргани учун Чётанинг таклифини жон-жон деб қабул қилди. Кейин ўзи ҳам шунчалик қизиқиб кетдикни, қунт билан ўрганиб, тиш докторилик ҳунарини эгаллаб олди. Уша докторнинг ёрдамида Карочидаги стоматологик коллеждан диплом ҳам олди.

Ҳеч қанақа иш ёқмайдиган, куни бўйи вақтини карта ва шахмат ўйнаб ўтказадиган ўғлида қаёқдан шунчалик файрат пайдо бўлганига онасининг ҳам ақли ҳайрон эди. Ромонанд доктор ҳузурига азонлаб келар ва кечқурин қуёш ботгандан кейингина кетарди. Ҳатто ундаги ишёқмаслик одати ҳам ғойиб бўлди: у таҳмадга ўралиб юришини йиғиштириб, костюм кия бошлади, ҳатто бақиришни ҳам эсдан чиқариб, мулоийимлик билан гапириши оdat қилди.

Пандит Шодиром ҳеч қачон фарзандларининг раъйига эътибор бермасди. Аҳён-аҳёнда, сафарининг орасида уйга келиб фарзандларини мушт билан тарбияларди.

Ромонанд болалигиданоқ ақлдан кўра кўпроқ қўл, ишлатиладиган машғулотларга майл билдира бошлаган эди. У ёш бола бўла туриб ажойиб ўйинчиқлар ясади; мактабда ҳамма фанлардан йиқилса ҳам, расмдан доим аъло баҳо оларди. У ҳатто бир неча расмлар ҳам чизган. Коллежда ўқиётганида эса Деҳлига қочиб кетиб, рассомга шогирд тушган эди.

У ердан «бахтли тасодиф» туфайли уни пандит Шодиромнинг дўстларидан бири олиб кетгаиди. Ромонанд уйига қайтиб келгач, пандит жий ноқобиyl ўғлини боплаб савалаган эди. Уша кундан бошлаб уйига ким келса, ўғлининг қулоғидан чўзиб: «Деҳлига қочиб кетган ўғлим шу бўлади» дерди. Кейин у Ромонанднинг юзига тарсаки тортиб юборар ва «мулоийим» сўзлар билан болохонадор қилиб сўкарди.

Шундан кейин Ромонанд яна коллежга жойлаштириб қўйилди. У неча мартараб оиласига йиглаган, аммо оиласи эрига қарши гап айтишга журъат этолмасди, отасига қарши чиқишига ўғлининг юраги дов бермасди. Имтиҳон варақаларини тарқатиш пайти келганда ҳаддан ташқари кўп дарс қолдиргани учун директор Ромонандга варақа юборишига рухсат бермади. Ана шундагина Ромонанд енгил нафас олди.

Отаси уни яна коллежга киритмоқчи эдп, аммо бу сафар шу ҳақда гап очилганида ўғли журъат этиб бошқа ўқимайман деб оёқ тираб туриб олди.

Ромонанд Чэтанга ҳасрат қилди:

— Қани ўзинг айт-чи, агар қўлимдан ҳеч қандай иш келмайдиган бўлиб қолган бўлса, мен айборманими? Ёш болани бўрсиқнинг боласидек савалай беришса, териси қалин бўлиб қолади-да. Эҳтимол биронта ота ўз

Ўғлини менинг отамчалик урмаган бўлса керак.— Ромонанднинг овози бўлинниб қолди.— Кейинчи, агар мени ўз ҳолимга қўйишганда эди, мен бекорчи бўлиб қолмасдим. Мен Деҳлида таниқли рассом бўлиб кетишм мумкин эди.

Ҳа, Ромонанд рассом бўлолмади, бироқ у тиши врачи бўлиб қолди.

Кейинги пайтларда Чэтан Мўҳамлаъл-рўддаги тандир олдида овқатланарди. Аммо яқин кунларда доктор бўлай · деб турган акаси у ерда овқатланармиши? Чэтан қандай қилиб уни тандир олдига бошлаб боради. Шунинг учун ака-укалар кийиниб бўлишгач, Чэтан Ромонандни Гашпатҳ-рўд кўчасидаги ошхонага бошлаб кетди. Уйга қайтишгач, у ичкаридан чорпояларни олиб чиқди. Ака-укалар чўзишлиши ва доктор Ромонанд ўз режаларини ўртага ташлади.

— Битта диплом билан нима қила оламан?— деди у.— Диплом олди деган гап, муваффақиятга эришиб қолди дегани эмас-да. Яхши жойдан ўз кабинетининг очишинг ва уни боплаб жиҳозлашнинг керак. Кейин чиройли реклама қилиш керак, ана ундан кейингина ўз санъатингни кўрсата олишини мумкин.

— Энди ўша санъатнинг ўзига келсақ,— деб сўзида давом этди маънодор қилиб Ромонанд,— бу томонидан мен мутлақо хотиржамман. Жоландҳарда доктор Чопра учун кўп нарса қилиб берганман. Ҳамма гап ўз истеъдоднингни намойиш эта олишингда.

Ромонанд ҳоли нима кечса ҳам онаси унга ёрдам беришдан қатъни воз кечганини айтиб берди. У онаси билан врачлик кабинети ҳақидаги режаларини маслаҳатлашиб, уддабуронлик билан пул сўраган эди, у фатагина қўй силкиб қўя қолди: кир ювиш корхонасининг аяичли хотирасининг ўзи унга етарли эди. У ўша қарзлардан эсон-омон қутулганига шукур қиларди.

Аммо шунда мўъжиза рўй берибди!— унинг (бир куни уйда ун тугаб қолганида икки рунияни қизғанган) шаллақи хотини ўзининг бир неча узугини сотибди ва шунингдек, қандайдир йўллар билан пайсалаб йиққан тўқсон руниясини унинг қўлига тутқазибди.

Ромонанд бу пулларга бир амаллаб арzonроқ жиҳозларни сотиб олиш ва Ферузлурда кабинет очиш ниятида эканини айтиди: у ерда рақобат унчалик зўр эмас эди. Ҳозир эса у Чэтандан жуда бўлмаеа бир йилча ҳар

оїда ёрдам беріб туринин илтимос қилиш учун келган әди, чунки кабинет очиш билан ҳамма иш ҳал бўлмайди-да.

Чэтанинг чорпояда узала тушиб ётган ҳолда берган жавоби Ромонанднинг рангини оқартириб юборди. Чэтан уйда бўлган кезлари қандайдир бир қиз доим меҳмонхонага қараган дераза олдига ўтириб олишини гапириб берди. Якшанба кунлари эса куни бўйи, ҳатто ҳаво жуда иссиқ бўлса-да, қиз ўша ерда тураверарди. Чэтан бўлса унга эътибор бермасликка уринишларига қарамасдан, тобора қизиқиши ортарди...

— Бу воқеадан, уйланишим керак экан-да, деган фикрга келдим,— деб хўрсинганича хулосалади Чэтан.— Никоҳ ўқилган, энди ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Қиз, қандай бўлмасин энди менинг қайлиғим. Мана шунинг учун, барибир унга уйланишмига тўгри келар экан, келаси йилга ҳам чўзиб ўтиришнинг нима ҳожати бор.

Кейин акасидан Лоҳурда хотини билан қирқ рунияга яшаб туріб, унга бирор нарса юбора олиш-олмаслиги ҳақида сўраб кўрди.

Ромонанд бир зум маъюсланиб жим қолди. У Чэтанга тўйини камида бир йил тўхтатиб туриши кераклигини айтмоқчи бўлди, ўз орзуларига чек қўя олмаган одамнинг қўлидан ҳаётда ҳеч нарса келмайди, унинг маоши бир оз кўпайсин, ўшандагина укаси уйланиши мумкин, уйланиш масъулиятли иш, бу масъулиятга дош бериш учун эса ҳаммадан бўрун шу дамда Чэтанинг қўлида танқис бўлган пул зарур.

Бироқ у ҳеч нарса демади. Укаси уни худбинликда айблashi мумкинлигини жуда яхши тушуниарди.

Шунда Чэтан, секингина, акасини юпатгандек бўлиб, агар Ромонанд амалий машғулотини Лоҳурда ўтказса албатта унга ёрдам беришини айтди.

— Борди-ю, ёрдам берадиган бўлсанг, қаерда бўлсан ҳам ёрдам бераверишинг мумкин,— деди бир оз зарда қилиб акаси,— Ферузпурда тиш докторлари кам, шу сабабли у ерда амалий фаолият имкони катта. Бу ерда бўлса ҳар қадамда тиш доктори бор, рақобатчилар кўп.

Чэтан ғурур билан жавоб берди:

— Ака, рақобатдан қўрқмаслик керак. Мусобақа, бу шундай синов тошики, инсондаги истеъододни мустаҳкамлайди. Аввало, Ферузпур бир неча кундаёқ сени зериктириб қўяди. (Ўзича қўшиб қўйди: сенинг феъл-

авторининг яхши биламан. Қирхона туфайли содир бўлган воқеа ҳали эскирганинча йўқ.) Борди-ю, ишинг юришиб кетгудек бўлса ҳам у ерда ойнига юз-юз эллик руپиядан ортиқ ишлай олмайсан. Лоҳурда эса омадине келиб қолса ойнига минг руپия тушириш ҳеч гап эмас

«Бир минг!»— молхоналарнинг бадбўй иси тараалиб турган заҳ ва дим тор кўча ёнидаги эскигина чорпояда чўзилиб ётган доктор Ромонанднинг кўз олдида Мал-рўд кўчасининг улуғворлиги намоён бўлди. Бу улуғворлик тұхфаси — хусусий тиш врачлиги кабинети бўлиб, Ромонанднинг олижаноб яхшилиги туфайли унга миннаторчилик изҳор қилишга имкон яратиб, Чэтанинг гаплари га рози бўлди.

Фақат Лоҳурдек шаҳри азимда озгина маблағ билашни қандай бошласа бўлади? Ромонанд бу ҳақда бош қотириб ўтирумади. Барча юмушларни Чэтанинг топқирилигига шониб топшириб, тўйни тезлаштириш ҳақидаги юмушларни эса ўз зиммасига олди. Шу топда Чэтан тўй хусусида кўпроқ гапиришни истарди, ўз қарашлари ҳақида тобора кўпроқ жўшаётган эди. Аммо акаси ушинг ҳаяжонли ҳолатига эътибор бермай, чорпояга яхшироқ ўриашиб олди-да, маза қилиб хуррак торта бошлади.

16

Ромонанд ўз ваъдасининг устидан чиқиб, тўй куни ни имкони борича яқинлаштириди.

Онасими кўндириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди: унинг ўзи бу баҳтли дамни орзикуб кутарди ва тез-тез бўлажак келинининг мулоийм феъл-авторини жанжалкаш катта келинининг феъл-авторига қиёслаб, хаёлида тўла-тўқис баҳтиёрлик манзарасини яратарди. Аммо отаси бўлса ўртанча ўғлини уйлантириб қўйишга уччалик ошиқмасди. У ўғлини ҳақиқий браҳмачария¹ бўлиб олгандан кейингина уйлантирмоқчи эди. «Қадимги урфодатлар ва маросимларни менсимаслик мамлакат ва миллатнинг бошига кулфат олиб келади,— дерди у мўйлонини бураб.— Ҳозир қаёққа қарама ҳамма ёқда қўрқоқ нимжон, сўлғин чеҳрали йигит-қизларни кўрасан. Ҳозирги ёшлар қотириб кулишни ҳам, ўйин-кулгинни ҳам,

¹ Браҳмачария — киши ҳаётida диний сабоқлар очиш даври. Аниашаларга кўра, бу даврда никоҳ ўқитиб бўлмайди.

ҳаёт қувончларниң қидириб топишиң ҳам билишмайды». Шундан кейин у баланд овоз билан кураш тушниң йўлари ҳақида, кабадди¹ қондалари ҳақида, тўқмоқ ўйни ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатиб, шунингдек, бу ўйнларниң жамият учун аҳамиятини таъкидларди.

Ромонанд отасининг мақсадини жуда яхши тушуниарди; хоҳлаганча ичиб, кўнглига келганича ўйнаб-куладиган ва қулогигача қарзга ботиб юрадиган пандит Шодиромниң тўй-ҳашамга сарфлайдиган ортиқча маблаги йўқ эди. Шунинг учун Ромонанд отасининг жаврашларига эътибор бермасдан дарҳол унга иқтисодий қийинчиликларни бартараф этувчи йўлини таклиф этди.

— Тўйни Бастида ўтказамиш,— деди у.— Чиқим кам бўлади. Умуман, шунча урф-одатларга риоя қилиб ўтиришниң нима ҳожати бор? Ҳаммасини «ория саможк» қонун-қоидаси бўйича ўтказилса бас-да. Баъзи бир киним-кечак ва безакларни онам тайёрлаб қўйган, янги кийимга эса бизниң муҳтоҷлигимиз йўқ. Эгнимизда бори билан жўнайверамиш. Сиз ҳам узоқ отиуска олиб ўтирумайсиз.— Ромонанд шундай хулоса қилди.— Барин-Сир тўй бўлиши шарт экан, нега энди уни ўз вақтида ўтказиб қўя қолмас эканмиз?

Отаси ҳам рози бўлди. Қўлларидаги мавжуд пулдан беш юз рупия (шу ойда тўланнишни керак бўлган охириги қарз ҳисобидан) ажратишга қарор қилинди, озми-кўпми безаклар ҳам сотиб олингани эди, дабдабали тўйларда бўладигандек, катта харажатга ҳеч қандай ҳожат йўқ эди.

Пандит Шодиром тўйга розилик берар экан, Десроj бор жойда ҳеч нарсанинг ташвишини чекмаса ҳам бўла-верини дилига туғиб қўйди: у ҳаммасини кўнгилдаги-дек қилиб ўтказади.

Десроj тўйга икки кун қолганда ўзининг уддабуронлигини намойиш қилди.

Четан Лоҳурдан бурнидан тортса йиқилгудек ҳолдан тоийб келди. Ҳовлига аллақачон қозон ўрнатилган бўлиб, қўл қўлга тегмасдан ширинликлар тайёрланарди. Онаси юқорида аллақандай иш билан ивиришиб юарарди. Ромонанд бозордаги тикувчига костюм буюргани кетганди. Унинг укаси ўн тўрт ёшли Нитенанд бўлса ҳар кунгидек спорт майдончасидан бери келмасди, у тўй

¹ Кабадди — Панжобда кенг тарқалған спорт ўйини.

Шўластганини хаёлига ҳам келтирмасди. Чэтан ҳовлидан турниб онасига таъзим қилди ва отаси қаерда эканлигини ёўради.

Отаси Десрожнииг уйидаги экан. Десрожнииг уйи Кил маҳалласида бўлиб, у ердан Пуриён маҳалласига кўл чўзсанг етгудек яқин эди... Қунтийининг уйи ўша сенади.. Чэтан ёшлик—бебошлик йилларидағи муҳаббат орзуларига бир назар ташлаш иштиёқида эди.

У ҳовлидан туриб бақирди:

— Мен Десрожнииг уйига борниб отам билан кўришиб келаман.

Онаси йўлдан қайтармоқчи бўлди:

— Ахир ўзинг ҳозир келдинг-ку, тамадди қилиб олсанг бўларди. Юқорига чиқ!

Чэтан олислаб кетган эди.

Шу орада Қунтий турмушга чиқди. Чэтандан эса миинг миль узоқлашиб кетди. Чэтан уйланганидан кейин эса, эҳтимол, унинг хаёлидан бутунлай ўчиб кетар. У ҳақидаги ўйлари тез кунларда бамисоли бевафоликка айланар экан, умрбод ажралишдан бурун уни бир кўриб қолмасликнинг ўзи жиноят бўлар эди.

Гўзал ва ақлли чеҳра, шаҳло кўзлар, лаъл ранг билан баҳслашадиган табассумли лаблар, қизил сорий, шукуҳли ёшлик тухфаларини олиб юриши амри маҳоллек кўриниган нозик қад-қомат унинг қалби ва вужудини ажойиб товушларга тўлдирувчи оёқларидағи тақинчоқларнинг нағис жараангиги — булар ҳаммаси Қунтийиниг тўйдан кейинги қиёфаси эди. Пешанасидаги тўқ жигар үнг белгиси янги ой шаклидаги гўзал безакка ўхшарди. Бу белги худди Чётанинг қалбига ўйниб қўйилгандек, уни жароҳатларди.

Бир куни у Лоҳурдан Жоланджарга бор-йўги бир кунлик муҳлат билан келганида ўзи ҳам сабабини англаб етмаган ҳолда Аиантни олиб Қунтийларнинг уйига борниб келгани сира эсидан чиқмайди. Худди шу Аиант унга «унинг» Қунтийиси бҳагпурсирволлик аллақандай бақалоқ бир пандитга турмушга чиққанини хабар қилган эди. Ўша одам Пуриён районининг Ҳуашерпур йўли ѹқинидаги босмахонани идора қиларкан...

У Қунтийни қудуқ ёнида кўриб қолди. У дугонаси билан нималарнидир гаплашиб, сув тортарди. Уларнинг игоҳлари учрашиб қолди. Қунтийиниг лабларидағи табассум яна ҳам ёрқинроқ жилваланди, чиғириқ дастаси

қўлидан чиқиб кетиб, челяқ даранглаб қудуққа тушиб кетди, Қунтий бирдан четга сакраб ўтиб, қувонч билан хандон ташлаб кулиб юборди...

Чэтан ўша кунлар хотирасига чўмгашича Қил маҳалласига яқинлашди. Десрожнинг уйига бориб отасини сўради. Маълум бўлишича, отаси бу ерга келган экан, кейин тҳонадор Картар Сингҳ билан чиқиб кетибди. Улар ўзлари билан Десрожни ҳам ола кетишибди.

Картар Сингҳ пандит Шодиромнинг болаликдаги ўртоғи бўлиб, унинг бу ерга келишидан мақсади битта: Шекхон бозорига бориш ва «оби замзам» фурушнинг ҳузурида бамайлихотир ўтириб бир отамлашиш эди.

«Сўзишинг устидан шундай чиқар экан-да»— ўлади Чэтан изтироб билан отаси ҳақида. Уйига ёзган учта хатида у отасидан лоақал тўйининг тўрт куни давомида вино дўконига яқин йўламасликни илтимос қилган эди. Кейин бўлса Шекхон бозорига кўрпа-тўшак қилиб ётиб олса ҳам майли. Пандит Шодиром ўғлига шундай ваъда қилганди: тўй Бастида бўлар экан, у ўз орномуси учун эҳтиёткор одамлигини кўрсатиб қўяди: винонинг яқинига ҳам йўламайди.

Шундай бўлса-да, Чэтан Пурнёп маҳалласига жўнади. У ўзидағи түғённи босишга ҳаракат қилди ва яна Қунтий ҳақидаги ўйларига берилди. Бу воқеа Жоланд-ҳарга бошқа сафар келганида рўй берган эди... Қиз она бўлиб қолган эди... У Қунтий билан учрашишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Бироқ баҳтнинг кулиб боққанини қарангки, Қунтий ўша кунн Пурнёп маҳалласидаги уйининг деразаси ёнида ўтиради. Эрта тонг маҳали эди. У ҳозиргина ювениб, оппоқ дҳўтийга ўралиб олганиди. Узун, қоп-қора ва чиройли соchlари оқ рангда янада яққолроқ кўзга ташланниб турарди. Тиззасига боласини қўйиб олган. Қунтий Чэтанин кўриб жилмайди. Дҳўтийсининг бир чети бошидан сирғалиб тушиб кетган эди, Чэтанинг юраги уришдан тўхтаб қолгандек бўлди. Қунтий илгаригидан ҳам чиройлироқ бўлиб кетганди. Унинг қўзларинда шунчалик жилва, шунчалик тиниқлик, шунчалик муҳаббат акс этардики...

Шунда Қунтий оҳиста, аммо Чэтан кўчадан туриб эшигадиган қилиб: «Қўғирчоғим... Тоғангнинг олдига бора қол!..» деб шивирлади ва кулимсиради. Чэтан мана шу бир неча оғиз сўзлардан унинг муҳаббати нақадар пок эканлигини англади.

Чэтан Пуриён маҳалласига стиб келди. У тор кўча-
га бўрилаверишда Қунтийларнинг деразасига қаради.
Берк. У яқинроқ борди. Уйдан қандайдир нохушлик
сезилса бошлади.

Ёнгинасидан гапга тушиб кетган иккита аёл тоши-
либ ўтиб қолди:

— Бечорагина... Ёшгина эди-я, буни қара...

— Опажон, шунақа ҳам бўлиб туаркан. Бойлик
ҳеч қачон бахт келтирмайди.

Биринчи аёл хўрсиниб жавоб берди:

— Шу ёшда бева қолгандан ўлиб кетган афзал...

Чэтан Ҳушёрпур кўчасига олиб чиқадиган Ҳалу-
вии тор кўчасидан кетиб бораради.

— Унинг ёши нечада экан?— деган сўз қулогига
чалинди.— Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган эди-да.

Иккинчи хотин оғир хўрсиниб қўйди.

Чэтан тор кўчанинг охирига борганида бир уюм
ўтин устида ўтирган эски оғайниси Гаччхўни кўриб
қолди.

— Қандай бахтсизлик-а!— дерди у гўё Четаига ўз
таъзиясини изҳор этаётгандек.

Чэтан унга савол назари билан тикилди.

— Қунтийнинг эри ўлди.

— Қунтийнинг эри!— Чэтан ўзини йўқотиб қўйди.—

Ахир у касал эмас эди-ку!

— Йўқ, узоқ ётмади,— деди Гаччхў.— У қорин тифи
билан оғриган экан. Саккиз кун ётиб, оламдан ўтди.

Чэтан уншиг ёнига ўтирди.

— Бирга борамизми?

— Бўпти, борамиз.

Четаига биринчи марта энг яқин кишини қазо қил-
гандек туюлиб кетди. Тўсатдан ўша семиз, бесёнақай
пандитга ҳурмати шу қадар жўшиб кетдикни, бамисоли
ўз акасидай эди. Чэтан ўйга чўмди: «Қунтий — пандит
Полҳо Ромнинг набраси. Пандит Полҳо Ром бўлса,
отамнинг эски ошнаси. Шунинг учун дағн маросимига
борсан ҳеч қандай беадабгарчилик бўлмайди...»

Чэтан тўппа-тўғри марҳум куйдириладиган жойга
келди. Бир вақтлар аллақандай бойнинг саховатли тад-
биркорлиги туфайли тошдан тикланган баландликда эр-
раклар ғамгин ҳолда гап-сўзсиз туришарди; баланд дар-
возаларнинг соясига эса аёллар тўпланишганди. Улардан
кўпчилиги ҳўнграб йиғларди. Жасад бўлса ёқиладиган

палёнлар устига чиқариб қўйилган эди. Оловин ёқиншдан бурун қари бараҳман деди: «Қизин олиб келинглар-чи, кўриб қолсин.

Шунда Чэтан олдинга битта-битта қадам ташлаб жимгина, умидсизланган, жазирамада яланг оёқ бўлиб олган, оқ дхўтий кийган Қунтий чиққанини кўрди. У ҳаддан ташқарин озиб кетган эди. Оқариб кетган юзидағи узун бурни кўзга яққол ташланар, термилаётган кўзларин эса ғифтидан, ҳеч нарса кўрмасди. Қунтий опаси Шиёмаининг аксими қилиб, ажал бамисоли унинг гирибонидан туттандек йигламасди, кўкрагига ҳам урмасди — жим туради.

Қунтий марҳум куйдириладиган жойга якин борди. Чол марҳум юзини яшириб турган ёнқичини кўттарди ва кейин шу даражага тез туширдики, Қунтий зўрга назар ташлаб қолишга улгурди. У бир қадам орқага ташлаб, марҳумнинг оёғига қўл теккизди ва ҳамон сокин, эътиборсиз ҳолда четга чиқиб кетди.

Чэтан уни орқасидан дарвоза ёнида турган аёллар тўпига қўшилиб кетгунча кузатиб турди.

Чэтанинг уйга қайтиши оғир бўлди. Унинг кўз ўнгидан Қунтийнинг сўлгин, хафаҳол қиёфаси нари кетмасди. У Бараҳмакунда қудуги ёнига бориб, шошилиб таҳорат қилиб олди-да, яна дарвозалар ёнига қайтиб келиб муқаддас гордан аёлларининг чиқиб келишини кута бошлади. У Қунтийнинг оқариб кетган юзини яна бир марта кўрмоқчи эди. Ким билади, энди у билан учрашиш насиб этармикни? Қунтийнинг нимасидир уни лол қилиб, қўйди: унинг чеҳрасида яширинган унсиз азобларнинг чуқур аксими ё Чэтан унунтиши амри маҳол бўлган қайгули ва ҳорғин қиёфасими, буни яхши билмасди.

Тез орада Бараҳмакунда ёнидан форда таҳорат қилиб олган аёллар тизилишиб ўта бошлашди. Шиёманни иккита хотин суюб келарди; айтидан у ҳозир бехуш бўлиб йиқиладигандай туюларди. Унинг орқасидан хаёли паришон, довдираб қолган ва поаниқ бир қиёфадаги. Қунтий жимгина келарди. Дхўтийси жиққа ҳўл бўлиб, баданига ёпишиб қолганди, мурдадек оқарниб кетган юзида ҳамон ўша уқубат, кўзларида бўлса ҳамон ўша нурсизлик ва ғамгинлик...

Уларнинг нигоҳи бир зум учрашиб қолди ва бу бефарқ, ҳар қандай ҳисдан ҳамда кўришдан маҳрум бўлган кўзлар Чэтани лол этди. Бу нигоҳ унинг ёдида

узоқ сақланиб қолди ва ҳатто назаридан күзлар. айтгап ачык сўзларни эшигандек бўлди: «Тугади. Умрбод хайр! Энди мен сенга ҳатто қараӣ олмайман. Энди мени беваман. Кулиш у ёқда турсин, тишининг оқини кўрсатиш ҳам гуноҳ бўлган беваман». Четан алам билан ўйлади: «Оҳ, қани эди эркимиз ўзинизда бўлса...» Ҳамма нарсан ташлаб қочиш, боши оқсан томонга, ҳеч ким — на одамлар, на онла бўлмаган оламга қочиш ҳақида чуқур хаёлга толди; қушга айланниб қолиб озод, мусафир самога парвоз қилиб кетишини шундай орзу қилардики...

Бироқ Четан на қочиб кета оларди, на учиб. Кеч киргандан у шалвираб, қийналиб, хаёлларичувалашган ҳолда уйига қайтиб келди. Назаридан беҳисоб асрлардаги барча ўлимларнинг кўланкаси қалбига тушниб, қулоқларида бўлса, оғир айрилиқлардан тилка-пора бўлган барча ёш қалблар дардининг поласи эшитиларди.

16

— Ушланиб қолдинг, ўғлим... Отангни учратмадингми? — сўради онаси.

— Уни қаердан топиб бўларди? — деб қалтираб жагоб берди Четан. — Эҳтимол, Десрож ёки тҳонадор Картар Сингҳ билан майхонада ўтиргандир.

Четан биринчи қаватдаги ўз хонасига ўтиб кетди.

Ўзининг кўпдан бўён таниш бўлган хонасига киргач, туман орқасига ўтиб кетган ўтмиш воқсалар хаёлида янада ёрқинроқ хотирлана бошлади: Қунтний, биринчи учрашуви, ўсмирнинг тортинчоқ ва иболи муҳаббати, қизнинг деразаси остида ўтказилган онлар, қиз уни акам деганида бирдан юраги жўшиб кетиши...

Аста-секин оқшом чўкиб, хонадаги қоронғизлик қулоқлаша борарди. Маҳалла ҳаракатга келиб, ҳамма ёқни қандайдир бақириқлар тутиб кетди, қудуқ томондан кўзаларнинг, бидонларнинг, чепакларнинг жараанг-журунги шунчалик аниқ эшитилардики. Четан қудуқнинг муздек сувига қандай идиш тушаётганини товушидан аниқ ажратиб оларди: ана буниси кўза, кейин бидоннинг даранглаган бўғиқ овози, буниси чепак бўлса керак. Жечки ғала-ғовур бошланиб кетди: фидирагига темир иқопланган араванинг гижирлаши, кеч бўлди дегунича қудуқ ёнидан доим маҳаллани бошига кўтарадиган жанжаллар, нолишлар, ҳақорат ва сўқинишлар энгиларди.

Бироқ Чэтан кўчадаги бу гала-ғовурга қулоқ солмасди, деворга суюнганча жим, ҳаракатсиз ўтиради. Унинг хаёлида фақат бир маизара гавдаланаарди: дардманд аёллар қизиб ётган қумни яланг оёқлари билан босиб, хаёлга чўмганча келишларини у қайта-қайта кўз олдига келтиради. Уларга ёрдам беришни жуда хоҳларди-ю, аммо киминингдир кўринмас, беражм қўли уни ўз ҳукмронлигидаги тутиб турарди.

Хонага укаси кириб чироқни ёқди. Кейин Ромонанд келди ва карта ўйинни бошланиб кетди. Чэтан ҳам ўйинга аralашди, бамайлихотири гаплашиб, ҳатто акаси ва укаси билан ҳазил-хузул қилишаётгандек бўлса-да, аммо хаёли жойида эмасди.

Шу найтда Ҳарлаъл дўкоинда буриидан чиққунча ичиб олган отаси пайдо бўлди. У йўл-йўлакай кимнигдир ўзининг «лугат ҳазинаси»даги сўзлар билан болохонадор қилип сўкиб келарди.

Ўйин бўлиниб қолди. Укаси отасининг келганини онасига маълум қилиш учун чиқиб кетди. Чэтан яна деворга суюниб ўтиради, Ромонанд бўлса узала тушди.

Бурчакдаги ўргимчак тўрига тушиб қолган пацша бир маромда гинғилларди. Кўчада бўлса пандит Шодиром қадимда энг қалин дўсти бўлиб келган собиқ оғайини Лаъл Ромдҳянни ҳамон «ўз ширинсуханлиги» билан сийлаб келарди. Нихоят, у ўртоғининг руҳини холи қўйиб, Чэтанинг келган-келмаганлигини, сўраш учун Ромонандни чақириди.

Ромонанд меҳмоноҳона эшигидан туриб Чэтанинг эрталабоқ келиб олганини айтган эди, пандит Шодиром ахири уйга кирди. У қалқиб турар, салласи бўлса қўлтиққа қистирилган эди.

Чэтан отасига такаллуғисизлик билан таъзим қилди ва эрталабдан бери қидираётганини ҳамда ахир у уч кунгача ичмасликка ваъда берганини айтди.

Пандит Шодиром қўполлик билан ўғланинг сўзини бўлди:

— Сен аввал менинг гапларимни эшитиб олгин! Тҳонадор Картар Сингҳ келди-да, мен у билан кечиктириб бўлмайдиган иш юзасидан...

Чэтан эътироуз билдириди:

— Ҳаммасини биламан, гапирмай қўя қолинг,— деб ўғирилиб олди.

Отасининг кўзларида газаб ўтлари чақнаб кетди.

Ия, бу итвачча, бир вақтлар ҳеч нарсадан таң тортмай транспорт инсектори — инглизниң қулоқ-чаккасига тортиб юборган одамни ранжитишга қандай журъат қилдийкн! Отаси тобора газаби ошиб бақирди:

— Эшитмайсанми? Эшитмай құя қол! Адабиётчи бўлиб олибсан... — У яна бўралаб сўкиниди...

— Сўкинишни бас қиласангиз-чи!

Отаси салласини улоқтириб юборди ва ғазаб билан сўкиниб ўғлига ташланди. Укаси уни ушлаб қолмоқчи бўлди. Чэтан четга қочди. Пандит Шодиром: «Хўш, куч синашамизми!» деб Нитёнаидни каравотга отиб юборди, Нитёнаид ҳам шундай йўл билан жавоб қайтарди...

* * *

Станция дим эди. Устига-устак платформага кириб келган поездининг паровози ҳамма ёққа аччиқ тутун пуркарди. Кўзларидан уйқу аримаган, тердан жиққа ҳўл бўліб кетган, оқ, қўпол матодан тикилган кийимли одамлар маъюслик билан сандирақлаб юришарди. Босиб келаётган қоронгилиқда станция чироқларининг хира ёғдуси тубсиз зулмат қўйнига сингиб кетаётгандек эди. Иккичи даражали кутиш залидаги карбид ламинаси ўтига капалаклар галаси ҳужум қиларди, пастда бўлса бир уюм қанотчалар йиғилиб қолганди.

Чэтан симёочга суюшиб, ўрголиқ кўрпа-тўшаги устига ўтирди, чамадонини бўлса ёнинга қўйди.

Сўнгги воқеалар унга даҳшатли тушдек бўлиб туюлди: ака-укалар отасинга қўл кўтаришди. Укасининг тарикча ҳам айни йўқ — ахир у Четангага ташланган отасини ушлаб қолмоқчи бўлди. Кейин эса фақат ўзини ҳимоя қилиб тураверди, отасини бирон марта ҳам ургани йўқ. Худди шу пайтда юқоридан онасининг тушиб қелганини айтмайсизми. Ромонанд уни эшик олдида тўхтатиб қолди. Бироқ у ўғли билан эрининг бўғишиб турганини хотиржамгина кузатиб тура оларниди? У эсхушидан айрилиб, бутун вужудини титроқ босганича уларнинг олдинга борди. Шунда пандит жий бақириб: «Бу аблажни сен туққансан!» деб хотинини уриб, бўралаб сўкди. Ҳолсиз, эти бориб устихонига ёпишган аёл калтакка дош беролмай, беҳуш бўлиб йиқилди.

Ромонанд уни ҳовлига олиб чиқиб, авайлаб ётқизди-

да, кейин қайтиб келганида пандит Шодиромининг сўйилга ёпишаётганини кўрди.

Чэтан отасининг ёнинг борди: у отаси ҳақида шима ўйлаётган бўлса ҳаммасини айтмоқчи эди. Бироқ пандит жий уни тениб юборди-да, жаҳл билан катта ўғлига ташланди. Ромонанд зарбга чап берди ва бир ондаёқ отасини остига босиб олди. Ака-укалар ҳўкизининг қўл-оғини ўзининг салласи билан боғлашиб, каравотга таниб ташлаши.

Чэтан бир лаҳза бу манзарага серрайиб қараб қолди. Кейин ўриндан турди, меҳмонхонанинг бурчагида ётгани юпқа кўрна-тўшагини ўраб, чамадонини олди ва станцияга жўнаб қолди. Қаерга кетяпти, қайси поездда кетади — унга барибир эди... Ерда юмалашиб одамлар ухлашарди. Қандайдир поездининг келганидан дарак бсрувчи паровоз ҳуштаги янгради ва чала уйқудаги йўловчиликлар эшикка қараб югуришиди.

Чэтан ёқасини тўғрилаб, юзиңдаги терни артди: индилга ушинг тўйин бўлиши кераклиги ёдига тушди. У кулмоқчи бўлди, бироқ, кулгиси унча чиқмади, аксенича, кўзларида ёш қалқди.

У бугун эргалаб кўргани бошқа йигили кўзларни хотирлади. «Дунё қанчалик ноҳақ қурилган-а,— ўйларди у,— нега энди ҳаётда кулиш, қувониш ўрнига, одамлар йиғлаши керак...»

Шу топда Чэтанининг кўз олдида янги баҳтли дунё — эзилгаплар қувонч билан учрашишаётган, жони узилгаплар қайта туғилаётган дунё намоён бўлди. хурофот ва дабдабали аиъаналар мавжуд жамиятдан мангу олис эди бу дунё.

Плагформага тулдураб поезд кириб келди. Шунда Чэтанинг миясида бир фикр «ярқ» этиб кетди; нега энди шу поездга ўтириб кета бермайди? Поезд беш яримда Лоҳурга этиб боради, ҳозир эса эндигина бир бўлди.

— Ҳой, Чэтан!

Чэтан кутнилмаган воқеадан титраб кетди, орқасига ўгирилиб, қўлинини чўэди.

— Нақадар сермулоззаматсан-а, қара, шундай бемаҳалда ҳам мени кутиб олгани чиқибсан.

Чэтан ички изтиробларига қарамасдан беихтиёр кулгидан ўзини тўхтата олмади:

— Аҳмоғининг йўқ... Мен ўзим Лоҳурга борадиган поездни кутиб турибман.

— Лоҳурга? Жинни бўлдингми?! Ахир унинг келингига ҳали тўрт ярим соат бор-ку! Тўйнинг нима бўлди?

Чэтани дўстини бугун кечқурун содир бўлган ҳамма воқеадан хабардор қилди.

— Мен ҳозир ҳатто оёқларим остига отам келиб йиқилганида ҳам уйланмасликка қатъий аҳд қилдим.

— Кўнглингнинг кўчасини қара, у келиб оёгинг остига йиқилсинми эди!— кулди Анант.

Аммо Чэтанга кулги татимасди.

— Мен аҳд қилдимки...

— Нима, жинни бўлганимисан!— деди Анант.— Извошли...

Ёнларига извош келиб тўхтади. Анант Чэтанига нараво ҳам қилмасдан унинг чамадонини кажавага чиқариб қўйди.

— Қаёқقا буюрасиз, жаноб?— сўради извошли.

— Атари чорраҳасига!— деб жавоб берди Анант Чэтанини маҳкам ушлаб. Извош жойидан қўзғалди.

— Ўйга ўлсам ҳам бормайман!— деди бўғиқ овозда Чэтан.

— Сенинг қочаб кетишинингга ким ижозат берарди?— деб кулди Анант.

— Аммо...

— Маст одамининг валақлашига жаҳл қилиб бўладими? Сен хотўғри йўл тутяпсан! Уялгин!

— Мен бу тўйнинг бўлишини ҳечам хоҳламайман, ҳеч қачон хоҳламайман!— деб ёш боладек тақрорлазди Чэтан.

— Мен аканг билан таплашдим,— деди Анант,— хўш, ўзининг нима деб ёзувдинг? Қўрқоқ!

Чэтан эътиroz билдириди:

— У бир онлик ожизлигим эди... Чандо менига ҳеч қачон ёқсан эмас.

— Хўш, энди бир онлик ожизлигинг учун бирорвлар жавобгар бўлиши керакми?— Анантининг жаҳли чиқиб кетди.— Сен қиз ҳақида ўйлаб қўрдингми? Ахир у ўзи ни ўлдириб қўйиши мумкин. Унинг ота-онаси, қариндоши уруглари бор. Уларни ҳақорат қилишга нима ҳақининг бор?

Иккала дўст бир қўли билан кўрпа-тўшак бўхасини, иккинчи қўлида чамадон ушлаб Ҳарлаъл дўкони олдида извошдан тушганларида пандит жий ҳамон қарашотга боғланганча ётарди.

Чэтанинг отаси ярамас ўглиниң түйига қатнашмасликка қасам ичди. Чэтан бўлса, Анантининг тун бўйи уни кўндиришга ҳаракат қилишига қарамасдан, бўш келмай, айтганида туриб олди. Шунда ҳам Анантининг тоңирлиги ва пандит Венипрасоднинг жиҳдийлиги устун келиб, Чэтанинг тўй маросими дабдаба билан белгиланаған вақтда ўтадиган бўлди. Чэтан ўзининг куёвлигини ўринлатди. Шодиром бўлса барча оталик бурчини бажо келтирди.

Пандит жий туни билан каравотга боғланганича қолиб кетди. У шунчалик кўп сўкиндики, томоги қирилиб, боғланган қўллари ҳолсизланди, кайфи астасекин тарқаб кетди. Шунда у чарчаган бўлса ҳам, ҳамон болохонадор қилиб сўкипар, энди уришмасликка ваъда берип, ечиб юборишларини илтимос қиласарди.

Уни сичиб юборишган эди, дарҳол Десрожнинг ўйига жўнаб қолди. У ердан хурмачасидан тошгунича ичиб қайтди. Пандит Шодиром Десрожни ҳам ола келмоқчи бўлган эди, у бу ишга аралашмасликни лозим топди.

Пандит жий ўйига қайтгач, тили зўрга айланиб сўради:

— Қани у чўчқа?

Афтидан, гап Чэтан ҳақида борарди. Ромонанд ўтирган жойидан қимирламай тумшайибгина жавоб берди:

— Кетиб қолди.

Пандит жийининг боши қотиб турган бўлса-да, ўзини хотиржам тутиб Чэтан билан бир пуллик иши йўқлигини, бу тўй бўладими, йўқми, унга барп бирлигини, ёки ҳамма-си ўлиб кетган тақдирда ҳам, парво қилмаслигини айтди.

Кейин иолиган оҳангда, аммо қатъий қилиб отаси билан ҳисоблашмайдиган, мастиликда айтилган гапнига тиригилиб жаңжал кўтарган ўғли ҳақида бош қотиришни ҳислига ҳам келтирмаётганини айтди. Шундан кейин Чэтанинг шаънига қарнишлар ёғдириб, эрталаб ўзи ҳам кетиб қолишини маълум қилди.

Аммо қаттиқроқ сўкинган сари, кўпроқ шовқин-сурни кўтарган сари унинг ожизлиги тобора яққолроқ сезиларди.

Ўз ғазабини Чэтанига сочиб бўлгач, бошқа ўғиллари га ёнишди. Бироқ Ромонанд отасининг ички кечинимала-

рини тўғри тушунган эди. Пандит Шодиром доим ўз сўзининг устидан чиқарди. Энди бўлса, у Чэтанинг кетиб қолгани учун пандит Венипрасод олдида уялиб қолиши аниқ: шуларни ўйлаган сари ич-ичидан ваҳимага тушарди. Шунинг учун отаси: «Хўш, қайси бириниг ўзинигни кучли деб ҳисобласонг меш билан кураш тушавер» деган заҳоти Ромонанд унинг оёғи остига йиқилиш учун қулай фурсат келганини аинглади. У кечирим сўради ва фақат Чэтанинг дабдала қилиб ташламасин деб отасини ушлаб қолишга ҳаракат қилганига ишонтира бошлади. Ромонанд ҳаяжонланиб кетганидан ҳатто йиғлаб юборди. Кичик ўғли ҳам акасидан ўриак олди: у ҳам отасининг қаршиисида тиз чўкди, кечирим сўради ва йиғлади.

Пандит Шодиром табнатан қаттиқ қўл ва қўпол, ҳатто бемеҳр одам бўлгани билан, қалбининг қаърида олижаноблик ва кўнгилчанлик учқуплари бор эди. Ундаги бу кейинги хислат ўз душманларини кечиришга мажбур этарди. Пандит Шодиром шу хислатга итоат қилиб, биронта дўсти ёки яқин қариндоши ёмонлик қилиб кўйганида қалби жароҳатланниб ёш боладек ўкириб йиғланган пайтлари ҳам бўлган.

Афтидан, ўғилларининг пушаймон бўлиши қалбидаги шу нозик торларга таъсир этгани яққол сезилиб турарди: томогига бир нима тиқилди, у ҳам йиғлаб юборди. Она бўлса аллақачондан берни йиғларди.

Кўп царсаннинг шоҳиди бўлган, кечқурин ёқилган кесросин чироқ эса ҳамон хира ёғду сочиб лишилаб турарди. Чироқининг шишиаси қорайнib кетган бўлиб, атрофида ҳокимлик қилаётган ярим қоронгилликда тўртталаси бир ерга тўпланиб азоб чекаётган одамлардек туришарди.

Отаси ўғилларини қучоқлади. У ҳамон йиғларкан, Чэтанинг яна бир марта сўкиб қўйди ва томогига яна тиқилган царсани ютишга уриниб, хотинига ўрин солиниши айтди.

Орадан бир соат ўтгач, азоб чеккан оила қаттиқ уйқуга кетган эди. Пандит жий ҳатто хуррак ота бошлади. Фақат она ухламасди. У Чэтанинг қайтиб келиши ва тўйининг ўз вақтида яхши ўтишини илтижо қилиб Ганеш худосига сингинарди.

Эрталаб Анант келди. Бу пайт Чэтанинг опаси ҳовлида гулдаста тутниб, бошини қуян эгганича дуо ўқиётган эди.

Она дуони тугатгач, Анантдаи бастилилк пандит Ве-

иширасодин чақпирб келишини илтимос қилди. Пандит Шодиром иешинга яқин уйғонди ва қақраб қолган томонини ҳўллаб олиш учун сув сўради. Онаси унга стакенда сув бера туриб Бастидан пандит Венипрасод келганини маълум қилди, аммо пандит жий бошқа ёнбошига ўғирилиб олиб тўлдиради: «У билан Ромонанд гаплаша қолсин! Мен энди ҳеч нарсага аралашмайман... Мени ҳеч ким безовта қилмасни!»

Чэтанининг опаси бу қатъий жавобини Аналтга айтган эди, у юқорига чиқиб кегди. Аналт шляпасини счиб, пандит жийига таъзим бажо қилгач, унинг ёнига ўтириб, Чэтаниниг иомаъқул ишларни учун қаттиқ афусуланди.

— Уни нимаям қилиб бўларди — ҳали ёш бола-ку. Ҳастини ҳечам билмайди, ҳеч нарсанни тўғри тушиумайди... деб ган бошлиди у.

— У, тентак, оёққа туриб олдим, нул топяпман, энди ҳеч нарса билан ишим йўқ, деб юрнди,— пандит жий тун бўйи хириллаб қолган овоз билан гапиради.— Ҳўш, менга нима? Менинг жоним ҳалагу, ким билади у яна қандай найранглар ўйлаб юрган экан.

— Йўғ-э, қўйсангииз-чи,— деб эътироуз билдириди Аналт.— Энди у бундай қилмайди. Фақат у таъсирчан, шоир табнат ва мағрур йигитча, холос. Шоирлар эса,— деб кулди Аналт,— ярим телба бўлишади. Наҳотки болалар билан гаплашганда ўзингизни ёш боладек тутишингиз жониз бўлса? Унинг-ку, тентаклигини ҳамма билади, амма эшитганилар сиздан ҳайрон бўлишмайдими?

Шундан кейин Аналт пандит жийининг олижаноблигини кўкларга кўтариб мақташга тушди ва шу билан бирга (бўлажак тўй туфайли қиттак отиш иштиёқида бўлгани оталарининг истагига қарин турининг журъат этган) Чэтан ва ака-укаларининг жоҳиlliгидан койиниб, ўзининг мулоҳазали фикрлари билан пандит жийни батамом ром этиб олди.

Худди шу пайтда пандит Венипрасод Чэтанин эсухини йигиб олинига ундарди. Туни билан Аналтнинг гапга кўндириш учун уриннишларига парво қилмасдан, барни бир ўйланмасликка аҳд қилиб турган Чэтан бўлса, бу ногирон ҷоличиг биронта сўзини ҳам рад этолмасди.

Шундай қилиб қасам ичганиларига қарамасдан ик-

каласи — отаси ҳам, ўғли ҳам тўй маросимида иштирок этишиди. Улар ҳатто ўйнаб-кулишиб, табриктарни қабул этишар, барча урф-одатларга риоя қилишарди. Шундан кейин тўйларга хос шовқин-сурон кўтарилиб, мусиқа садоси эшитилди, қўшиқлар янгради. Аммо бу шодиёна ва ўйн-кулгилар замнирида гам-анидуҳ яшириниб ёгарди.

Отаси ўғлини кечирган бўлса-да, у билан гаплашмасди, ўғли бўлса одатдаги совуққина таъзим билан чекланиб қўя қоларди. Пандит жий оталик ҳукмни кўрситиш мақсадида Десрож ва пандит Банорасий Дослар даврасида тағин ичиб олди ва йўл-йўлакай хотинининг гарданинга бир неча мушт тушириди. Шу муддат ичиди онанинг кўзларидан ёш, Чэтанининг кўзларидан газаб аримади.

Тўй маросими Бастига келгач, дхармшаълагага¹ кетишашётганида ҳам, гулдаста тузиш пайтида ҳам ва барча удумларга риоя қилишашётганида ҳам Чэтанин чулгаб турган хаёллар бирдан үзсиз гойиб бўлди-қолди. Соат тахминан кечқуруп тўққиз яримлар бўлганида чоҳирдаги креслога ўтириди ва ҳамма нарсани унуди. Унинг барча изтироблари тарқади кетди. Вужуди енгиллашди. Чодирдан сал нарироқда, пешайвонининг рўпарасида қизлар ўтиришарди. Чэтанининг нигоҳи улардан биринки билан тўқишишиб қолди ва уни таинди.

Бу Басти майдонида уни лол қолдирган, иккинчи марта эса бўлажак қайлигининг ёнида ўтирганини кўрганида ақлдан озишишга оз қолган ўша қиз эди.

Чэтан изазаридан енгилгина тўлқинига айланниб улкан деңгизининг аллақаеридан сузиб юргандек бўлди. Ҳозиргина, дарвозадан кираверишда унинг ёш қайлиги бўйинига гулчамбар ташлаганида у қизининг ўрта миёна чиройи ва ҳаддан ташқари қўйол қадди-қоматини кўриб афсуслашган эди. Бироқ шу топда унинг кўз олдида фусункор соҳибжамол намоён бўлиб, афсус ва надоматидан асар ҳам қолмади. Шу вақт нуроҳит дуосини, аёллар бўлса ҳиргойинини бошлиб юборишиди:

Хонадонга меҳрибон ишон келди!

¹ Дхармшаъла — ҳинду ибодатхоналари қошидаги мусофирихона.

Чэтан эртасиңга ташвишли, ғамғин нигоҳини томга тикиб ўтирганида қулогига бирдан яна тўй қўшиқлари—кишини сархуш қилувчи оромбахш қўшиқлар эшитилгандек туолди. Қўшиқларни таниш ва майин овоз куйларди. Тўлқинлантирувчи оҳанг қалбни қайноқ ҳаяжонга тўлдириб, юрак ва вужудни тирнаб ўтарди... Аммо том бўм-бўш эди — қўшиқчи қизларгина эмас, биронта қарга ҳам кўринмасди у ерда. Чэтан нигоҳини кеча тўй авжига чиққанида қўшиқчи қизлар гулханин қуршаб турган пешайвонга олди. У ердан жарангдор товушлар ўғинга Бастидга яккаю ягона ислоҳчи ҳисобланган ўқитувчи Нандалаъл граммафонининг ёқимсиз хириллаши ёзитиларди:

О, яратган! Бизнинг қалбларга
Покизалик ато қил яна.
Ёмонликлар даф бўлсин мудом,
Яхшиликлар қилсин тантана.

Ислоҳчи Нандалаълга бошқа кўпгина ярамас урфодатлар қатори «томга чиқиб олган» аёллар айтадиган ўйниоқи тўй қўшиқлари ҳам ёқмасди. Унинг назарида тўй ва шунга ўхшаш шодиёналар аллақачоноқ ислоҳталаб бўлиб қолган эди.

— У тўй маросими учун жуда бол пластинка танлабди-да,— деди Чэтан ўзича граммофон овози ўчгач.

Аммо бу кимининг айби? Ахир пандит Венипрасодга леҳ қандай урф-одатга риоя қилмоқчи эмаслигини ўзи ўйтмаганмиди?! Шундан кейин Чэтан ислоҳчилик ташаббусининг дастлабки муваффақиятларидан кўнгли тўлган ўқитувчи Нандалаълнинг мамнун ва чаққонлик билан елиб-югуришига қараб кулиб қўйди. Оч ва қашшоқ Ҳиндистонининг фақат қисқа фурсатли тўй ҳамда байрам маросимларидагина хурсандчилик қилиши қолган эди-да. Фақат шу дамлардагина одамларга бир оз хурсандчилик қилиш учун қулай фурсат туғиларди. Тўйни қарши олиш учун ёқимли қўшиқлар жаранглаб, ёш келин-куёвлар шарафинга майин оҳанглар таралади, эртаклардагидек ажойиб куйлар гулхан атрофидан айланиш маросимини қутларди ва меҳмонлар тўй зиёфатида ўтиришиб таомни сархуш этувчи тўй қўшиқларининг асал

шарбати билан қўшиб ичишарди. Келиннинг дугона пла
спа-сингиллари тўйда ижозат берилган, тўйни тўй қила-
диган ҳазил-хузулли қочиримларни авжига чиқаришар-
ди. Четани бу қувноқ қочиримларни жуда эшитгиси ке-
ларди-ю, бироқ пешайвонда аввалгидек граммофон
вағилларди:

О, яратган бизнинг қалбларга
Покизалик ато қил яна.

Ўқитувчининг ислоҳчилик режаларига мос тушади-
ган бошқа пластинкалар бўлмагани учун у битта ашула-
ши узлуксиз қайта-қайта қўяверарди.

Четанинг хаёнида тўй маъбудасининг қиёфаси
гавдалаиди; турли-туман безаклардан мосуво бўлган бу
маъбуда жиноятчи — ислоҳчининг қўлида азоб чекарди.
Бу ашаддий ярамас унинг аваллари жозибадор оҳанг-
лар таралиб турадиган томонини бўғиб ‘қўйди ва ундан
барча безакларни юлиб олди. Четанин қадимги замон-
нинг ҳақиқий соҳибжамолини кўриш иштиёки қамрэб
олди.

— Поччажон, таомдан еб ўтиринг,— деди унга ориқ,
узун бурунли бола. Четан ўз хаёллари билан банд эди.
У кутимаган товушдан титраб кетди ва қўлинин талини-
кага узатди.

Меҳмонлар таомни тановул қилиб бўлишганди,
Четани ҳамон хаёлларини бир ерга тўпломай, паринион-
хотирлик билан ўрнидан турди. Шу пайтда унинг ҳузу-
рига ҳассага таяниб, қалтираб турган пандит Венинэр-
сад келди. У қўлларини дуога жуфтлаб, илтимос қилди:
«Яна бир оз ўтиринглар».

Четан бир сўз демай гиламга ўтирди. Тўсатдан пе-
шайвондаги парда кўтарилиб, у ердан қувонч ва шоғ-
ликдан гўё ўйин тушиб кетгудек бўлиб, худди ўша қиз
чиқиб келди. Унинг кетида дугоналари туршарди.

— Поччажон, шеър ўқиб беринг! Поччажон, шеър
ўқиб беринг! — қиз шу сўзларини айтиб Четанининг ёнига
ўтириб олди. Қолганилари рўпарасида гуж бўлиб тур-
шарди.

Четани қулоқларигача қип-қизариб кетди. Бир нечта
кампир келин, Четанин қайнанааси, бошқа қарнидош-
ур углари, шунингдек, келиннинг дугоналари билан та-
ништириди. Шундагина у бу чиройли қиз хотинининг ўғај

синглиси эквалигини, унинг исми Нила бўлиб, пандит Венирасодининг учта қизидан ўрганичаси эканини билди. Четаи у қизга ер остидан пазар ташлади ва оғир тин олиб қўйди. Нега энди буни олдишроқ билмадий-кин-а?

— Шеър, шеър, ўқиб беринг, поччажон! — деб унинг костюмидан тортишарди қизлар. Четаининг кўзлари бир зум Ниланинг кўзлари билан тўқнашиди. Унинг нигоҳи эркаланиш ва нафосат билан шу даража ёлқинланиб турардикн, истаган фурсатда лабларинда майни табассум гулгуни яшиаб кетишга тайёр эди.

Четаи ўтириди.

Бироқ шу пайтда пандит Вениprasod келди. У қалтираётган қўлларни қовуштириб деди: «Энг азиҳ меҳмонимиз, энди ўринингиздан туринингизни илтимос қиламан».

Нила бир оз аччиқланиб деди:

— Ота, поччамнинг яна бир оз ўтиришларига рухсат беринг. Биз улардан биронта ҳам шеър эшиганимиз йўқ!

— Яхши, яхши, қизим... Ўтириш, азиҳ меҳмон! — деб чол очиқ кўнгиллик билан куларкан, қандай пайдо бўлган бўлса, бирдан шундай ғойиб бўлди.

Четаининг қалби ҳаяжондан уриб кетди. У пешайвонининг нариги томонига қаради. Парда сал кўтарилган эди. У ерда юзига тутган тўрини тушириб, қип-қизил тўй либосидаги келин ибо билан ўтирарди. Тўй кийимлари унинг бугдой рангини яна ҳам бўрттириб кўрсатарди. Четаи бирдан қайнанасининг қиёфасини эслаб, бошқа томонига қараб олди.

Нила куалиб юборди:

— Шеър ўқиб беринг, поччажон, у ёққа қараманингизини ҳожати йўқ! Барнибир у сизнинг уйинигизга боради-ку, ахир!

Четаи ўзини тутиб олиб, бир оз ўйлагач, шеър ўқий кетди:

Чанд айтиш қийинмас менга,
Илҳом бўлгач, айтмоқлик ишма;
Лек ҳаандни унудим тамом
Пайдо бўлгач, қаршимда Нила.

Нила қин-қиёзарниб кетди ва кейин дугоналарининг кулгисига қўшилди. Четаининг назаридаги бу кулгига кў-

миллб кеттәйттандек бўлди, у билан бирга эса сўнгти кунларда қамраб олиб, чеҳрасига сигилгини гамганилик булати соя солған жиддийлиги ҳам чўкаётгаидек эди.

У вақтни дилхушлик билан ўтказди. Ўйнга қайтиб келганда эса хаёлидан хотини ва унинг дугоналари ўчиб, Ниланинг мафтуникор қиёфаси намоён бўлди: унинг жилвали табассуми, хумор боқинилари, майни товушининг жарангдорлигиги... Нила!.. Нила!..

19

Эртасига Чэтан ёш қайлиғи билан оркестр бошлаб бораётган извошга ўтириб, Басти Газанини ташлаб чиқар экан, унинг хаёли бутунлаи Нила билан банд бўлиб, қалбидан аланига түгёни уради. «Нега энди мен Нилага уйланмадим,— деб ўйларди Чэтан,— нега энди мен Басти майдонидан ўтиб кетган қизин қайлиғимнинг синглиси эканини аввалроқ билмадим?» Ахир ўша қизга биринчи қарашидаёқ, пазарида, қалбига чароғон нур кириб, Самисоли чарақлаб турган шамчироқ тун қороненглигини қувганидек, дилидаги зимиштон гойиб бўлмаганиди? Бу қиз ҳақида Мулкрождан сўрамаганини қара-я! Ҳагто кейнироқ бу ҳақда билаб олганида ҳам майли эди. Қани эди... О, у найтда унинг хилма-хил баҳтсизликларга тўлиб-тошган ҳаёт уммонида қудратли баҳт тўлқинлари жўш урган бўларди. Бу тўлқинлар уни қаёқларга элтмаган бўларди-я!

Чэтан извонида ёима-ён ўтирган ёш хотининга қарали ва бирдан ҳаёт унга бемаъни гуюлиб кетиб, аламидан томогина бир нарса тиқилиб қолди. Шунинг учун остона ҳатлаб уйнга кириши биланоқ урфий маросимларни тезроқ тугатишга шошилди, кейин энг чеккадаги уйга югуриб кириб кетди ва ҳўнграб йиглаб юборди.

Ҳаётда қанчадан-қанча хўрликлар кўрган онаси уларнинг бошига яна бир фалокат бостириб келаётганини кўриб, жуда ташвишга тушди. Бироқ биринчи баҳтсизлик илк бор безгак тутганидек, одамни қалтирагиб, даҳшатга солса, тинимиззазоб чекиши кишини чиниқтиради. Шунингдек тақдирининг қанчадан-қанча зарбаларига дош берган онаси ўзини-ўзи тута билибгина қолмай, ҳатто фалокатлар гирдобини бартараф қилишига ҳам қурғи старди.

У бир зум ўйга толди ва биринчи бўлиб келинининг олдига борди. Юзидаги ёнинчиғини кўтариб унинг кўзларига синчилаб қаради ва дарҳол рўпарасида инҳоятда ювош ва кўнгли очиқ кимса турганини кўрди. У ҳаддан ташқари ҳаяжонланиб кетиб келинини қучоқлаб олди ва мулойимлик билан деди:

— Қизгинам, сен унинг аҳволини тушунишиниг керак. Ахир у гулзорда чарх уриб юрган ва бирдан тўрга тушиб қолган эркни қушга ўхшайди-да. Энди уни қўлга ўргатиш керак. Агар ақл билан иш кўрсанг ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Қуш учнб кетмайди... Ҳозир мен уни юбораман. Фақатгина хижолат чекмасанг бас, тушуниги... ахир сен кичкини эмасссан-ку.

Онаси бориб Чэтани қизининг ёнига юборди.

Чётанинг кўнгли тўлмаган эди. У ҳатто ўз хотини билан учрашишини хоҳламасди ҳам. Бироқ она ҳурматини бажо келтириб, бўйнидан боғлагандай қизининг олдига кетди.

У хонага кириши биланоқ кечирилмас бир тентаклик қилиб қўйди.

Аввало у онасига овқат бериб юборишини тайнилади. Хотини ҳам онаси билан бирга чиқиб кетаётганини кўриб, асабийлашиб: «Утир!» деди. Хотини ўтиргач Чётан ўриидан туриб (овқат келтиришларини тайнилаб қўйгани ҳам эсндан чиқиб) эшик илгагини илиб қўйди. Кейин хотинига юзидаги парданни кўтаришини буюорди.

Чанда парданни аста-секини олиб, ҳаёдан юмулиб турган кўзларини очиб ибо билан Чётанига қаради. Мана шу бир боқиниданоқ Чётан овозидаги кескинлик дарҳол юмшади. Эҳ, бу жиддий, маънидор, очиқ чеҳрали ва сержила ва ингоҳ!.. Чётан назаридаги сукунат океани қаърига чўкаётгандек бўлди. У энди ўта мулойимлик билан сўради: «Хинд тилида ўқинши биласаними?» Чанда секини жавоб берди: «Ҳа». Унинг майини ва оҳаигдор товуши қулоққа хуш ёқарди. Дарҳол унинг назаридаги Басти майдонида биринчи марта кўрган ўша Чанда билан унинг ёш хотини орасида катта фарқ бордек туюлди. Унинг ранги-рўйи ҳам тиниқлашиб, қадиқомати келишиниб, гўзаллашгандек, кўзлари бўлса йириклишгандек бўлди.

«Сен жуда яхши бўлиб кетибсан, Чанда!»— деди у.

Қиз жилемайди, кейин эса секингина кулиб қўйди. Нэқадар мулойим табассум, нақадар ажойиб кулги!

Чэтан ақиқ лаблар қандай очилганинші вә садағдек текис, сағ тортған оппоқ тишлари Чанданинг табассуми чөхрасында гайри табиин мафтуикорлик бағш әтиб йилтирагаппап күрди.

Чэтан хотиннің маҳлиә бўлиб қараб қолди: у шундай оддий ва шу билан бирга мутлақо гайри табиин әди. Кейин у ўрнидан туриб китоб олди ва хотиннің узатди. Чанда бир неча сатрни шариллатиб ўқиб ташлади.

Шунда Чэтан китобин бир четга ташлаб, хотиннің ўзинга қаратиб шавқ билан деди: «Мен сенға иисбатан бошқача фикрда эканман, Чанда!».

Чанда қовоқларини хиёл кўтариб Чэтанга мафтуи этувчи ҳаёли кўзлари билан яна бир марта қараб қўйди. Шунда Чэтан қанчалаб чақирим йўл босиб, ниҳоят ҳордик чиқариш учун катта кўл соҳилидаги сершоҳ дараҳтлар соясидаги йўтирган йўловчилик ҳисе қилди ўзини.

20

Чэтан тўйдан кейин Лоҳурга жўнаб кетар экан, ҳозирча Чандани ўзи билан ола кетмади. Бунинг сабаблари кўп әди: биринчидан, унинг онаси ёш келинини бир неча кун ўзи билан бирга туришини ва уйдаги турмуш шаронтлари билан яқинроқ танишишини хоҳларди; иккеничидан, Ромонанд ўз ваъдасини бажарган экан, энди Чэтан ҳам ўз сўзининг устидан чиқса ёмон бўлмасди, яъни унга Лоҳурда тиш врачлиги кабинети очишида ёрдам берини керак әди; учинчидан, Жоландҳарда яшайвериш жонига теккан Ромонандининг хотини Чампа Лоҳурга кетиш ҳақида қистайвериб жонга текканди. Жазира мақалалар шу қадар иссиқ әдик, Лоҳурдаги Чангар маҳалласига жойлашган икки хонада бир неча одамининг қандай яшашини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Ниҳоят, Чэтанинг ўзи ҳам, тўсатдан, Ниладан шунчалик узоқлашиб кетишни истамасди. У агар Чанда Жоландҳарда ёки Бастида яшаб тургудек бўлса, унинг Нила билан кўришиб туришига катта имконият борлигидан ишиҳона умидвор әди.

Шундай қилиб Чэган ёш хотиннинг онасининг ихтиёрнда қолдириб, Ромонанд учун у-буларни тайёрлади-да,

унга кетма-кет Лохурга етиб боришини тайинлади. Шундан кейин Четаи Чампани тез орадаёқ чақириб олишларига ишонтириб, ўтган барча гам-андуҳларга ва қувончларга тўла бўйған кунлардан кейин яна ўша жонига теккан газетада ишиш учун Лохурга қайтиб кетди.

Ҳаётда шод-хуррамликдан кўра гам-андуҳ кўпроқ бўлади. Аммо кўниича уларни ажратиб алоҳида қилиб бўлмайди. Бахти дақиқалар машъум онлар билан ёнмаён келади. Шунинг учун ҳам одатда ишон бир инёладаги бол билан оғуни баравар ичишга мажбур бўлади.

Онанинг Чандани яхшиси уйда олиб қолиб турмуш билан таништириш ҳақидаги истаги тез орадаёқ ғойиб бўлиб, орада икки ой ўтар-ўтмас ёш келини каттасидан ҳам ўтиб туингани ҳақида зорлацди. Тўғри, униси қўпол сўз ва мингир-мингир бўлгани билан ҳар ҳолда фойдаси тегар эди. Буниси-чи — нақ тўйканинг ўзгинаси. Фақагина овқат ейишни-ю, ухланини билади, холос, қўлини совуқ сувга ургиси келмасди.

Шу вақт чиңда Четан Жоландҳарга иккى марта келиб кетди. Унинг бир йилда бир ой дам олиши мумкин бўлиб, бундан ташқари, ойнга иккى ярим кун қўшимча дам олиши белгиланган эди. Иккى мартаенда ҳам иккى ярим кунлик дам олишнга якшанбани қўниб уч ярим кунлик муддат билан Жоландҳарга келди. Биринчи келганидаёқ онасининг оғир феъл-атвори жонига теккан хотини уни Бастига жўнатиб юборишини плитимос қилди. Четан унинг қийналниш сабабини жуда яхши биларди. Шунинг учун юпатди:

— Бу ер сенга ёқмаётганини биламан. Мен бугуноқ сени Лохурга олиб кетган бўлардим. Бироқ у ерга яқинигинада Чампа борди-да. Майли, у Лохурда бирор ой яшаб кўрсии, кейин сен борасан. У ерда иккалангиз учун жой етишмаслигини биласан-ку. Онам тўғрисида бўлса — у ҳақда сенга нима ҳам дейишим мумкин? У уйқусиз, таомисиз кўн ўтказа берини мумкин, шунинг учун бошқаларни ҳам ўзицек билади. Шундай қилиб ҳозирча шу ерда яшар экансан, чида! Эрта турнига ва кечроқ ишнушта қилишга одатланиш керак. Онам аёллар эркаклардан олдин овқатланса гуноҳ бўлишнга ишонади. Майли, мен унга айтиб қўяман. Бу ерда гап фақат сенда эмас...— У гапини бир оз секундатиб, давом эттирди.— Агар Бастида яшашни жудаям истаётгани бўлсанг бир неча кунга бора қол.

Чандада хаёланг бопини саҳоватли ёрининг оёқларига эгди. Чэтан бўлса шу туфайли Бастига икки марта бориб келди.

Ойдин кечада эди. Кун бўйни ёмғир ёғиб, ҳозир эса булутли осмон каклик патлари қоплагандек бўлиб туриши, кёксаларининг таъбирича, ёғингарчилик ҳали тугамаганлигининг аник белгиси эди. Ҳаво дим эмас эди, салқин шабада эсарди. Кичкина булутча илон шаклида ой атрофини ўраб олган, ҳавони қоплаган булут тирқипларидан у ер-су ерда юлдузлар милтираб кўзга ташланиарди. Чэтан қайшасининг уйи томида ётарди. Еннида Нила ўтирарди, у бўлса гўё қотиб қолгандек қиздан кўзларини узолмасди.

Иккагаси жим эди. Пастда идиш-товоқ ювишаётгани эшитилиб туради. Ахён-аҳёнда қўйл насосининг ёқимсиз гижиллаши қулоққа чалишарди, баъзан эса Чанданинг (эҳтимол эри эшитиб турсин учун бўлса керак) қаттиқ-қаттиқ гапиригани эшитилиб қоларди: «Келинойижон, қаранг, ун естармикни?.. Ойи, талишканни қаерга қўйгансиз?.. Келияйи, нўхат қайнаб кетдими?..»

Ўшз кундан кейин Чэтанга бугун биринчи марта Нила билан гаплашиш имкони туғилди. Бироқ у инма ҳақида гапиришини билмасди. Фақат унинг гўзал чехраси га тикилганича жимгина ўтирарди. Нилани новча деб бўлмасди, фақат ўрта бўйдан сатгина баланд эди; у ориқ ҳам эмас, семиз ҳам. Сарвқомат, хушбичим, лўппи юзи кулгичли ва сал чўзинчоқ, шаҳло кўзли сулув қиз эди; қадди-қоматининг кўзга кўриниб қолгани эса уни балоғатга етганидан далолат бериб туради.

Чэтан ундан кўзларини узолмасди. У қиз билан бирор нарса ҳақида гаплашишини ўйлаб топишга урингани билан мияснга ҳеч нарса келмасди. У Ниланинг ёнида әканидан сархуш бўлиб, ойдин тунининг ҳаяжонлантитувчи сеҳридан жўшиб ётарди. Бурчакда тинмасдан чигиртка чирилларди. Чэтан унинг овозини бамисоли уйқусида эшитаётгандек бўларди.

Чэтанинг соchlарини оҳиста силаб, уларни нозик бармоқлари билан тараётган Нила тўсатдан деди: «Поччажон, соchlарингиз бирам майин, узун ва тўлқининимон-а!»

Чэтан яна нима дейшинини билмай қолди: у фақат Ниланини қўлнини кафтига олиб кўзларини юмгашиб ҳамон жим ётаверди.

Нила ҳам жим ўтиради. У Чэтанинг соchlарини оҳиста силашда давом этиб, жингалак соchlарини тортиб-тортиб қўярди.

— Нила, буни қара, пкки марта Чандани кўргани келиб, иккى марта ҳам сени кўрдим-а.

— Мен ҳам сизни иккى марта ҳам сени кўрганиман. Ҳатто бириничи марта Басти майдонидаги турганингизни кўрганимда қандай кийимда эканингизни ҳам айтиб бериним мумкин.

Чэтанинг баданидан бамисоли енгил тўлқин козиб ўтгандек бўлди. Ниланинг қўлларини авайлаб силаркан гап бошлади:

— Агар ўшанда сен Чанданинг синглиси эканингни билганимда эди...

— Унда нима бўларди, поччажони?..— деб шошилиб сўради Нила.

Аммо Чэтан ҳеч нарса демади. У фақат оғир хўрсишиб қўйди. Эртасига Чэтан қайтиб кетишга отланётганида Нила кириб келди, унинг кўзлари ҳар галгидек чақнаб турарди. Қиз ундан кейинги сафар Лоҳурдан лента ва қисма зирак олиб келишини илтимос қилди.

Бироқ иккиничи марта келишида Чэтан унга фақат лента ва қисма зиракларгини эмас, помада, крем ва бир қути уна ҳам олиб келди. Шу билан бирга у бу харид қилган нарсаларни учун хотинининг мақтовига сазовор бўлди. Чеган келган заҳотиёқ лента ва қисма зиракни Нилага, помада, крем ва упани Чандага олиб келганини айтиб қўйди. Бироқ орадан бир оз ўтгач, у ёқ-бу ёқлардан гаплашиб ўтириб деди: «Биласамни, бу арзимас нарсаларни Нилага совга қилиш иоқулай. Ахир у сенинг синглинг-ку!» Шундан кейин бу фикр унинг миясига ҳозир келиб қолгандек илтимос қилди: «Яхшиси сен унга помада, крем, упани ҳам бера қол. Яхши бўлади. Сенга бўлса кейинги сафар олиб келаман. Нима бўлгандаям у сенинг синглинг, бундан ташқари аввалги сафар баъзи нарсаларни сўраган эди...

Кўнгилчан Чанда жон-жон деб рози бўлди. Бироқ поччажони Лоҳурдан олиб келган совгаларни Нилага Сериб юборганида; қиз фақатгини кулиб қўя қолди. У ўзига лента ва қисма зиракни олиб қолиб, қолганини

Чаидага қайтариб берди. «Шундай әкаи, буларни поччанга ўзинг қайтариб бер»,— деб рад этди Чанда.

Нила упали қутичани, кремли баракачани, помадани олиб юқорига чиқиб кетди ва буларнинг ҳаммасини Чутанинг олдига қўйди.

- Буларни оламга беринг,— деди у.
- Ахир буларни сенга олиб келганиман.
- Менга нима кераги бор?
- Нега энди? Чиройли бўласан!

Поччажон, сиз жуда қизиқ экансиз! Бастида биронта қиз лабини бўяб ёки юзига уна қўйиб юрганини кўрганимисиз?

Шундай деб у йилғаб юборди ва Чэтан жавоб қайтарунича қочиб кетди.

Чэтан совғаларини ўша куниёқ хотинига қайтариб бераркан, қўшиб қўйди: «Яхшиямки буларни Нила олиб қўймади».

Чанда бир сўз ҳам демай ундан баракача ва упани олди.

— Мен ахир сенга яхшилик қилмоқчи эдим-да,— деб сўзини давом эттирди Чэтан хижолатдан илжайниб.— Сенинг синглинг биронта одамга поччам ўтакетган қурумсоқ әкаи, деб қолишидан қўрқувдим-да. Бироқ, очигини айтсам, буларни Нилага бериб юборишинги илтимос қилиб, сенга бошқасини олиб келишини ваъда қилганимда бу ойда ҳамма пулимни сарфлаб қўйганимни ўйламаган эканиман.

Чанда ҳамон жим турарди.

Чэтан унга ҳисоб бера бошлади:

— Сенга ёзган эдим,— деди у,— бу ойдаги маошиминиг ҳаммасини акамга берганиман. У Чемберлен-рўдда тиш врачлиги кабинети очган: энди унинг бу иши юришиб кетишига ишонса бўлади. Бирничи ойдаёқ, бутун бошли ўттиз рупия ишлади. Бироқ рупиялар оз-оздан келади, ижарага бўлса бирдан тўлаш керак. Шуннинг учун унга ўттиз рупия беришга тўғри келди. Ун рупиясп эса манови совгалар ва поездга кетди. Энди квартира ҳақини тўлаш қолди. Қорин тўйдиринш бўлса-ку, Ромонанд менни бир амаллаб боқар, аммо меннинч... Айтгандай, бу ёғи ҳам ҳал бўлган... Буларнинг ҳаммасини ўзингга олиб қол! Кейинги ойда мен сенга бўёқлар, соч мой ва бошка майда-чуйдалар олиб бераман.

Бироқ шу куни тунда у Нилага деди:

— Нила, сен ҳамма совғаниң қайтиб берисал, аммо шу билан менинг қалбимни қандай жароҳатлаганингни билмасаң керак чоги.

Тун қоронгисида Нила поччасининг кўзларига қарамоқчи бўлди.

Қиз томининг пашкарасида ўтиради. Ҷетан нарироқдаги чориояда ётарди. Уларниң тепасида, осмонда юлдузлар чаракларди, ойништ зарҳал ўрги ялтиради. Кимдир чўчитиб юборган митти кўршапалак уларниң тепасида чарх уриб айланарди. Ниланинг назарида Ҷэтанинг нафас олиши бир зум тўхтаб қолгандек бўлди.

У кулиб юборди: «Поччажои, бу гапларини нима ҳожати бор! Наҳотки мени сизнинг совғалариниңизни сайдиқса солиб қўйиншимни истасангиз? Мана, масалаи, менинг керак бўладиган бирор нарса олиб келсангизу, мени қўлингизни қайтарсан, бошқа гап!»

Ҷэтанинг кўнгли жойига тушди. Орадан бир оз ўтгач, у Ниланинг қўлини кафтига олди.

Қиз жим турарди.

Ҷетан Ниланинг қўлларини силаркан, Чандани яна бир неча кун Бастида қолдириш ниятида эканлигини айтди.

— Менинг онам — кам учрайдиган аёлларда,— деди у.— Биз учун қўлидан келган нарсани аямайди. Ахир у ҳаёт нималигини мутлақо билмаганди, бошига, кетма-кет баҳтесизлик ёгилиб турганинда ҳам у бизни ҳеч қачон койимаган, ўзидан нари кетишга қўймаган, Бизга қўйпол гаплар айтмаган... Мен доим қачон бўлса-да, уни баҳтли қилишни орзу қиласардим. Унинг кўз ёшлирини кўришга тоб-тоқатим йўқ. Шунинг учун мен Чандани ҳеч бир сўзсиз яна бир неча кунлик муҳлатга Бастида қолдирб кетмоқчиман.

— У сизга она, Чандага қайшана, оралариниңиздаги фарқ шу холос,— деда эътироуз билдириди Нила.

— Онам доим минир-минигир, заҳар деб катта келинидан иолигани-иолиган. Аммо сенинг опанг ундан эмас-ку, ахир. Унинг бирор ёмон томони борми? У шунчалик самимий, майнин, очиқ кўнгилки. Шундан кейин ўйлаб қолдим: мен бўлмаган тақдиримда, онамининг кўнгли кўтарилар десам, бунинг ўрнига...

Ҷетан жим бўлиб қолди. Кейин оғир хўрсаниб сўзини давом эттиреди:

— Чанда чала саводли. Бунинг устига қишлоқдан

Соңقا кеч қаорин кўрмаган. У соддадил ва қўли оғиқ қиз бўлса да, на кининини, на юниниши, на сочини тараб юришини билади, у ҳатто хўжаликини бошқаришини ҳам билмайди. Онам ундан иолийвериб чарчади. Ҷаидани йўхурга ҳозир олиб кета олмайман. У ерда кешиний яниаяпти, жой бўлса тор. Булар ҳаммаси мени ташвишга солмоқда. Жудаям...

Бир оз юрагини бўшатиб олиш мақсадида у оҳиста худди ўзининг яқин дўсти каби. Нилага ҳамма ганин айтиб берди, уни уйланиш вактидаги замги қиссадан ҳам хабардор этди. У қиздан ҳеч нарсанни яшириб қолмади, ҳатто Қунтий ҳақида ҳам тапириб берди.

Ниланинг қалби уриб кетди. Чэтан кафтида жимгини турган қизининг нозик қўли титраб кетганини ҳам сезди. Чётан эркалаб уни қисмоқчи бўлгани эди, Нила бирдаи қўлини тортиб олди.

— Почча, тезроқ туринг! Момақалдироқ!

Чётан кўрққанидан сапчиб туриб кетди. Шундагина у момақалдироқнинг товушини эшилди ва чақмоқгиниг ёргугида ғарб томондан тепаларига бостириб келабтган даҳшатли қора булатни кўрди.

21

Оқшомда қўёшининг қачон ва қаёққа яширинини куни ботиш пайтидаги шафақнинг гўзал манзараси бу дамда осмонда нақадар мафтункор бўёқлар жилвалалиниб, дараҳтларнинг шукуҳли барглари ёқут ва зумрад рангида товланиши — буларнинг ҳаммасини Лоҳур аҳолиси, айниқса. Анарколи районининг беҳисоб халқи мутлақо билмайди. Кеч бўлганини улар тўйатдан ёна бошлаган бозордаги фонарлардан, оломоннинг кўпайиншидан, ҳар бир дақиқада ҳавога кўплаб сингиб кетаётган дуд ислари ва чангдан билишади.

Чётан тушликка чиқмай олти-етти соат ишлаб, ишини беш яримда тугатар экан, у уйнга боришга шошилмасди. Ганипатҳ-рўддан ўтаётib у, ўзини мутлақо озод ҳис этар, Анарколи бўйлаб сайд қиларди, бир пайса-ярим пайсага газак ёки ерёнгоғи сотиб олиб, Лоҳур майдонигача борарди. У срга бориб Фазл дўконида адабий газета ва журнallарни кўздан кечпирив чиқарди. Чётан энг аввал ўз ҳикояси ёки шеъри босилиши мумкин бўл-

таг ёки кутилаётган газета ва журналларни кўриб чи-
қишга шошиларди. Агар қўлига ҳикояси ёки шеъри бо-
силган журнал тушиб, киоска олдида тўпланиб, газета
кўриб турган одамлар орасида биронта таниши учраб қол-
са, Чэтанда дарҳол ўз қувончини у билан баҳам кўриш
истаги туғиларди. Баъзан ёнида бирор унинг шеъри ёки
ҳикоясини ўқиб турган ҳоллар ҳам бўлган, шунда Чэтан
уша одамдан кўз узмай ҳаяжон билан чехрасидаги
ифодани кузатарди. Бу одам қандайдир йўл билан бўл-
масин, ёнида турган йигитча шу ҳикоя муаллифи экани-
ни билиб қолишини жуда-жуда истарди. Бироқ у ҳеч
қачон бу мавзуда хоҳ танишлар билан бўлсин, хоҳ нота-
нишлар билан гаплашишга ботинолмасди. Шундай бўл-
са-да, кимдир у ёзган нарсасини ўқиётганини кўриб ёки
ўз сатрларига газетада кўзи тушиб беҳад баҳтиёр сезади
ўзини. Шунинг учун ҳам Чэтан дуд ва чангларга парво-
қилмасдан киоска олдида узоқ вақт туриб қоларди.

Бугун Лоҳурга Чанда келиши керак эди, уласи ўз
хатида унинг келиш вақти-соати ва поезднинг иомерини
кўрсатмай, фақат кунинингина маълум қўлгани учун
Чэтан каллан саҳардан бери уни кутарди.

Чэтан аввалига қайлигини Жөландҳарда беш-олти
сөн яшаб туришини кўзлаган эди, бироқ Чампа Чэтан
билан шунақанги дағалликлар қўлдики, у иккى ой ўтар-
ўтмас, ўз режаларини ўзгартиришга мажбур бўлиб
қолди.

Чэтаннинг авзойи бузуқ эди. Кун бўйи у редакцияда
телеграммаларни инглиз тилидан ҳинд тилига таржима
қилиб ўтирган бўлса-да, бироқ фикри ёди Жөландҳар-
лан келадиган поездда эди. У турли баҳоналар билан
уйнга бир неча марта бориб келди ва ҳар гал баттар
жигибийрони чиқиб қайтди. Натижада у ишда хатога йўл
ўйиб, эвазига ҳайфсан олди. Қечқурун Чэтан ишини
угатгач, Чанда келиб уйда кутиб ўтирган бўлиши
керак, деган хаёлга борди. Шунинг учун Фазлнинг дўко-
нига кирмасдан, тўпла-тўғри уйнга жўнади. Бироқ уйга
келиб яна ҳафсаласи пир бўлди. Шунда арзимас нарса-
дэн гап чиқиб, овқат тепасида кеннойиси билан жан-
жаллашиб қолди ва тарелканни улоқтириб, ўрнидан
турди. Шундан кейингина ўзининг одатдаги жойи—Фазл
дўконига жўнади.

У қандайди журнални варақлаётинб кутилмаганда синдан ўтиб кетаётган извёшга кўзи тushiб қолди. Унинг орқа ўринидигида чойшабга бурканиб олган ёш аёл ва унинг ёнида оқ дхўтийли кекса аёл ўтиради. Унинг нигоҳи ёш аёлдан тезгина сирғалиб ўтиб кекса аёлда тўхтаганида бехосдан «Ойи!» деб қичқириб юборди.

У журнални ташлаб, йўл-йўлакай таҳмадини тўғриларкан: «Ойи, ойи!» «Нитёнанд, Нитёнанд» деб бақирганича извошининг орқасидан югуриб кетди.

Онаси извошчига тўхташи буюрди.

22

Онасининг янги келинини яхшигина уй бекаси қилиб тарбиялаш ҳақидаги улкан орзулари Жоландҳардаёқ пучга чиққан эди. Шундай бўлса-да, Чэтан хотинини Нитёнанд билан қўшиб юборишларини айтганига қарамай, онасининг ўзи ҳам улар билан бирга келганди. Эҳтимол, онаси келинининг мashaққатли ҳаёт йўлига мустақил қадам қўйишидан аввал, охириги марта эслихушли бўлишга ўргатмоқчиdir.

Бироқ биринчи якшанба куни ёқ Чэтан битта маҳаллий конгресс арбобидан интервью олгани жўнаб кея турниб Лоренс истироҳат боғида сайр қилиш учун хотинин ҳам ўзи билан бирга олди. Онаси эса соат ўнгача уйда ёлғиз ўзи роса зерниб ўтириди ва Чэтан билан Чанда уйнга кириб улгурмаслариданоқ қўзларидан шашқатор ёш оқизиб эртаснга уни Жоландҳарга қайтариб юборишларини талаб қила бошлади.

Чэтан бир-бирига қовушмаган баҳоналар тўқиди эътижолатдан кулими сираб ухлагани ичкарига кириб кетди. Бироқ эртаси куни у онасидан кечирим сўради ва аслид ҳеч қандай айни бўлмаган хотинини онасининг оёқларига таъзим қилдирди. Аммо онасининг кўнгли юмшамзи: ҳали кун ёришмасданоқ у йўлга отланниб қўйган эди. Энди у гина қилмасди, жаҳли ҳам чиқмасди, ҳатто стаццияга кетаётганларида кулиб ҳам қўйди. Хайрлашаётганларида фарзандларини эркалади, аммо уларининг янгича яшави унга бегона ва ёқимсиз туюлгани учун янги турмуш билан муроса қилишга қурби етмай, ўғлиниг уйнда қолмасликни афзал кўрди.

Онаси келиб кетгач, Чэтанинг ҳаётида яна б

кийиничилик пайдо бўлиб қолди. Агар акаси бу вазиятга ўнинг диққатини жалб қилмаганида, эҳтимол, Чэтанинг ўзи бўнга парво ҳам қилмаган бўларди.

Гап шундаки, Чанда Лоҳурга келгач, худди бегона-дек Ромонанддан қоча бошлади. Чэтан редакцияга кундуз соат ўн иккита келарди, акаси эса соат бир-бир яримда ишдан қайтиб келарди. У пайдо бўлган заҳоти Чанда ичкари уйга яширишиб оларди.. Ромонанд қўшини аёллардан биронтаенинг ёрдамга чақиришга мажбур бўларди. Ўша қўшиниси орқали у Чандадан овқат олиб келишини сўйарди. Чанда овқатни қўшинисига берарди ва қўшиниси Ромонанд таомни сб бўлгунича уларнинг уйида ўтиради. Шу билан бирга у келинида бирорта гапи бўлса, аввал қўшинисига айтарди, кейин у Чандага етказарди. Чанданинг жавоби ҳам шу ўйл билан қайтиб келарди.

— Аммо ўз орамизда қўшиналарга ишониб бўлмайдиган онлавий гаплар ҳам бўлади-ку ахир! — дерди Ромонанд.— Сен одобли ория саможийлар хонадони билан чатишиб қолдинг. Аммо мен келини қайнагасининг сояендан ҳам қочганини ҳеч қачон кўрмаганиман.

Ўша куни Чэтан хотининг деди: «Бу тентакликни қаёқдан ўйлаб топдинг? Тўйда отам у ёқда турсин, бувамдан ҳам қочганинг йўқ эди, энди бўлса қайнагангдан юзингни етти қават парда билан яширяпсан!»

Үнга жавобан хотини гавҳармисол соф кулги билан жавоб қайтарди:

— Ахир мен буни онам туфайли қиляпман-да! — деди у.— Агар сизга ёқмаса, ҳозироқ бас қилишим мумкин.

— Онам ёнимда ўтирибди, деб ўйлашинг мумкин.

— Бирдан билib қолсалар-чи?

— Хўш, бу ишнинг қўрқадиган жойи борми? Худога шукурки, унинг катта бувиси Гангадеянинг замони ўтиб кетгани.

Шу заҳотиёқ Чанда эрига Ромонанддан яширишини бас қилишга сўз берди. Бир неча кунгача у сал қиен-виб-қимтишиб юрди, аммо тез фурсатдаёқ, Чэтанга бўй-суниб, хижолат чекишини бутунлай йиғиштирди.

Орадан иккӣ ой ўтгандан кейин Ромонанднинг хотини Лоҳурга келганда, қараса, овсини қайнагасидан уялиш нималигини билмай, очилиб-сочилиб бирга ўтирада ҳам қиқири-қиқири куларди. Чампа буни кўрди-ю, газабдаи жони ҳиқилдогига келди.

Чэтанинг қайнана томон қариндошларидан биринчи қизи унаштирилган бўлиб, тўйга тайёргарлик куриларди. Чэтан билан Чанданинг Илавалиурга боршиларни эҳтимолдан узоқ эмас эди. Шунинг учун ҳам Ромонанд Жолаидҳардан хотинини чақирган бўлса керак. Бунинг устига у тинмасдан эрига хат ёзарди. Чэтан ўқтин-ўқтин у хотини билан Лоҳурда ширингина кун кечириши-са-ю, акаси ёлғизликда қолиб, қоп-қоронги тиш врачи кабинетидан чиқмасдаи, мутлақо дилтаниг бўлиб юршии яхни эмаслигини ганирарди.

Хоним Чампавати Лоҳурга келиб, биринчи эътибор берган нарсаси эри ишдан келганида овсинининг юзини яширмай (юзини яшириш у ёқда турсин, ҳатто рўмол ўрамаган ҳолда), овозини ҳам пасайтирмасдан, кўзларини яширмасдан бемалол ўтиравериши бўлди. У келгунича қандай хандон ташлаб кулаётган бўлса, келганидан кейин ҳам шу ҳол давом этаверди. Бу ҳам етмагандек ҳеч нарсадан таң тортмай, ҳурматли қайнагаси билан ҳатто ҳазил-ҳузул қилишга ҳам ботинаверарди.

Бу пайтда Чэтан уйда йўқ эди, Чампа ундан бу бе-адабликни қандай тушиуни мумкинлигини сўрагани бўлиши турган гап эди. Бироқ Чанда яна эртасига қайнагасининг ҳузурнида хандон отиб кулиб юборган эди, овсени уни тўхтатди: «Сингилжои,— деди у,— қайнаганинг ўтирганида ўзингизни вазмироқ тутушнингиз керак. Еки шарм-ҳаёни бутунлай йиғиштириб қўйдингизми?»

Кулги Чандага жуда ярашарди. Чэтан унинг жиддий юрганини ёқтирмасди ва доим уни кулдишарди. Чанда кулишга ўрганиб қолган эди. Ҳозир овсинининг коинишидан унинг кулгиси дарҳол бўлинди ва у шунчалик газабландикни, ҳатто юзи саргайнб кетди.

Бироқ Чампавати овсинидан ҳам, Чэтандан ҳам ранжимасди. У ичиди ўз эридан хафа бўларди.

Кечқурун овқат устида у Ромонандга деди:

— Унга нима ҳам деб бўларди, ҳали бола-ку! Сиз уялишинингиз керак.— Ромонанд шунчалик оғир карвон эдикни, унинг кайфиятини ҳеч нарса бузолмас ва асабини биропта пичиниг сўз қўзғатолмасди. У ҳамон хотржамлик билан овқатини паққос тушишарди.

— У сизининг ёнишнингизда ўтириб қиқири-қиқири кулса ҳамки, уни кулгидан тўхтатиш ҳатто ҳаёлнингизга ҳам келмайди-я,— деб сўзини давом эттириди жаҳли чиқиб Чампа.

— Мен унга айтиб қўяман,— деди Ромонаид бамайлихотир. Кейин туриб ювинди, ҳассасини олиб сайдилгани чиқиб кетди.

Бироқ эрининг сўзлари Чампаватига таскин бермади, улар Чанда билан овқатлангани ўтиришганди, хотиржам гапиришга уриниб, унга ёшлар катталар олдида ўзини қандай тутиши кераклигини тушунтирди ва у катталар гапига қулоқ солиб, қайнанаси ва қайнагаси билан гаплашганди ўзини вазмин тутиб, улар ҳузурида баъзи бир нарсаларни гапирмаслик кераклигини айтди.

— Эркаклар шундай бўлишади,— деди Чампа,— энг оддий қонун-қондаларни ҳам билишмайди. Булар ҳақида бизлар, аёлларнинг ўзлари бош қотиришимизга тўғри келади. Эрим Чэтан билан бирга қарнидош-уругларникига бориб келишимни исча марталаб илтимос қилган, аммо барибири у ўспирин бўлгандан кейин ундан ўзимни четга ола бошладим.

Чанда овсенинга ҳеч нарса демади. Бироқ соат иккilarда Чэтан ишдан қайтиб келгач: «Энди мен акангиз билан очилиб-сочилиб гаплашмайман»,— деди.

— Нега?

Очиқ кўнгил Чапида кундузи бўлиб ўтган ҳамма гапларни бирма-бир сўзлаб берди.

Тун алламаҳал бўлиб қолганига қарамасдан, Чэтан шундай қаттиқ хахолаб кулиб юбордикни, қўшини хонада ухлаб ётган Чампа уйғониб кетди, унинг боласи бўлса гингшиб йиғлай бошлади. Келин ойинсининг уйқуси бутунлай қочиб кетиб, қоронғида Чэтан билан хотинининг гаплашишини диққат билан эшига бошлади. Бироқ бир исча кун сурункасига қаттиқ ишлаб, обдан чарчаган Чэтан фақат: «Унга нима ҳам деб бўларди, у тентак-ку» деди ва каравотининг бош томонидаги токчада турган сутни ичди-да, уйқуга кетди.

Индininга, бу воқеа содир бўлган кунинг эртаси куни якшанбада Чанда эрининг иштироқида музика билан шугулланарди.

Бир куни Чэтан қўшнисининг тўйида Чапдашиниң қандай ашула айтишини эшитиб, унинг қўнгироқдай жарангдор овозидан ҳаяжонлаинган ва қўшиқ айтишини албатта ўргатишга аҳд қилиб қўйган эди. У катта қийинчилик билан гармонь сотиб олди. Музика ўқитувчисидан

бир неча қўшиқ ўрганиб олиб, уларни Чандага ўргатарди.

Шу пайт хонага Ромонанд Қириб келди.

— Акажоц, биласизми, мен қандай яхши ашула ўрганиб олдим! — деб мақтанди Чанда.

Ромонанд унга жавобан «миқ» этмай тураверди. Агар Чанда бу гапини аваллари айтганида эди, у албатта: «Қандай ашула? Қани айтиб бер-чи!» деб сўраган бўларди. Ҳозир бўлса жим турарди. Орадан бир оз ўтгач, жиддий қиёфада: «Чанда, энди мен боримда ашула айтма!» — деди.

Чэтан аввалига ҳайрон бўлиб унга тикилиб қолди, аммо кейин, акаси ҳамон ўша оҳангда: «Менинг ҳузуримда қаттиқ кула кўрма» деганидан кейин хижолат чекиб деди:

— Бунақаси кётмайди, ака. Чанда куладиям, ашула ҳам айтаверади. Бу гапни қаёқдан чиқардингиз? Унинг терсайиб юриши менга ёқмайди.

Ромонанд унга эътиroz билдириб ўтирумади: «Келинг ойинг ёқтирмајати», деб қўя қолди. Шундан кейин яна Чандага мурожаат қилиб: «Сен эгачингни қайнананигдан кам кўрмаслигинг керак», — деди.

Афтидан, унинг сўнгги даъвоси Чэтанга таъсир қилди шекилли, Чандага қараб тушунтириди: «Овснинг ҳиски ва қатъий анъанаалар таъсирида тарбия топган. Унинг фикри ва тантинкликлари билан ҳисоблашишга тўғри келади. Сен энди акамнинг олдида бошингни очиб юрмай қўя қол. Камроқ кулишга ҳаракат қил». Кейин унга чап кўзиши қисиб қўйниб, айёrona жилмаяркан, қўшиб қўиди: «Айниқса, у ёнингда бўлса камроқ кул».

23

Чанданинг Лоҳурга келиши муносабати билан Чэтанинг оиласи ҳаёти кундан-кунга қувноқлашни бораётган бўлса-да, Нила ҳақидаги ўйларин миясидац тамоман чиқариб ташлади дейилса хато бўларди.

Чанда унга ёқарди, у билан ҳазил-ҳузул қиплард, кулишарди ва бажонидил сайрга чиқарди, аммо шундан бўлса-да, ундан тез кунда Қантанинг тўйи бўлишини ва Илавалпурга боришлари кераклигини эшитиб, негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда бу тўйга таклиф қилинишини сабрсизлик билан кута бошлади. Худди шунинг

учун Чампаниг Лоҳурга келишига розийлик билдирган эди. Чанда очиқкүигил ва содла, оликаноб ва кўнгилчаин, мулойим ва камтар эди, бироқ уни чиройли деб бўлмасди. У ўқимишли ҳам эмасди, мана шу томондан Четаи ҳам изтиробда эди.

Кечқурун ишдан сўнг Четаи овқатланиб бўлгач, кўнича Чандадан сайдарга чиқиб кетарди. Шундай қилиб, бир куни улар Айланма боғининг хиёбонларинда сайд қилиб чақчақлашиб юришганида Четаи бирдан вақтлари беҳуда ўтастгани ҳақида ўйлаб қолди. Хўш, шу сайд вақтида иега энди хотинини бирор нарсага ўргатмайди? Шундай қилиб, у инглиз тилидан биринчи дарсни бера бошлиди.

Бироқ уни мувваффақиятли чиқмади. Четаи хотининг йўл кўйгай хатоларини тушунтируди, шунга қарамасдан Чанда жавоб қайтаришда чалкашликларга йўл қўяверди. Ойниг ёрқин ва салқин ёғдусида Айланма боғининг серсоя хиёбонлари, кимесасиз йўллари, дараҳтлари, гуллари ва ўтлоқлари жуда спрли туоларди; Чанда кун бўйи Чангар маҳалласидан яшовчи аёлларниг ёқимсиз товушлари ва ҳақоратларини эшитавериб чарчаганидан барглариниг майин шитирлашига қулоқ солиб, роҳатланарди, униг ҳамма ёигига тании ёниб ташланган деворларга тикилаверишдан чарчаган кўзлари афсонавий дунё гўзалликларидан баҳраманд бўлишга муштоқ эди. У хиёбон бошлинишидаги кичкинагина қадимги замбарак турган майдончада бир оз бўлса-да ўтиргиси келарди, аммо шонр ва ёзувчилигига ёпишиб олган бачканга ва эҳтиrossиз эри бўлса... «Қанақасига шонр бўлардинг!» деб ўйларди у... Униг инглизча жумласи яна тўғри чиқмади...

Ҳар куни аҳвол шу эди.

Аввалига Четанинг жаҳли чиқди, кейин у ўқимишли бўлишининг фойдаси ҳақида кичкина нутқ сўзлади, кейин эса жимиб қолди ва аста-секин юриб келаётган Чандани анча орқада қолдириб, қадамини тезлатганча жўнаворди.

Четанинг Чандадан жаҳли чиқарди, бироқ шу билан бирга униг ҳисснётларини тушунарди.

Бир куни, ҳали тўй бўлиб ўтганига тўрт ой ҳам бўлмасдан Четаи Аиантга хат ёзди:

«Аиант, айтгин-чи, наҳотки менин уйлангани деб ҳисоблаш мумкин бўлса? Сен ҳақ эдинг — мен қўрқоқман!

Мен бир вағый ҳайвоидан қўрқиб бошқа ёққа қочгаи ва нақ рўнарасида бошқа йирганин кўриб қолгани одамга ўхшайман. У қўрқувдан қалтираб учинчи томонга қараб қочмоқчи бўлади, бироқ яна рўнарасида йирганич ҳайвои пайдо бўлади. Менинг ҳафсалам нир бўла бошлади, тубанлашиб кетянимай деб қўрқдим. Шундай қилиб, мен қўриқхоналарда ов қилиш ўрнига юрагимга ўрнашиб олган даҳшатли йирганич учун махсус қўра қуришга бир уриниб қўрмоқчи бўлдим. Бироқ бу ҳайвоини ўзгалар қўли остида бўлганидагина таъқиб қилиш завқлироқ туюларкан. Ўзгалар жовонида турган китоб гоятда қизиқарли қўринади-я. Тўғрими, Анант? Уларни ўқиб чиқиши шунчалик қизиқасанки, ўқисанг маза қиласан. Аммо у китобларни ўзимиз сотиб олсан-чи, одатда, китоб жавонларимизда эсдан чиқиб, ўқилмасдан тураверади...

Менинг қалбим иккига бўлинниб қолганга ўхшайди ва бу мени гоят азобламоқда. Чандада соғдиш ва яхши қиз. Унинг покиза, ақлли ва олижаноблигини айтмайсанми?! Бироқ унинг бу хислатлари мени қаноатлантирумайди. Ёнимда ўтирганда бепхтиёр уни Нила билан қиёслай бошлайман...»

Чэтан шу сатрларни ёзиб тугатар-тугатмас олдига Чанда кириб колди. Чэтан шошилиб хатни стол ғаладо-нига яширди.

— Ёзганингиз шимади? — сўради Чандада кулиб.

— Шунчаки, шеър.

— Ўқиб беринг.

— Тугатай, кейин ўқиб бераман, — деб жавоб берди Чэтан, кейин эса оғир хўрениниб, қўшиб қўйди. — Шеъриятда сен шимани тушунардинг! Бир оз ўрганиб олганингда ҳам майлийди! — деди ва тезгина сўради: — Сен апави китобни ўқиб чиқдингми?

— Ўқишни бошладим, фақат...

Чэтан бошини кўтариб унга қаради. У Чандага син-чиқлаб тикиларкан, унда бошқа юз қиёфасини кўрди. У хотинига қаттиқроқ тикилган сарн ўша бошқа қиёфани яққолроқ кўрарди. Шуида Чэтан эркалаб хотинининг юзини силаб қўйди.

Чанда ҳайрон бўлиб Чэтанга қараб қўйди. Шунда у ўзининг севимли мавзуси — саводхонлик ҳақида унга лекция ўқиб кетди:

— Чанда, шундай қилиб, ёшлик ҳам ўтиб кетади. Бекорга ўтиб кетади, — Чэтан бармоқларипи қирсиллат-

ди,— сезмай қоласан. Ёшлиқда келин-куёвларни бир-бирига жисмоний ишқивозлик яқинлаштиради, аммо ёшлиқ узоққа чўзилмайди ва эрини уйда ҳеч нарса жалб қилимайдиган вақт етиб келади. Эр хотинининг гапларига тушумайди, хотини бўлса — эрининг гапига. Агар сен мендек саводли бўлсанг, агар сен адабнётдан бирор нарса тушунадиган бўлсанг, унда соғ келин-куёвлик меҳрибонлигидан ташқари орамизда дўстлик муносабатлари ўринатилган бўларди: биз бир-бирининг ганимизга яхши тушунадиган бўлардик ва бизнинг муҳаббатимиз кундан-кун мустаҳкамланиб борарди.

Чандада жимгини эрига термилди. Кейин у секин деди:

— Ўқий бошлашим биланоқ, мудроқ босади.
— Ўйқу — ютуқлар зомни, уйқу — бу дангасалик, уйқу — бу ўлим!

Четаи нима деяётганини ўзи ҳам билмасди, аммо фалсафа сўқишда давом этарди:— Нодонлик ҳам — уйқу. Чандада, даҳшатли, абадий уйқу — ўлим. Бу мангу уйқу устидан голиб келиш учун ҳар куни бир неча соат бўлса ҳам уйқунганинг баҳридан кечишнинг керак, йўқса, унда қилолмасанг — жаҳолат сени қаъришга тортиб кетади.

Чандада кулиб қўйди.

— Турмушга чиққач, ўқинши умрбод йигиштираман, деб ўйловдим. Бироқ сиз шундай дер экансиз, менинг хоҳлаган нарсангизнинг ҳаммасини бажо келтиришга ҳаракат қиласман.

— Сенинг ҳақиқий саводхон бўлишиниг фақатгина энди бошланяпти! — деди Четаи.— Билим онгни ривожлантиради, кеңг уфқлар очади, ҳаётга янгича қарашга мажбур этади. Бунга енгил-елни қараб бўлмайди-да»

— Мен янада қунт билан ўқиншга ҳаракат қиласман.

Чандада ташқарига чиқиб, чорпояга ётди ва китоб ўқишига тушди.

Четан хатни олди ва тугатиб қўймоқчи бўлди. Бироқ хотинининг ўша мулойимлиги унга таъсир этиб, у хатни давом эттира олмади. Хатни қайта ўқиб чиқиб, йиртиб ташлади. Кейин хаёлан Анантга мурожаат этди ва унга фақат шундай деди: Анант, агар сен менинг қалбимни қандай қилиб иккига бўлишинини, бундан мени нақадар азобланаётганини, нақадар ўрганаётганини билганингда эди...

Ниҳоят, Чэтап бир неча кундан буён шинҳона кута-
стган таклифнома қўлларига тегди. Илавалпурда қайнა-
насининг қариндоши яшарди. Ана ўша ерда пандит Ве-
нипрасоддинг набирасини узатишаётган эди. Умуман
айтганда, куёв қайнанаисига ҳатто узоқ қариндош ҳам
эмасди, бироқ унинг амакиси ёшликдаёқ стим қолган
тандит Динибандху билан Венипрасодин тарбиясига ол-
гани эди.

Амакисининг катта ўғли Цуинлаъл ўлиб кетганди.
Ана ўшанинг қизи Кантани турмушга чиқаришаётган
эди. Ота-онасининг ўлимидан кейин буваси бошқа наби-
раларига қарагандада унга кўпроқ меҳр қўйди. У қиз отаси
йўқлигидан ўксинмасин, деб тўйини, албатта, дабда-
бали ўтказишга аҳд қилганди. Чанда ёшлигиданоқ Кан-
та билан иноқ дўст бўлиб, Кантанинг ўзи унга таклиф
қофози юборган, тўйига албатта, келишини, поччасини ҳам
бирга ола келишини илтимос қилганди. Бироқ, очиғини
айтганда, Чанда тўйига боришини унчалик хоҳламасди.

Чэтанинг ҳар куни ўқийдиган лекциясидан безор
бўлган Чанда, ниҳоят мактабга қатний бошлаган
эди. «Агар чиндан ҳам менинг бирор нарса ўргани-
шимиш истасангиз,— деди у бир куни,— мени биронта
мактабга жойлаб қўйиниг. Узингиш мени билан ҳеч
начон машғулот ўтказолмайсиз. Бир сўзни ўргатгунни-
гизча тўрт марта жаҳлингиз чиқади. Бунинг устига лек-
цияни тўрт соатлаб чўзасиз». У бу гапларни шунчалик
самимий айтдики, Чэтап кулиб юборди ва унинг гапла-
рига рези бўлди. Чанда ихлос билан ўқий бошлади. Муаллима уни агар бундан буёни ҳам шундай қуит билан ўқиса, уч ойдаёқ ҳиндиј тили бўйича «ратна»¹ имти-
ҳонини топшира олишига ишонтиради.

Мана шу машғулотлар туфайли таклифномани ол-
гач, Илавалпурга боришидан Чанда хурсанд бўлмаётган
эди. Бироқ Чэтап уйга келганида Чанда: «Канта тур-
мушга чиқяпти», дейиш ўрнига, шунчаки «Бувамдан хат
келди. Канта ва Нила боришинигизни илтимос қилишиб-
ди» деб қўйди ва Чэтанинг мазмунини қисқача

¹ Ратна— Пашжобда қизлар орасида ҳинд тилини тарғиб-
қилиш мақсадида бу тилини ўрганувчилар учта имтиҳон топшири-
лари жорий қилинган: Ҳиндиј-ратна, ҳиндиј-бҳушан, ҳиндиј-праб-
жокар.

айтиб берди. Бироқ ўзининг бориши-бормаслиги ҳақида ҳеч нарса демади.

Чэтанинг қалби қувончдан патирлар эди, бироқ у ўзини қамраб олган ҳаяжонни яширишга уриниб, эхтиётсизлик билан: «Хўш, ийма бўпти, хатни олиб кел-чи. Улар ийма ёзишганини кўрайлик», — деб юборди.

Чанда Чэтанга хатни узатди. Таклифнома аслида Ҳармўҳандан бўлиб, Канта унга Чэтанинг тўйга келишини илтимос қилувчи ва буваси ҳамда Чанданинг оталари ҳам шунин исташларини маълум қиладиган алоҳида варақча қўшган эди. Пастда Ниланинг қисқагина қўшимчаси бўлиб, юқоридагиларниг истагини тасдиқлаб, унинг ўзи севимли поччажонини кутаётганини ҳам қўшиб қўйганди.

— Ҳозир идорада ишим кўп,— деди Чэтан хатни қайтариб бераркан.— Иккита хизматчи мизни касаллиги туфайли отпускага чиқаришді, уччинчиси ҳам ётиб қолмаса деб қўрқиб турибман. Бундан ташқари, жонгинам, тўйнинг дабдабаларига ҳечам токатим йўқ. Ундан кейни... тўй шаҳарда бўлгаңдаям-бир баҳарнав эди. Эндиши, қишлоққа боришига тўғри келади...

— Ҳа, улар тўйни ўз уйларида ўтказишади,— жавоб берди Чанда.— Бироқ Илавалпур — қишлоқ эмас, ҳакиқий шаҳар!

— Хўш, у ерадаги шаҳарлариниң қишлоқдан қандай фарқи бор! Мен ҳатто қариндош-уругларниг тўйларига ҳам бормайману, умуман...

— Улар яқин қариндошимиз бўлганида эди, бошқа гап,— унинг гапини бўлди Чанда.— Сизнинг идорангиз-да иш кўп, мен бўлсан машгулотни ташлаб кетишини кўзим қиймаяпти. Албатта, Канта... мен у билан кўришишни жудаям истардим. Бирор фурсати келиб биз уни бу ерга таклиф этамиш қўямиз-да. У ёққа бориш унчалик зарур бўлмаса керак.

Чэтан сўнгги сўзларни эшитгач, типирчилаб қолди. Ў хотинини борамиз деб қистайверишига ўзи бўлса анчагина ноз қилиб туришга ва шундай нонлож рози бўлишга, шундан кейин Чанда унга беҳисоб миннатдорчилликлар билдиришига умид боғлаган эди. Аммо у Чанданинг сўзларини эшитиб, серрайиб қолди ва шу заҳотиёқ гапни бўшқа ёққа буриб юборишига ҳаракат қилди:

— Улар яқин қариндошли, узоқ қариндошли, гап бунда эмас,— деди у.— Ака-укалар бир-бирига душман-

дан баттар бўлиб қолгани ҳам бўлган. Баъзан бунинг акси, бегона кищчлар тұғынғандан атло булади. Ҳамма гап вақтда. Менда эса вақт кам.— Четан бир оз жим тургач гапида давом этди.— Назаримда буванг, отанг уларни ўз туғишиллағидек кўришади. Шундай бўлгач, улар такнифнома юборинган экан, боришга тўғри келади: бўрмасак нақ балога қоламиз-а!

Четан гаплар 1 Чандага қаплай таъсир этганинини билish мақсадида бир зум жим туриб қолди. Бироқ Чанда ҳам жим тураверди. Четап яна гапга тушди:

— Сен бу тўй ҳақида бир неча сайдан буён гапириб юргандинг, мени боришга кўндиromoқчи бўлгандинг, энди бўлсан...

— У пайтда ҳеч қандай имтиҳон топширишим кепрак эмас эди-да. Имтиҳонларни топшириб бўлганимда, тўйга борардим. Борди-ю, йиқилиб қолсам, мени ўзингиз додга қолдирган бўласиз.

— Биз у срда кўп туриб қолмаймиз. Бор-йўғи тўртбеш кунга бориб келамиз.

Чанда ҳеч ишма демади. Унинг боши қотиб қолганди.

Ниҳоят, Четан оғир хўрсаниб деди:

— Назаримда у ёққа бориш сени бир оз дам олигингга имкон беради. Мен ҳам редакция дўзахидан бир неча кунга бўлса-да қутуламан.

Ўзининг дам олиши ҳақида гаплар Чандага унчалик таъсир этмади. Бироқ эрининг озгина бўлса-да, машгулотидан чалғиб, кўнгил ёзиб келиши ҳақидағи фикрига жон-жон деб қўшилди.

Четан қариндошлариникида беш кун ўрнига нақ ўн беш кун қолиб кетди. Арзимаган воқеа ҳаётимиз оқимиин ўзгартириб юбориш ҳоллари тез-тез содир бўлиб туради. Аммо баъзан шунақаси ҳам бўладики, мана шу беҳисоб, арзимас бўлиб кўришган майдачуйда кундалик воқеалардан айримларга бизга яқин бўлган кинилар ҳаётини остин-устун қилиб юбориши мумкин. Шундан кейин бу воқеалар аҳамиятли ва муҳим бўлиб қалбимизда умрбод из қолдиради.

Кантанинг түйин Чэтан, Чанда ва Нилаларнинг ҳас-тида худди мана шундай муҳим воқеа булиб қолди.

Чэтан қайини Ранвири билан Илавалпурга кетаётган вагон деразасидан ажойиб манзара кўзга ташлаиди. Ботаётган қуёш нурлари кўл юзини тилла рангга бўя-ганди. Бу нурлар рақс тушаётган товусиниг ёйилган думни эслатиб, ҳавода елтиричек таралиб турарди.

Чэтан Чандани аввалроқ жўнатиб, ўзи Жоландҳарда навбатдаги мушонрага қатнашиш учун ушланиб қолди. Йўлда у ўзини жуда ҳорғин ҳис қилиб, боши тарс ёрилиб кетай дерди. Илавалпурга келиб поезддан туш-ганида эса уни безгак тута бошлади. Чэтан унга тезроқ етиб олиш учун қадамини жадаллатди.

Яна бир неча сасиб ётган тор кўчадан ўтилса, тога-си Чиранжит Лаълининг уч қаватли уйининг болохонаси яққол кўзга ташланарди. Бироқ шу ерга келганида та-моман ҳолдан тойди. Кўнгли беҳузур бўла бошлади.

Унинг баҳтига ёнида келаётган Ранвири дарҳол уйга бориб, поччаси келганини ва аҳволи чатоқлигини хабар қилди.

Чэтан оғриқнинг зўридан тарс ёрилиб кетай дёёған бошини чангаллаб водопровод колонкаси ёнида ўтирар-кан, кўзлари қип-қизариб кетганди. У бир қизининг қан-дай югуриб келганини, ичкаридаги болохонага қандай ўрин солганини гира-шира кўрди ва у Ранвирга почча-жопи ётишига ёрдам беришини айтганини элас-элас эшилди.

Чэтан оғзини чайиб, ҳамоп бошини чангаллаганича, Ранвириниг ёрдамида ўринига ётди. Устига кўрпа ёниш-ганидан кейин у тўсатдан манглайнга муздек қўл оҳиста босилганини сезди ва жараингдор, эркаловчи товукини эшилди: «Поччажон!»

Нила қўли билан унинг пешсанасини оҳиста силаркан, Чэтан заиф ва қалтироқ товуш билан гапира бошлади:

— Нила, бошим шундай қаттиқ оғрияптики!

Эри касал бўлиб ётган пайтида Чапда ундан деярли хабар олгани йўқ. Бир куни бош оғригидан азоб чеккан. Чэтан уни чақиртирган эди, келиб чўчишқираб деди:

— Онамин уятга қўйманг. Ахир бу ер Жоландҳар ҳам, Бости ҳам эмас-ку. Бу ернинг одамлари эскича урф-одат билан яшашади. Мен сизнинг соғаниб кетишинигиз учун қўлимдан келганча ҳаракат қиласман, сизга яхши-роқ қараб туриш учун Нилага қаттиқ тайинлайман. Ка-

риндеш-уруғлариминг ҳурмати, обрўси учун менинг чақирилманиң!

У бу гапларни илтижоли сҳаигда айтиб хонядан сиз кингина чиқиб кетди. Худди хизрни йўқлагандек, шу аз хотиёқ поччажонининг товушини эшишиб, беморга бирор нарса керакми, йўқми, билши учун Нила югуриб кирдй.

Чэтан ётган хонада ўйинқароқ болалар тўполон иўтиришарди, уларнинг ғловқин-суронидан беморнинг боши тарс ёрилгудек бўларди. «Худо ҳаққи, уларни бу ердан чиқариб юбор», — деб шивирлади Чэтан кафтлари билав чаккасини қисиб.

Нила болаларни кейиб чиқариб юборгач, эшикни ёпди-да, беморнинг бош томонига келди. Шундан кейин Чэтан беҳол бўлиб қолди. Назарида Ниланинг товуши каёқдацди, олисадан эштилаётгандай бўлиб, бамисоли афсоналардаги сеҳрли, ширии куйдек уни юпатар ва аллаларди.

— Соchlарингиз жудаям чиройли-а, поччажов, узун, қоп-қёра, жингалак... Поччажон, сочингизни жингалак қўлдирганимисиз ёки ўзи шунақами? Мана менинг соchlарим жингалак эмас... Улар узун, аммо жингалак эмас.

Нила соч ўримини қўлга олиб поччажонига ўз соchlарини кўрсатди — улар ипакдай майнин, узун эди-ю, бироқ қўнғироқ бўлиб гурмасди.

— Поччажон, мен ҳеч қачон турмушга чиқмайман, шуни билинки, мени ҳеч ким турмушга чиқнишга мажбур этолмайди.

— ...Поччажси, нега энди одамлар тўйдан кейиндоқ ўз тақдирларини қовуштирган кунлағанини лаънатлай бошлашларини была туриб турмуш қуравераркинлар? Узлари зўбдор — уларнинг турмуш қуришлари керак эмас эди. Мен ҳеч қачон турмушга чиқмайман! Мен отамга ҳам шундай деймсан.

У Чэтанга ўзизинг опаси ҳақида гапириб берди:

— Мила опамни бахти деса бўладими? У турмуш қургунича нималар ҳақида ўйламаган дейсиз! Энди бўлса йиглайвеоиб ҳолдан тайлан. Катта поччам инженер: етти юз ёки саккиз юз рупия олади, еганларни олдида, смаганлари кетида, аммо бахтсиз яшашади. Улар турмуш қуришганида поччам ҳали ўқирдилар. Ойилари уч йўлгача опамни ўғлидан узоқлаштириб юрдилар. Кеёнин опам қайнаналарни билан келишолмай қолдилар. ❷

тўнини тескари кийиб олди, опаминг фарзанд кўрмаслигини ва ўғилларига бошқа хотин олиб бериш шиятида экаилкларни ҳамма ерда гапириб юрадиган бўлдилар.

Нила бир печа дақиқа сўзсиз олис-олисларга тикилиб қолди. Кейин сўзида давом этди:

— ...Поччам бошқасига уйланишин истамасди. Шундан кейин опам кетма-кет уч фарзанд кўрди. Аммо булар ҳам онлага бахт келтира олмади. Энди бўнса поччам ҳаммага хотинининг хунуқлигидан, бефаросат-ингидан, саводсизлигидан олиб юрибди...

— ...Поччажон, мени қандай қилиб, зўрлаб турмушга чиқаришлари мумкин? Мен ҳечам эрга тегмаймай.

— ...Мен ёш бола эмасман, яқинда ўн тўрт ёшга кираман.

Нила Чэтанинг бошини силанида давом этаркан, юзларини ҳам силаб қўйди:

— ...Поччажон, соқолингиз жудаям ўсиб кетибди-ку. Нега энди соқолингизни олмайсиз? — деб кулди у.— Соқолингизни мен олиб қўйями?

— ...Поччажон, лабларингиз ёрилиб кетибди. Озгина ёғ суртиб қўйсам майлими?

Чэтан унга жавоб бера олмади. Унинг томоги шишиб кетган эди. У ўзини жуда иохуш сезарди, аммо азоб чекишга ва бош оғриғига қарамасдан қалби қувонч ва хотиржамлик билан тўла эди.

Кечқурун Нила сутга бинашфа солиб қайнатди-да, унинг томогига компресс қилди.

Эртасига ўзини доктор Видҳан Чандра Ройдан кам кўрмайдиган шу ерининг табиби келди. У Чэтанга хинни ва ҳароратни туширадиган суюқ дори ичирди. Дори бемор дардини бир оз енгиллаштириди.

Чэтанинг мияси аста-секин тишиқлашиб, сўнгги кунлардаги воқеалар кўз олдида намоён бўла бошлади.

Томоги шишиб кетганидан унинг гапириши қийши бўлгани учун кўпроқ Нила гапирган эди. Чэтан ҳаммасини эслади... Унинг юпатувчи ва мулойим товушини; узун қоп-қора, майнин ва хушбўй соchlарини, ингичка ва кучли бармоқларини эслади. Қизнинг ҳамдард ва қалбини сжиз эттирувчи, чўккан кўнглини қайта ҳаяжонлантириб юборган нигоҳини кўз олдига, келтириди... Бироқ Чанда... шу заҳотиёқ ёдига хотини тушди ва уни чақирди.

Яна унинг ҳузурига, юқорига Нила ютуриб чиқиб келди.

— Чэтан уигы қарамасдаи, ишоҳи тўқишиб қолмасликка ҳаракат қилиб деди:

— Опангии бу ёққа айтиб юбор:

— Сизга бирор нарса керакмий, поччажон? — деб сўради у ўзининг жарангдор овози билан.

— Уни айтиб юборгии.

Сал ҳаяжонланган Нила чиқиб кетди. Орадан бир дақиқа ўтгач, Чеганинг ёнида Чапда пайдо бўлди.

— Нима бўлди?

Четандай садо чиқмасди. У ҳозир ўзини бирдан ҳаяжонга соглан нарсани айтсанмикан, деб ўйларди.

Чапда узинг ёнига ўтириди ва бетоб бўлиб ётгани пайтида ўсиб кетган сочини силаб сўради:

— Менин чақирдингизми? Энди тузумисиз? — унинг лабларида эркаловчи табассум жилваланарди.

— Сенга барнибир эмасми? — деб қўполлик билан унинг гапицини бўлди Чэтан, — тирикманми, ўликманми, сенга барнибир, ахир ўз юмушингдан қўлинг бўшамайди-ку.

— Нималар деяпсиз? Сизга нима бўлди? — Чанда нинг юзидағи табассум йўқолиб, у қўрқув аралаш эрининг озиб, сап-сариқ бўлиб кетган юзига термилиб колди.

— Бир неча кундан бўён касал бўлиб ётибман. Улишимга сал қолди-ку... Сен бирон марта мени кўргани келдингми?

— Мен ҳаммасини биламан. Ахир Нила сизга қараб турди-ку... Шунинг учун сиздан кўнглим тўқ эди.

— Нила бор эди... Нила... Чэтан ўзини тутолмасдан деярли бақириб юборди: — Мен ёнимда сен ўтиришингни истайман!

Чанда итоаткорона, кўз ёшларини зўрга тутган ҳолда жавоб берди:

— Аммо мен, сизнинг ёнингизда ўтирадиган бўлсам, биз ҳақимида нималар дейишмасди! Қариндош-уругларимиз биздан хафа бўлишарди! Нила...

— Жим бўл, Чанда, тентак, — Чэтан ўзини тутолмай қолди. — Нила энди қизалоқ эмас, унинг ёши ўн тўрғда. Наҳотки сен тушумасаңг. Ахир мен ёш бола эмасман-ку...

Чанда кулгисини тўхтата олмади:

— Мени бекорга чўчитяпсиз! Мен Ниладан хавотирлашмайман. Ахир у менинг синглим-ку. Унинг ор-номуси

сизнинг қўлингизда. Тўғри, у енгил табнат ва ҳар қанақа тентакликлар қилиш қўлидан келадиган қиз, бироқ ахир сиз эсли-ҳушли одамсиз-ку!

Шундан сўнг у эрининг кўзларига беҳад ишонч акс этувчи нигоҳ билан тикилди ва кафтини унинг пешана-сига босди.

— Ундаи бўлса бугуноқ менинг шу ерда бўлишини хоҳлай-сиз-ку.

Чанданинг қарашида муҳаббат ва нафосат акс этарди. Фақат оналаргина ўзининг тентак ўғлига шундай қа-тарди. Унинг елкаларини эркараб спларкан, жавоб берди: «Мен ҳеч қаёққа кетмайман. Менинг жойим сизнинг ёнингизда. Ахир сиз менинг шу ерда бўлишини хоҳлай-сиз-ку. Тўй энг қизиган пайтда қандай қилиб кетиб қолиш мумкин? Тўсатдаи кетиб қолиш одобдан эмас... Нима Сўлгандаям яна бир неча кун чидашимиз керак! Гапла-рамга ишонинг, мен кечаю кундуэ ёнингизда ўтирган бўлардиму, қариндошлардан қўрқяпман. Мен пастда, ҳовлида юрсам ҳам бир дақиқаям сиздан ажралмай-ман!».

Чэтан хотинининг кўзларига тикилди. Наҳотки ўнинг ўзига бўлган ишончини барбод этса? Унинг юра-тида раҳм-шафқат ва соғ мұхаббат тўлқини мавж уриб кетди. Бу аёлнинг кўксидаги нақадар буюк қалб териб турибди-я! Ишонувчанлигини айтмайсизми. У қалбдан ташқари жиловлаб туриш мушкул бўлган жисм ҳам бор-лигини тушунмас эди. Инсон содиқ ва вафодор бўлишга аҳд қиласди, бироқ жисмоний жозиба, идрок истагига тескари туради. Қалб жисмни ўзига бўйсундиromoқчи бўлади, аммо жисм қалб ҳукмидан фориғ бўлишга ин-тилади ва ўзича йўл тутади.

Чэтан ўзича бундай ҳодиса рўй бернишига қарши туришга аҳд қилди. У ўз истакларини тўла амалга ошира оларди.

Нила унинг ҳузурига яна бир неча марта келди. Бироқ у қиз билан совуқ ва қўпол муомалада бўлди. Агар унга бирор нарса керак бўлиб қолса, қизнинг синг-лиси Шилани чақираварди. Кечқурун уни кўргани пандит Венипрасод келди. У кўрпа-тўшак ёнига ўтирган эди, Чэтан чироқнинг хира ёруғида унга ҳамма гапни чал-каш-чулкаш қилиб гапириб берди. Нилани тезроқ тур-мушга чиқариш ҳақида маслаҳат берди, чунки унинг бўйи етиб қолган эди. «Унинг онаси йўқ... Ҳамма нарса-ни олдиндан билиб бўладими? Ҳозирги вақт ҳам яхши

змас.. У Бастнда саводсиз қизлар даврасида юради...
Нима иш қиларни билмайди...»

Шундан кейин Нила унинг олдиға бошқа қайтиб келмади. Чэтанга бирор нарса керак бўлиб қолса рўпласида Ниланинг синглиси Шила пайдо бўларди. Чэтан дарғазаб бўла бошлади. У ўриндан туриб бу ердан қочиб кетиниши — тўппа-тўғри Лоҳурга қочиб кетиниши, Жоландҳарга ҳэм, Илавалпурга ҳам ҳеч қачон қадам босмаслики истарди.

Бироқ улар яна Илавалпурда ҳар куни йилдек түюлган тўрт кун туриб қолишларига тўғри келди. У ёлғиз ўзи кўрпа-тўшак қилиб шифтдаги тўсинларни қайта-қайта санаб ётди. У ажал нафасини сеза бошлагандек, ёнида ковак ва ёриқлари яққол кўриниб турган бош сугар ётгандек бўлди.

Чэтан ҳатто унча керак бўлмаса ҳам доим Чандани чақиради, бироқ унинг чақиришига доимо қизалоқ Шила чопқиллаб келарди ва бу нарса Чэтанинг жаҳлини чиқариб юборарди. Бир куни у ҳатто тутақиб кетди.

Ниҳоят, учинчи куни у Шилани ёнига ўтқазиб олди-да, бошини силаб туриб сўради:

- Нега Нила кўринмай қолди? У нима қиляпти?
- Йиглаяпти.
- Йиглаяпти? Нега?

Бироқ унинг саволига ўйинқароқ қизча қандай жавоб бериши мумкин? Чэтан қалбида қаттиқ оғриқ сезди.

Нила тўртинчи куни ҳам келмади. Бу хонада ётаверишдан дақиқа сайнин Чэтанинг тоқати тоқ бўлаверди. Ячги ўйидан бир кунга келган Канта жўнаб кетди, тўйга келган қариндош-уруглар ва меҳмонлар тарқаб кета бошлишди. Чэтан Чандани чақириб, ҳозироқ уни ўйига олиб кетишига ундаи бўшлади. Кантанинг ойини ва унинг қайнанаси у ҳали соғайиб кетмаганини айтишиб, яна бир неча кун шу ерда туришга қистай бошлишди, аммо у бу гапларга қулоқ солмади. Бу ердаги ҳамма нарса унга азоб берарди. Ниҳоят, Чанда унинг гапига итоат қилиб, йўлга чиқадиган бўлишди.

Чэтан Чираңжит Лаълнинг уч қаватли уни зиналаридан тушиб келар экан, ҳаммадан ҳам Нилани кўришини истарди, у қиздан кечирим сўраган бўларди. Аммо қиз уни узоқдан кўрибоқ ўз хонгисига кириб яшириниб олган эди. Чэтанинг назаридаги кимдир қулоқ-чаккасига тортиб юборгандек бўлди.

Четаң Қалловапидағи уйда, каравотда жиминна ётарлық ва паришонхотырлық билан деразага қарарды. Илавалпурдан Жоландхарга қайтни күни у бувасинің қазо қылганини эшитиб қолди. Кейинги ўи бир күнни, албатта, шу ерда ўтказиши шарт зди. У Илавалпурда бутуналай согайиб кетганига қарамасдан, йўл азоби, иссиқ ва бувасининг вафоти туфайли уйдаги бетартиб овқатлашишлар уши яна ётқизиб қўйди.

Ниҳоят, ўи бир кун ҳам ўтиб кетди. Шу вақт ичидаги тиименз гала-говур бўлиб турди. Йиги-сиги, дод-фарёдлар эшитилиб турса-да, бироқ ғамғинликка шодлик ҳам қўшилиб кетарди, чунки Четанинг буваси етминнин ҳаёт гаштини сурди. Бу дунёни тарк этиш мавриди ҳам қувончали экадашининг кунинга тўғри келди. Буваси ўғли ва набиралари туфайли кўп нарсаларни бошидан кечирди...

Четан оиласидан буваси ўлимидан тўрт кун бурун таҳорат қилиб, намоз ўқини учун ўзи қудуқ бошига борганини эшитди. Тўсатдан унинг қорини оғриб қолибди. У ҳаким Набижон ҳузурига борибди ва кун бўйи қайнатма шўрва ичибди. Бироқ оғриқ зўрайиб, доктор Бастий Ромни чақиришга тўғри келибди. Буваси аввалинга сингил тортгандек бўлибди, аммо тунда аҳволи жуда оғирлашиб кетибди. У ўзини билемай қолибди Пандит Шодиромга телеграмма юборишибди. Ўша кунлари у Баҳром станицасида ишларди ва телеграмма келганида эҳтимол, қулогини кесиб кетишича ҳам билмайдиган даражада маст ётган бўлса керак. Эрталаб унга яна телеграмма юборишиди ва ҳарбий доктор капитан Лахан Сиихини чақиришиди. Бироқ ўғли ҳам, доктор ҳам бувасининг зигирдаккина, ширин жони бу дунёни тарк этгандан койин етиб келишди.

Пандит Шодиром энди ҳеч қачон ичмасликка қасам ичди ва чиндан ҳам дафи кунингача винонинг яқинига йўламади.

— Бу ярамас ҳали гапларимга ҳам ишонмайди-я! — дея бўкирарди отаси.— Менга бу гапни ҳозир Банорасий

¹ Экадаши — ой календарининг ҳар ўи биринчи куни. Ҳиджрийнинг энгизодига кўра, бу куни қазо қылганилар испоклик ва гуноҳлардан фориг бўларкан.

Дос айтиб қолди. Мени ҳамма мазах қилиб кулди. Мен бўлсам ўн бир кунгача винонинг яқинига йўламадим.

— Шунча куни яқинига йўламаган бўлсангиз ҳам бугун ўзнигизни тута олмабсиз-ку. Ахир дағи маросими бугун бўлди-ку...— деди секин онаси.

— Ҳаммасига сени айборсан. Менинг ўғилларим эл олдида шармандан-шармисор қилишди-ку! — Чэтанинг назарида отаси онасини урғандек ва у йиқилгандек бўлди. У юқорига қараб чопди.

Отаси билан укаси муштлашарди. Опаси беҳуш бўлиб полда ётарди, кенойиси бўлса (буғун эрталаб акаси билан дағи маросимига етиб келишган эди) бир чеккада кўрқиб турарди. Ромонанд онасини турғизарди.

— Болта! Қани болта? Чопиб ташлайман...— Отаси уйдан югуриб чиқуб кетди.

Ромонанд кетидан дарров эшикни ёпиб олди.

Нандит Шодиром болтани топа олмади. У эшик ёниқлигини билгач, ошхонага бориб, мис кўзани олиб келди. «Хўш, нима бўнти,— деб ёўлдиради ва ўзига-ўзи,— қаш кўрайлик-чи...» Кўзани баланд кўтарниб зарб билар зинкини урди. Аммо эшик янги ва мустаҳкам эди. Уни бир уришда сидирини мумкин эмас эди. Шундан кейин у эс-ҳушидаи айрилгандек кўза билай эшикни ура бошлиди.

Тун яримдан оққан эди. Ниҳоят, пандит Шодиром эшикни бузиб ташлади. Аммо Ромонанд ичкари уйиниг эшигиги ҳам беркитиб қўйгани эди, бу эшик бўлса қалин ва қуруқ шишам дараҳтидан ясалганди. Бечора кўза уни бузишга ожизлик қилди. Кўни-қўшнилар югуриб келинди, пандит ҳушёр тортди. Ромонанд ва кичик ўғли кечирим сўрашди. Ҳаммаси кўз ёши қилгач, ўринга ётиб ухлаб қолишиди.

Аммо Четаи ухлай олмади.

Қаердадир қўшинининг уйида соат тўртга занг урди. Четаи ўриидан туриб Ромонанд ва Чандани уйғотди. Улар ярим соатдаёқ тайёр бўлишиди ва станцияга йўл олишиди.

Йўл-йўлакай Ромонанд деди:

— Чампа биз билан бирга кетишни жудаям илтимос қилгани эди. Мен унга: «Яна ярим йил сабр қилгни, даромадим бир оз ошисни, ундан кейин сени олиб кетаман», — дедим. У бўлса: «Сиз ҳамма тонгани-тутганингизни укангиз билан келинингизга беряйсиз! Уларининг виждони

Бүнгә қандай чидаётган экан!»— деди. Топған-тутғаним-
шыны!—акаси заһархандалиқ ва ғамғинлик билан күлди, —
ижара ҳақи билан ҳисоб-китоб қылғанимда ҳам яхши
бөларды.

Тонг ёриша бошлаган бўлса ҳам, юлдузлар худди сергак соқчилардек ҳамон мильтиллаб турарди. Осмон аста-секин оқара бошлади, пастда бўлса, қоронгиликни «нигиб янги кун тувилиб келарди. Фаррошлар кўча супиришарди, мусаффо тонг ҳавосини чанг-тўзои қопларди. Нам ва салқин шамол аста-секин исий бошлади. Ромонандининг заҳарханда кулгиси бўлиниди. У олисларга тикилганча ғамгин ҳолда жим бўлиб қолди. Чэтан сандиқчани ўнг елкасидан чап елкасига олди, Чанда унга:

— Агар чарчаган бўлсангиз менга бера қолинг,—
зода.

27

Ромонанд ўша куни кечаси қийинчиллик билан бўлса-да, Чампани қолишга кўндирган эди, бироқ Лоҳурда бир ой яшамасданоқ хотини хат устига хат ёзаверди. Уни имкони борича тезроқ Жоландҳар дўзахидан олиб чиқиб кетишини ва Лоҳур жанинатига жойлаб қўйишини сўраб, хотини бўлгани учун бунга ҳуқуқи борлигини пеш қилиб даъво қиласаверди. Фақат унинг ўзигина эмас, онаси ҳам хат устига хат ёзаверди. «Энди ишларинг бир ози юришиб кетган экан, минғир-минғир хотинингни бу ердан олиб кет, у мени тинч қўйсан ахир».

Ҳаммасидан қызиги шу әдикى, Чампавати ўқий бошлаган эди. Онаси у йү юмушларини бутунлай ишиштириб қўйиб, кун бўйи ўтириб олиб, дафтар бўяшини ёзиб юборди. «Хўш, бу қари қарга ўқишни ўрганиб олгач, нима қилмоқчи экан?»— деб сўради онаси. Ромопанд бу хатларни олар экан, энг қулай қондага амал қилишни лозим топди: «Бир марта жим бўлсанг — юз марта хурсанд бўласан». Онаси билан хотинининг хатлари бу теспа тебранмас одамни безовта қила олармикин? Бироқ Четапини виждон азоби қийнай бошлади: «Мен хотиним билан кайф-сафо сурсаму,— деб ўйларди у,— акам ёлғиз ўзи яшаса. Шу ҳам инсофданми?» Бир куни Ранвири Лоҳурга келганида Четан Чандани онасининг ҳузурига

у билан қўшиб юбормоқчи бўлди ва акасига Чампани бўрға чақириб хат ёзишини айтди.

Чанда имтиҳонларни топшириб бўлиб, таътили бошланган эди. У Чэтанга ҳеч нарса демади, аммо кечқурунг уйига қайтиб келаётганица кўчадаёқ уни хизматчи асл тўхтатди (Чэтан уни ҳушфеъллиги ва меҳрибоилиги учун энага деб атарди).

— Хоним бугун роса йиглади,— деди у,— нима гуноҳ қилди у? Нега энди жўнатиб юборяпсиз? У мендан: «Энагажон, бу ердан ҳечам кетгим келмаяпти, унга айтиб қўйинг», деб илтинос қилди.

Чэтан ҳеч нарса демади, хандон отиб кулди-да, уйга кириб кетди. У ич-иҷидан хотинига ачинарди. У хотини билан тенгқурлардек, худди дўсти билан сұхбатлашаётгандек гаплашишга ҳаракат қиласарди. Аммо бечора хотини бўлса энг беғубор истакларини ҳам айтишига ботина олмасди. Ҳатто Чэтанда агар иложи бўлса унинг Жоландҳарга боришини рад этиш фикри ҳам туғилиб қолди, аммо у Ранвир ҳамда Ромонанд билан келишиб қўйганди ва акаси дарҳол иккита хат ёзиб юборган эди. У онасига шундай деб ёзган эди: «Мен ҳамма нарсани тайёрлаб қўйдим. Чампани дарҳол Лоҳурга юборниг», хотинига эса шундай деб буюорди: «Хатни олган заҳотинг Лоҳурга келавер!»

Чэтан жимгина уйга кириб келди ва лом-мим демай хотинининг йўлга отланишига кўмаклашиди. Аммо йўл тарафдуди кўриб бўлингач, негадир ўзини шундай баҳтсиз ва ҳорғин сездики, Чанда ундан кузатиб қўйишни сўзесиз илтижо қиласаётган бўлишига қарамасдан, шу ериниг ўзиндаёқ хайрлашиб қўя қолди.

Хотини кетгач, у ариқ ёнидаги йиғиштириб қўйилган чорпояга жимгина чўзилди. Кейни уч қаватли үй тенасини қоплаб турган мусаффо мовий осмон гумбазининг қаърига тикилиб қолди. Тўсатдан у даҳшатли бўмбўшликини сезиб қолди ва қайтадан қўзгалган, сўз билан ифодалаб бўлмас, мавҳум бир қайгу юрагини тиринай бошлади. Чэтан бу ғам-ғусса олдида ўзини мутлақо ожиз сезди. У бўшашиб кетган гавдасини қимиirlатмасликка уриниб, ҳаракатсиз ётарди.

Шу топда иккиси кунлик ёмғирдан сўнг, ҳижоят, булатлар тарқай бошлаган эди. Зах пахса девор ва унга бетартиб ёпиб ташланган таппиларниг аралашиш, балчиқ тўла ариқлар ҳамда маҳалладаги ҳовлилар-

Чэтәң Қаллованидағи үйінде, көркөнде жимгина
әқарди ва париншохтириләк билән дәразага қараради.
Илаваллурдан Жоландхарга қайтши күнү у бувасинің
қазо қылғанын әшитиб қолди. Кейинги үн бир күнин,
албатта, шу ерда ўтказиши шарт әди. У Илаваллурда
бутунлай согайиб кетганинга қарамаңдаң, йўл азоби,
исенү ва бувасинің вафоти туфайли үйдаги бетартиб
овқатланишлар уни яна ётқизиб қўйди.

Ниҳоят, үн бир күн ҳам ўтиб кетди. Шу вақт ичидә
үй тишимсиз гала-ғовур бўлиб турди. Йиги-сиги, дод-фар-
ёллар әшитилиб турса-да, бироқ гамгиликка шодлик
ҳам қўшилиб кетарди, чунки Чётанинг буваси етминн
йил ҳаёт гаштини сурди. Бу дунёни тарқ этини маври-
ди ҳам қувоничли экадашин¹ кунинга тўғри келди. Буваси
ўғли ва набиralарни туфайли кўп нарсаларни бошидан
кечириди...

Чётан оиласидан буваси ўлимидан тўрт кун бурун
таҳорат қилиб, памоз ўқиш учун ўзи қудуқ бошига борга-
нини әшитди. Тўсатдан унинг қорни оғриб қолибди. У ҳаким Набижон ҳузуринга борибди ва кун бўйин қайнат-
ма шўрва ичиди. Бироқ оғриқ зўрайиб; доктор Бастий Ромни чақиришга тўғри келлбди. Буваси аввалинга сингил
тортгандек бўлибди, аммо тунда аҳволи жуда оғирла-
шиб кетибди. У ўзини билмай қолибди Пандит Шодиромга телеграмма юборишибди. Уша кунларни у Баҳром
станциясида ишларди ва телеграмма келганида эҳтимол,
қулогини кесиб кетишса ҳам билмайдиган даражада
маст ётган бўлса керак. Эрталаб унга яна телеграмма
юборишибди ва ҳарбий доктор капитан Лаҳан Синиҳи
чақиришибди. Бироқ ўғли ҳам, доктор ҳам бувасининг зигир-
даккина, ширин жони бу дунёни тарқ этгандан жейин
етиб келишиди.

Пандит Шодиром энди ҳеч қачон ичмасликка қасам
иҷди ва чипдан ҳам дағи күннингача винонинг яқининга
йўламади.

— Бу ярамас ҳали гапларимга ҳам ишонмайди-я! —
дека бўкирарди отаси.— Менга бу гапни ҳозир Банорасий

¹ Экадаши — ой календарининг ҳар ўн биринчи кунин. Ҳинидарининг эътиқодига кўра, бу куни қазо қизғанлар нопоклик ва гу-
ноҳлардан фориг бўларкан.

Дос айтиб қолди. Мени ҳамма мазах қиляб кулди. Мен бўлсанм ўн бир кунгача винонинг яқинига йўламадим.

— Шунча куни яқинига йўламаган бўлсангиз ҳам бугун ўзингизни тута олмабсан-ку. Ахир дафи маросими бугун бўлди-ку...— деди секин онаси.

— Ҳаммасига сен айбдорсан. Менинг ўғилларим эл олида шармандан-шармисор қилишди-ку!— Ҷэтанинг назарида отаси онасини урғандек ва у йиқилгандек бўлди. У юқорига қараб чопди.

Отаси билан укаси муштлашарди. Онаси беҳуш бўлиб полда ётарди, кеннониси бўлса (бугун эрталаб акаси билан дафи маросимига стиб келишган эди) бир чеккада кўрқиб турарди. Ромонанд онасини турғизарди.

— Болта! Қани болта? Чопиб ташлайман....— Отаси уйдан югуриб чиқиб кетди.

Ромонанд кетидан дарров эшикни ёпиб олди.

Пандит Шодиром болтани топа олмади. У эшик ёниқлигини билгач, ошхонага бориб, мис кўзани олиб келди. «Хўш, инма бўйти,— деб ёўлдиради ва ўзига-ўзи,— қани кўрайлик-чи...» Кўзани баланд кўтарни зарб билан эшикни урди. Аммо эшик янги ва мустаҳкам эди. Уни бир уришда синдириш мумкин эмас эди. Шундан кейин у эс-ҳушндиш айрилгандек кўза билан эшикни ура бошлиди.

Тун яримдан оққан эди. Ниҳоят, пандит Шодиром эшикни бузиб ташлади. Аммо Ромонанд ичкарни уйиниг эшигини ҳам беркитиб қўйган эди, бу эшик бўлса қалин ва қуруқ шишам дарахтидан ясалганди. Бечора кўза уни бузишга ожизлик қилди. Кўни-қўшнилар югуриб келинди, пандит ҳушёр тортди. Ромонанд ва кичик ўғли кечирим сўрашди. Ҳаммаси кўз ёши қилгач, ўринга стиб ухлаб қолишиди.

Аммо Ҷэтан ухлай олмади.

Қаердадир қўшнининг уйнда соат тўртга занг урди. Ҷэтан ўринидан туриб Ромонанд ва Чапдани уйготди. Улар ярим соатдаёқ тайёр бўлишди ва станцияга йўл олишиди.

Йўл-йўлакай Ромонанд деди:

— Чампа биз билан бирга кетишни жудаям илтимос қилган эди. Мен унга: «Яна ярим йил сабр қилгин, даромадим бир оз ошсин, ундан кейин сени олиб кетаман»,— дедим. У бўлса: «Сиз ҳамма тоиган-тутганингизни укангиз билан келинингизга берянисиз! Уларнинг виждони

Фунга қандай чидаётган экан!»— деди. Топган-тутганим-миш!—акаси заҳархандалик ва ғамғинлик билан кулди,— ижара ҳақи билан ҳисоб-китоб қилганимда ҳам яхши бўларди.

Тонг ёриша бошлаган бўлса ҳам, юлдузлар худди сергак соқчилярдек ҳамон милтиллаб турарди. Осмон аста-секин оқара бошлади, пастда бўлса, қоронгиликни сингиб янги кун туғилиб келарди. Фаррошлар кўча супиришарди, мусафифо тонг ҳавосини чаиг-тўзон қонларди. Ҳам ва салқин шамол аста-секин исенй бошлади. Ромонанднинг заҳарханда кулгиси бўлниди. У олисларга тикилганича ғамғин ҳолда жим бўлиб қолди. Чэтан саидик-зани ўнг елкасидан чап елкасига олди, Чанда унга:

— Агар чарчаган бўлсангиз менга бера қолинг,— деди.

27

Ромонанд ўша куни кечаси қийинчилик билан бўлса-да, Чампани қолишга кўндирган эди, бироқ Лоҳурда бир ой яшамасданоқ хотини хат устига хат ёзаверди. Уни имкони борича тезроқ Жоландҳар дўзахидан олиб чиқиб кетишни ва Лоҳур жаннатига жойлаб қўйини сўраб, хотини бўлгани учун бунга ҳуқуқи борлигини пеш қилиб даъво қиласаверди. Фақат унинг ўзигина эмас, онаси ҳам хат устига хат ёзаверди. «Энди ишларнинг бир оз юришиб кетган экан, мингир-мингир хотинишгин бу ердан олиб кет, у мени тинч қўйсин ахир».

Ҳаммасидан қизини шу эдикни, Чампавати ўқни бошлаган эди. Онаси у уй юмушларини бутунлай йигиштириб қўйиб, кун бўйи ўтириб олиб, дафтар бўяшиниг ёзиб юборди. «Хўш, бу қари қарға ўқишини ўрганиб олгач, нима қилмоқчи экан?»— деб сўради онаси. Ромонанд бу хатларни олар экан, энг қулай қоидага амал қилишни лозим топди: «Бир марта жим бўлсанг — юз марта хурсанд бўласан». Онаси билан хотинининг хатлари бу тенса тебраимас одамни безовта қила олармикин? Бироқ Чэтанин виждан азоби қийнай бошлади: «Мен хотиним билан кайф-сафо сурсаму,— деб ўйлардин у,— акам ёлгиз ўзи яшаса. Шу ҳам инсофданми?» Бир куни Ранвир Лоҳурга келганида Чэтан Чандани онасининг ҳузурига

у билан қўшиб юбормоқчи бўлди ва акасига Чампани бўерга чақириб хат ёзишини айтди.

Чанда имтиҳонларни тоиншириб бўлиб, таътили бошланган эди. У Четаига ҳеч нарса демади, аммо кечқурунг уйнга қайтиб келаётганида кўчадаёқ уни хизматчи асл тўхтатди (Четаин уни ҳушфеъллиги ва меҳрибонлиги учун энага деб атарди).

—Хоним бугўн роса йиғлади,—деди у,— нима гуноҳ қилди у? Нега энди жўнатиб юборяпсиз? У мейдан: «Энагажон, бу ердан ҳечам кетгим келмаяпти, унга айтиб қўйинг», деб илтимос қилди.

Четаин ҳеч нарса демади, хандон отиб қулди-да, уйга кириб кетди. У ич-ичидан хотинига ачинарди. У хотини билан тенгқурлардек, худди дўсти билан сұхбатлашаётгаңдек гаплашишга ҳаракат қиласди. Аммо бечора хотини бўлса энг беғубор истакларини ҳам айтишга ботина олмасди. Ҳатто Четаинда агар иложи бўлса унинг Жоландҳарга боришини рад этиш фикри ҳам туғилиб қолди, аммо у Ранвир ҳамда Ромонанд билан келишиб қўйганди ва акаси дарҳол иккита хат ёзиб юборган эди. У онасига шундай деб ёзган эди: «Мен ҳамма нарсани тайёрлаб қўйдим. Чампани дарҳол Лоҳурга юборинг», хотинига эса шундай деб буюрди: «Хатин олган заҳотинг Лоҳурга келавер!»

Четаин жимгина уйга кириб келди ва лом-мин демай хотинининг йўлга отланишига кўмаклашди. Аммо йўл тарафдуди кўриб бўлингач, негадир ўзини шундай баҳтсиз ва ҳорғин сездики, Чанда ундан кузатиб қўйишни сўзсиз илтижо қилаётган бўлишишга қарамасдан, шу ерининг ўзидаёқ хайрлашиб қўя қолди.

Хотини кетгач, у ариқ ёнидаги йиғишириб қўйилган чорпояга жимгина чўзилди. Кейин уч қаватли уй тенасини қоплаб турган мусаффо мовий осмон гумбазининг қаърига тикилиб қолди. Тўсатдан у даҳшатли бўмбўшликини сезиб қолди ва қайтадан қўзгалгац, сўз билан ифодалаб бўлмас, мавҳум бир қайгу юрагини тириай бошлади. Четаин бу гам-ғусса олдида ўзини мутлақо ожиз сезди. У бўшашиб кетган гавдасини қимирлатмасликка уриниб, ҳаракатсиз ётарди.

Шу топда иккни кунлик ёмғирдан сўнг, џиҳоят, булутлар тарқай бошлаган эди. Зах пахса девор ва унга бетартиб ёпиб ташланган таппиларнинг аралаши неи, балчиқ тўла ариқлар ҳамда маҳалладаги ҳовлилар-

га сиғир ва буқалар ташлаб кетганиң тезак ҳиди — хуллас, ҳавода қандай ис тарағынан, дейсиз. Бу бадбүй ислар димоқини ёриб юборгудек бўларди, ундан заҳарланган ҳаво бўлса Чэтан оғнини ўтмаслаштириб, илроқ қилини қобиғиятини сусайтирганди. Чэтан аллақандай беҳуши ҳолатда фаррони хотинларнинг бақириқ чақириқларнини эништарди. Ботаётганиң қуёшиниг олтин нурлари тор кўча бошинаги хира ойнали, уч қаватли уйиниг томнии ёрнти ва боши узра осмонда учиб юргап мусаффо, сиғна, қордек опсоқ булут укпарларнда учқун чақнатди. Чэтан «зарҳал» томли бу баланд уйга қарар экан, унинг остида қайнаётгани ҳаёт ҳақида, ёзи ҳам бир заррачасини ташкил этган қашшоқ олам ҳақида йиларди. У оғир хўрсиниди. Ҳаёт унинг оёқларни остига бадбўйликдан, чиқитлардан, иллатлардан, қашпоқликдан, сассиқ ва беўхшовликдан тўқилган гилам тұшаган, аммо унинг бошида худди аваби уйга ўхшаб дони олтин тож бўлади. Чэтанинг хаёлидан унинг ўғмиши, ҳозирги куни ва келажаги лип-лип ўтиб турди. «Наҳотки мен умрбод ҳаёт оёқлари остида тоғтала берман? — деб йиларди у. — Вақти келиб унинг тожидаги гавҳарлардан биттаси бўлиш баҳтига мұяссар бўлармикинман?»

У ўринидан қўзгалди. Бир бориб Айланма боғда саир қилиб келмоқчи бўлди. Бироқ атрофда шундай намарчилик, шундай умидсизлик ҳукмрои эдикни, у пойма-пой, юракка ғашлик солувчи фикрларни мияндан чиқариб ташлашга қурби етмасдан яна ингоҳини осмонга қадаганча ётиб олди. Уйиниг тепасини безаб турувчи ажойиб гўзаллик бамисоли ўлаётгани одамининг кўзидағи нурсизланишдек аста-секин қоронғиликда ўча бошлади.

Бир ҳафтадан кейин Чампа келиб, орадан яна бир ҳафта ўтгач, Чэтан яиги турар жой қидира бошлашига тўғри келди.

28

Чампа бу ерга аввалиари ҳам келиб кетгани эди. Бироқ ўша кезлари Чэтан ҳали уйланмаган бўлиб, ҳамма ноқулайликларга чидаған ва акасининг тини врачлиги кабинетидаги яшиашига рози бўлган эди. Аммо ҳозир ўша шаронитга кўнинкин уига қийни бўларди.

Чэтан хотинини Жоландхарга юборгач, бўш вақтини абиёт билан шугууланишга сарф қилишин тият ишлаб қўйган эди. Бу — Чандани дарҳол эсдан чиқариб борди, ёки Чандани Жоландхарга юбормоқчи бўлган вақтидаги гамғининг бутунлай тарқаб кетди. деганни эмас эди. Бироқ иши қай ҳолатда бўлмасин, у ишчадан бўён қунт билан ижод қилишга ўзини мослаҳа оқда эди, қандай қилиб бўлса-да, оғир аҳволдан чиқиш керак бўларди. Шунинг учун бўш вақтидан ва амгини кайғинийдан ижод учун фойдаланишга аҳд қиласи. У хотинини кам деганда бен-олти ой Жоландхарда шайди, деб ҳисобларди. Шунинг учун бу фурсат ичидагатта бир роман ёзинин дилига тутиб қўйди. Ҳалалайсан куни катта бир ёзувчи сайр қилиб юрганида ҳикояларининг сюжетини пишишиб, кейин эса қоғозга туширишини ўқиган эди. Чэтан ҳам кечқурун таомдан кейин ёлғиз ўзи сайрга чиқиб кетинини ва шу вақъда миёсида романнинг планларини тузинини ўзига қонда қилиб олди.

Романининг плаин тайёр бўлганида у Мўҳаммадзил рўйдан қалнигина дафтар сотиб олди. Дафтар ифлосланмасин учун устига қофоз ўради. Чэтан биринчи варангига чиройли, йўғон ҳарфлар билан романнинг номини ва муаллифининг исемини ёзиб қўйди. Бундан ташқари, бутун бетни тўлдириб сербарг шоҳ расмини ҳам чизиб қўйди.

У бўш соатларида уйида ишларди ва бунинг устига дафтарни редакцияга ҳам олиб бораарди. Соат бирдан кейин иш бир оз тайсилмаганди, у доимо бирор нарса ёзиб қолишга уринарди.

Чамина келгандан кейин романнинг ёзилтиси тўхтаб қолди. Бу уйда яшаш ва ишлаши Чэтан учун чида бўлмас даражада оғирлашди. Бир куни у уйига келса, антиквардан бутун бошли бир рупияга сотиб олган ва эски столини безаб турган севимли шиша сиёҳдони остоонада турибди. Ромонанднинг ерга урсанг кўкка санчидиган ўғли Суреш эса синглисими Ситага¹ айланти-

¹ Сита — афсонавий қадрамон Романинг қайлиги.

риш мақсадида унинг юзига қизил ва кўк сиёҳлар суринб ташлабди.

Чэтан стол буюмларини унинг қўлидан тортиб олиб, ранжиган ҳолда яна столга қўйинб қўйди-да, кейни жиянинг шапалоқ тортиб юборди ва оқибатда Чампа билан жаңжаллашиб қолди. Бироқ бундан бир мирилик фойда чиқмади. Эртасига у ишдап қайтиб келганида Суреш унинг столига чиқиб олиб деворга ип тортиб ташлаган ўргимчакни тутмоқчи бўлаётганини кўрди. Бола унинг бир уом очерк, ҳикоя ва шеърларини босиб, гижимлаб ташлаган эди. Суреш. Чэтанин кўргач, пастга сакраган эди, стол устидаги лаш-лушлари билан ағдарилиб тушди. Сиёҳдони синиб, қофозлари сочилиб кетди. Ҳамма нарса оҳ-воҳ ва узр-маъзур билан жойжойига қўйилганда, Чэтан столининг эскифуруш усталлик билан ёништирган оёғи синиб кетганини кўрди.

Чэтан ана шундан кейингина адабий машғулотини бир четга йиғишириб қўйиб, янги бошпана қидиришга тушиб кетди.

Ёзкунларидан биринда каллан саҳарлаб туриб ўАнантга хат ёзди:

«...Биз янги квартирага кўчиб ўтдик. Бу уй Чангар районида бўлса ҳам, аммо шуниси яхшини, у «Пипал паноҳгоҳи» эмас. Эҳтимол, сен, Чангар маҳалласида қандай қилиб шундай яхши уй топганимга ҳайрон қоларсан? Бу уйда заминдор ва уй эгаси сардор Жагдиш Сингҳ яшайди. Сардор Жагдиш Сингҳ бойлигининг кўп қисмини зиёфатларга, концертлар уюштиришга ва ўз ошина-огайинларига сарфлаб қўйга одам. Молмулкини сарфлаб бўлгач, ўз уйини бир исча квартирага бўлиб, уларга одам қўя бошлиди. Мен унинг ёнидаги хонани олганман. Эҳтимол, сен газеталарда унинг Радҳароний хонимининг эри ҳамда учта ўртоғига қарши, ўн олти минг рупиясини еб кетганиликда айблаб, судда иш қўзғаганини ўқингандирсан?

Уйи жуда яхши. Бадбуруш пўстлоқ чика мевасининг гўзаллигини яшириб турганинек, чиройли ва яшаёт қулай бўлган бу уй ҳам ҳамма томондан ифлое ва бадбўй кулбалар билан ўралган экан.

Менга тегишли жой уича кўп эмас, каттагина бир хона, холос. У тахта тўсик билан иккига бўлиб қўйилган. Хонада ванина йўқ, аммо ошхонаси шундай кенгки, бир бурчагини ванина қилиб қўйса бўлади. Хонанинг

Торқа томонида деразаси бор, деворлари оқланган, эшиги бўлса, ажойиб, оч-кўк рангга бўялган. Булардан ташқари, катта хонанинг шифтида вентилятор бор. Анант! Мен деразани очиб, уни юргизиб қўйгач, каравотга ётганимда, қалбим тасвирлаб бўлмайдиган қувончга тўлиб кетадики. Сен ҳатто агар ўта ифлос, зах ва қопқоронги каталакдан кенг, ёруғ, покида хонага ўтилганда кўкракни тўлдириб нафас олиш қанчалик қувоичли эканини кўз олдингга ҳам келтира олмайсан».

29

Дераза ортида зулмат ҳукмрон. Жала шундай шиддат билан қуярдик, тушган еридан сачраб, майда заррачаларга бўлнишиб кетарди. Чэтан соатига қараса, икки ярим бўлибди. Унинг қаринисида газетани босишга тайёрлаб қўйгани муҳаррирлардан бири шу ерининг ўзида, курсида чордана қурганча ухлаб ўтиради. Чэтан ўз романни усгиди ишлар, бироқ қанчалик уринмасин, иши юришмаётган эди. Унинг фикрлари ҳали ҳам бошига калтак ёғилётган от сингари бир жойда десенинеб туради. Чэтан дафтарини йигиншириб, муҳаррирни уйготди. Ундан уйнга кетишга рухсат олтагч, соябонини кўтариб кўчага чиқди.

Ташқари зим-зиё эди. Кўчадаги чироқлар эса шаҳар маҳкамаси буйруғи билан ўчириб қўйилганди. Иккала томонидан уч қаватли иморатлар тўсиб турган. Тор кўча ундан баттар зулматга ботган. Кўча юзида сув дарёдек оқар, тарновлардан эса тинимсиз шариллаб жала қуайларди.

Чэтан яна бир оз кутмоқчи эди-ю, бироқ вақтнинг алламаҳал бўлиб қолганлиги уни кетишга ундарди. У бир қўлига соябон ва роман ёзаётган дафтарини олиб, иккінчи қўли билан таҳмадини кўтарганча зинапоялардан тушиб кўчага чиқди.

Тор кўчада оқаётган сув тиззасидан келарди. Ёруғ уйдан бирданнга қоронғиликка чиққани учун Чэтан ҳеч нимани кўролмаса ҳам, эҳтиёткорлик билан юриб кетди.

У тарновлардан оқиб тушаётган сувни айланниб ўтишга шитилар, бироқ улар тўппа-тўғри кўча ўртасига

қубилаётгани учун ҳам четлаб ўтиш амри маҳол эди. Биноларни ёқалаб кетса, ариққа тушиб кетиш ҳеч ганимас. Бир исча йиллардан бери уни, ёғнигарчилик ва офтобдан сақлаб келаётган соябони ҳам галвир бўлиб кетганди. Четан Шива тангриси сингари бошидан жаланинг бетиним қўйинлишига ионлож чидаб борар эди.

У ие-ие азоб-уқубатлар билан зўрга кўчанинг ярмига келганида, кимдир бор кучини тўплаб унинг елкасига қамчи билан туширгандай бўлди. Қулоғига қаңдайдир ғалати товушлар эшишилди, қоронгида у томонга аллақаңдай ваҳимали бир парса яқинлашиб келмоқда эди. Четан қўрқиб кетди. Юраги ўйнаб, ўзини четга олди-да, тез-тез юриб кетди.

У кўчанинг бошига етгач, орқасига қаради. Кўзлари қоронгиликка кўнинкан эди. Ҳалиги парса шу ўртада истиқомат қилувчи профессориниг қашшанг ва сузонгич сигнири экан. У ҳўл думи билан Четанинг елкасига боплаб тушириб қолибди.

Четан тор кўчанинг бошида тўхтаб туриб; аввал профессорга, сўнгра сигнирига, охирида чироқин ўчиришиб қўйган шаҳар маҳкамасига лаънатлар ўқиди. Шундан кейингина оҳиста йўлида давом этди.

Катта кўча тор кўчачалик қоронги эмас эди.

Ёмғир қайтадан ёға бошлаган бўлса ҳам, булутлар сийраклашиб, улар орасидан ой мўралади ва унинг заиф нурлари зулматни бирмунича ёритгандай бўлди. Четан йўл-йўлакай роман сюжетини ўйлаб борди: у машҳур ёзувчига тақлид қилиб бир дақиқа бўлса-да, вақтни бекор кетказмасликка интиларди.

У муюлишдаги бинога яқинлашди. Қараса, Чангар маҳалласи бошланадиган Мўҳаммадаъл-рўд чорраҳаси Гаига ва Жамна дарёларининг Праэг¹ яқинидаги қўйилиши жойига ўхшаб қолибди. Чангар маҳалласига чиқадиган кўчани бутуслай сув босибди. Агар у бу кўчадан юрадиган бўлса, Девон Чанданинг ширинликлар дўкони-часига қадар сув кечиб бориши керак эди. Чангар маҳалласи кўчаларида оқаётган сувни хаслига келтириб, боши айланаб кетди. Шунида у «Бондемотаром Прес» босмахонаси ёнидан тор кўча орқали уйига стиб олинига аҳд қилиб, ўша томонга бурилди.

Тор кўча бошидаги ариқ бекилиб қолгани туфайли,

¹ Праэг — Оллоҳободининг қадимги номи.

бу ерда оқим айниңса йиидлатти оқаю әди. Уни қаламча парида күчә күтарилиб борган. Чэтан эхтиёткорлар к билан олга сиажир әди. У роман сюжетини миясигда пиншириб бўлай деганида бирдан қўлидан пимадир сиргалиб тушаётганини пайдаб қолди. У тўшиб кетаётган нарсанни тутиб қолмоқчи бўлди. Бироқ шу юйт оёғи ариққа тушнаб, ўзи сувга йиқилди.

Чэтан сесканиб кетди. Ариқ саёз бўлгани учун оёғига шикаст стмабди. Бироқ у ҳатто оёғи синган тақдирда ҳам, ҳозирги романни ёзилган дафтарни йўқотганини бўлганидагичалик хафа бўлмаган бўлар әди.

У шу заҳоти сув остини тимирскилай бошлади. Сўнгра ўзи ҳам ноўрни ҳаракатига илжайиб қўйди — дафтарни топиб бўйсан. Уни сув оқими эхтимол, Міўҳашлаъл-рўд чорраҳасига элтиб ташлагандир? Шилтани шалаббо бўлган Чэтан шу алфозда рўй берган тасодифни ўйлаб бир неча дақиқа жимгина қотиб қолди. Атроф зим-зиё. Тун сукунатини ёмғир ва кўча ариқларида буралиб оқаётган сувнинг шарқирави бузуб туар әди. Орқасидан икки гилдиракли извони сув сачратиб ўтиб кетди. Чэтан дафтарини эрталаб келиб излашга аҳд қилди, бироқ тошилиб қолар деган умидда талай вақтгача сув остини оёғи билан тимирскилади. Шу ҳолатда узоқ туриб қолди.

У ариқдан ўтиб, жимгина йўлида давом этди. Чэтан ибрат олмоқчи бўлган машҳур ёзувчى, вақтдан серунум фойдаланиши лозим, ҳатто йўлда кетаётганида ҳам биронта фойдали нарса тўгрисинда ушашга ҳаракат қилиш керак, деган әди. Аммо ҳозир у қаинчалик ширинмасин ёзувчининг бу бебаҳо маслаҳатига амал қиломади. У албатта, инманидир ўйлар әди, бироқ унинг фикрларини «фойдали» деб бўлмаеди. Уйнга яқин қолганда, батамом ҳолдан тойди. Қовоқлари оғирлашини борарди. Қасин дафтори, унинг кўк чизиқлари ва ҳафсалла билан чиройли қилиб ёзишган роман боблари ғўё тушнада кўраётгандай кўз ўнгидан ўтди. У энди романнин ҳеч қачон қайтадан ёза олмайдигандек туюлди — ёзинига куч-қуввати етармиди? Ана шу фикрин миясига жо қилиб, зинапоядан кўтарилди ва эшикни тақииллатди.

Сардор Жагдиин Сингхнинг айвонда ухлаб ёғран хизматкори эшикни очди:

— Хотинигиз келди,— деди у Чётанга.

— Хотиним?
— Ҳа, хотинингиз!
— Балки онам келгандир!

— Йўғ-Э, хотинингиз,— деди хизматкор мийннида кулиб. Чанда уни кутиб бедор ётганди. Чэтан ўэининг ич-ичидан қувонаётганини ҳис қилди. Барча дилиншёх никлар шу заҳотиёқ хаёлидан кўтарилди.

Хизматкор кетди. Эр-хотин зинапояда узоқ гаплашиб туриб қолишиди. Чанда Чэтанга Жолаидҳарда жуда қийиалиб кетганини айтди. Ахир у ўйни-кулгига, хурсандчилликка ўрганиб қолган, у ерда эса фақат кўз ёши тўкиб яшашга мажбур эди. Онаси уни Бастига жўнатди, у ерда ҳам юраги сиқилиб, ҳасрат билан кун кечирди. Ниҳоят, Равир Лоҳурга отланганида... Чэтан унинг сўзларини бўлиб деди: «Келганинг яхши бўлибди. Бошимга кагта фалокат тушди...»

У Чандага дафтариши йўқотиб қўйганини гапириб берди. Чанда қўлидан келганича уни юпатган бўлди. Улар бир зум жим қолишиди. Кейин Чанда: «Боринг, бошқа кийиниб чиқинг, шамоллаб қоласиз» деди. Улар биргаликда ошхонага киришди. Чэтан кўйлагини ечиб қозиққа илади. Таҳмадини алмаштирида, ошхонанинг ўзида тўйтариб қўйилган чепак устига ўтириди. Чанда унинг ёнига, ерга ўтириди.

Онаси Чэтанга мактуб юборган эди. Чанда кофтаси ичидан хатни олиб, эрига узатди. Бироқ ҳозир Чэтанинг мактуб ўқишига спра тоқати йўқ эди, у қофозга лоқайдлик билан кўз югуртиб чиқди. Онаси Чандадан шикоят қилиб, таъна-маломатлар ёғдирган эди... Чэтан бир икки қаторини ўқиб, хатни бир чеккага олиб қўйди.

Аввалига Чанда ўзбошимчалик қилиб келгани учун Чэтан ундан аччиқлаймасмикин, деб қўрқкан эди. Энди бир оз хотиржам бўлиб олиб Сўхний, Лакшний, Паро, Картарий ва бошқа дугоналари ҳақида лаби лабига тегмай бидирлаб кетди...

Чэтан бир неча марта Чандадан Нила тўгрисида суриштироқчи бўлди-ю, лекин ўзини тийди.

Ромонанд уйғонганида тоиг энди ёришаётган эди, у парда орқасидан мулойимгина қилиб:

— Чэтан, ётиб дам олсанг бўларди, ахир тушда ишга боришиниг керак-ку,— деди.

Чэтан сал кам бир йилдан буён газстада ишлар эди. Аммо унинг қилиқларида ҳали кўпгина болалик аломатлари бор эди. Қўпинча акаси унга: «Чэтан, ҳалинга гўдаклигиниг қолмайди-я»,— дер эди. Шунда Чэтан у билан баҳсланиб қоларди. У баъзан акасининг ҳақ экавини тушуниб: «Хўп, мен гўдакман. Аммо уйланганман-ку. Буниси ҳам ҳисоб эмасми? Сеннигча, мен неча ёшдаман?»— дея илжайниб қўярди. Баъзида у: «Гўдак бўлишни хуш кўраман, ака. Кексайнish менга тўғри келмаса керак»,— деяр эди. Аммо бу болалик қилиқлари қанчалик яхши бўлмасин, унда кўпгина тентаклик аломатлари ҳам бор эди. Ана шу нарса бир кун талайгина дилсизёхликларга сабаб бўлди.

Ҳамма нарса арзимаган ишдан бошлианди. Бир куни кечқурун Чэтан хизматдан ўлгудек оч қайтди. Оч қолганида миасинга ҳеч нарса кирмас эди. Қўпинча Чанда дастурхонга сабзавот ва қиёмларни қўйиб, нон ёпишга кетарди. Бироқ Чэтанинг тоқати тоқ бўлиб столда бор нарсаларни бир зумда пақкос туширади. Чанда нонни келтириб, яна сабзавот таомга униагунига қадар, у нонни еб бўларди. Баъзан у хаёлинин банд қилиш учун қўлинга китоб олар, бироқ фикрини тўплозмасдан, китобни ҳам ташлаб, кўчага чиқиб кетар, уй атрофида айланниб юрар эди.

У ўша куни ҳам оч ва тажанг ҳолда Айланма боғни сайр қилиш учун уйдан чиқиб кетди. Мўҳанлаълрўд кўчасидан ўтиб, Лоар Малга борди, суд биноси ёнидан Айланма боққа кириб, дараҳт тагидаги харракка ўтирди.

Чэтан шу қадар оч эдикни, хаёлига овқатдан бошқа нарса келмас эди. У боғни маъюс қўздан кечирди: оқиом, одамлар боққа сайр қилгани чиқишиган. Ўнг томонидаги ўтлоқда икки қора тани энага юзларни қип-қизил, қувноқ оқ танини гўдакларни ўйнатиб ўтиради. Чэтанга қувноқ ва дўмбоққина оқ танини болалар ёқарди, уларнинг мовий кўзлари, қўнғир соchlари ва ҳаракатчанигини хуш кўярди. У Айланма боғда тез-тез сайр қиларкан, улар ёнида туриб, ўйниларига разм солар эди. Аммо, шу топла бу болалар унинг кўзига жуда жиркапч кўриниб кетди. «Ҳа, уларнинг ҳар бир ҳужайраси, қонининг ҳар бир томчиси сон-саноқсиз қора танини гўдаклардан ўғулраб

ўянгани, қора тациллар дунёси эса мана шу ғанағалар-дек, кечакундуз оқлар дунёсиган хизмат қиласади». У учар юлдузга айланиб, оқларниң ана шу дунёсига қулашини, уларни яксон қилиб, қораларниң оч дунёсими жалос этишин иштаб қолди.

Четаи ўринидан турди. Бузук кайфияти ҳамон тарқамаганди. Тенис майдончасида ўнин бошланди. Оппоқ-қина спорт кофтаси ва калта шим кийган соглом, ёш инглиз аёли ракеткани чиройли ва сингил силкитиб тенис ўйнарди. Четан ҳеч қаочи тенис ё крокет ўйнамаган бўлса ҳам, бу ўйнларни севар, майдончада узоқ туриб томоша қилар ва барча спорт воқеаларидаи хабардор эди. Йекин ҳозир тенис ўйни кўнглига сингасди. У ўйинчиларга лоқайд бир пазар ташлади-да, ўнига кетди. Ўнга боғда узоқ сайд қилгандек туюлди. Чандо овқатини тайёрлаб, уни кутиб ўтирган бўлса керак. Четанинг кўз олдида бирданига сабзавот таомлари ва иссиққина пўрсиллаган нонлар уюлган тарелка намоён бўлди... Очликлан унинг ичаклари тортишаётган эди.

Афсуски, ўнга бориб унинг ҳафсаласи нир бўлдис: Чандо ҳали ҳам картошка тозаламоқда эди.

— Ҳеч нима пиширмабсан-да! — деди жаҳл билан.— Ана шунаقا де!

Чандо ўзини нохуш сезаётгани учунми ёки боргаш сари Четанинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетаётганини пайқамаганилигиданми, ҳар қалай, бошини кўтармай: «Кўриб турибсиз, ўйнаб ўтиргаим ийқ-ку», — деб жавоб берди.

Четан газабдан титраб кетди. У хотинин даст кўтариб катта хонага олиб кирди ва каравотга ўтқазди-да: «Мана шу с尔да ўтири! Овқатни қандай тез тайёрлашимин билниб оласан», — деди.

Чандо ииғлаб юборди. Четан эса шу заҳоти оёғи куйган товуқдай ошхонага югуриб кирди. Картошка деярли артиб қўйилгани эди. Уни ювиб, тўғраб, қозонга солди. Сўнгра бошини чаңғаллаганича ғамгини хаёлларга берилид.

Унинг бир вақтлардаги орзуси... ошхонаси ёғ тушиса ялагудай идиш-оёқлар эса кўз қамаштиргудай ярқираб туради. Унинг ўзи пол супурниб юрмайди, кўйлагига тугма қадаб, ишга жўнаш олдида шимини ямаб ўтирамайди. Буларниң ҳаммасини хотини саранжом-сариншта қилиб қўяди, у эса, ниҳоят, тиничгина ҳақиқий ва буюк ижодга шўнғиб кетади. Мана ўша, орзу қилган ҳаёти...

Уша исқирт, бақалоқ, ландовур уининг хотини эмиш. Яна ҳамма нарсанн ўзи қилиши керак. У чукур бир хўрсенниб қўйди.

Чэтан идишларга қаради. Ярқираб туриши қаёқда. У жаҳл устида идишларни ювлиб, артиб қўйди, хулди шу тарзда жўмрак остини ҳам тозалади, сўнгра ошхонани тартибга солди. Кейин у стол устини бозаб ошхонага, покиза идишларга мағрур қараб қўйди. Бирдан уининг чеҳрасида табассум жилваланди.

Чэтан катта хонага кирди, энди хотинига ҳазиллашиб деди:

— Марҳамат, бекам, ҳаммаси тайёр. Таомлардан та-новул қилиб, бирпасда ошхонанинг қандай озода бўлганини кўриб қўйисилар.

Бироқ Чанда ўрнида қимирламай ўтираверди. Фа-қатгина тил учиди:

— Раҳмат, кераги йўқ... — деб қўйди.

Четан энди жаҳлидан тушган эди. Ошхонани тоза-лаши уининг газабини юмшатди. Чанданнинг бенарво жа-вобидан кейин яна газаби қайнаб, ҳеч нима емай, шо-шиб уйдан чиқпб кетди.

Чанда билан Чётан икки кунгача ганиршмади, овқатга ҳам қўйл уришмади. Ромонанд уларни ярашти-ришга беҳуда уринарди. Чётан икки кундан сўнг бетоб бўлиб қолди. Чанда ҳам ўзини ноҳуш сезарди. Акаси опасига телеграмма юборди. Опаси келиб, уларнинг ик-каласини ҳам Жоландҳарга олиб кетди.

31

Чётан ана шу кўнгилсизликдан кейин узоқ вақт ўзи-га келолмади. Боши айланниб, иентмаси чиқди. Ҳатто у ўзини яхши сезиб, Лоҳурга қайтиб келгач ҳам ҳар қа-дамда дарлга чалинаверди. У бир неча кун ўзини яхши хис қилиб юрса, кутимаганда яна бетоб бўлиб қоларди. У энди ўзига, ўзининг соғ эканинига ишонмай қўйди.

Ана шундай кунларнинг биринда тақдир уни Ромдосга рўпара қилда. Ромдос атоқли венеролог эди. У ёшлиларга мўлжаллаб жинсий масалаларга доир бир неча китоб ёзган эди. Лекин уининг китоблари шундай бир услубда бўзилган эдики, уни ўқиган соппа-соғ ўспирин ҳам ўзини

нохуш сезиб, эртасига муаллифнинг қабулига кела-верарди.

Чэтан ҳам унинг китобларидаи бирини ўқиб, акаси-нинг тақиқлашига қарамай, Ромдос билан маслаҳатла-виш кўришга аҳд қилди. У шу заҳотиёқ Ромдос ҳузурнига боришга тайёр эди, бироқ маслаҳат бергани учун беш рупия, дори учун эса алоҳида ҳақ олишини эшитиб фикридан қайтди. Чэтанинг эса ҳозир беш рупия тугул, беш аннаси¹ ҳам йўқ эди.

Худди шу кунларда Чэтан бир ошнасидан Ромдос-нинг ёзувчиларга илтифот билан қарашини эшитиб қолди. Шунда у ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. У бир варақ қофозга ҳикояларининг номини ёзиб, Ромдос олди-га киришга жазм қилди.

Чэтан ўз ҳикояларини тўплам қилиб чиқариш ишти-екида эди. Бунга мутасадди-ноширини қаердан топиб бў-лади? «Ҳамма гап ном чиқаришда қолган...— куюниб ёз-ганди у Анантга.— Ёш ёзувчилар санъатининг юксак идеаллари учун қўллаб-қувватлашишини орзу қилишма-са ҳам бўлади. Ношир учун китоб — биринчи галда пул, санъат — фақат бойиш воситасидир. Ноширларининг кўп-чилиги адабиётнинг «а» ҳарфии ҳам тушумайдиган, ийноқ одамлар. Улар қайси ёзувчининг номини пуллаш мумкин бўлса, ўшанинг пайнига тушадилар». Чэтан фақат ўзинга умид боғлашиб мумкин. У босмахона ҳам топди, бироқ қофоз учун тўлашга пули йўқ эди. Шу боисдан у ёзувчиларни, айниқса ёшларни қўллаб-қувватлашини эшитгач, ҳикояларини палкага тиқишитирди-да, нохушли-гига ҳам қарамай Ромдос уйига йўл олди.

Беморларни қабул қилиш тамом бўлгац, Чэтан ка-бинетига кирди, бироқ ўтиришга журъат қилмади. Эгни-да таҳмад ва ёқа тутгаси узилган, уй матосидан тикилган кўйлаги бор эди. Чэтан каловлаганча, ўзини Ромдосга танишитира бошлади. У ўзининг ёш ёзувчи эканини, биринчи ҳикоя тўплами тайёр бўлиб, унга «машхур» танқидчи сўз боши ёзганини гапириб, босмахона билан келишганини, бироқ қофозга пули йўқ эканини айтди. Сўнгра Чэтан кўнглида ардоқлаб юрган энг асосий ис-тагини, яъни Ромдос жаноблари унга қофоз топишга ёрдам берсалар, бу ҳол унинг адабиёт самосида ярақлаб пайдо бўлишига имкон беришлигини баён қилди.

¹ А и на — майда пул бирлиги.

Ромдос ўни меҳрибоилик билан ўтқазиб: «Қоғоз хусусида ташвиш тортмасангиз ҳам бўлади, уни ўзим ҳал қилиб бераман»,— дея ишонтирди. Сўнгра, ҳастла ҳар ким фақат ўзига ишониши, ҳамиша бирордан қарздор бўлиб қолиш ҳолатидан иложи борича қочиши зарурлиги хусусида унга ваъзхонлик қила кетди.

— Қарз шундай вазмин юк бўладики, унга тоқат килиш ниҳоятда мушкул иш,— деди у.— Мен сенга пул бераман. Сен эса бу пулни ўз китобларинг билан қайтарарсан! Китобларинг мен янги ташкил этган «Саломатлик» журналига текин илова сифатида обуначиларга тарқатилади. Ҳикоялар тўпламингни ҳар бир обуначи ўқиб кўради. Ундан кўни кишилар хабардор бўлади, иккинчи китобнингга шундай қилиб муваффақият таъминлайсан,— деди-ю, Ромдос мийингида кулиб қўйди.

— Ҳа, албатта, албатта!— хурсанд бўлди Чэтан.— Китоб нашр қилинди дегунча уни ихтиёринингизга топшираман. Фақат ҳозир менга қоғоз топишга ёрдам қилворсангиз, бас!

— Ҳаммаси жойинда бўлади, ташвишланма. Ёзавер, ҳаракат қил!— унинг чеҳрасида яна табассум пайдо бўлди.— Бироқ саломатлигингни ҳам унутма. Ўни эҳтиёт қилмаётганга ўҳшайсан.

— Ҳа, шундай...— Чэтан ийманибгиниа илжайди, сўнгра Ромдос билан қуюқ хайрлашиб чиқиб кетди. Чэтан зинапоялардан тушар экан, ўзини кутимагандан олтин топиб олган қулдай баҳтиёр сезарди. Ўйига келиб, ҳикояларни солинган папкасини столга қўйди ва дарҳол устига қўйидагиларни ёзди:

*Биринчи учрашуудаёқ самимий
ҳурматимга сазовор бўлган доктор
Ромдосга багишлайман!*

32

Ромдос Чэтанга қоғоз топишда ёрдам бернибгиниа қолмай, ўзининг янги «Саломатлик» журнали учун согдиқни сақлаш соҳасида мақолалар ёзиб бернишини ҳам буюриб турди. У ёзувчиларга сахий муносабатининг ни-

шонаси сифатида ҳатто Четанга ёғсан мақолалары ҳақини тўлаб ҳам турди.

— Ҳозирча журнал янги, шу сабабли сенга ҳар саҳифа учун тўрт анина ҳақ тўлаб тураман,— деди у;— Ҳизир ҳен аминманини, бу журнал ҳам китобларим сингари минг-минглаб нусхада тарқаладиган бўлади. Ана ўшандага сенинг қалам ҳақиниг ҳам тўрт аниадан тўрт рунияга ошиди.

Четан беҳад хурсанд эди. Ахир у баъзида бир саҳифа у ёқда турсени, ҳатто бутун бир ҳикояси учун тўрт анина пул олмаган эди-да!

У мақолаларининг мавзунин ўзи таштар, редакциядаги ўн иккӣ-ўн уч соатлик ишдан кейин уйда ўтириб ёзар, тоғган пулини Ромонандга берарди. Акасининг ўзи кабинети нештоқига кўркам вивеска оенб қўйилди. Кўчага қараган деворига катта дераза ўринатилиди, хона ичи эса фанер билан безаб чиқилди. Кабулхона анча озода, тўсиқ устига тўқ кўк нарда тортилиб қўйилди. Акаси кундузги танаффус пайтида дам олини учун тўсиқ орқасида ўзига ўрини қилиб қўйиди.

Бу пайтга келиб Четанинг бош оғриги яида зўрайди, елкаси қўироқ безовта қила бошлади. Тез-тез боши ийланадиган бўлиб қолди. У бир куни минг хил андишаларга бориб, Ромдосга ўз дардини очди. Четан кўнглида борини айтиб бўлгач, шундай деди:

— Мен бир неча марта сиздан мени яхшилаб текшириб кўришингизни ва биронта дори-дармон ёзуб беришингизни илтимос қўлмоқчийдим. Яхши бўларди, агар...

Ромдос Четанга кўз қирини ташлаб қаради-да, бирлаҳза ўйланиб туриб, кейин кулиб юборди:

— Дори-дармон қилини ўринига дам олганинг маъқул,— деди у.— Иккӣ-уч ой ҳеч нарсанни ўйлама. Сағир қиъл, дам ол, бадантарбия билан шугуллан, нарҳезга риоя қил. Шунда ҳаммаси жойида бўлади.

Сўнгра, худди ўзига гапиравётгандай, қўшиб қўйди:

— Газета иши — ҳақиқий дўзах-ку! Шунчалик толиқкан кишин саломат қолиши мумкиними? Сен бу ишнингни ҳеч бўлмаса вақтинчалик йиғиштириб тур.

— Мен шундоқ ҳам редакцияда кам бўляпман,— деди Четан маъюслик билан,— касалдан бошим чиқмай қолди. Ўриндан ажralиб қолиш ҳам ҳеч гапмас...

— Яхинен эртага менга келиб учраш,— деди Ромдос бир оз ўйланаб.— Бирон йўлини топарман.

Эртаси куни Чэтап Ромдос ёнига келгаида, доктор. унга шундай деди:

— Мен сенинг тўгрингда хоним билан гаплашиб кўрдим,— деди у ўз рафиқасини назарда тутиб.— У жуда ҳам марҳаматли ва меҳрибон аёл. У сен синигари мустақил ҳаётга интиладигағ ёшларга, жуда хайриҳоҳ. Мен сенинг кечакуандуз газетада мук тушниб ишлабётганинг, саломатлигиниг куандан-куи ёмоилисиб бораётганинг ҳақида сўзлаб берганимда, у менга: «Сен уни ўзиниг билан бирга Симлага олиб кетсанг бўлмайдими?»— деб қолди.

Шундан сўнг Ромдос Чэтанинг ўзишиниг ҳар ини иессиқ пайтда бирон тоглик жойга бориб, туриб келишини тушутира кетди. «Саломатликка ҳам яхши, ишнинг ҳам серунум бўлади. Мен вақтни бекор ўтказишни ёқтирамайман. Чунки вақт — улкан хазина. Мен ҳамиша тоққа кетиб ижод қиласман, китобларимнинг ҳаммаси тоғлар қўйнида ёзилган».

У ўзининг бу гал Симлага жўнашини, агар маъқул бўлса Чэтан ҳам у билан бирга кетиш мумкинлигини айтди.

— Ахир ишми...— гап бошлади Чэтан.

— Саломатлигиниг яхши бўлса, иш ҳамма вақт топилаверади.— унинг ганини бўлди Ромдос.— Сен у ерда қанча оляиссан?

— Қирқ руния,— жавоб берди Чэтан.

— Мен сенга эллик бераман. Чоғроқ ресторонда овқатланасану, менинида яшайверасан. Бундан ортиқ сенинга ишма керак?— давом этди у.— Аввало, саломатлик тўгрисида қайғурмогиниг лозим. Уч ойга отпуска ол, соғайиб кетсанг, газетанинг қайтиб келаверасан, бўлмаса, ўглимни етти-саккиз ой машқ қилдириб турарсан. Унгача бирон иш топилиб қолар.

— Ахир отпусканни...— деган эди Чэтан.

— Ташвиши тортма. Ўзим редакциянгга хат ёзаман.

— Мен тогда ишма иш қиласман?

Ромдос қатъий жавоб қилди:

— Аввало, саломатлигиниг яхшила, укажон! Бундан муҳимроқ иш бўлмайди! Сен у ёққа ўйнагани кетаётганинг йўқ. Бу сенинг учун инҳоятда муҳим иш!

— Ахир, мени...

— Бекор қолмайсан. Кейинроқ иш ҳам топилади. Асосий вазифаига — саломатлигинигни мустаҳкамлашадир,— деди ю, қўшиб қўйди:— Мен ҳадемай Симлага жў-

найман. У ерда менга уй ва беморларни қабул қилиш учун кабинет ижарага олиниб қўйилган. Сен ҳам тайёр гарлигингни кўравер.

Чэтан терисига сиғмас эди. У уйига келибоқ Аиантга хат ёзишга ўтириди, хатида ўз хўжайинини куракда турмас сўзлар билан сўкиб, Ромдоснинг одамшавандалиги ва меҳрибонлигини роса кўниртириб ёзди:

«Мен ҳақиқатан буюк зот билан танишишга мұяссар бўлдим. Доктор Ромдосни эшитган бўлсанг керак. У жинсларининг алоқаси тўғрисида китоб ёзган. Мен буни ўз номини ёйиш учун қилинган, деб бир неча марта эшитгандим. Кўигли қоралар нималар деб бўхтон қилишмайди! Биринчи учрашувдаёқ докторга қойил қолдим. Мен уига таъзим қиласман. Унинг қалби қанчалар гўзал... У олижаноб ва улуғ зот!»

У бу ҳам етмагандай, Ромдос хотинининг сахиyllиги ва бегаразлигига мадҳиялар бағишилади.

Чэтан кечқурун, Ромонанд келганида оғзи қулогига стиб ўзининг Симлага кетаётганилигини айтди.

— Сен у ерда нима иш қиласан? — гумонсираб сўз қотди Ромонанд.

— Ҳеч нима. Доктор, кўпроқ овқатлаи, тоғларни сайр қил, энг муҳими соғайиб ол, деди.

Чэтан акасининг шубҳалари ёзилемасданоқ уйдан чиқиб кетди. У бу ҳақда барча дўстларига гапириб бернишга ошиқар эди. У аллақачон газета тўғрисида ўйламас ва ишга ўз вақтида келишга ҳам шошилмас эди.

33

Чэтан Ромдоснинг котиби, хизматкори Ядром ва унинг хотини Мани билан Симлага келганида июннинг иккинчи ҳафтаси эди. Улар Лоҳурдан чиқишаётганданд, Чэтан ўзида йўқ хурсанд эди, бироқ тез орада қувончи ичига тушиб кетди.

Симла сафари Чэтан учун дунёни айланиб саёҳат қилишдан кам туюлмади. Ахир дим капада ўи икки-ўн уч соат тер тўккан одам бундан ортиқ нимани ҳис қилисин? Ҳамма нарса унга ажойиб бир тушдай кўринди.

Ромдос Чэтани ўзи билан бирга олиб кетишига ваъда берган кундан бошлаб, у йўлга тайёргарлик кўра бошлади. Унинг тўйдан қолган иссиқ пайпоқлари бор

эди. Бир-иложини қилиб ўзига икки жуфт шим ва иккита күйлак сотиб олди. Энди пальто керак эди. Унгача акаси аңчагина кийған эски пальтодан фойдалашиб турнига түгри келди. Гарчи пальтони ўзига жуда мослаб қайтатиккан бўлсалар ҳам, уни эскичининг дўконидан сотиб олиниган деб ўйлаш мўмкни эди. Шундай бўлса ҳам ўша пальтоси, яхшилаб дазмолланган янги шими, ёқаси очиқ кўйлаги, силлиқ таралган узуи тўлқинсизмон соchlаря. Чэтани анчагина башанг кўрсатарди.

Ромдос, меҳрибон рафиқаси ва болалари билан иккичи класс вагонда боришар, Чэтан эса Жайдев, Ядром ва Манин билан учничи класс вагонда кетмоқда эдилар.

Чэтани ўзини шу қадар бахтиёр ҳис-қилардики, ҳатто вагонда бўш ўринилар кўп бўлса ҳам, мижжа қоқмади. Амритсарда уларга жоландҳарлик бир йигит ҳамроҳ бўлди. У Чэтани таниб, саломлашди. Чэтан йигитни эслай олмаса ҳам, ўз маҳалласида яшашини билгач, ғурур билан Симлага саломатлигини яхшилаш учун кетаётганини, агар йигитга малол келмаса, қайтишда уйнига кириб ўзининг соғ-саломат юргани ва турмуши яхини экалигини айтиб қўйишини илтимос қилди.

— Мен Симлага дам олгани кетаётганимни айтниг,— уқтириди Чэтан.— У ерда уч-тўрт ой бўлиб, мириқиб дам олгач, қайтиб келаман.

У «мириқиб дам олгач» сўзини айтар экан, ҳамشاҳарнида ҳурмат ва ҳавас аломатларини топишга иштилиб, унинг юзига астойдил тикилди.

Ромдос ва рафиқаси Калкада поезддан тушиб, у ёғига машинада кетишди.

— Тоққа биринчи марта чиқишинг,— деди Ромдос Чэтанга,— тағин бошинг айланиб юрмасин. Яхшиси поездда кета қол,— Чэтанга ғамхўрлик қилиб туришини Жайдевга тайинлади.

Чэтан, Жайдев ва Ядром Ромдосни рафиқаси билан машинага ўтқазиб, ўзлари поезднинг кичкинагина вагончасида тиқилганларича Симлага йўл олишди.

Чэтан Симланинг мактаб дарсликларида тарааниум этилган гўзал манзаралари ҳамда тог йўллари бўйлаб саёҳатлар таърифини эсга олди. Унинг хаёли мана шу таърифу тавсифлар билан баид эди. Чэтан ана шундай саёҳат қилишга имкон яратиб берган Родмосдан жуда миннатдор эди.

Бироқ «саёҳат» кўнгилдагидек ёқимли бўлмади. Вагон одамлар билан лиқ тўла, ҳатто у ёқ-бу ёққа ўғирилишнинг ҳам иложи йўқ эди. Четан аяшчили қиёфада Жайдевга қараб қўйди, бироқ унга ҳам оғир эди — бечора бошини зўрга ўгира оларди.

Тунида Барогга яқинлашаётганларида Четан уйғониб кетдай, у ўринидан турмоқчи бўлди. Бироқ оёқ-қўллари уувшиб қолган эди. Тиқилинчда қўмирлай олмади. Четанинг нафаси бўғилиб, боши қаттиқ оғрир эди. Станцияда вагондан түшинига ҳаракат қилиб кўрди, аммо иложи бўлмади. Шунда у дераза орқали ташқарига чиқди. Булар ҳам етмагандек у очликдан азоб чекарди. Бир неча оби ион сотиб олиб, яна вагонга тарманади. Поезд илондай тўлганиб тезлигини ошира борди. Четанинг боши айланарди. Ёнида ўтирган аёл кўнгли анигай бўлса керак, деразадан ташқарига энгашади. Четанинг ҳам кўнгли беҳузур бўлиб кетди... У Симла вокзалида, Жайдев елкасидан ушлаб силкитаётганда ўзига келди. Аммо шу заҳоти боши шилқ этиб тундин-ю, яна ҳушидан кетди.

«Симла томонларга бориб маза қилиб айланаб келасиз...»

Четан бу сўзларни эслаб маъюс бош чайқади ва бир хўрсиниб қўйди. Боши ҳалиям зирқирап, аъзойи бадани узоқ вақт калтаклангандай қақшаб оғрир эди. Четан қоқила-қоқила вокзал биносидан чиқди. Умри бино бўлиб қуёш нурларнинг бушақа жилваланишини кўрмаган эди. Улар дараҳтлар, бутазорлар, уйлар узра мусаффо ва тиниқ жимириларди, атрофдаги ҳамма нарса қўенинг нафис ва эркаловчи нурига чўмилган эди. Бироқ ҳозир Четанинг кўзига бу ерда ҳеч нарса ёқимли кўрини масди. Жайдев юкларини санаб олди, уларни ҳаммолшиниг елкасига ўнгариб, кетидан хурсанд ҳолда эргашиб борарди. Ядром ҳам мамнун эди, чодраиниг тирқинидан Манининг жилмайини кўрниб турарди. Фақат Четан кулмас эди. У ҳаммадан кейин судралиб борар, унга но маълум истилочилар вайрон қилган шаҳарга келиб қолгандай туюларди. Ўнинг назарида, олдинда бораётган ҳаммоллар голиблар томонидан қулларга айлантирилиб, ёнг оғир вазифани бажаришга маҳкум этилган авом эди.

Ҳаммолларнинг ҳорғини таналарини ифлос, тердан шўралаб кетган латта-путталар зўрга бекитиб турарди,

Улар елкасида шунчалик оғир юқ күтариб боришар ҳиди. Чэтан кўзларига ишонмади. Ёнида кетаётган ҳаммолин тушидаги кўрмаяптимикини? Тиззасигача лойга белаиган оёқларида оғир кавуш, қўллари ғадир-будур, ёрилган... У таёққа таянганича еттига чамадонин елкасида олиб кетяпти... Шу пайт ушинг ёнидан тахтиравон кўтариб маҳсус кийимдаги тўртта ҳаммол ўтиб қолди. Тахтиравонда хўппасемиз, боши тақир бир инглиз яланайиб слив, мириқиб газета ўқиб кетяпти. Чэтанинг от ёки қўтос ишини қиласётган одамларни биринчи кўриши эди. Кейинроқ у Симланинг Мол бозор кўчасида битта ҳам машина ёки извощ юрмаслигини эшилди. Симлада яшевчи оқ ташни жаноблар одамлар елкасида юришини ёқтиришарниш.

Ромдос беморларни қабул қилиши учун Лоар бозор кўчасининг бошлацишидаги бино ижарага олинганди. Улар келгунча бу бинога Ромдоснинг вивескаси осиб қўйилган экан. Ашёларининг бир қисмини бу ерда Ядром билан қолдиришиди: бошқалари Рулду Бҳатта посёлкасида қараб кетишиди. Ромдос ўзига уйни ўша ердан ижарага олган эди.

Бир оз юриб, чаңга бурилишгач, улар Мол бозор кўчаси остидан ўтиб, мусулмонлар ҳайит намоз ўқибди. Чэтанинг шундагина илк марта ўзининг тогда экашини ҳис қилди. Қаршиисдан салқин ва рутубатли шамол эсарди. Негидир бирдан Чэтанинг баҳри-дили очилиб кетди. Туниеннинг гумбазсимон деворларини ер қатламидан сизнеб ўтган сув намлаб туради. Туниенинг шифтида мигли ва хира электр чироқлари милтиради. Туниенинг вариги бошида ярим донра ёруғликда кириб келаётгани кишининг қораси аниқ кўриниди.

Рулду Бҳатта Ийдоҳдан сал пастроқда жойлашган. Бу кичкинагина посёлка бор-йўғи йигирма-ўттиз иморатдан иборат бўлиб, улар одатдагидек, тошдан ё гингидан эмас, балки ёғочдан қурилган эди.

Ромдос ижарага олган хоналар иккинчи қаватда эди. Ҳаммол зиналардан кўтарнилб, чамадонларни полга қўйди. Тинкаси қуригани Чэтан кўрпа-тўшак тутуниустига ўтириб, деворга суюнди. У обёқларини узагиб озиқларининг қандай ишилаётганини жимтина лоқайд кузагарди.

Симладаги ҳаёт Чэтан назаридан кўп нарсаларни ўзгартирив юборди. Ромдоснинг олижаноблиги, рафиқасининг меҳрибонлиги хусусидаги фикрлари ҳам ўзгарди.

Чэтан уч ой мобайинда хоним кўрсатган бир қанча найрангбозликларининг шоҳиди бўлди. У бу аёлда бирорга фазилат мавжуд бўлган тақдирда ҳам меҳрибонлик ва олижаноблик зинҳор бу ҳисобга кирмаслигини тушуниб олди.

У хонимнинг илоҳий улугворлигини бирров Лоҳурда, сўнг Қалкадаги платформада кўрди, холос. Симлага қадам қўйиши билан бутунлай ўзгарди-қўйди.

Ромдоснинг рафиқаси ҳаммолдан нарсаларни қабул қилиб олиб, уларни жойлаштира бошлади. У ўттиз иккι-үттиз беш ёшлардаги, чўзиқ юзли, бурни узун, бадани оқиш, лунжлари осилган, кўзойинакли, қотмагина аёл эди. Чэтан қанчалик уринмасин, унинг чехрасида доктор айтган меҳрибонлик ва мулоиймилликдан асар ҳам тополмади. Унинг пешанаси кенг, қошлари чимирилган, лаблари қаттиқ юмилган. Чэтан аввалига буни толиқнеш ва йўл азобининг оқибати деб тушунди. Бироқ тез орада хоним лабларини ҳамиша қимтиб юришини билib олди. Чэтан доимо бу башарада табассум жилзасини кўриш иштиёқида юрди, аммо баҳтга қарши, унинг истаги бирон маротаба ҳам бажо бўлмади. Ушанта у меҳрибонлик туўғулари бу хотининг қалбида эмас, қолаверса Ромдоснинг ҳам қалбида эмас, балки унинг ҳикояларидагина мавжуд эканини фаҳмлади. Бу хонимнинг ўзидан паст табақага мансуб кишилардан ҳазар қилиши, жаноб докторнинг ширин-шакар сўзлари замирада ҳам худди ўшандай муносабат мавжуд эканини ҳам Чэтанинг назаридан четда қолмади.

Чэтан Симлага келгани куни Ромдослар оиласи билан бирга кечки овқат қилди. Уша ерининг ўзида улар билан бирга гунаб қолди. Аммо эртаси куни эфталаб Ромдос уига кўрпа-тўшагини кабинетга олиб боришини тайинлади. «Посёлкада туришнинг жуда поқулай,— деди у.— Бозорга узоқлик қилади, у срга эса ҳар куни бориб туришнинг керак. Бунинг устига бир неча кундан кейин

ёгингарчилик бошлапади». У доноларча қиёфада Чэтанга Симлада овқат нархи ойига бор-йўги етти-ўн рушия турдиган ошхоналар бор эканини айтди.

Ромдос кабинетига шошилмай кўз югуртириб чиқдида, Чэтанга туңда кўрпа-ёстигини тўшаб ётадиган жойин кўрсатди. Сўнгра мийигида қулиб: «Симла аҳолисининг ярми полда ухлашади. Бу ерда каравот тилла баҳоси»,— деди. Сўзларидан маълум бўлинича, унинг ўзи ҳам доимо полда ухлар ва ундан кўп лаззат оларкан. Полда ухлаш жуда фойдали эмиш. Бунақа ухлаш — кишининг кучига куч қўшиб мустақилликни ошираткан. Ромдае Чэтанга ақл ўргатишда давом этиб, кўпгина буюк ижшилар ҳам полда ухлашин ўзларига ор деб билмаганини тушунтирди.

У бир ҳафтадан кейин ўзининг панд-насиҳатларини унтутиб, Чэтанини яна уйига олиб келди, ҳатто унга чор-поясини бериб ҳам қўйди.

Жайdev ва Ядромлар орасида ва Миндл бозор яқинида яшаб туриб Чэтан астойдил ишлай олмаслигини доктор тушуниб қолган бўлса керак. Чэтанинг Симлага келганинига бир ҳафта бўлса-да, у ҳалигача бир қатор ҳам ёзганий йўқ.

— Бу ерда полда ухлашнингга тўғри келяпти,— деди унга Ромдос,— кечқурун ўрин солиш, эрталаб йигиштириб қўйниш. Сен ахир ёзувчисан-ку! Бунақа ташвишлардан четроқ туришнинг керак. Ёнверингда китоблар бўлиши керак... Хоҳлаганингча яшайверасан — ётасани турасанми, ўқийсанми, ёзасаними — ихтиёр ўзингда... Алоҳида хонанг бўлади. Каравот ҳам топиб бераман. Хонала ёлғиз ўзинг турасан, ўз буюмларини ва ёзув-чизуи ашёларингни қулай қилиб жойлаб қўясан... Бу ерда юванишга имкон йўқ, у ерда ҳамма қулайлик бор.

Шундай қилиб Чэтан Ромдос жойлашган уйининг зинапояси остидаги кичик бир хонага кўчиб ўтди.

Эртасига эрталаб Ромдос Чэтанинг олдига келди. У мийигида кула туриб, хонага диққат билан кўз югуртирди-да, шинамлигини мақтади:

— Бу ерда ҳамма нарса ўз ихтиёршигда. Уқи, ~~ес~~, бадантарбия билан шуғуллан — ҳаммаси бемалол. Мабодо, биронта савол туғилса, менга айт.

Кейин бир оз ҳаяллаб, сўради:

— Уйқу олдида қанча сут ичасан?

— Бир ярим пао.

— Қам деганда ярим сер сут ичининг керак.

— Менга бир ярим пао ҳам ошиқча.

Ромдос кулиб юборди. Кейин сутиниг фойдаси тўгрисида қисқача маъруза ўқиди-ю, деди:

— Ядромининг хотини сенга сутни ишита устига қўйиб кетади.

У гаи оҳирда Четашиниг соат ўнгача уйга келиши лозимлигини уқтириди. Чунки соат ўнда ҳамма уйқуга кетади, шунинг учун бека кейин келувчилардан раңжир экан.

Ромдос шундай деди-ю, мийигида кулгасинча чиқиб кетди. Четан тез орада хонимга соат ўндан кейин келишдан ташқари, яна бошқа кўп нарсалар ёқмаслигини фаҳмлаб олди.

Бирничи кундасёқ хоним унга шундай бир қараш қиласдики, у ҳатто ҳожатхонага боришга ҳам журъат қилолмади. Манин унга пастроқда, тог ён багрида яна битта ҳожатхона бор эканини, у тинчгина ўша ёққа бориши мумкинлигини айтди. У ванинада юванишга ҳам боти-полмай, астагина челяк ва кателокни олиб Мол бозор йўли устидаги водопроводга жўнар эди.

Четашиниг дам олиши тўгрисида тинмай жон куйдирган Ромдос учун бу оддий бир нарса бўлиб тувлса керак. Бир куни Четан кўчада ювинаётганида ёнидан Ромдос ўтиб қолди. У Четанини кўриб, ҳайрат билан деди:

— Эҳ-ҳе. Сен шу ерда ювинармиши?

— Мен соғ ҳавода юванишни маъқул кўрамац,— деди Четан гурур билан ҳеч пимадан шикоят қилгиси келмай.

— Обдан чиниққансан-да!— деди Ромдос тиржайганича қўлини силкитиб хайрлашаркан.

Аввало ўз элчини — қора булатларни йўллаган, туни кун бетиним шарплаб қуйиб турган ёмғир пайтида азча совуқ тушган бўлса ҳам, Четанг аввалгилик ўз «чиниққанлигини» намойиш қилишга тўғри келди. У хизматкорларга ажратилган ҳожатхонага борар, йўл ёқасидаги жўмрак остида юваниб юради.

Ромдос иссиқ пальтода, қўлқопли қўлида соябон тутиб ҳар куни Четан ёнидан ўтар ва унинг «чиниқини»дан завқланарди. Аммо бирори марта на у, на унинг меҳрибон хотини (агар шундай дейиш мумкин бўлса) Четанг ўз ванинагасини таклиф қилишмади.

Четашиниг бу аҳволига юраги ачишган қўшиниларидан

бигтаси ўз ваниасида ювинишга ижозат бермагувича, бу ҳол давом этаверди. Шундан кейингина у сонуқда кўчадаги водонровод остида ювиниш азобидан қутулди.

Кунлар ўта боргани сари Чэтан ўзини Ромдоснинг Жайден ёки Ядром синигарни малайи эканига шинонч ҳосил қила бошлади. Ромдос ҳам бошқа ўйлаб кишилардек ёзувчи эканлигини, у Чэганини фақат китоб ёздирини ниятида Симлага олиб келганини фаҳмлаб қолди. Чэтан Ромдоснинг илгарилари ҳам худди ана шу йўл билан бир неча ёш ёзувчининг саломатлигини «тузатганилигин», унинг «мехрибонлигин» оқибатида Ромдос номи билан минглаб нусхада китоблар тарқаганини билниб олди.

Ромдос Симлагага жўнашдан олдин туллақлик қилиб китоб ёзиб беришга Чэтанинг розиалигини олган эди. Бу шундай бўлган эди: Ромдос Чэтани ўзи билан бирга дам олишга таклиф қилиб, харажатлари учун ойнга эллик рушия ажратганида Чэтан миннатдорчилик юзасидан доктордан унга алоатта бирорта иш топширишини илтимос қилган эди: Чэтанинг зурури Ромдосга ортиқча юк бўлишга йўл қўймаганди.

Ўшанда Ромдос гап срасида ўзининг ҳаёт бизан бирничи тўқиашувини гапириб берган эди:

— Ешлигимда менга бир дўстим ёрдам берганди. — Гап бошлади у. — Еироқ ўшанда мен унга нулини қайтариб берсанмадим. Миннатдорчилик юзасидан, йайл бўйи унинг болаларини үқитдим.

У ийиб кетиб, Чэтакга ана шунга ўхшаш бошқа бир қанча воқеалар тўғрисида, озгина ёрдами текканларга олганидан ҳам ошириб қайтрганлигини гапириб берди. Гарчи Чэтан аввёл бошидан иш беришни талаб қилган бўлса-да, бу ҳикояларни экантигач, агар ўзига аниқ бир иш топширилиаса, Симлагага бормаслигини билдириди.

Ўшанда Ромдос истар истамас, гўё уни мажбур қиласаётгандек болаларнинг туғалиши ва ўлими тўғрисида кисб ёзиш кияти борлигини билдириди. У Чэтанга Америкада чиқадиган бир журннални кўрсатиб, кутубхонага бўриб келишни тақлиф қилди. Агар у бу масалага денир бўронта мезъумот топса, ишни бошлайверницини айтди. Кейин унинг ўзи мутахассис сифатидаги мавзуни кент ёритаверди. Чэтан Ромдоснинг шиятини тушуниди, унинг меҳрибонлигини қайтариш тариқасида катта ва яхшигина китоб ёзишда ёрдам беришга аҳд қилди.

Ромдос ҳар куни беморларни қабул қилишга кетишдан олдин ҳазири аралаш Чэтандан қилғаи иши тўғрисица қисбот талаб қиласарди; қандай янги бобни ёзиб тутатгани, ҳозир қайсиси устида ишлаётгани, келгуси бобда нималарни ёзмоқчи эканини сурнштиарди. Таёёр қисми бўлса Чэтанинг ёнига ўтириб олиб, ўқиб беринини иятимос қиласарди. Агар янги нарса ёзилмаган бўлса, Чэтанинг соғлиғи, етарли сайр қила оляптими — шулар билан қизиқар, сўнгра илжайиб қўшиб қўярди:

— Ҳечқиси йўқ, бугун дам ола қол, эртага икки баравар кўп ёзарсан,— дея мийигида кулганича гойиб бўларди.

Бир гал Ромдосга Чэтан кўнгилдагидек зўр бериб, ишламайтгандай туюлди. Ўшанда у юмшоқ гинахонлик қилди. Бу воқеа шундай бўлган эди: Чэтан тушда Мидл бозорга овқатлангани бориб, одатдагидек бир соатдан кейин қайтиб келарди. Бир куни кечикиброқ келаётиб, пастга тушаверишда овқатланиб, дам олиб улгурган Ромдосни учратиб қолди. Ромдос унга гўё ҳазиллашган бўлиб деди:

— Э, тойчоқ, жонингни койитмаяпсан, дейман!

«Тойчоқ» сўзи ёқимли эшишилса-да, Чэтан ўша куни ухлай олмади. Кўз ўнгиди ўзи тушиб қолган вазиятнинг исл манзараси биринчи бор намоён бўлди. Ҳа, у, Жайдев ва Ядром Ромдоснинг шон-шуҳрат аравасини тортувчи отлар эди. Ана шу фикр унинг юрагига найзадек санчилди. Хизматкорлар ҳам, ишчилар ҳам, дехқонлар ҳам — уларнинг барчаси турли хил аравачаларга қўшилган отлар. Улар туну кун тиним билмай, шодлик юзини кўрмай ҳолдан тойгуналарича қора терга ботиб меҳнат қиладилар. Буларнинг ҳаммасини жанобларнинг зафар аравасига ясланиб олиб, шум нијатларига эришишлари учун қилишади. Улар бунинг эвазига нима оладилар? Фақат қаттиқ иону, сувми? Мана унга эллик рупиядан бериб туришибди. Симлада, шунчалик қимматчиликда эллик рупия нима бўларди!.. Отлар! Чэтан кулиб юборди, унинг кулгисида ғам-ғусса ва ҳасрат акс этарди. «Ҳа, мен Ромдоснинг шон-шуҳрат аравасини тортувчи отлардан бириман, холос,— ўйларди у.— У қандай усталик билан менинни жиловлаб олди-я! Мен ёзаётган китоб Ромдос номи билан нашр қилинади, сўнгра у, ўғли, невараси, ҳатто чеварасигача бунинг ҳузурини кўриб юришади. Муаллиф ўзи нима олади? Уч ойнга бир юз.

эллик рупия, холос. Бу пулни ҳам Симлада харж қилинга тўғри келади. Кейин у кавушини тўғрилаб қўйда, вассалом...» Чэтан Ромдос ва унинг кўнгилчан рафоқасини ўз истеъодининг муҳлиси, деб ўйлабди-я. Уни редакция дўзахидан қутқазиш учун ўзлари билан Симлага олиб келишган, уни ҳам ўз онлаларининг аъзоси ҳисоблашади деб хаёл қилибди!.. Оила аъзосимиш... Чэтан кулиб қўйди... У ўзини Жайдев ёки Ядром қисмати кутаётганини туш билибдими?

Ана шу пайт у бутуни вужуди беҳад иорозилик туйғуси билан тўлиб-тошганини сезди.

Ромдос шон-шуҳрати аравасининг оти-я! Жайдев ~~ва~~ Ядромлар бўлаверсин... Бироқ у бунга чидаб туролмайди! Қочиб бўлса ҳам қутулади! У ўзини жиловлашларига йўл қўймайди, у ҳамиша эркинлигича қолади!

Ромдос эртасига эрталаб одатдагидек мийнида култанича хонага кириб, қувноқ кайфият билан Четанинг ишлари тўғрисида оғиз очганида, у жаноб доктор олдига қогозларини келтириб қўйди.

— Бўлди. Мен кетаман! — У ҳаяжонланиб, яхши гапиролмади.— Сиз мени бу ерга саломатлигини тиклаб олсин деб таклиф қиласмидингиз? Мутлақо ундай эмас экан... Энди ҳаммасига тушундим,— деди.

Ромдоснинг лабларидаги табассум бир лаҳзада йўқолди, бироқ шу заҳотиёқ оғзининг таноби қочиб деди:

— Ҳа, худди шундай. Саломатлигингни яхшилаш учун, массаж, бадантарбия, сайр қилиш учун. Ишнинг айтмоқчимисан? Ҳа, у укажоним ўз хоҳишинг-ку. Ишланинг шарт эмас. Истасанг — ишла, истамасанг — ўзинг биласан. Агар сеп Лоҳурга ўзининг озгина бўлса-да бардамроқ сезиб қайтсанг, мен жуда хурсанд бўламан!

Ромдос соябонини енгил силкитиб, шошилмай чиқиб кетди. Чэтан эса душманига заҳар солиш учун бошнини даст кўтарган, аммо уддасидан чиқолмай талвасага тушган ярадор илон каби тўлғаниб хонада айланар эди.

Четанинг таъби хира бўлиб, кун бўйи тўшакда у ёнбошдан бу ёнбошга ағанаб ётди. Қўзларини қоплаган яарда бирдан тушди-ю, унга ўз тасаввуридаги манзара ўта жирканч бўлиб туолди. У ўзининг ҳозирги аҳволини

түшүнди. Қайгуси ощи, чарчаганини сезиб, вужудини аlamзадалик қамраб олди. Шу бугунгача унинг мургак қалбига бу дунё гүзәл, ораста бўлиб кўришар эди. Ҳозир эса кўз ўнгидан дунёнинг чинакам бадбуруш томонлари намоён бўлди — қалби ғам-гуссага тўлди. Бунақа расвогарчиликнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигига унинг ишонгиси келмас эди. Бироқ бу ҳолат мавжуд бўлибгина қолмай, ҳамма ерда ҳукмрон эканлигини тан олган соддадил. Чэтан учун ниҳоятда оғир эди.

Чэтан эзилувчи, Ромдос эса эзувчи эди. Буни ўйлаб Чэтан титраб кетди. Унинг бунига ишонгиси келмаса-да, вазият унинг кўз ўнгидан мана мен деб турага ва Чэтан унинг олдида ўзини ночор сезар эди. Чэфаш ўз қалбидан узоқ вақт бунёд этиб юрган мустаҳкам қалъанинг деявларидан бирни фактларнинг шиддатли оқимига доши беролмай қулаб тушгандай бўлди.

«Менга нима бўляпти ўзи?» Бу савол авваллари ҳам уни бир неча марта ўз исканжасига олган эди. Бироқ у кезлари Чэтанинг изтироб ва ҳаракати шу қадар чалкашиб кетгандинки, унинг сабабларини аниқлаш амри маҳол эди.

Чэтан ўйга толди. Ахир бу ҳаёт ёвуэлиги билан биринчи бор тўқнашуви эмас-ку. У мана шу ёвуэликларга қоқила-қоқила туғилди, тарбияланди, вояга етди. Онаси унга дунёга қандай келганини сўзлаб берганди. У ёмғир шаррос ёғиб турган тунда туғилган. Ёмғир бир неча кундан буён тишмай қуяр, эски ярим хароба уйлари томининг бир неча жойидан чакка ўтиб, уй саҳнида кўлмаклар ҳосил бўлган эди. Катта бувиси Гангадея ёмғирни қаҳридан туширмоқ учун ҳовлида бир неча марта ёниб турган чўғни улоқтириб кўрди. Онаси ва катта бувиси уй қулаб тушади деб қўрқанларидан туи бўйи ухламай чиқишиди. Уларнинг дояга тўлагани пуллари йўқ эди. Катта бувиси қачонлардир совғага олган идишпни сотди, бироқ янги тукқан опага мураббо аралаштирилган қуруқ занжабилдан бўлак мадорни тикладиган панжира ё ачқони¹ пишириб бериша олмади. Онаси ҳам тўла соганийиб кетгунича кўрпа-тўшак қилиб ётолмади. Кўзи зўрга кўрадиган катта бувиси эса ҳар гал печкага олов ёқсан-

¹ Панжира — уш, шакар, ёғ ва зира солиб тайёрланадиган миллий таом. Ачқони — янги тукқанларга қувват берадиган ичимлик.

да, кийинин күйдиріб олишігә сал қоларди. Шу сабабдан она ўн биринчи кун деганда таҳорат қилиб, уй ишларига киришиб кетди.

Ташвиш, құркүв, түйінб овқат смаслик ва бетінім уй ишлары туфайлы она сути қуриб қолди. У Қэтаниң ұтто олти ойліккача ҳам эмизолмади. У ўғлига әчки сути келтирар, бироқ Қэтанинніг, негадир, бу сутни ичишігә тоқати йүқ әди. У фақат әчкинінің амас, балки сипір ё құтос сутни ҳам ёқтырмас әди. У она сутидан бошқасын иста-мас, она сутини талаб қылар әди.

Үнгә әчки сутини тұтсалар, уни татиб күриб йыглай бошлар, урсалар, баттар йығлар әди. Шунинг учун катта бұнын уни йығлоқп деб атар әди.

Қэтан гүдаклигиданоқ турмуш аччиғини татиб күра бошлади. Бир күнни онаси ичірмоқчى бўлғап бир косача сутни Қэтан ичишдан бош тортиб тўрганинніг устиңга отаси келиб қолди. У Қэтаниң биринчи марта — эркалатиб, иккінчи марта — сал жаҳли чиқиб, уччиңи марта — газаб билан сутни ичишігә ундарди. Қэтан шундан кейин ҳам сутга қўйл теккимагач, отаси тарсаки туширди ва газаби қайнаб гўдакнинг бошини ерга қилиб оёғидан кўтариб олди. Агар онаси: «Етәр энди дадаси, мана ҳозир ишади!» деб ялнімаганида нима бўлишнин ким биларди?

Отасиннін кўзлари ғазабдан чақарди. Қэтан қўрқиб кетганидан йығламади ҳам. Онаси оғзига тутган ко-сачадан у оғуни ютгандек зўрға бир ҳўплаган әди, дар-ҳол кўнгли айниди. Үшанды онаси Қэтанинні юзиб, елкасига секин қоқди-да, йығламсираб:

— Бора қол, шўрлик болагинам! Бу ахволда сенга сут юқармиди? — деди.

Ана шу кифтига оҳиста қоқиш билан опаси гўё унга қаидайдир қуч бағишилагандай бўлди. Болага турткি беріб, уни олдинга юришга мажбур этди. Қэтан ёвуз отасидан қечишігә тушди. Бола калтак еғанида ҳам йыгламади, ҳовлига чиққачдан кейшигина кўзларидан тирқираб ёни чиққиб кетди.

У күп бўйи уйига яқшы ҳам йўламади. Боши оққан томонларда санқиб юрди. Ёноқлари ловилларди. У фақат жисмоний азобланибгина қолмай, балки митти қалбиннінг энг тўрида, ҳозир укинг ташасини зирқиратиб турган оғриқдан сира қолишмайдиган изтироб яширинган әди.

У худди калтаклашган кучукдай ҳаммадан ўзини

кеккага олиб, дайдиб юрарди. Тушга яқин бир пичак-хонага келиб, ўзини сомон устига ташлаганида кўзлари жиққа ёш эди. У яна қаергадир борди. Ўғлиниг келмаётганидан ташвишланган онаси фақат кечқурунга бориб уни мешкопчишининг хилват кулбасидан ухлаб ётган ҳолда топди.

Ташқариди ёмғир қуярди. Четаи хонасида кўрпага ўралиб ётарди. У ҳозир ўз болалигида рўй берган ана шу воқеани эслаганди, кўзлари ёшга тўлди, қўли билан бенхитиёр чаккасини сийпалаб қўйди. Кўз олдинда отасининг баджаҳл қиёфаси намоён бўлди, болалиқдаги кўргиликларини бирин-кетин хотирлай бошлади...

Отаси Сайла Кҳурд станциясига янги ишга тайинланганида у беш ўшда эди. Ана ўшандаёқ ота ўғлига инглиз тилини ўргата бошлаганди. Отаси ўзининг шахсий усулини қўллаб, Четанга олти ойда ўрта мактаб ҳажмиди инглиз тилини ўргатиб қўйиншига ишончи комил эди. Ишдан қайтгач, Четанга ўзининг алоҳида усулида таълим беришга интилар эди.

Даставвал у Четанини «Бҳагаватгита»дан «Уларни ҳеч ким бука олмайди...» ва бошқа бир нечта шеърии ёдлашга мажбур қилди. Четанинг хотираси ўткир чиқиб қолди. У шеърларни тезда ёдлаб олгач, отаси унга бош, бурун, кўз, қулоқ, оғиз, оёқ ва тананинг бошқа аъзолари инглизча қандай айтилишини ўргатди. Кейин унга баъзи бир инглизча сўзларининг ёзилишини кўрсатди. Отаси аста-секин ҳамма ҳарфи талаффуз этилмайдиган, масалан: White, black, office ва бошқа сўзларга ўтди. Четан отаси айтган сўзларни дарҳол илиб олар, уларнинг қандай ёзилишини эсда тутарди. Пандит Шодиром ўғлим катта бўлса, албатта эътиборли амалдор бўлади, деб каромат қиларди. Кейинчалик отаси Четанини бутун-бутун гапларни ёддан ўқиб беришга мажбур қила бошлади.

Ота станцияга ишга кетаётнуб, одатда, «ҳаддан ташқари қобилиятли» ўғлини ўзи билан бирга олиб кетар, бошқа хизматчилар олдинда ўғлини фурурланиб инглизча сўроққа тутар эди. Агар Четан тўғри жавоб берса, атрофдагилар боланинг қобилиятига қойил қолишар эди, шунда пандит Шодиром ўғлини кўтариб, ўпиб қўярди. Унинг узун, нозик ва тикандек мўйлови Четанинг юмноқ ёнақларига санчилар эди; отаси қўйинб юборгач, бола онаси ёнига чопиб келиб, ўз хурсандчилигини у билан ба-

Ҳам кўрарди. Онаси унинг гапларини эшишиб бўлгач, лабдарида фахрланиш табассуми пайдо бўларди. Бироқ бу табассум тезда йўқоларди. Онаси жипмгина ўтириб осмонга тикилар, лабларидаги ҳасрат ажиллари бутун чеҳрасига ёйиларди.

Бир куни пандит Шодиром поезд жўнаб кетгач, Чэтанин чақириб қолди. Отасининг ошиаларидан бири юқори синифда ўқийдиган ўғли билан Лоҳурга кетаётган экан. Пандит Шодиром уни учратиб, ионуштага таклиф қилинди ва мешкопчиини винога юборди. Чэтан келиши биланоқ ота, аввало, ўғлининг ажойиб хотираси ва қобилиятини мақташга тушиб кетди, сўнгра ошнасиинг ўғлидан бир неча инглизча сўзининг қандай ёзилишини сўраб қолди. Бола пандит Шодиромнинг шоп мўйлови, қизариб кетган кўз томирларига бақрайиб қараб қолди. У қўрқувдан ҳеч нима дейёлмади. Ўшанда отаси голибона ғурур билан мўйловини бураб Чэтанга юзланди: «Қани бери кел-чи»,— деди у. Чэтан оқибат нима билан тамом бўлишини билмай, қўрқа-писа отасига яқинлашиди.

Шу орада вино ҳам келди. Шодиром шишанинг кўрган заҳоти кўзларидаги қизил томирлари янада кенгайиб, нигоҳи чақиаб кетди. У шишани очаётуб, Четапдли сўради:

- Инглизча «оқ» қандай айтплади?
- Уайт.
- Бу қанақа туриш? Тўгри турсанг-чи!
- Чэтан қаддини ростлади.
- Ҳарфма-ҳарф айт!
- Даблью... даблью... ай... ти...
- Нима!— отаси шишанинг қўйиб Чэтанга бақириб берди. Гушган тарсакидан Чэтанинг чаккаси ловиларди. У луникини қўли билан ушлаб титроқ овозда дулуқланиб деди:

— Йўқ, йўқ... даблью, эйч, ай, ти...

— Нега шуни бошда айтмадинг?— Яна Чэтанинг козига тарсаки, елкасига мушт тушди. Кейин отаси ундан бошқа баъзи сўзларнинг ёзилишини сўради (ибораларга ҳали наебат келганий йўқ эди). Бироқ, негадир Чэтанинг титраб-қақшаб айттаётгани ҳар бир сўзида хато бор эди. Жазаваси тутиб кетган ота ўғлини калтаклай бошлади. Кондуктор болани унинг қўлидан зўрга ажратиб олиб, ташқарига чиқарниб юборди.

Эшикдан чиқар экан, Чэтанинг қалбини помус, га-

заб ва дақшат қамраб олган эди. Қўзидаи ёши дарё бўлиб оқарди. У ўзининг қаердалигини, қаерга бораётганини билмас, кўз ёшларини мушти билан артиб йиглар ва ҳадеб бурини тортар эди.

У уйига бормади. У онаси олдига йиғлаб қизарган қўзлари билан боришга номус қилди. Балки унинг митти қалбида гурур уйгошиб, ўз ҳақини талаб қилаётгандир.

Четан станицядаги омбор томон кетди. У юзини галла солинган қопга суркаб яна аччиқ-аччиқ йиглай бошлиди. Димогига буғдоининг қимизак ҳиди урилар, бошини айлантириб, уйқуга тортар эди. Бола уйқуга кетди, бироқ бу ҳам жонга оро кирмади; номус, газаб ва даҳиат қалбини оғир юқдай эзишда давом этарди. Уйқусида ваҳимали нарсалар кўринар, тушида ҳатто отасининг дўқларини эшиштарди... Четан бирдан чўчиб уйғонди. У отасининг қадам товушини эшилди. Четан секин қоплар устидан тушди-да, лип этиб ташқарига чиқиб кетди. У ўша кунни узоқ вақт далада санқиб юрди. Овқатланишини бутунлай эсдан чиқарган эди. Адашиб қолишдан қўркмади — боши оққан томонларга кетаверди.

Қудуқ ёнинда узоқ туриб, ғилдиракининг ғирчиллашига қулоқ солди. Хирмонга бориб, дои янчаётган қўтосларининг туёғидан бошоқларнинг тўқишишини кузатиб турди. Сўнгра аниҳор бўйига келиб каттакон чарм челакка тикилиб қолди...

Бироқ шу топда бу нарсалар унинг миясига кирмас эди. У паришонҳол дайидиб юрар, хаёлида бу ажойиб манзаралар эмас, балки бутунлай бошқа нарсалар кезар эди. Яна кутилмагандан кўзларидан иссиқ ёш оқа бошлиди: у энтикиб чанг, ифлос қўли билан ёшини артарди. Қалбидаги тўфон гоҳ босилар, гоҳ яна мавжланар эди. Четан ўзини жуда баҳтсиз ҳис қиласиди. У ўзининг нима учун, тағини бегона бола олдида калтакланганини англаб етолмас эди. Ахир у ўйлаб кўришга ҳам улгуролмади-ку... Луизининг тарсаки зарби, ловиллаши босилган, бироқ митти юрагидаги яра зирқиравша давом этарди...

...Мана ҳозир ҳам Симладаги шу кичик хонада ўти-раркан, Четанинг назарида ўша яра ҳали битмагандай, ҳамон оғриб, қон оқиб тургандай эди. У ўзини бечораҳол, ожиз, хўрланган кимсадек ҳис қилди. Отаси эса баҳайбат ва даҳшатли туюлиб кетди. Болалик достони очилиб, ундаги энг машъум саҳифалар кўз олдида на-моён бўлди...

Чэтан кечқурун ҳориб-чарчаб, бир оз тинчланиб уйнга қайтиб келганды унинг афт-аңғорига қараб бўлмасди: тиззасигача лойга беланган, соchlари тўэриган, кўзла-ри йиғлайвериб шишган, ҳадеб ифлос қўллари билан артаверган башарасига лой чапланиб қолганди. Онаси эидигина сигирни сориб бўлиб, сутни пишириш учун ўчоқ бошига келган эди. Унинг юраги орқасига тортиб кетди, югуриб бориб, ўғлини маҳкам багрига босди. Чэтан бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди. Онаси ҳам йиғлади. Бола буни кўриб йиғлашдан тўхтади. Улар шу алфозда узоқ туриб қолишли. Сўнгра она уни меҳрибонлик билан багридан чиқарди-да, олдига кўпирниб турган қуюқ сут ва ион қўйди. Чэтан овқат еяётиб, бўлган воқеанин сўзлар эди. Онаси уй ишларини қилиб юриб эшитарди. Чэтан калтакланнишга сабаб бўлган инглизча сўзларининг ёзи-лишини тутилмасдан тўғри айтиб берди.

Пандит Шодиром тунда Чэтанинг уйготиб, маст-аласт сўкишлар билан, яна аллақандай қийин сўзларни тақрорлашни буорди. Яна фалокат... Чэтан дудукланиб қолди. Отаси бир мушт туширганиди, бола ҳаммасини бутуслай унуди-қўйди. Даргазаб ота уни узун тамаки трубкаси — хукка билан савалай бошлади, у фавқулод-да айвон устунинг урилиб сингач, Шодиромнинг газаби янада тошиб, ўчоқда биқсиб ётган таёққа ёпишди. Она ҳўнграб, болани тўсиб турарди. Бир неча калтак онасига тегди, бир галгиси эса Чэтанинг тиззасига тегиб терисини суюгигача шилиб кетди. Букчайган ва кўр катта бувинси Гангадея ҳассасига суюниб тасодифан хонага кириб келмаганида, бу балонинг охири ишма билан тугашини ким биларди, дейсиз. У неварасини койиб, келини билан икковининг орасига туриб олди. Унинг елкасинга ҳам таёқ зарби тушгандан кейингина Чэтанинг отаси бувига қўл кўтариш қаничалик гуноҳ эканини сезиб, бирдан ўзинга келди.

Чэтан бу воқсаларининг миридан-спиригача эслар-каи бирдан, унинг барча шубҳалари ечишгандаи бўлди. У бунақа адолатсизлик, жиноят ва шафқатсизликка чи-даਬ туролмайди. Унинг қалби ҳамиша жангни тусар эди. Бу қалба ҳамиша нафрят ва норозилик руҳи яшаб келди. Фақат бундан унинг ўзи бехабар эди, холос. Қалб ярасини табнат қучоғида даволашга интилиб, далага қочиб кетиши, касал бўлиб, отасининг қўзларидан ён чиқаришга зўр берниб нитилиши, отасининг кўзига ка-

роқ кўринишга уриниши — буларининг ҳаммаси ҳали ту-
шунинг етизмаган ва яширин бўлса ҳам исён, порозиллик
эмасиди?

Шу билан бирга Четаидаги чидамлилик ва сабр-то-
қат бениҳоя тобланди, ана шу важдан у бу дунёдаги
адолатсизлик ва шафқатсизликдан ўзини юқори тутар
эди. Мана шу матонат ва сабр-тоқат, уни ҳар сафар
кунпаякун қилиш учун даҳшат солниб келадиган ёвуз
тўғондан қутқазиб қоларди.

У ўз хақ актерининг шу томонларини билгани ҳолда
види ўз-ўзидан сўрар эди: «Нега энди вафодор дўстла-
рийг бу гал сенга хиёнат қилишди? Нега сен Ромдосининг
иккисозламалигини кўриб бунчалик эзиласан? Наҳотки
ўзинигни қўлга олиш учун кучнинг етмаса?»

Атроф дақиқалар сайнин қоронгилаша борди. Ёмғир
ҳали-бери тўхтайдиганига ўхшамайди. Уй томларига
урнлган томчилар уларни бир оҳангда тақирлатарди.
Сув тарнов қувурларидан шарплаб паствга тушарди-да,
буралиб, тўлқинланиб, катта тезликда настқам ерга
оқиб кетар эди. Шу топда чақмоқлар ҳам ёрнта олмаёт-
гани атрофидаги қоронгилигу ташқаридан эшитилиб
турган шовқин ҳам унинг хаёлнини бузмас эди. У бамай-
лихотир чорнояда ётарди.

Тақдирийнинг битмас-туғанмас зарбаларидан овуниш
учун, айтидан Четаига ажойиб куч-қудрат ато қилинган
бўлса керак. Уни ҳар гал таҳқирилаганларнида, у баҳти
қаролик ва қашшоқлик дунёсидан қочиб, ширин орзулар
дарёсига гарқ бўларди.

Гўдаклик пайтларидандаётк у ўзини баҳтсиз деб ҳис
қилганида ҳар доим ажойиб Рома ва Ситанинг образ-
ларига сифинар эди¹. Рома унинг бошини мөхрибонлик
билан сийпалар, Сита эса уни тиззасига ўтқазиб овун-
тиярар, ўшандан Четаин барча калтаклаш, дўқ ва сўкиш-
лардан халос бўларди.

Баъзан Четаин хаёлан Вриндавон бутазорларига²
бориб қолар, у ерла Кришнанинг чўпон болалари ва қиз-
ларни билан қўл ушлашиб, ўйни-кулги қилишарди. У ке-
чалари онаси ва катта бувисидан эшиятган эртаклардаги
воқеаларнинг тафсилотига ҳамроҳ бўларди.

¹ Рома — қадимги ҳинд эпосидаги қаҳрамон Ситанинг эри;
ҳиндулар уни худо даражасига кўтаришган.

² Вриндавон — Кришна худосининг ёш чўпон қиёфасида
кун кечирадиган хаёлий манзилгоҳи.

Чэтан улғая бөрған сари, хаёллә янгидан-янги олам-ларни кашф этар эди. У ҳақиқий ҳаётда алдангац, орзулар оламида яшай бошлади ва ўзини бутунлай ўша оламга баҳшида этди. Чунки доимо унинг омади фақат ўша ердагина юришарди. Болалик ва ўсиринлик йиллари, орзулар Чэтанга барча күлфатни унтишга ёрдам берарди. Орзунинг сеҳрли торлари жаранглай бошласа бас, атрофдаги барча нарса бошқача: маҳалланинг сас-сиқ ҳавоси соғ, тор, қоронғи хона катта ва ёруғ кўриниб кетар эди. Ҳамма нарса ажойиб, қувноқ, ярқираб нур сочиб турарди. У бир кун келиб, ҳаётнинг кенг ва равон йўлига чиқиб олишинга шубҳа қилмас эди. Буидай кун яқин. Ҳа, уни баҳт, бойлик ва шуҳрат кутарди. Умидсизлик хавфи унга қанчаллик таҳдид қилмасни. Чэтандаги кўтаринкилик умид жароҳатларини даволар эди.

Назаридаги улуғзор ҳаёт дengизининг қирғонида туриб олиб, қувноқ ва шошқалоқ тўлқинларни кузатаётгандай туюлди... Мана у қайнұққа ўтириб, ўркач-ўркач тўлқинлар бағрида чайқалниб, узоқ соҳилга яқинлашади... Нариги қирғоқда уни баҳт, бойлик ва шон-шуҳрат кутади. Тўғри, у ҳали қайнұқни топганича йўқ, у ҳали бўриги соҳилда турипти. Бироқ, албатта қайнұқни топади — унинг бунга ишончи комил, орзу-умидлари эса кун сайин ана шу ишончни тобора мустаҳкамлар эди.

Аммо, ушбу маъюслик дақиқаларидан, у ўзининг Рулду Ҷҳаттадаги диққинафас хонасида чўзилиб ётиб умид-ишончга берилниши ҳақиқий тентакликтан бошқа нарса эмаслигини тушуниади. Чэтан ўз ўтмишига назар ташлар экан, ҳадеб ўз-ўзини алдашга берилганини аниқ билар, орзу-умидлар унга ҳамиша фирниб берил келганини тушунарди. Ҳаёлнда қурилган қасрларини девори қулаб тушар, ҳатто ўзи турган ўша қирғоқ нураб кетаётгандай эди. Унга босиб турган ери ҳам чўкаётгандай, янги-янги жойга сакраб ўтаётгандай туюларди. Қуитий билан бирга ҳаёт лаззатини тотиш истаги, Нила билан баҳтиёр бўлиш орзуси, бир ҳовуч муваффақиятсизликлардан сўнг Ромдос ёрдамида муваффақиятга эришиш иштиёқи — буларнинг ҳаммаси ўз-ўзини алдаш, буларнинг ҳаммаси яқин бўлиб кўринса-да, аслида сароб каби жуда узоқ эди. Ҳа, Ромдос тугдирмоқчи бўлган имкониятини у қайнұқ деб ўйлабди. Унинг қайнұқ дегани наҳанг бўлиб чиқди. Гам-андуҳга тўла шу дақиқаларда

УШИ ШУ ДАМГАЧА БАДБАХТЛИК, ҚАШШОҚЛΙК, КУЛФАТ ВА ОМАДСИЭЛИК УЗРА ОЛИБ ЙОРГАН ТҮЙГУЛАРИ ШУ ТОПДА СОХТА ШАРНА ҚИЁФАСИДА НАМОЁН БҮЛДИ. ЭНДИ У БУ ОВУНЧОФИДАН ҲАМ МАҲРУМ БҮЛДИ. БОЛАЛИК ПАЙТИДАЁҚ ЭНГ ОГИР Дақиқала-рида ҳам бир оз бўлса-дә, овунишига ёрдам берган орзу-умидлар, эндиликда мутлақо ожиз қолганди. Бугун у ўзининг қайғу-ҳасрати ва умидсизлигини енгишга қурби стмас эди.

Ғам-эндуҳга ботгай Чэтанинг кўзларидан орзулар пардаси тушиб, гўё дунёнинг ҳақиқий башарасини кўргандай бўлди, дунёда икки синфнинг: биттаси — эзувчилар, зўравонлар, иккинчиси — эзилувчилар, жабрланувчилар синфи мавжудлигини тушунди.

Гўё у боғ кўчада сайр қилиб, қандайдир чиройли, бироқ заҳарли ўсимликнинг баргини юлиб оғзига ташлағандай туюлди. Бу барг унинг тил ва лабларини куйдирибгина қолмай, унинг зирқиратувчи дарди кўксигача стиб борди. Агар муваффақиятга эришиш учун фақат меҳнат қилиш зарур бўлса — у заҳматкаш эди, бироқ мунофиқлик ва алдамчилик-чи... У алдамчиликка — ёлғон, мунофиқликка — мунофиқлик билан жавоб қайтара оладими? Ана шу фикр унга тинчлик бермай қийнарди.

Чэтанинг покиза қалби биринчи марта атрофидаги оламининг қаллоблигига тўқиаш келди. Она сути билан сингиб кетган гуноҳ ва мардлик, яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тушунчалар ана шу тўқиашувдаёқ йўққа чиққандай туюлди унга.

Чэтан ўзида йўқотишга уринган барча ярамасликлар атрофдағи гиж-гиж эканини кўрди.

Ҳақиқат ва гўзаликка ишонган, юксак орзуларга интигувчи, ҳассос қалбига ҳаёт биринчи қаттиқ зарба берди. Чэтан фаҳм-фаросат бобида тажрибасизлигидан яшин тезлигига берилган бу зарбадан ўзини қаерга қўйишини билмай қолди. Ўз маслак-эътиқоди қоясидан қулаётуб тармашиб қолиш учун бўшлиқни ушлаб қолишга интилаётгандай туюлди ўзига.

Чэтан Симлага жўнаш олдидан Анантга ёзган мактубининг ҳар бир сатрини эслади. У аллақачон Ромдос ва унинг хотинидаги олижанобликка, ҳатто, дарвоҷе, олижанобликка ҳам эмас, балки, шунчаки, одиллигига ҳам ишонмай қўйган эди. Бундан унинг қайғуси юз чандон ортди. Ромдоснинг ҳақиқий башарасини кўргач, шу ыайтгача ўзининг нақадар содда ва меров бўлганлигини

биринчи маротаба тушуниб етди. Аммо, турур ўзини аҳмоқ эканман, деб айтишта йўл қўймади.

Коронгилик қуюқлаша борарди. Ҳамон ёмғир қуярди. Чэтан шу кўйи маъюс ётарди. Бирданига Ромдоснинг таниш қадам товуши эшитилди. Аммо у ўрнидан қимирламай ётаверди. Ромдос хонага кириб, чироқни ёқди, плашини ечиб. Чэтанинг ётиш сабабини ва нима ҳодиса рўй берганини хавотирланиб суриштирди.

Чэтан индамади.

Ромдос унинг ёнига ўтириб, қўлини кўтариб томир уришини тиглости. Сўнгра деди:

— Толиқиб қолган бўлишинг мумкин; сенга осойишталик зарур. Еки бадан қизиб турганда кўчада юваниб шамрлаб қолгандирсан? Яна нима бўлиши мумкин-а?

Ромдос Чэтанинг ҳар куни совуқ сувда юванишини шунчаки инжиқликка йўймоқидай бошини порози оҳангда чайқаб қўйди. У ҳар бир ишда меъёрини билиш зарурлиги тўғрисида бир оз ваъзхонлик қилди. Кейин тухум билан иссиқ сут ичишни маслаҳат берди.

— Мен ўзим ҳозир сенга сут пишириб келаман,— деди Ромдос ташвишланган бўлиб.— Иссиққина ичиб, яхшилаб ўралиб, ухла. Ишоолло, эрталабгача соғайнаб кетасан.— У шундай деди-да, плашини олиб, ичкари хонага кириб кетди.

«Мунофиқ!» — деди Чэтан ичиди. У кулиб юборди, лаблари нафратдан бурушди. Ёнбошига ағдарилиб, қўлларини боши остига қўйди-да, калласидаги барча ўйларни ҳайдашга киришди.

36

Ромдос Чэтанин уч кун тухумли сут билан боқдач, тўртничи кун (якшанба куни эди) Чайдавик шаршарасини бориб томоша қилишни таклиф қилди. Тоғларни саҳарги юпқа туман тўри қоплаганда қорли чўққиларининг ялтироқлиги йўқолади. Офтоб чиқди дегунча туман тарқалиб, қорли чўққилар бутун жилваси билан кўз олдимиизда яна намоён бўлади. Худди шунда бир дақиқа Чэтан қалбининг нурли чўққилари ҳам занфлик тумани шардаси билан қопланган эди. Занфлик унинг қалбидаги умийдесизликни уйғотди, бу эса Чэтан ҳаётини узоқ ёри-

Ҳуб турган хаёл машъалини, нурли, соф ва ярқироқ чўқ-қиларнинг хиралашшига — сўнишига олиб келди.

Офтоб нури аста-секин коронгиликни ёриб, иохуш туманин тарқатиб юборди; Четан қалбида аввалги покизалик, гўзаллик барқ урди, чиройи очилди.

Бугун у заниф экан, наҳотки у энди ҳеч қачон бақувват бўлолмайди! Нега энди у умидсизликка тушиб қолди? Дунёда зўравонлик қонуни ҳукмрон — кучли занфи маҳв этади!.. Бас, шундай экан, нега энди у ҳам кучли бўлиши мумкин эмас? Унинг жисмоний кучи гўдаклигигдаёқ ҳаёт ёвузлиги билан тўқиашувда дарз кетган бўлса, хўш, нима бўлти; бойлик келтирадиган куч-қудрат насиб қилмаган бўлса нима? Бироқ эвазига ақл кучидан бебаҳра қолган эмас! Ахир Чапакъя¹ ўзини ҳақоратлаган Нандадан ўчини ололди-ку. У Нандадан подшоликни тортиб олиб, тахтга Чандрагуптани ўтқазибгина қолмай, уни эҳсонларга кўмиб ташлади. Нега энди Четан ўз ақлини ишга сололмас экан?.. Ярим қороғиги кичик кулбада ёлғиз ўтишаркан Четан ўзини донишмандлар қаторига қўшиб қўйди. У хаёлан ўзини Чапакъя ўрнига қўйди, унинг олдида пулининг куч-қудрати сўна бошлагандай туюлди. У беҳад қудратли бўлиб кетгандек эди; астасекин қаҳр-ғазаби босилди. Ромдос Чайдавик шаршарасини бориб кўришни таклиф қилиб келганида Четанинг қалбида қутурган тўфон тўхтаб, унинг ўрнига салқин шабада эсмоқда эди.

Четан қалбига янгидан-янги куч-ғайрат қуялиб кослаётганини сезиб, Ромдосга қудратли одам бадбахт ожизга қарагани сингари назар ташлади. У илгариларни ҳам Чайдавик шаршараси ҳақида жуда кўп нарсаларни эшигган, бироқ шу кунгача уни бориб кўришга фурсати бўлмаганди. Балки у ётиб зериккани туфайли ҳам Ромдоснинг таклифини қабул қилгандир?

Ромдос йўл-йўлакай бир нечта муҳим рекламасини ёзиб беришга Четанини кўндириди. Докторнинг овозида шу қадар самимийлик, майинлик ва шакаргуфторлик бор эдики, киши беихтиёр у қўйган тузоққа илинмай иложи йўқ. Четан ўзининг руҳий куч-қудратига қарамай, Ромдос олдида яна гўдак болага айланди қолди. Ромдос

¹ Чапакъя — қадимий ҳинд афсонавий дошишмандларидан бири. У рожа Нандадан таҳқирлангач, ундан ўч олиш учун рожа Чандрагуптага тахтии қайтариб олишда ёрдамлашган.

тапни узоқдан айлантириб келиб, рекламага тақади. **У** ҳатто бизнинг асримизда рекламанинг роли тўғрисида оғиз кўпиртира кетди:

— Ҳозир реклама асри,— дея гап бошлади у.— Ҳозир ўз камтарлигига ишонсанг ҳамда одамлар қадр-қимматнинг баҳолайди деб ўйлаб шу тутсанг, ҳеч нарсага эришомайсан. Аксинча, ҳозир минорага чиқиб ўзининг кашф этган ихтиронг, санъатинг, фаолиятнинг ҳақида овозининг борича бақиришинг зарур; ўз обрў-эътиборинг, ютуқларинг тўғрисида одамларга жар солиб эълон қилдирининг керак. Ғалабага эришаман деган одамга доно бўлиш, бирор фойдали нарсани ихтиро қилиш ё бирор санъат асарини яратиш кифоя қилмайди; иштимланнингга эришмоқ учун ўзингинг реклама қила олишинг ҳаводек зарур. Ҳозирги замонда камтар киши назарга тушмаган чўя гулидек хор-зор бўлиб қолади; у миллат кўксиде ялтироқ маржон бўлишга муваффақ бўлолмайди.

Ана шу ерга келгандай Ромдос ўзишинг энг яхши кўрган мавзуи, яъни ўз-ўзини мақташга ўтди:

— Менинг ютуғум сири, бошқа нарсалардан ташқари, шундан иборатки, мен ўз дориларим ва китобларимни анича топқирилик билан реклама қилолдим.

Кейин у бирдан мақсадга кўчди:— Кечанинг ўзида мен реклама қилишининг икки йўлини топдим. Менинг Симлага биринчи келишим. Ҳозирча беморлар оз келиб турибди. Ахир улар қайнаб чиқармиди? Улар менинг бу ерга келганимни ҳатто тушларида ҳэм кўринмаган. Лекин мен Симла ва унинг атрофидаги аҳоли орасида помимни ёйиш учун қўлимдан келган барча чораларни кўяпман. Врач кабинетининг ўзиёқ — кучли реклама. Одатда төғнинг қайси ерига келмайин, албатта ўзим учун ва иш учун алоҳида хонани ижарага оламан. Мен қўй қовуштириб, фақат ўз саломатлигини ўйлаб ўтиришини ёқтирамайман. Бунинг устига, уйда ўтираверсанг, ҳеч нарсага эриша олмайсан...— Ромдос бирпас жим қолиб, япа давом этди;— Мен ҳамиша реклама қилишининг янгидан-янги йўлларини ўйлаб юраман. Бир reklamанинг бошқасига ўхшамагани тузук. Рекламада янгилик, фантазия, оригиналлик бўлмоғи зарур...— У кутилмагандай Ҷэтанга бир неча рекламани кўрсатди.

Ҷэтан индамай борар, Ромдосининг гапларига қулоқ соларкан, пицида унинг мунофиқлигини лаънатларди. Доктор рекламаларни унга кўрсатганида, Ҷэтан бенар-

вогина кўз қирини ташлади. Бироқ аста-секин унда рас-
сомлик диди ўйғонди.

— Уларда нафосатдан ҳеч вақо йўқ,— деди у.— Бу
рекламалар ўта қуруқ ва дағал.— Четан йўл-йўлакай
Ромдос китобларидан бирига реклама ўйлаб қўйди.

Чайдавик шаршарасининг каттакои оқими осмон-
ўпар бино девори каби тепаликдан оқиб тушарди. Бу шар-
шара ер қаъридан отилиб чиққан эриган кумушниң
ярқираган оқимини эслатарди. У ўз йўлида неча-неча ўн-
лаб бутазор ва дарахтларни ювиб ўтади, майда сув зар-
рачаларининг тўэзишидан пайдо бўлган рутубат пардаси
шаршара узра товланиб турибди. Бу майни заррачалар
сдаминиң баданини қучмасдан туриб, унинг қалбидаги
ҳамма губорларин ювиб ташлайдигандай туюлади.

Улар шаршара ёнинга тушиншгач, Ромдос каттакои
бир тошга бориб ўтируди. Четан эса ундан сал нарроқка
жойлашиб олди. Улар сувдан анча берида бўлсалар ҳам,
аҳён-аҳёнда сув заррачалари Ромдос билан Четан
ўтирган ергача учиб келарди. Бир оз фурсат иккаласи
ҳам табнатининг бу гўзал ва ажойиб маизарасини жим-
гина томоша қилиб ўтиришди. Кейин Лоар бозорда сотиб
олган ширинликларини шимиб, муздеккина сув ичиши.
Сўнгра Ромдос нимадандир илҳоми келибми ё Четанинг
майослигини ёзиш учунми, ашула бошлаб юборди. Унинг
овози шу қадар мусиқий, нафис ва ёқимли жараанглар
эдикки, ҳатто Четан ҳам лол қолди. Қўшиқ уни бутуилай
ўз оғушига олди.

Ромдос куйлар, Четан эса, шунчаки эпчил бир ма-
фаатпаст, бераҳм эзувчи деб ҳисоблаган одамининг
қўксиди ҳам тепиб турадиган қалби борлигини кўриб
хайрон бўларди. Бу юрак ҳам қачонларди ошиқ бўлган,
аъбатта. Ҳозир ҳам ўша муҳаббатнинг учқунлари ҳаёт
оворагарчилиги кули остида бурқсиётган бўлса ҳам, ҳа-
ли батамом сўнмабди. У олғирлик, манфаатпастлик,
муғамбирилик ва уддабуронлик остида яшириниб ётган
экан. Шунда Четан ўйлаб қолди: «Нега энди инсон доим
ниқоб остида яшириниб юради? Нега у ўз ҳолича юриши
мумкин эмас? Нега улар фирибгарлик ва мунофиқлик
килишади? Нега дунё эзувчилар ва эзилувчиларга
ажралган? Инсон қалбидаги энг сара гуллар чаман бў-
либ очиладиган, энг гўзал иштилишларини ҳаёт топта-
майдиган, балки уни барқ урдирадиган ҳаётнинг нариги
ажойиб қирғоғига қандай сузиб ўтса бўларкин?.. Бу

оҳанг нақадар мунгли, илтижо ва нэтиробларга тўла шу
қўшиқ нақадар гўзали!»

Қош қораймоқда. Қайтиб кетиш ҳам ўзи бўлмайди.
Ромдос куйлашдан тўхтаб, бир хўрснди-да, ўрнидан
турди:

— Кетдик, дўстим! Бу қўшиқлар айтган билан адо
бўлмайди, аммо кун адо бўлиб боряпти.

Ромдос қайтишда ўз ҳаёти ҳақида гапириб кетаётib
атайлабми ёки бенхтиёрми ҳали ҳеч кимга айтмагани
кўнгина нарсаларни сўзлаб берди.

Чэтан бу сўзлардан Ромдоснинг медицина коллежи-
да тўрт йил ўрнига бир йил ўқнганини, дастлаб ишга
келганида даволаш бўйича анча гўр бўлганини билиб
олди. Бироқ у тиришқоқлиги, ўзига ишониб астойдил
ҳаракат қилиши туфайли мувваффакиятга эриниа олган
екан.

Чэтан шуннингдек, Ромдоснинг ҳеч қандай маблаг-
сиз иш бошлаганидан ташқари, аксинча, тўққиз минг
руния қарздор бўлганини ҳам билиб олди. У бир неча
қариндошлари билан ҳар хил ишлар баҳолаб олди,
аммо улдасидан чиқолмади, қарзларини узолмади, охи-
рида, унинг айби билан қариндош-уругларининг харж
қилган пулини ўз гарданнига қарз деб ҳисоблашга тўғри
келди.

— Худди ана ўша пайтда, ёшликтан менга ёқадиган
битта дўстим ёрдамга келди,— деди у.— У даврларда
медицина коллежининг дипломини дарров, бир йилда ёқ
олиш мумкин эди. Оиламиз билан чиқишмас эдим. Шу
туфайли хотинимни Лоҳурга олиб кетдим. Икковимиз
дўстим ҳисобига яшадик. Кейинчалик, пайти келиб, ҳам-
ма қарзлардан қутулдим, ҳатто уларга пул бериб тура-
диган бўлдим.

— Ўша дўстингиз билан кейин учрашдингизми?—
сўради Чэтан. Ромдос ийниб кетиб титроқ овозда деди:

— Бир маҳал у кабинетимга келди. Мен унга: «Сен-
га нима таклиф қиласам экан? Ҳатто сўрашга виждоим
чиdamайди: ахир буларнинг ҳаммаси ўзингники-ку»,—
дедим.

Ромдос Чангар маҳалласида қандай яшаганилигини
гапириб берди: бошидан кечирган мухтожликларини
ҳам... Ромдос эриб кетиб, Четаига энг яқин дўст сифа-
тида айтиш мумкин ва мумкин бўлмаган гапларни тўкиб
солди. Шу сабабли Чэтан кечқурун хонасига кириб кел-

ганида барча ғазаб-нафратидан асар ҳам қолмаган эди. Гарч! Ромдос Чэтандан бир неча реклама олиб, бу билан анчаглия пул тежаб қолганини Чэтан жуда яхши тушунса ҳам, барибир унинг учун ёзётган китобини тугаллашга аҳд қилди.

Бу ҳайтинг адолатсизлиги билан дастлабки муроса эди.

37

Бир куни эрталаб Чэтан Ромдосга ёзиб берадиган китобиниг бўлимларидан бири учун режа тузиб ўтирганида, гердайганича Ядром кириб келди.

— Жаобиниг катта ўғилларни келяпти! — деди у қувониб. Чэтан сўнгги кунларда Рожкумарниг келишин тўғрисидаги гап-сўзлардан хабардор эди. Унинг келишидан аинча олдин Ромдос ўғлини тузукроқ жойлаштириш, еб-ичиши ва ўйнаб-кулишини тўғри йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб юрар, ўғли келгунига қадар, унга лойиқ ўртоқлар топиб қўйиш лозим деб ҳисобларди. Ромдос ана шу мақсадда ўз қўшилари ва уларниг болалари билан танишди. Ромдосиниг ўйига бурчакма-бурчак ўйда жаноб Чавла деган кимса яшар эди. Ромдос ўша хонадонига зиёфатга бориб қолиб, дарҳол ўғлини ўша ерга жойлаштириш учун замин яратди.

Ромдос Рулду Бҳатта кўчасидан пастроқда яшовчи хонадонлардан болалари Рожкумарга тенгдош бўлган кишилар билан ҳам танишиб чиқди. У Чэтанга бўлган эътиборини ҳам кучайтирди. Ухлаш олдидан сутни Манини эмас, Ромдосиниг ўзи келтирадиган бўлди; у Чэтанинг сиҳат-саломатлигини суриштирас, Ромонандиниг иши қандаӣ бораётгани билан қизиқарди. Гап орасида Чэтанинг роман устидаги иши илгари силжиятими, қанча ёзгани, нима ёзмоқчи экани ва ҳоказолар тўғрисида сўраб турарди. Баъзан Ромдос романинг айrim бобларини эшитишга иштиёқманд эканини айтиб қоларди. У ўзининг ана шу илтифотлари эвазига Чэтандан Рожкумар билан кунинга бир-иккى соат инглиз тилидан машгулот ўтказиб туришга ваъдасини олди. Ундан аввалроқ Жайдевдан ўғлига арифметика ўргатажаги тўғрисида розилигини олган эди.

Чэтан Ражкумарнийг келиши, боланинг ўз хонасида бирга яшаб, тил ўрганишини эштиб ўзида йўқ хурсанд бўлди. Кун бўйи ўқийвериш, нималарни дир белгилаш ва ғира-шира хонада ҳадеб ёзиб-чизавериш унинг жонига теккан эди. У энди қаршисида янги жонзотни кўриб, гагиришишга одам тобилганидан жуда-жу-да мамкун эди.

У кун бўйин эўр бериб ишлар, ишлашдан бир зум тўхтадими, бас, ўзида маъюслик ва ҳорғилик сезарди; хафа бўлиб, ўзига раҳми келар, ҳатто қўлидан қалами тушиб кетар, Симла ўзининг фароғатбахшлиги билан бирга, назарида бепоён чўлга айланар эди.

Чэтан ёлғизликни хуш кўрмасди. Агар онаси, акаси, хотини ё яқин дўсти ёнида бўлмаса, ўзини баҳтиёр деб билмас эди.

Баъзан у ёлғизликдан хуноби ошиб, Анантга хат ёзмоқчи ҳам бўларди. Авваллари ҳам, акаси сафарда бўлса ёки бирон сабаб бўлиб у билан гаплашиб ўтиромаса, Чэтан Анантнинг ёнига югуради. Агар Анант узоқроққа кетган бўлса, унга хат ёзарди. Чэтан Симлага келгач, Анантга бирон марта ҳам хат ёзмади. Жуда кўп маротаба ёзмоқчи бўларди-ю, бирсқ ор-номус йўл қўймас эди. У бир марта хатида Ромдосни кўкларга кўтариб унга ҳамду санслар ўқигач, энди қайси юз билан ҳақи-жатни ёза олади? Иzzат-нағси ўзининг тентаклигиди таш олишга йўл қўймади.

Дарвоқе, Чандага хат ёзиб туриш мумкин-ку. Унга ёзиб турди. Бироқ Чанда жавоб ёзишга эринарди. Шу жиҳатдан олганда у ҳам Ромонандга ўхшарди: Чэтан акасига хат ёзса жавобини кутавериб тоқати тоқ бўларди. Кўшинилари билан яқинроқ танишиб олса ҳам бўлардин-ку, бироқ баҳгга қарши, Рулду Бҳаттада ўз ҳасратлари билан ўртоқлашадиган битта ҳам одам йўқ эди. У ўзини Ромдоснинг хизматкоридай хис қилас, шу важдан қўшнилар билан яқинлашиш унга оғир эди. Чэтан улардан уялар, рўбарў келиб қолнишдан ўзини олиб қочарди. У доим қоронғи кулбасидан чиқмай ўтираверар, кўзига эса ҳар балолар кўринаверарди. Назарида, ёлғизликнинг тенир ҳалқаси дақиқа сайни баттар исканжага олаётгандек ва бир кун келиб уни бўғиб ташлайдигандек туюлар эди. Чэтан ёзаётган китобни Ромдоснинг башарасига улоқтиргиси келар ва Лоҳурга жуфтакни ростламоқчи бўларди. О, Лоҳур! У ифлос, чанг ва тутунга тўла бўлса ҳам

ҳар ҳолда у ерда ҳаёт қайнаб туради-ку! Лоҳур унча озода бўлмаса-да, қуппа-қуруқ, зерикарли эмас. У ерда буичалик сокин ва мудроқ муҳит йўқ!

Чэтан Рожкумарниң келаётганидан ўзининг ёлгизликдан қутулиши учунгина эмас, балки у ўз орзулари ва ҳикояларининг мазмуни билан ўртоқлашиш, романининг бобларини ўқиб бериш, ўзининг келгуси режалари тўғрисида гапириб бера олиш имконияти пайдо бўлнишида шурсанд эди.

Ядром Рожкумарниң келганинг хабар қилганида Чэтан ишлаб ўтирган эди. У қўлида китоби билан дебраза ёнига келди. Унга рулду бҳатталикларнинг ҳаммаси Рожкумарни табриклагани нешвоз чиққандай туюлди. Бироқ шу заҳотиёқ Чэтанинг руҳи тушди-кетди: отаси билан зинапоядан чиқиб келаётган боланинг чеҳрасида Ромдос бир неча марта фахр билан сўзлаб берган ажойиб фазилатлардан иом-ишион йўқ эди.

«Тентак, қип-қизил овсар-ку!»— Чэтан кулиб, масхара қилгандай бош чайқаб қўйди. Рожкумар уйга киргач, Чэтан яна ишига киришиб кетди.

Хонанинг эшиги очилиб, Ромдос ўғли билан бирга кириб келганида қорониги туша бошлаган эди.

Чэтан чорпояда ўтиравериб чарчаганидан ёнбошлаб ётганди, улар хонага киргач, анил-тапил ўринидан турди. Ромдос «ўтир, ўтиравер!» деди. У Чэтанига ётаверпшга ишора қилиб, каравотга яқинлашди. У ўғлини қучоқлади, мийингида одатдагидан қаттиқроқ илжайиб, уларни ўзаро таништириб қўйди. У Чэтанини роса мақтаб бўлгач, Рожкумарга: «Бугундан бошлаб сен мана шу ерда туранси. Жанобларниң вақтлари бўлганида, бирон соат инглиз тили билан шугулланасан»,— деди. Кейин Ромдос Ядромни чақириб: «Рожкумарга полга жой қилиб бера қол»,— деди.

Чэтан хурсандлигидан сакраб юборишига сад қолди. У ҳам Ядромга униниң чорпоясини зинапояга чиқариб, унга ҳам полга жой қилиб беринши айтди.

Ромдос Чэтанинг фикрини маъқуллаб, иолда ухашининг фойдаси тўғрисида бироз ваъзхонлик қилгач, чиқиб кетди.

Тўшак полга ёзилди, Чэтан ўз китобларини ёнига қўйиб ишлай бошлиди. Бироқ шундагина полда ўтириб ишлаш ишқулай әкаилиги, чунки дераза анча юқори бўлиб, ёргуллик янада камроқ тушини аёи бўлди. Лекин

Ядром Рожкумарга ҳам шу ерда, ёнига жой қилиб бергач, Чэтанинг иолиши мумкинми, ахир?

Эрталаб Чэтан одатдагидан сал кечроқ уйғонди, бошини күрпадаи чиқармай, құлларини юзига тортиб Рожкумарга «Наместе!»— дея салом берди. Ҳеч қандай садо бўлмагач, күрпадан бошини чиқариб, ҳангманг бўлиб қолди; хонада на Рожкумар, на унинг тўшаги бор эди.

Чэтан бўш қолган жойга узоқ тикилиб қолди. Сўнгра Ромдос ишга кетаётганида ундан Рожкумарнинг кестиш сабабини суриштиришни кўнглига тугиб қўйди. Бироқ у Ромдос билан гаплашолмади: Ромдос зинапоядан тез-тез тушнаб кетиб қолди, афтидан у қаёққадир шиошлимоқда эди.

Шундан кейин Чэтан Рожкумар хонамда ётмаса керак, чунки унга полда ухлаш хуш келмагандир, деб ўйлади. У ҳолда Чэтан ҳам чорпоясини яна хонага киритиши керак. Қоронгиликда ишлаб, кўзини ишдан чиқаришининг нима ҳожати бор? Четан қараса, зинапоядан чорпояни ҳам олиб қетишшибди. У кун бўйи шубҳалар гирдобида азобланди. Иши юришмади.

Чэтанини яна алдашгандай туюлди. Чэтан ёнидан ўтиб кетаётган Маниндан сўради:

— Ядром чорпоямни кеча мана бу ерга чиқариб қўйгаи эди. Кўришимаяти.

— Доктор унн тунда ўғлига олиб бориб берган.

— Ахир у зоҳид полда ётмоқчийди-ку!— деди Чэтан.

Манин кулиб жавоб берди:

— Кечаси қўён бўлган. Хонада бургалар бор эмиш...
Бошқа чорпоя бўлмагани учун, доктор сеникни олиб,
пастда ўғлига қўйиб берди.

Чэтанинг ионложликдан ғазаби қайнади.

— Унинг куйгурлар!— бақирди Ромдос хонаси томони.

Ушанда у кун бўйи ишлай олмади.

Ромдос атрофдаги одамларни атайлаб алдаяпти деб бўлмайди. Шунчаки алдаш (шундай қилишни у муваффақиятга эришинишиг зарур шарти деб ҳисоблар эди)

Унинг қон-қонига сингиб кетган эди. У хизматиорлариниң муштарийларини, дўстларини, болаларини, хотинини, ҳатто ўзини ҳам алдар эди. Алдамчи ва Фирғубар бўла туриб, бунинг устига диний бурчларни адо этишини канда қилмас эди. «Ория самож» нинг машҳур воизи свами Шудд-хадев йилига бир марта унинг уйига келиб, «Гита» иш қироат билан ўқирди. Ҳар ойда, албатта, қурбонлиқ қилиб турилар эди. Ромдос буларга ҳам қаноат қилмай, бир неча жамоа ва ташкилотларга мөддий ёрдам кўрсатиб туар, бир қанча диний жамоаларга ўзи бешчилик қиласиди, шу билан у ўзига у дунёда ҳам худди бу дунёдагидек роҳат-фароғатни таъминладим, деб ҳисобларди.

Ромдоснинг бу ҳийла-найранглари ва «ишбилар-монлиги» Чэтанда қаттиқ нафрят уйғотарди. Чэтан тўғри ва ростгўй одам эди. У одамларга очиқ кўнгиллик билан муносабатда бўларди. У бу хилдаги маккорлик, фириғубарлик ва мунофиқликтан жирканар, бу хислатларни у дарҳол танир эди. Агар у Ромдос унга тўғридан тўғри: «Рожкумар келди, ўзингга маълум, унга чорпоя зарур» деганида у шу заҳотиёқ бўшатиб берган бўларди, чунки Чэтанга Ромдос сафарга жўнамасидан олдин ҳашаматли уйда яшашни хаёл қилмаса ҳам бўлишини, иш хонаси ё уйнинг бирор бурчагидан ўрин берилишини айтган эди-ку ахир. У Чэтани Симлага келиб полда ётишини огоҳлантирган ва у бунга ҳам рози бўлган эди-ку. Унинг ғазабини тоширган томсии—Ромдоснинг уни алдагани ва соҳтагарчилиги бўлди. Ҳар гал янгича глдаш! Кетидан ўша алдамчилигини хаспўшлаш учун яна алдаш! Чэтан алдамчилик гирдобидаги ҳаётга чидаб туролмайди. Тўғри, баъзан ҳақ гапни юзингга айтсалар, киши хафа бўлади. Бироқ одатда киши бу хил ҳағчиликни тез унутади, баъзан айтилган гапларида жон борлигини тушуниб, қулоққа қуйиб олади. Бироқ алдамчилик! Шунчаки олганда алдашнинг ҳеч бир хавфли жойи йўққа ўхшайди. Аммо алдамчилик қурбони бўлсан садам қалбида абадий жароҳат пайдо бўлади, у бора-бора тузалмас ярага айланади. Агар алдамчи кечирим сўраса, ҳатто алданган киши алдамчидан қасдини олса-да, бари бир ўрнига келмайди.

Борингки, Чэтан Ромдос учун китоб ёзадиган бўлган: ўз-ўзини қийнаб ёзгани билан нима чиқарди? Ёлғон ёлғонлигича қолаверади, Чэтан Ромдоснинг алдоқчилигини кечирмайди. У Ромдоснинг барча алдаган пайтларини

хаёлидан ўтказди, уларни кўз олдига келтириб эски ярасиңга туз сепди, холос.

Ҳамма бало Четаининг ўта сезгирилигига эди: ана шу ўта сезгирилик унинг дилини хуфтои қиласарди. Агар ўзи беихтиёр бирорин алдаб қўйган бўлса, сўнгра уни ўзи сезиб қолса, ўз-ўзига нафрати тошиб кетар, ўшандай пайтларда фақат орзулар қучогига гарқ бўлар эди.

Четаин ҳозирининг ўзинда Ромдосининг олдига бориб:

— Дарҳол менга чорпояни қайтариб берниг. Дарров! Пулини маонимдан тутиб қолишининг мумкин. Нима, менинг ёрдами битта чорпояга арзимабдими? Ёки сиз мени хизматкорингиз деб биласизми? — демоқчи бўлди.

Четаин ўзининг Ромдос назарида Ядром ё Жайдевлар қатори одамлигини яхши тушунишига, ўзининг бу қисматига аллақачон кўнигиб қолган бўлишига қарамай, бу ҳақда яна бир карра ўйлаш унинг ярасига туз сепсан билан баробар эди. У қаҳр-газаби тошиб, қаердандир бир печа рупия топиб, ўзига чорпоя сотиб олмоқчи бўлди. Аста-секин қаҳр-газаби сўниб, ақлирасолик қайтиб келди унга. Унинг Ромдосдан ўрганинг ёлғиз нарсаси — бирор ишни шошилмасдан ҳал қилиш бўлди. Ромдосининг табнатида ҳеч нарсани қизиққонлик билан қилмаслик принципи бор эди. Четаин газабидан ловиллаб турган бўлса-да, қилмоқчи бўлган ишини атрофлича ўйлаб кўриб, ҳозир Ромдосининг олдига югуриши тентаклик бўлишини фахмлади. Хўш, у бориб шовқин кўтарар, оқибати нима бўлади? Ромдос уни уялтириб, ҳомийларча унга чорпояни қайтариб берар. Йўқ, Четаин энди қайтариб олмайди. Ахир норозилигининг бор-йўғи шундан иборат эмас-ку! Чорпояни қайтариб олса, у яна марҳаматга мунтазир одам аҳволига тушиб қолади-ку! Унинг шу пайтгача фақат хизматкорларга мўлжалланган томониз ҳожатхонага қатиши, шундай совуқда ҳам кўчадаги кранда юшиши ва инҳоят. Ромдосининг ўйнда моховдек яшаб туришига нима дейиш мумкин?

Шундай экан, нега энди у полда ётавермайди? Ёлансиж бир қадам ҳам босиш йўқ — Ромдосининг шиори ана шундай бўлиб қолганди. Гарчанд Четаин докторнинг макру ҳийлаларини аниқ кўриб турса ҳам, унинг учун ёзаётган китобини давом эттириди. Нега энди у эски ёланнинг янги хилларига тўқнаш келганида ҳаяжонга тушаёттир? Нега у бу ёлғончи билан абадий муроса қилолмайди? Нега энди у ўз хаёлида яратган ва кайфа

чор пайтда китобини баришлаган ўша одамни унинг тиб юборолмайди. У аввалига Ромдосни ўзининг тўлиб-тошган орзу-хаёллари тасавурида кўргани эди, мана энди ҳақиқий вазият унинг кўзини мошдай очиб қўйди. Бу воқелик нега уни ташвишга соляпти, ичун у шу пайтгача адашиш ҳасратини ичига ютаверишидан ва аввалги ўза хулосаларининг хато эканини тушишдан талвасага тушади?

Шуларни ўйлаб Чэтан бир оз тинчиган бўлди. Унинг газаби момақалдироқ бўлиб гулдурамади, йўлидаги ҳамма нарсани ямлаб кетувчи қуонга айланмади, балки бир парча булат бўлди-ю, ўз-ўзидан тарқалди кетди. Аммо унинг мулоҳазалари алдамчилик билан тўқиашувдан пайдо бўлган яраларига малҳам бўломади. Аксинча, охиригина воқеа унинг ярасига баттар туз сепди. Ромдос эрталаб Чётанини кўрмасдан кетди. Бироқ кечқурун қайтиб келиб, зинапоядан дераза орқали. Чётаниниг хонасига қараб, унинг кайфиятини сурнштириди ва тунда бургалар таламадими, деб сўради.

— Ҳа, улардан ҳатто Рожкумар ҳам қочиб кетибди... — деди доктор — Ҳа, энди бола-да! — кулиб қўйди у.

Чётан ўзини жуда ажойиб ҳис қилаётганини айтди. Буниг устига унинг қонида заҳар шунчалик кўп тўпланиб қолганки, уни талаган бургалар шу заҳотиёқ жаҳаннамга равона бўлаверади.

Ромдос «ҳазил»дан лаззатланиб кулди-да, хонасига кириб кетди.

39

Рожкумар Чётаниниг хонасида ётмаса ҳам, дарс олиш учун белгиланган вақтда етиб келди. Чётан китоб ёсияман, дарсга вақтим йўқ деб айтай-айтай деб турди-ю, истиҳола қилиб дарсни бошлаб юборди.

Рожкумар иккичи марта дарс олишга келганида Чётан унинг қўлида қора ёғочдан ўйнилган чиройли найни кўриб қолди. Машғулотдан кейин бола Чётаниниг шитимосига кўра бир неча куй чалиб берди. Куйлар Чётанга маъқул бўлди. Чётан Рожкумар билан машғулотни тамомлагач, ёзяётгани китобини ҳам бир чеккага қўйиб, бола билан бирга Ийдгоҳга борар ва у ерда эўштиёқ билан куй чалардилар.

Чэтанинг ўзи ҳам най чалишини жуш кўрарди. У диг болалик пайтида қандолатчи Ҳарлаъл дўкончасига бир бўёқчи тез-тез кириб туарди. У наини шундай сайратиб чалардики, Чэтан қаерда бўлмасин унинг онозини эши-тиб, Ҳарлаъл дўконига югуриб келарди. Чэтанда бу ас-бобга ҳавасни худди мана шу бўёқчининг чалиш маҳора-ти уйғотган бўлиши мумкин. Чэтан икки ярим аинага ярмаркадан най сотиб олди, бироқ ундан «пуф» дегани овоз ҳам чиқаролмади. Чэтан чалишини энлай олмагач, олган наини бир чеккага улоқтириб, бошқа нарсалар билан алахсиб кетди. Ҳар гал уларининг маҳалласи и биронта қизиқчи келганида, томошибилар даврасиди бир қўян билан ногора чалиб, иккничи қўли билан тоғу-гоҳо наини лабига босиб пуфлаб қўйганида, Чэтанда чалишини ўрганиш истаги яна алангалашарди. У яна бир наисадан пул тўплаб, най сотиб олди. Боши шишгуни-ча наини пуфлайвериб, охирида бир оз чалишини ўрганиб олди. Чалишини оркестрдаги созандалардан яхшироқ ўр-ганиб олиш иниятида Мажавир тўгарагига ҳам ёзилшиб қўйді. Оркестрчиларнинг қора ёғоч наиларини кўриб у ҳам ўзига шундай най олишга жазм қилди. Бахтга қарши ўша пайтда Жоландҳарда музика асбоблари дўкони йўқ эди ва бу орзуни бир неча йиллар ўз қалбида ардоқлаб юрди. Имкон туғилиши биланоқ у ўзига най сотиб олди.

Бу имконат унга бир минг тўққиз юз йигирма тўқ-қизинчи йилда туғилди. У мактабни тамомлаб, бир неча ойдан кейин коллежга ўқишга кирган эди. Худди шу пайт Лоҳурда ҳинд миллий Конгресс партиясининг нав-батдаги сессиясига тайёргарлик кетаётган эди: Чэтан за Ашант бу сессияда қатнашишни жуда-жуда истардилар. Бироқ улар ҳали ҳеч қаерга бориб кўришмаган, шу са-бабдан Лоҳурга қандай боришни, боргач, қаерда турни-ни, қаерда овқатланиши, сессияга қандай киришини билишмасди, энг муҳими — харажатлар учун кетадиган шунчак пулни қаердан олишади? Улар билан бир синифта Конгресснинг Жоландҳар комитети раисининг ўғли ўқири эди. Ана ўша йигит нима иш қилишлари керакли-гини айтди. Конгресснинг маҳаллий комитети сессията кўнгиллилардан топиб юборишга қарор қилган, улардан баъзиларнга ҳатто маҳсус кийим сотиб олган ва йўл ки-ра ҳам ажратганди. Раисининг ўғли Лоҳурга бориб маҳсус тайёргарлик лагерида таълим олиб қайтгач.

Жоландхардаги шундай лагерга ўзи бошчилик қилдій, Икки ўртоқ ана шу ўспирин ёрдамида күнгиллилар сағыга ёзилишди. Бир неча күн тайёргарликдан ўтгач, ҳалиги имтиёзлар билан бемалол Лоҳурга Конгресс сесиясига жүнаб кетишди.

Лоҳурнинг Анарҳали районидаги дўконлардан бирда Чэтан кўргазмага қўйилган музика асбобларини кўриб қолди; ойнаванд шкафда қора ёгочдан ясалган пайлар тахлаб қўйилганди. Чэтан дўкон ёнида тұхтади. У ҳамма нарсани унугиб, дўконга кирди-да, пайларнинг баҳосини суриншитирди. Унга ёкиб қолган най беш рупия туаркан. Най қисмларга ажраларкан. У ўша найни, албатта сотиб олишини кўнглига тугиб, дўкондан чиқди.

Чэтан Лоҳурда яна беш күн бўлди. Шаҳарда томоша қилса ва сотиб олса арзийдиган кўп нарсалар бор эди. Аммо Чэтан қолган беш рупия пулни тишига уриб сақлади. У кўнгилли сифатида Конгресс ошхонасида текин овқатланди. Демак у ерда осиб қўйилган «Яшаси иўхат аталаси!» «Йўқолсин ловия аталаси!» каби ёқадиган ё ёқмайдиган таомлардан хабар берувчи шиорлардан текин лаззат оларди. Совун ва сочга суркаладиган мойлар Конгресс ташкил қилган «ювиниш хоналари»да топиларди. Чэтан ана шу йўсинда беш рупияни тежаб қолди. Поездда қайтиш пулини Анант бериб турди, извошга ўтириб, Лоҳурдан вокзалга кетаётганларидан Чэтан бир неча дақиқага тушиб, най солиб олди.

У найни ўз қўлида кўриб, бениҳоя қўвониб кетганидан, ҳатто извошнинг ўзидаёқ уни чалиб кўрмоқчи ҳам бўлди. Бироқ шундай тиқилинч эдикни, най чалишга имкон бўлмади. Ана шунинг учун Чэтан ҳафсаласи пир бўлиб, найни ички чўнтигига солиб қўйди.

Вокзалда одамлар шундай тирбанд эдикни, Чэтан билетлар кассасига яқин ҳам боролмади. Билет олиш мashaққатини Анант ўз гарданига олди. Чэтан эса нарсаларни қўриқлаб ўтирди. Анант бир амаллаб одамлар ичиға тиқилиб киргач, Чэтан тугунлар устига бамайлихотир ўтириб олиб, най қисмларини бир-бирига бураб, чалишга берилиб кетди. У ўзининг вокзалда, кутиш залида ўтирганини, атрофини одамлариниң зинч ҳалқаси ўраб олганини, ҳали улар билет ололадими ёки бу ерда тунаб қоладими — буларнинг ҳаммасини унуганича, ўзига таниш куйларни бирин-кетин чала бошлади. Унинг найни чунон сайрандикни

Анант қўлида билетлар билан сочларни ҳурнайиб, ҳаяжонланиб қайтиб келганида Чэтан наийиниг лаъзатли куйлари оғушида ўтиради. Анант оғир нафас олар, ки-йимиғи жикимланган эди: «Сен бу ерда маза қилиб най чалиб ўтирибсан, поезд эса жўнай деб турибди!» деб бақирди-ю, перронга отилди.

Чэтан шошиб қолганида нима қилишини билмай, наийин камзулининг ички чўнтағига тиқди-да, нарсаларни юқ ташувчининг орқасига юклаб ўзи Анантнинг кетидан югуриб кетди.

Минг мاشаққатлар билан вагонга чиқиб, бўхчаларни жойлаштиришгач, Чэтан деворга суюшиб ўтириб олдида, яна ички чўнтағига қўлини тиқди... юраги орқасига тортиб кетди: най йўқ! Балки у нарсаларни шошилиб кўтараётганида чўнтағидан тушиб кетгандир ёки тиқилинчда кимдир олиб қолганми кан? Поезд жўнай деб турибди. Анант унга парво қилма, бошқасини оларсан деб далда беришига қарамай, Чэтан каловланганича темир йўлдан сакраб ўтиб, ҳалиги ўтирган жойига отилди. Гарчи най у ерда ётганида ҳам, шундай шошқалоқликда топиб бўлармиди, сирасини айтганда, одамлар гавжум жойда най турармиди? Чэтаннинг кўз олди қоронилашиб кетди.

Бола бечора нима қилишини билмай перрон бўйлаб югуриб-елар, Анант вагон деразаси олдида турмаганида, шу топда ўз вагонини топа олмасди ҳам. Поезд тунги соат бирда Жоландҳарга етиб келди. Чэтан охириги кучини тўплаб Релве-рўд, Панчпир ва Чаурасти Атари кўчаларида ўтиб бораркан, ўзини зўрга тутиб турарди. Ўйининг эшигини очиб остонаядан ҳатлади-ю, кўзлари ёшга тўлди...

Рожкумарининг наийни кўриши билан Чэтаннинг юраги орзиқиб кетди. У Конгресс сессияси кунларида не азобда етти кун пул тежагани, бир дақиқага чўзилган хурсандчилик ва кетидан узоқ давом этган дилхасталикни хотирлади. Вақт бу ярани деярли битириб юборган эди. Ўшандан берп иккиси чаротаба қора ёғочдан ясалган най сотиб олишга Чэтаннинг имкони бўлмади, аммо бамбуқдан қилинган сурнайи ҳозир ҳам сандигида ётибди. У доктор хонимнинг чимирилган қошидан, қўшниларни безовта қилишдаи ва қаршиисида яшовчи Чараандосининг шубҳали кузатишларидан хавфсираб, сурнайини чалмас эди. Мана энди Рожкумар билан най

чалиш имкони туғилгаи, шунинг учун у зўр қувонч билан сурнайни қўлга олади. Бир неча кунгача Чэтан ўзининг ёлғизлигини мутлақо унуди. Бўш пайтларида у Рожкумар билан пастга, тоғ ён бағирларига тушнаб, куйчилишга шўнгигиб кетар эди.

40

Чэтанинг Рожкумар билан саёр қилиб, най чалиб юриши узоққа чўзилемади. Ҳадемай Рожкумар янги ташншлар орттирди, уларниг баъзилари билан дўстлашди, Чэтан билан бирга най чалиб юришлар ортиқ уни қизиқтирмай қўйди. Шу орада Чэтан Рожкумар билган ҳамма куйларни ўрганиб олди, ҳадеб най чалавериш ўзининг ҳам жонига тегди. Рожкумар ўзига янги ошналар топиб олгач, Чэтан яна адабий ижод ишларига шўнгигиб кетди.

Энди Чэтан бўш қолди дегунича ўз романни устида ишлай бошлади. Бироқ қанчалик тиришмасин, иши исгадайр ҳечам юришмасди. У ўқиб чиққан романлар бармоқ билан санарлик эди холос. У ҳам бўлса Прем Чанднинг икки-учта китоби, бенгал тилидан таржима қилинган баъзи асарлар ва коллеж программаси бўйича мажбурий ўқиб чиқилгаи бир неча инглиз романлари эди. Фақатгина шу билим билан роман ёзиб бўлмасди, албатта. Бироқ бу ҳолат Чэтани ташвишга солмас, у ёзишни давом эттираверарди. У ўз ҳис-туйғуларини баёни қилиш истагидан зинҳор воз кечолмасди. Бироқ афсуски, иши қайсар эшак сингари ўрнидан қўзғалмасди. Қанча уринмасин, куйиб-пишмасин иши олдинга силжимади. Бир даста қофозни қоралаб ташлаган бўлса-да, ҳали ўйлаган мақсадидан жуда узоқ эди. Кунларининг бирида у роман ёзишни тарк этиб, тоғликлар ҳаётидан ҳикоялар ёзишга аҳд қилди.

Тоғликлар ҳаёти тўғрисида у нима бўларди? Уйдирма асосига қурилган ҳикоя унга дарров ёлгоидакам бўлиб кўринди.

Шундан кейин Чэтан ҳикоя ёзишни ҳам тарк этиб, шеър ёзмоқчи бўлди. Бунда ҳам унга илҳом париси шафқат қилмади: бутун истеъдодини ишга солса-да, битта

ҳам шеър ёзолмади. Коллежда ўқиб Қунтийни учратиб юрган кезлари шеър ўз-ўзидан қуиилиб келаверарди. Йўлда кетаётib айтган сўзлари ҳам қофияга тушиб шеър бўлиб қолаверарди. Ҳозир Қунтийни ўйлаганида, Ҷэтанинг кўз ўнгида у эри вафот этган кундаги қиёфала намоён бўлди; Ҷэтан ўзининг тўйи куни отаси ва акаукалари ўртасидаги жанжал ва бошқа кўпгина воқеаларни эслади; шеърлар эса қанот қоқиб ундан узоқлашиб кетишиди.

Ҷэтан бу хаёлларини барча эсдаликлари сақланадиган қутиласига тушириб юбормоқчидай, бошини силкитиб қўйди. Энди у Нила ҳақида хаёл суро бошлади. Қани эди чиройли бир шеър ёёса! Бироқ бу гал ҳам унинг кўз ўнгида илгариги хаёлларидан ҳам маъюсроқ бир манзара пайдо бўлди... Ҷэтанинг кўзига унга қулоқ солмаётган, ундан хафа бўлган, отаси эрга берган ва ҳозир узоқ-узоқларга отланаётган Нила кўриниб кетди. Изтироб қалбидаги жароҳатини янгилар, шеърлар эса аввалгидан ҳам узоқларга қочиб кетмоқда эди.

«Ниланинг турмуш қуришидан нега ташвишланяпман?— ўйлади Ҷэтан.— Уйланганман, хотиним ҳам бинойидек бўлса. Ахир пандит Венинпрасодга Нилани турмушга чиқаринг деб ўзим айтмаганмидим... Намунча қайғурмасам?» Ҷэтан хаёлан ўз-ўзи билан баҳслашиб, пировардида ҳеч нарсага жавоб тополмай шеър ёзишни ҳам ташлади. Энди унга Ромдоснинг китоби устида ишлаш ва Мал-рўд бўйлаб сайр қилиш қолди, холос.

41

Роман, ҳикоя ёки достон ёзишга беҳуда уринишлар жонига теккан Ҷэтан серҳаракат кўчаларда сайр қилиш кишининг ҳасрати ва ёлғизлигини унугашга ёрдам бериши у ёқда турсин, ҳатто чуқурлаштириб юборишига ишонч ҳосил қилди, у ўзида ёзувчилик қобилияти мутлақо йўқлигини ва унинг чинакам истеъдоди музикадалигини тушунгандек бўлди. Бир куни овқатланиш учун Мидл бозор яқинидаги кичик ресторангга зинапоялардан тушиб келаётганида бирдан дилрабо қўшиқ эшитилиб қолди:

Кетмиш олис элларга жондан севган шунқорим,
Мен эса ёлғиз бунда ҳасратдур дилда борим...

Чэтан зинапояда қотиб қолди. Чўзиқ, майик ва мунгли куй уни мафтун қилди. Оёқлари пиллапояларга михланиб қолгандаи туюлди. Қўшиқ тугагач, Чэтак пиллапоядан тез-тез юриб пастга тушди. Барибир нафис ва мунгли куйлар уни таъқиб қилиб қелаётгандай туюлди.

Қўшиқ зўр маҳорат билан ижро этилди, кейинроқ маълум бўлишича, у «Мултана» оҳангиди куйлаиган экан. Уни мафтун этган куйнинг жозибадорлигими ёки ҳонанданинг сеҳрли овсзими билолмасди, аммо шуниски аниқки, бу қўшиқ Чэтаннинг қалбини батамом ром этганди. Ёлғизлик ҳасрати янгидан ҳужум бошлаганда яна шу куй унга ҳамдам бўлди. Чэтаннинг хайлари қайтадан қанот қоқа бошлади. У ўша куни серқатнов кўчаларда саир қилди. Уйига келиб ётганида ҳам ҳалиги куй қулоғи остида жаранглар эди. Чэтан эртасига туш пайтида яна ўша кўчадан ўтди. У ресторанинг бир томонига бутун девор бўйлаб ёзиб қўйилган вивескани кўриб ҳайрон қолди. Унда катта чиройли ҳарфлар билан СИНГҲНИНГ МУЗИКА МАКТАБИ деб ёзилган эди.

Ёмғири кунлардан бирда Чэтан эски пальтосига ўралиб, тушдан кейин уйга қайтаркан сархуш қилувчи ўша куйни яна эшитиб қолди. Чэтан ресторанга кирди. Ошхонадан анқиб турган арzon ёф ва пиёзининг доғ ҳиди димоққа урилди. Чэтан бурнини рўмолчаси билан бекитганича ошхона олдидан ўтиб, музыка мактаби қаршисида тўхтади. Пардани бир ёққа қайирди, озода кичик хонага кўзи тушди. Полга тўшалган гилам устида гармониум ва иккита tabla¹ ётарди. Чит тўшалган токчада девор рангига мос календарь, гулдон ва икки дона чинни сичқончалар туарди. Хонада гармониум ва табладан бошқа музыка асблоблари йўқ эди.

Хона ўртасидаги гармониум олдида ўн уч ёшлардаги бир бола ўтиради. «Мултана» куйини, балки ўша бола ижро этгандир. Бола хонаки матодан тикилган тоза шим ва ола-була калта камзул кийган бўлса ҳам, бошига хонандалар одатича салла ўраб олганинга қарамай, офтобда қорайганилигидан қайиқчига ўхшаб кетарди. (Чэтан янглишмаган экан, кейин билса, бола ҳақиқатан ҳам қайиқчи экан) Чэтан болани кўриб, дадил ичкарига кирди.

¹ Т а б л а — қўйл билан уриб чалинадиган, нигорага ўхшаш музыка асбоби.

— Марҳамат! — дегандек бўлди кимдир эшик орқа-
сидан. Бу сўз унга «Бош устига! Хайрият, марҳамат
қилибдишлар!» дегандек әшитилди. Ҷетан ҳайрон бўлиб
атрофга кўз югуртириди, эшик тавақаси ортида девор
ёнида учта темир курси қўйилган экан. Курсиларнинг
биттасида ёш ва барно синқ¹ йигити, гўё бу ерга мөх-
мон бўлиб келгандай уялниқираб ўтиради. Эгинда қим-
матбаҳо башаш костюм.

— Марҳамат, ўтиринг!

Йигитнинг қўнғироқдек жарангдор овози Ҷетанга
жуда ёқди. Ҷетан ўтириди.

— Ҳизмат,— деди йигит.

— Жаноб профессор қачон келадилар? — сўради
Ҷетан яна бирор нарса қўшишга ожизлик қилиб.

— Ҳизматнингизга тайёрман.

Йигит ўз муомаласида иззат-икромни жуда ўрнига
қўйганидан Ҷетан беихтиёр:

— Демак, профессор Сингҳ ўзлари эканлар-да! —
дэя хитоб қилди.

Йигит тасдиқ ишорасини қилгач, Ҷетан бир зум унга
ажабланиб тикилиб қолди. У профессор Сингҳ ё христиан
ё мўйловини қирдирадиган синқ деб ўйлаганди. Ҷетан-
нинг тасаввурicha жаноб профессор камида қирқлардан
ошган, бошига хонандалар сингари катта салла ўраган
киши бўлиши керак эди. Ҳозир салобатли чол ўринда
йигирма бешлардаги йигитни кўриб ҳайрон қолди.
Ҷетан зинада туриб әшитган қўшиқларнинг мафтункор
жарангри мана шу тилла бўғиздан чиқсан экан-да, деб
ўйлади. Ҷетан у билан ёнма-ёи ўтириб бир ашула/әшит-
гиси келиб кетди-ю, бироқ бу ҳақда ҳеч нима дэя олмади.
Ниҳоят, жаноб профессорнинг ўзи унга ёрдамга келди:

— Шундай қилиб, келишдан мақсадингиз?

— Мен бу ерга овқатлангани келиб турман,— деди
Ҷетап бир оз дадилланиб,— вивескангизни кўриб қол-
дим. Сиз билан танишмоқчи бўлдим. Қўшиқ әшитишни
жуда севаман ва ўзим ҳам куйлашни ўргансам дейман.
Шу сабабдан келдим бу ерга.

Чамаси жаноб профессор буни әшитиб хурсанд
бўлди шекилли, жавоб ўрнига кулиб қўя қолди.

¹ Синқлар — XVI асрда шимолий Ҳиндистонда вужудга
келган диний мазҳабдаги кишилар; улар соч, соқолини ўстириб юрк-
шади.

Чэтая ҳам мамины — унга профессорининг табассуми жуда ёқди. У янада дадилланиб:— Сиз ашула айтишии ўргатасиами? — деб сўради.

Савол бемаънироқ бўлганидан жаноб профессор жавоб ўрнига яна илжайиб қўйди.

Профессор шундай чиройли жилмаярдики, Чэтан унга ҳалигига ўхшаш яна битта bemayaрдики, Чэтан унга ҳалигига ўхшаш яна битта bemayaрдики, савол берай деб турганида, жаноб профессор галстугининг тутунини тўғрилаб қўйди. Ўшанда Чэтан кийинишлар орасидаги фарққа эътибор берди. У ҳаяжонланиб, истиҳола билан сўради:

— Машғулотлар ҳақи қанча бўлади?

— Беш рупия.

Чэтан, уй машғулотлари учун профессор қанча ҳақ оладилар, деб сўрамоқчи эди-ю, лекин унга бу савол бутуилай маънисиз туюлди. Ахир унинг уйида музика дарси олишга қурби стармиди? Чэтан бир оз ўйлаб туриб, сўради:

— Машғулотлар қайси пайтларда бўлади?

— Эрталаб соат ўндан биргача ва кечқурун тўртдан олтигача.

Бошқа сўрайдиган нарса қолмади. Чэтан ўриндан туроётуб, машғулот ҳақи олдиндан тўлаб қўйилса керак, деган ўз тахминини айтди. Жаноб профессор жавоб ўрнига яна илжайиб қўйганида, Чэтан ўзининг Симлага доктор Ромдос билан бирга келганилигини ва бирга ишлайтганлигини маълум қилди. Ойниг бошида у маошини олгач, профессор шогирдлари сафида бўлажагини билдириди.

Профессор эса ҳамон илжайиб турарди. Чэтан одати бўйича «Намасте» деб юборди, сўнг хижолат бўлиб «Сат шри акал!»¹ деб гўлдиради-ю, чиқиб кетди.

Кеч кирди. Фарбга бош қўяётгани қуёш эркитилган олтин сингари ёлқинланиб турарди. Бу олтин тўлни гўё ақлга сингайдиган қудратли бир олов қиздириб чўғга айлантиргандек, тилла раинг тусадан аста-секин қип-қизил тусга кира бошлади. Жаку кўчаси устидаги булатлар анор гулларига ўхшар, Мал-рўд ёқасидаги қатор уйлар-

¹ Сикхларга хос бўлган саломлашув ва хайрлашув усули.

нинг томи устида тилла ранг офтобининг охириги нурлари жилваланарди.

Чэтан ўзининг янги сеторини қўлтиқлаганича, Риж кўчасидан Мол бозор томонга бурилди. Сетор тўқ кўк лишиқ матодан тикилган гилофга ўргалиқ бўлиб, гилофнинг камари ва иплари қизил рангли эди. Чэтан сўнгги икки ой мобайнинда акасига юборган ўн рупия ва овқати учун тўлаган етти рупиядан қолгапни музика машғулотига сарфлади. У дилрабо¹ сотиб олиб, мактабга келтириб қўйди. У бу ишни профессор Сингҳ миннатдор бўлиб, гармониумда машқ қилишга рухсат этар деган умидда қилган эди. Чэтан учинчи ойдаги маошига сетор олди, қолган пулига гилоф буюорди. У бу ойда қандай тирикчилик ўтказниши ўйламай, артистларга хос ғуур билиш бошини баланд кўтариб юради. У ўзини гўё ерда юргандай эмас, ҳавода парвоз қиласётгандай сезарди. Қоронги ва биқиқ кўча узра учниб бораётгандай, атрофида турли тўман сержилва бўёқлар нур сочаётгандай, қўшиқлар янграб турган кечака унга парвонадай эди.

У зинада туриб «Кетмиш олис элларга жондан севган шунқорим» қўшигини эшишиб ўзини ердан кўтарилиб, парвоз қилиб юргандай ҳис қилган ўша дамлардан бүёни бир ой ўтган бўлса-да, у ҳамон ўша кайфиятда эди. Унинг ўз ёлғизлигини ўйлаб изтироб чекишга ҳам вақти йўқ эди. У яна орзуласар оғушидаги қолди.

Унга орзуласар ҳаводек зарур, у орзусиз яшай олмасди. У орзуласар дарёсига гарқ бўлиб, истаса Ниланинг синги бўла олар, Чанда билан ҳаётдан роҳатланар, улкан рассом, потиқ ё ёзувчиликка эриша олар, ҳатто яна коллежга қайта туриб, барча лохурлик талабалар синигари беташвиш, хурсандчиликда яшай олар эди. Орзуласар унинг ҳаёт ришталари эди. Ёлғиз унинг ҳаётини кимкин? Орзу-истак бутун инсониятини ҳаракатга ғолтириб туради; орзуласар инсонни турмушнинг мashaққатли сўқмоқларидан олиб ўтади, ҳаётнинг қора доғларни ва кўнгилсизликларини унудишга мажбур қиласади. Орзу кишини ўз қанотида олиб юради, ана шу сабабдан киши ўзини парвоз қилиб юргандай сезади. Бу орзуласар қанчалик ёрқин ва гўзал бўлса, кишилар машаққатли ҳаёт йўлларини ишонч билан босиб ўтадилар.

Унинг шу кунлардаги орзуласарини ашарҳ ойида ёғадиган

¹ Дилрабо — торли музика асбоби.

ҳаётбахш ёмғирга ўхшарди. Җэтан энди ҳаёт йўлидан дадилроқ қадам ташлай бошлади. Ўз ишига ҳам чинакамига берилиб кетди. Одатда у бир кунда китобнинг бир бўлимини ёзиб, сўнгра тузатишга киришарди. У шундай шиддат билан ишладики, хаш-паш дегунча китоб ҳам тугалланай деб қолди. У музикани ҳам тиришқоқлик билан ўрганди. Җэтан оқтава ва гаммаларни билиб олиб, энди иккита қўшиқни ўрганимоқда эди. Унинг орзулари одатда воқеликдан ўзиб - кетарди. Ана шу сабабдан, музика соҳасидаги билимнинг етарли эмаслигига, бармоқлари гармониум клавишлари босишини тузукроқ машқ қилиб улгурмаганинга қарамай у ўзига дилрабо ва сетор сотиб олган, энди эса tabla сотиб олиш пайига тушган эди. Агар ушиг пули етса ҳамма музика асбобларини сотиб олган бўлар эди.

Җэтан бу қилган харидлари билан қаноатланмай, дилрабо учун фанердан гиллоф, сетор учун жилд буюрди. Дилрабо ҳамиша мактабда туради. Җэтан ҳали сеторни қандай уйлаш кераклигини тузукроқ ўрганиб олмай туриб, ҳар сафар мактабга бораётганда асбобини ўзи билан олиб кетарди. Җэтан кун бўйни бармоғидан нохунини ечмас, бирор билан гаппаришаётганида тез-тез ўша қўлини чўзиб қўярди.

Нохун бармоғига кичик келганиданми ёки илгарилари тақиб юрмаганиданми, ҳар қалай, бармоғи қавариб кетганди. Мана ҳозир у каттароқ похун харид қилиш учун музика асбоблари дўкони томон пўл олди.

Җэтан Шива ибодатхонаси ёнидан ўтиб Мидл бозорга келди. Нои ёпилаётган дўкончалар эшигидан тутуп бурқисиб туради. Атрофни қоплаган тутундан ҳатто қўнаётган оқшом яиада қоронфироқ бўлиб кўринарди; кўча юзида тутунга парво қилмай ифлос ва жулдур кийимларга ўралгаи бир неча тоғлик ўтиради. Ўз фикрлари билан банд бўлган Җэтан тош кўчадан ўтиб, музика асбоблари дўконига бориб нохун сўради.

Дўконда Җэтан сингари эски пальто кийган япа бир каридор бўлиб, у ҳам нохун харид қилмоқда эди. Җэтан уига разм солди: харидор бошига фас кийган, бироқ у сочсиз жойини бекитмай турибди. Устида фижимланган ипдухоба кўйлак ва ифлос шим. «Бирор жойдан келган мусоғир артист бўлса керак» деб ўйлади Җэтан. Профессор Сингхининг сеторни яхши чалолмаслигини Җэтан дарров пайқаб олган эди, шунинг учун охириги кунларда

бу асбобни чалишни ўргатадиган бошқа биронта кишини ахтарыб юрган эди. «Мусофир артист»ни учратган захочиёк Чэтан чалишни мана шу кишидан ўрганишта аҳд қилди. У киши нохун харид қилиб, дўкондан чиқди. Чэтан унга етиб олиб: «Сиз ҳам сеторга ишқибозмисиз?» деб сўради. «Артист»нинг лабларидаги ҳоргии табассум пайдо бўлди: «Ҳа, бир оз чаламан» деб қўйди. Чэтан нотаниш «артист» камтарлик қилияти деб ўйлади. У ўзиши ташитиб, профессор Сингҳ билан танишганини ганириб берди, жаноб артистдан агар малол келмаса Чэтан бошқа бир қулаи пайтда бориши учун ўз уйини кўрсатишни илтимос қилди. Нотаниш киши бу илтимосини эшитиб ҳеч бир норозилик билдирамагани учун Чэтан сеторини қўлтиқлаб у билан бирга кетди.

Улар Мидл бозордан ўтиб Мал-рўдга чиқишди-да, станцияга олиб борадиган кўчага бурнлдилар. Улар яна бир томонга қайрилиб, бир исча тор ва қингир-қийини кўчалардан ўтиб «артист»нинг манзилига етиб қолишганида қуёш ботган эди. «Артист» Чэтанини бошлаб келган бино бирорванинг ошхонаси экан. У жуда ифлос ва ҳар хил ҳидларга тўла жой эди. Учоқдаги олов аллақачош ўчган бўлса-да, ошхонадан куйинди ҳиди аиқиб турибди. Чэтанинг кўнгли айний бошлади. У бир оздан кейин ис ҳидидан ташқари бошқа турли хил ҳидлар—балниқ, гўшт ва яна имманингдир ҳиди борлигини фаҳмлади. Умуман олганда имманинг ҳиди келаётганини аниқ айтиш қийин эди. Чэтанинг боши айланада бошлади, бироқ мезбон кўрсатган бурчакдати ифлос сандиқ устига итоаткорлик билан чўқди.

Шундан кейин мезбон сими узуқ кичкина качхуа¹ни илгакдан олди. Уни шунчалик қурум босган эдикни, ҳатто ранги қанақа эканини билди бўлмасди. «Артист» ёнида турган ифлос курсига ўтириб олди-да, Чэтанга сетор чалишдан биринчи машқин ўргата бошлади.

— Ди-да-ра, да-ра, да-да-ра...

Чэтан ҳеч нима тушунмади.

— Сиз нимани чалияпсиз?— сўради у.

— «Нега қўтосни урасан...» куйини,— жиiddий жавоб берди мезбон чалишда давом этиб.

Чэтан унга ҳайратидан жимгина тикилиб қолди.

— Устозим менга биринчи бўлиб мана шу куйини

¹ Качхуа — кичик ҳажмдаги торли музика асбоби.

ўргатган,— деди артист бирпас чалишдан тўхтаб.— Сеторингизни олингчи!

Чэтанинг кетгиси келди. Бироқ у итоатгўйлик билан сеторини жилдидан чиқарди. «Артист» Чэтанинг похуининг қайси торда «да», қайсида «ра», қайсисида «дир» товуш чиқаришини айтиб, чалиб кўрсатди:

— Дир-да-ра, да-ра, да-да-ра.

Ва бирдан куйлаб юборди:

Нега қўтосни урасан...

Чэтан бу машқни ёзиб олиб, сеторда икки марта чалиб кўрди.

У агар бу ошхонада яна бир оз ўтирса хушдан кетишни сезди. Унинг чаккаси зирқираб оғрир, кўнгли айниб, бўғизинга бир нима тиқиларди. Шунинг учун кетишга ижозат сўради.

Шу маҳал «мусофири артист» аслида эса официант ё қоровул ё кир юувчи, кутнлмагандан завқланиб кўзларини юмдида, сеторда янги бир куй чала бошлади. Товадаги таомдан аччиқ тутун чиқиб, Чэтанинг кўзини ачиштирагер эди. У «артист»га термилиб қараб қўйди, у эса кўзларини юмганича, похуинин торлар узра чаққон югуртиради.

Ниҳоят, у чалишдан тўхтаб, кўзларини очганда Чэтан йиғлагудек бўлиб, чиқиб кетишга рухсат сўради. Машвоқ эса качхуасини қўлдан қўймай, Чэтанинг ошхонадан олиб чиқиб, бу уйдаги хизматкорлар бўлмасига ўхшаш ўзи яшайдиган ҳужрага бошлади. Ҳужракча қорони ва заҳ эди, ўртага битта қорачироқ қўйилган. Хизматкорлар учун ҳужралар томда икки қавагли қилиб қурилганди: уч-тўрт ҳужра пастда, уч-тўрт ҳужра унинг устида эди. Чэтан янги таниши изидан лиқиллаб турган зинапоядан юқорига кўтарилди. У қайтиб кетиш йўлини билмагани туфайли, «мусофири артист»га эса бундай марҳаматли тингловчига ўз маҳоратини кўрсатиш имкони тугилгани учун бу қорони ҳужрада эски бўйрага чўқкалаб яна бир неча қўшиқ эшиштишга тўғри келди.

...Чэтан уйига яқинлашганида, тун ярнидан оққан эди. У тоза ҷарчаганидан зинага ўтирди. Атроф жимжит. Чэтан эшикни тақиллатмоқчи бўлди, бироқ журъяг этолмади. Бир марта тақиллатишга чоғланиб ўрнидан турмоқчи ҳам бўлди, бироқ bekaniнг тунд башарасини кўз олдинга келтирриб, яна ўтириб қолди. Тақиллатишга журъят қилолмай гоҳ турар, гоҳ ўтирас, бу ҳол бир неча

марта тақрорлаанди. Уни уйқу элитди, кейин у эшик ва де-вор орасида тиззалариниң қучиб шальтога ўралганича уйқуга кетди.

43

Гарчанд Җетан туи бўйи кўчада совуқда тушаса ҳам, бу ҳол унинг саитатга меҳрини сал бўлса-да сўндиrolмади. «Артистлар ҳам кўпинча шундай аҳволга тушиб туришади-ку»,— деб ўзини юнатарди. Шундан кейин, ақсинча, музика соҳасида ютуқقا эришиш истаги қалбидаги янада мустаҳкамланди.

Овозда нақадар сеҳрли куч яширинган-а! У бунчалик жозиба кучини қаерлан оларкан, оҳарабо ва майин овоз нега кишининг ақлини ўғирлади, бўғизда пайдо бўлган овоз уни сархуш этади? Җетан ҳам ўз овозининг шундай жозибали бўлишини, у ҳам тингловчиларни фусункор овози билди ўзига ром қилишини истарди. У саҳнага чиққан ва одамлар унинг овозини берилаб эшигтан кун ажойиб кун бўлади! Җетан бу куни яқинлаштириш учун ҳар қандай нарсага тайёр эди.

Уша кунлари у бир одамни учратиб қолди. У Җетанининг иятини ҳар қанақасига маъқуллаб, гайратини тоширадар эди. Бу одамни Дургадос дейишарди.

Бир куни Җетанининг таъби шундай хира, кайфияти бузук эдикни, у хонасига симай қолди. Сирасини айтганида, ҳеч гап бўлгани ўқ. Уша куни эрталаб у шунчакни, қаршисида яшовчи жаноб Чорандос билан бир оз гижиллашиб қолди. Жаноб Чорандос ҳарбий бухгалтерияда бosh хизматчи бўлиб ишлар эди. Унинг кўмирдай қоп-қора ва хунук икки қизи бор эди. Жаноб Чорандос уларни бегона кўзлардан асраш учун айвонига қалин бўйра осиб қўйганди. Бўйра орқасидан парда тутиган. Жаноб Чорандосининг ўзи эса кеча-кундуз қизлариниң қўриқлагани-қўриқлагани.

Җетан қўшиинининг гумонсираётганини сезиб, ҳар гал гимнастика қылганида хонасининг эшигини ёниб қўядиган бўлди. Бунинг устигà бундай пайтларда қаршисидағи уйнинг айвонига қараган деразани ҳам ёниб қўйнига тўғри келгани учун уй жуда ҳам дим бўлиб кетарди. Җетан кўпинча димикиб кетиб, соғ ҳаво кирсани учун баъзида эшикни қўя қилиб очиб қўярди. Уша куни эрталаб у одатдагидек, баданини ҳўллаб артди,

сўнг лунгисини боғлаб, эшигини қия очиб қўйди. Шу пайт уни жаноб Чорандос кўриб қолса бўладими?! У Чэтанин одобсизликда айблаб, инглизчалаб танбех берди.

Чэтан бу тасодифдан ўзини йўқотиб, дарров эшикни ёнди, кейин бирдан ғазаби қайнаб, луғатдан зарур бўлган сўзларни топди-да, инглиз тилида жаноб Чорандосга қўпол қилиб хат ёзди. У жаноб Чорандоснинг айбланиш бутунлай ўринсиз, чунки хона ичи чидаб бўлмас даражада дим бўлиб кетганлиги учунгина эшикни қия очганилигини, Чэтанга жаноб Чорандоснинг бунаقا танбехлари маъқул эмаслиги ва ўз сўзини қайтариб олишини сўраб хат ёзган эди. Жаноб Чорандос Чэтандан кечирим сўради-ю, кейин унинг устидан Ромдосга шикоят қилибди. Ушандан кейин Ромдос ўз қўлли билан Чэтанинг эшигига парда осиб кетди.

Очигини айтганда, бу воқеанинг ўйлаб ўтирадиган томони йўқ эди, аммо ўткир ҳиссиётли Чэтанга бу ҳол жуда нашъа қилган эди. У ўзининг камситилганлигини яна бир марта ҳис қилди, фақат бу гал аввалгисидек қаттиқ таъсир қилмади. Ромдос тилидан бол томиб Чэтандан парданни тушириб юришни илтимос қилганида, у ўзича кулиб қўя қолди, холос.

Чэтан ўз вазиятига совуққонлик билан муносабатда бўлишга ўрганиб қолганидан ўтган воқеани табиий бир ҳол деб билиб, ўзининг одатдаги ишлари билан шуғулана бошлади.

Ишни бошлашга бошладиу, бироқ қанча ҳаракат қилмасин олдинга силжитолмади. У Ромдос билан эшикка парда осаётганда қўшниси айвонга чиқди ва унинг кўзлари Чэтанинг нигоҳи билан тўқнашди. Чорандоснинг кўзларида зўрға сезиладиган ғолибона ва масхараомуз табассум йилтиллаб, сўнгра лабларида акс этди. Ҳозир Чэтан ишлаб ўтирган бўлса ҳам, қўшнисининг ғолибона ва масхараомуз илжайиши унинг хаёлидан нари кетмади. Чэтан шу топда қаҳр-ғазаби тошиб ўзини ҳар ёққа ураётган ярадор йиртқичга ўхшарди. У бошини бир силкитиб жаноб Чорандос ҳақидаги фикрларни миясидан сидириб ташлаб, ишга шўнгимоқчи бўлди-ю, бироқ қўшнисининг мунофиқ башараси ва заҳарханда кулгиси, ғолибона илжайиб туриши кўз олдидан нари кетмади.

Чэтан бошини яна бир силкитди-да, қалам-қофозини

бир чеккага сурнб, ўрнидан турди, эшикни ёниб, кўча бўйлаб пастга юриб кетди. Бу ерда у анча яшаб турган бўлса-да, бир марта ҳам кўчанинг паст томонига тушмаган, ҳатто у ерга боришини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Унинг кайфияти жойида бўлганида оёқлари уни юқорига олиб кетар, у ҳатто пастда уйлар бор-йўқлигини билмасди ҳам. Ҳозир пастга тушаётин, Рулду Бҳатта қишлоғи у ўйлаганича кичик эмаслигини фаҳмлади. Ҷетан бу маҳаллани кичик майдон атрофида жойлашган сакниз ўнтача уйдан иборат, деб ҳисобларди. У пастки кўчага тушгач, ҳар икки томонда қатор уйлар қуриб ташланганини кўрди. Ўнгдагиларни — сал юқорироқда, чапдагиларни — пастроқда. Ҷетан ўз хаёллари билан борар экан, эски замонларда кўчма театрлар учун қурпладиган биноларни эслатувчи баланд кўшкнинг олдиндан чиқиб қолди. Унинг бошқа уйлардан фарқи бошдан-оёқ ёғочдан қурилганлигига эди. Бу кўшк кўчанинг охирига жойлашгани бўлиб, ундан у ёнига йўл пастдаги жарликлар томон чўзилиб кетган. Ҷетан бу кўшкни кўриб ҳайрон қолди ва ичкарига кирди. У ердан торгина пешайвонга чиқиб қолди, унинг остида эса каттакон зал бор экан.

Ҷетангага кейинроқ маълум бўлишинча, бу зал «Вишвакарма¹ зали» деб аталаркан. Унинг буиёдкорлари ўзларини худолар шоҳи Индранинг энг яхши меъмори Вишвакарманинг авлодлари деб ҳисоблашар эканлар. Бу меъмор дарвиш Судамага қўшилмасдан олдин, Кришна худосининг истагини бажо келтириб, Судама кулбаси ўрнида ажойиб қаср қурган экан. Бироқ «Вишвакарманинг авлодлари» охириги асрларда оддий дурадгор бўлиб шилашди. Биринчи жаҳон уруши вақтида улардан баъзилари ҳукumatдан пудрат олиб, аста-секин тузуккими маблагга эга бўлишди; маблаглари кўнайя борган сари, уларнинг жамоа сифатида фахрланиши ҳам оша бсрди. Худдига ана шу пайтда улар Вишвакарманинг авлоди эканликларни эсладилар. Ўз жамоасини мустаҳкамлаш учун улар жамият тузиб, шу жамият аъзолари тўпланадиган иморат қурдилар.

Залга пастдан кириларкан, юқоридаги эшикдан эса болаҳонага чиқиларди. Ҷетан ана шу эшикдан киргани учун болаҳона пешайвонидан чиқиб қолди. Бу йўлак жамоанинг йилда бир марта бўладиган тантанали

¹ Вишвакарма — меъморлар худоси.

йигилишлари пайтида келган хотин-қизларга мұлжалланған зән. Бошқа пайтларда болақона бүш ётарди. Фақат бир жойида сипгап иккита чорпоя ва қаңдайдыр мебелнинг синиқлари ётибди. Болақонага жанубий томондан хоналар туташтирилған. Чэтан қизиқсениң улардан бирнега кирди. Хонада қип-ялангоч, саллалы кишин ўтоқ пуфлаётған зән. Чэтаниң қадам товушини эшилтиб у бошини күтарди. У ўрта бўйли, тўлачадан келған, балани оқ, елка ва кўкракларини сийрак тук қоплаган бир киши зән. Узи ёш бўлса ҳам, қариллик нуқси уриб қолған экан. Тиши қолмаганидан бўлса керак, лаблари ичкарига ўпирлиб ётарди; хира, салқиган кўзларидаги кўзойинак уни чолларга ўхшатиб туради. У Чэтани кўриб, тавозе билан пешваз чиқди. Чэтан бир зум ушинг юзни бутунлай қоплаб олган ажинларга ва ажойиб ҳамда маънн табассумига қараб турди.

— Келинг, ўтиринг,— чорпоядан жой кўрсатди мезбои.

Чэтан шу ўтирганича унинг ҳузурида иккни соат қолиб кетди. Ҳалиги киши овқат тайёрлаб келди, ювониди, иккаласи бирга ионушта қилишди, бир-бирларига бир неча қўшиқ айтиб беришди. Сўнгра Чэтаниң янги ошиаси кийниди ва иккаласи бирга уйдан чиқниди. Мезбон эшикни беркитиб, Чэтан билан суҳбатлашганича ишига жўнади. Чэтан уни водопровод колонкасигача кузатиб қўйди. У билан хайрлашиб уйига етиб келганида, Чэтан яна ер узра қанот берган хурсандликдан терисига сиғмай ўзида янгидан куч-ғағрат жўш ураётганини ҳис қилди.

Ана шу кишини Дургадос деб атардилар.

44

Дургадос ҳам «Вишвакарма авлодлари»дан бўлиб, аждодларининг ҳунарини тарқ этган, мактабни тамомлагач, Симла почтамтига ишга кириб олганди. У бошқа дурадгорларга нисбатан анча саводли бўлгани туфайли уни жамоа саркотибининг муовини қилиб сайлашиди. Жамоа унга эшиги болақонага чиқадиган икки хона ажратиб берган зән. Дургадос овқатини ўзи пиширади. Эътиқоди «ория самож» бўлганидан у одатда бомдод ва шом намозинингни ўқирди. Чэтан Дургадос хотинининг вафот этганини, уни жуда севганини, касаллик пайтида хотинига ярим сер қон берганини билиб олди.

Дургадос ёшига нисбатан катта кўринарди. Уни қа-

ритган нарса, бошқа сабаблар билан бир қаторда кийиниш услуби ҳамди. У салла ўраб, олабайроқ кўйлак ва костюм ҳамда жуда калта шим кийиб юрарди. Ана шу кийиниши, шунингдек, кўзининг хирадиги, ичига чўккаш ажинли чакка ва оғзи Дургадосни қари қилиб кўрсатарди. Унинг соғлиғи хусусида гап кетганди, у хотинининг касали ва унга қандай қон бергани тўғрисида батафсил гапиравди. Тул қолгач, иккинчи марта уйланмаган. Чэтан дастлабки учрашувдаёқ Дургадос ҳатто уйланиш тўғрисида ўйламаслигини билган эди. Улар бирбирини яқинроқ танигач, Чэтан Дургадосда уйланиш истаги зўр эканини, бироқ у ўзини лоқайд кўрсатиб, ўз хотинини яшириб юришини тушунди. Жамоадан ҳар гал унга ошилари келганди, у албатта суҳбатни марҳум хотининг буришга штиларди. Дургадос ўзининг садоқатли ва фидокорлигини зўр иштиёқ билан сўзлар, тики бўйига етган қизлари бор онлалар ўз қизлари учун ундан тузукроқ куёв тополмасликларига, ҳеч бўлмаганди топниш қийин бўлишига шама қиласиди. Дургадосдек садоқатли эр ва хотини учун ҳамма ишни бажариб берадиганилар кам учрайди! Аммо унинг ташқи кўриниши, кийими ва бутун қиёфасида бирон бир хуш келмас нарса бўлса керакки, қизларининг оталари жим қолишни маъкул кўрадилар. Улар бажонудил Дургадосникинга меҳмонга келишар, уялмай-нетмай ундан қарэга пул олишар, у тайёрлаган ширгуруч, атала, кичири ёки ширинликларини пақкос туширар эдилару, гап Дургадоснинг ниятларига келганди, гўё гап уларнинг қизи ҳақида бормаётгандек суҳбатдан ўзларини олиб қочардилар.

Шу тариқа Дургадос тул қолаверарди. Унинг гапларида марҳум хотинининг фазилатлари, худди уни қутқазиш учун берилган қонининг миқдори сингари кундан-кунга ошиб бораарди.

Дургадос зерикмаслик учун овқат тайёрлаш ёки гармониум чалиш билан машғул бўларди. Бундан саккиз йил илгари хотинининг сеплари билан бирга арзои гармониум олган эди; хотини «ория самож» қўшиқларидан бир нечтасини ёд билар ва уни Дургадосга ўргатганди. Гамғин пайтларида чорпоя остидан гармониумни олиб куйлай бошларди:

Севгилим ой юзли ёр,
Узим қушдек беозор.

Қандай тез унутолди,
Бағри тош ул сиғамкор.

Аста-секин у қўшиққа берилиб, чалишини ҳам унтарди. Кўзларини юмиб, жазаваси тутиб бути танасини тебратиб куйлашга ўтарди. У «Бҳажон-пушпанижали»¹дан яна бир неча ория самож қўшиқларини ўрганиб олган бўлса-да, хотини ўргатган икки қўшиқ унинг энг севимли қўшиғи бўлиб қолганди. Четаидан унинг профессор Сингх мактабида куйлашни ўрганаётганини эшигтан заҳоти, у ўзи билган барча қўшиқларни куйлаб берди, сўнгра ундан бирорта қўшиқ айтиб беришини цитимос қилди.

— Мен классик куйларни севаман,— деди Четаин ория самож куйларидан афтини буриштириб. У сал ийманибгина асбобини ўз олдига сурди-да, ҳозир соат ўн бўлиб қолганлиги учун у фақат «бҳайрави»² куйини чалиб беришини айтди.

— Са-дҳа, на-дҳа, мап-гам, га-ре, гам, га-ре-са-са...

Дургадос қўшигини ҳам куйлашни сўраганида Четаин билагоилиқ қилиб кулиб қўйди-да, куйлади:

Уғилчам Гопал уйғонгил, уйғон...

Четаин парда ва ўтишларни яхши билмасди, ритмда ҳам унчалик кучли эмасди, шу важдан бир неча жойда куйдан адашди ва тутилиб қолди. Гамманинг ўзинигина чалиб асбобни қўйиб қўя қолди. У шу чалиши билан ҳам Дургадосда катта таассурот қолдириди. Улар шу заҳоти, биринчи учрашувдаёқ, Четаин профессор Сингхдан нимани ўрганиб келса, ҳаммасини Дургадосга чалиб бернишга келишишди. Дургадос агар истаса Четаин ўз китобини шу ерда ёзиши мумкинлигини айтди: бу ерда ҳеч ким бўлмайди, сокин, Четаин диққатини бир ерга тўплаб ишлаши мумкин. Четаин унинг таклифини қабул қилди.

Бора-бора Дургадос Четаин билган ҳамма куйларни ўрганиб олди. Улар эрталаб ва кечқурун учрашиб, завқ билан куйлар эдилар. Аввалига навбатма-навбат куйлашарди, бир куни иккаласи бҳайрави куйига биргалашиб ашула айтишди ва хурсанд бўлиб кетишли. Шундан кейин бирга куйлайдиган бўлдилар.

¹ Бҳажон-пушпанижали — Ория самож гимнлари тўплами.

² Бҳайрави — одатда эрталаблари ижро этиладиган аиъянавий ҳинд куйи.

О, севгилии Шам, асло ўчмас хаёлдан
Лаззатли ўтган онлар...

Бу ашула уларга жуда ёқиб қолиб фақат шунни күйлапша-
диган бўлишди. Агар атрофда эрталабки сокинлик ҳукм-
рон бўлса, нафис куйдан сармаст бўлиб, уларни куйлаш-
дан ҳузур қилишарди.

Чэтан баъзан Дургадосни ўзи билан музика макта-
бига олиб борадиган бўлди. У ерда профессор Сингҳ
ашуласини тинглар, баъзи куйларни ўрганар, уйга келиб
машқ қилишар эди.

Тез орада «Ория самож»ининг йиллик сессияси ча-
қирладиган бўлиб қолди. Шу муносабат билан концерт
уюштиришлари кераклиги эълон қилинди. Чэтан кон-
цертда профессор Сингҳ ўз ўқувчилари билан иштирок
этишини эшишиб, ўзи ҳам томошабинлар олдида чиқши
учун бу имкониятдан албатта фойдаланишга аҳд қилди.

Чэтан якка ўзи ашула айтишга журъат қилолмага-
нидан Дургадос билан бирга чиқадиган бўлди. Сессия бағишланган шеърият кечаси ҳам бўлиши керак эди.
Гарчи Чэтан бу тантанага бағишлаб достон ёзган бўл-
са-да, Симлага келишидан аввал бундай кечаларда
бир неча марта қатиашгани учун, у шеърият кечасида
эмас, концертда чиқишини истарди. У созандга ва хонан-
да сифатида чиқишини жони дилидан истарди. Уйга келиб
Чэтан дарҳол Дургадос билан икковлашиб ашула ай-
тишга қатъий қарор берганлигини билдириди. Бундан
Дургадоснинг ботиқ кўзларида аллақандай нур чақиаб
кетгандай бўлди. Иккни дўст севган қўшиқларини машқ
қила бошладилар.

«Ория самож»иниг музикали кечасига атоқли ар-
тистлар келмаган бўлса-да, концерт программасида бир
нечта қиззиниг поми ёзилганни учун аинчагина одам тўп-
ланди. Қизлар учун куйлаш санъатини эгаллаш муваффа-
фақиятнииг зарур шарти эди: бусиз улар турмушга чи-
қишини орзу қилмаса ҳам бўлади. Музикали кечалардан
бошқа яна қаерда улар ўз санъатини намойиш қила
оларди? Шуидай қилиб йигитлар ўзига хос қыз кўриш
имконига эга бўлардилар. Шу сабабдан жамоанинг од-
дий йигитлишига қараганда музикали кечаларга одам-
лар тўда-тўда бўлиб келишарди.

Чэтан жуда кеч ётган бўлса-да, концерт куни каллан
саҳарлаб туриб Дургадос ёнига жўнади. Улар бир неча

соат тинимсиз ашула машқ қылышди. Охирги дақиқаларда Дургадосин ваҳима босиб боришга юраги бетламай қолди, шундай бўлса-да, Чэтан барнибир уни ўзи билан олиб кетди.

Концерт бошида қизлар хори кириш дуосини куйлади. Кейин программа бошланди. Бироқ Чэтан ҳеч кимни ва ҳеч парсанни эшигтмас эди. У ўз қўшиқларини ўзича тақрорлаб, профессор Сингҳ ва ўқувчиларининг навбати келишини ва профессор қачон унга Дургадос билан чиқишига бир неча дақиқа ажратишини орзиқиб кутарди, холос.

Хонандалардан бири «Ория самож»иниг гимнини куйлаб бўлгач, саҳнага муваффақиятли гўзаллик ва хушовозликлар билан узвий бояниқ бўлган қизлар чиқишиди. Бошқа хонандалар ҳам қўшиқлар ижро этишиди. Ниҳоят профессор Сингҳ ва шогирдларига ҳам навбат келди. Чэтан ана шу пайт Дургадос билан куйлашга Сингҳдан ижозат сўради. Профессор Сингҳ «Ҳали сизга концертларда куйлашга эрта» деб рухсат бермади. Уининг ўзи чиқиб бирорак ажойиб куйладики, ҳамма қойил қолди. Бир неча қўшиқ ижро этгач, у сал толиққандай кўриниди, ҳали вақт кўп эди. Концертни бошқарувчи ундан яна бирорта ашула айтиб беришини илтимос қилиди. Ўшанда Чэтан юрак ютиб илтимосини яна тақрорлади. Шу пайт томошабинлар тоқатсизлик билан қарсак чалиб «бис!» деб қичқиришади. Концертни бошқарувчи профессордан ҳеч бўлмаса яна биттагина ашула айтиб беринг деб қистай бошлади. Профессор кутилмаганда Чэтанин кўрсатиб: «Ҳозир шогирдим айтиб беради, мен бир оз дам олай» деб қолди. Концертни бошқарувчи завқ билан навбатдаги номерда профессор Сингҳнинг иккита янги шогирди чиқишини, кейин яна профессор ўз ашуласи билан томошабинларни хурсанд қилажагини эълон қилди. Севиниб кетганидан у Чэтан ва Дургадосни ажойиб хонандалар деворди.

Икки дўст уларининг номери эълои қилинганини эшигтиб, юраклари дукиллаб олдинга чиқишиди. Дургадос асбобини ўзинга яқинроқ қўйди. Қайси ашулани куйлашса экан? Уларнинг мияснига бирдан нимадир келди, улар сўзсиз, бир-бирини тушуниди:

О, севгилим Шам, асло ўчмас хаёлдан..

Дургадос муқаддиманин чалди, улар күйлай бошлади. Чэтанинг кўзи қаршиларида ўтирган иккита хонанага тушиб қолди -- улар кулишарди. Чэтан профессор Сингҳа қараб қўйди. Профессориниң пешанаси тиришиб, юзида порозиллик бор эди. Чэтанга мақом бузиб юборилгандай туюлди, у ҳамиша бу ашуланни күйлаётганилаги хурсандчилиги ҳозир унни тарк этди. Чётан Дургадосга қараб қўйди. У кўзларини юмганича завқ билан бҳайравини күйламоқда эди. Қаршисида ўтирган хонандалар бирдан қаттиқ кулиб юборишди. Бир зумда бутун зални кулги босди. Ана ўшанда Чэтан бу кўйни кечқурни ижро этиш яхшимаслигини тушунди. У Дургадосга бошқа ашуланни күйлашни таклиф қилмоқчи бўлди...

Бироқ унгача профессор Сингҳ олдинга чиқиб, асбобини қўлига олди: шогирди, қайнұчи Кумар, ёқинили созвода күйлай бошлади:

Кетмиш олие элларга жондан севган шунқорим...

Кулгилар дарҳол тўхтади. Чэтан уялганидан залда бир дақиқа ҳам қололмади. Дургадос бўлса ҳали ҳам ҳеч нимани тушумасди. У ичига ботган хира кўзларини пирниратиб, атрофга анграйиб боқарди. Чэтан ҳеч кимга қарамай, орқа эннекдан чиқди-да, тун қороғисида ўғрилардек чопиб уйига кетди.

45

Чэтан уч кун кўчага чиқмади. Ўнинг муваффақиятсизликка учраганини шаҳарда ҳамма билгандек, унга бҳайрави қўшиғини кеч соат ўн биргача күйлайдиган машҳур хонанда ана шу киши бўлади, деб масхаралаб кўрсатаётгандек туюларди. Бир куни у зинага чиқса, қаршисидаги айвонда турган Чорандоснинг қораҷадан келган кагта қизи унга кўзи тушгани заҳоти кулимсираб қўйгандек бўлди. Чэтан ҳовлиқиб уйига кириб кетди. Эҳтимол қўшини қиз унинг қўшиғини эшилмагандир, аммо барибир кулимсирагани ўшанга шама қилгандек туюлди.

Профессор Сингҳ дарсхонасида танишган янги ошласи Нароят тўртничи кун Чэтанинг олдинга келмага-

шида, у тор қоронғи ҳужрасидан яна исча күн күчага чиқмаслигини ким биларди дейсиз.

— Ҳа, биродар, тинчликми? Ҳатто дам олиш куни ҳам катагингдан чиқмайсан?— деди Нароян,— юр, Жак томонларни саир қилиб келамиз. Кечқурун сени свами Шуддҳадевининг ваъзини тинглашга олиб бораман. Бир маротаба эшитсанг, умр бўйи қулогингда қолади.

Чэтан эътиroz билдиришга уриниб, нималарни дир минифирлади.

Нароян унга кўзойнаги орқали кулиб турган кўзлари билан тикилиб турди-да, деди: «Соф ҳавога чиқайлик. Қандай ажойиб булатлар! Ахир бундай ажойиб кунда уйда ўтириб бўладими? Қўйиб берсалар кун бўйи Симла кўчаларида маза қилиб кезардим-а».

— Негадир, тобим қочиб турибди,— деди Чэтан, аммо Нароян уни уйдан судраб чиқди. Улар эшикни бекитиб, пастга тушиб кетишли.

Бир исча соат Симла кўчаларида айланиб юришди, кечқурун меҳмононада, Нароян хонасида овқатланниди. Улар яна кўчага чиқиб Мол бозорга бурилишганида Чэтан:— Мен кетмасам бўлмайди, Нароян,— деб қолди.

— Нега энди, свами Шуддҳадевининг ваъзини тинглашга бормайсанми? Мана тўққиз бўлди, ҳозир бошланиди. Бу овоз эмас, обизамзамниңг ўзи.

— Ҳозир обизамзамига ҳам хушим йўқ,— деди Чэтан хайрлашгани қўлини узатди.

Нароян унинг қўлини ушлаб, ўзига тортди-да, деди: йўқ, бўлмайди. Сўнг иккаламиз Самож-мандирга борамиз»¹.

Ўнгдаги водийдан рутубатли сарин ел эсади. Бундай пайтда ёмғирнинг майда қатралари узоқ-узоқларга, олдинга интилаётгандек туюлади кишига. Унинг салқин нафаси ёноқ, бурун ва оғизга уриларди. Қаерданdir келиб қолган булат Мол бозор устидаги қоронғилкини қуюқлаштириди. Ѓўконлардаги чироқлар бирдан хидалашиб, ажи-бужи саргиш доғларга ўхшар, одамлар соялардек бўлиб қўринарди. Чэтанинг кўзойнагини тер босди. У кўзойнагини олиб кўйлагининг этаги билан артиди. Бироқ тер яхши артилмади. Чэтан кўзойнагини таққач, назарида ҳамма нарсалар титроқ юпқа пардага

¹ Самож-мандир — ония самож эътиқодидагилар ибодатхонаси.

айлангандек туюлди. Электр чироқлари ва фонуслар гүё имлаётгандай бўлиб кўринди. Чэтап кўзойнагини юна артди. Барнибир фойдаси бўлмади; кўйлаги бутунлай ҳўл бўлиб қолганди. У кўйлаги билан кўзойнагини артганида, унга ёнишган буг сувга айланарди. Жаҳли чиқиб ойнакни қўлига олганича пайпаслагундай бўлиб олдинга бораверди. Улар Самож-мандирга етиб келишиди. Свами Шуддҳадевнинг залда жаранглаётган паст овози ҳатто ташқаридан ҳам эшитилиб турарди. Ваъз бошланиб кетганга ўхшайди. Чэтан хәёл билан бўлиб, Нароян унинг қўлидан ушлаб қачон ва қай ҳолатда залга киритиб қўйғанини ҳам пайқамабди. У девор ёнидаги совуқ курсига ўтиргандагина ўзига келди.

Ўша пайт ваъзхон авўр қироат билан бҳакти таълимоти¹нинг қоидаларини баён қилмоқда эди.

— Дилида парвардигордан узоқ ва бҳактидан баҳраманд бўлмаган киши барқарор фаҳм-фаросатга эга бўла олмайди. Фақат далил фаҳм-фаросатгина барқарор бўлади, киши ўзининг ва худонинг қалбини тушуниб етмаса, фаҳм-фаросат бобида қатъий бўла олиши жуда душвор бўлғусидир.

Чэтан ваъзнинг бошланишини эшиитмаганидан «қалб ва парвардигор» сўзларига бир оз ажабланди. Ваъзхон давом этди:

— Ўз қалбингни ва парвардигорни фақат бҳакти орқалп билиб олиш мумкин. Бҳактисиз инсон ҳатто сезигилардан ҳам маҳрум. У эзгу ниятлар қилишга қодир эмас. Фикрлар, мулоҳазалар, диққат-эътибор, ўзига ишонч ва эътиқод — барчаси бусиз барқарор бўлолмайди. Ҳар нарсага қарайвериш барқарорликни йўқотади. Бундай одам сезини имкониятидан маҳрум бўлиб, тинчлигини ҳам йўқотади; у доим ҳаяжонда, донм ташвишда бўлади. У қандай қилиб бахтли бўла олади? Қандай қилиб тинч-осойишта яшасин?

Хотиржамлик, хотиржамлик, хотиржамлик! Чэтан норози қиёфада бош чайқаб қўйди-да, ўрнидан турди. Ахир ўз табнатига кўра мағрур ва эркӣн инсонни шафқатсизлик, қўполлик, қашшоқлик, очлик, ишсизлик ўраб турган бўлса, у эътиборсизлик ва нафратга дуч келиб турса, қандай қилиб хотиржам бўлсин ахир!

¹ Б ҳ а қ т и — индуизминг чексиз садоқат ва муҳаббат ҳақидаги таълимоти.

Чэтан Самож-мацдирадаң чиқиб, түғри Рулду Бҳаттадаги уйига йўл олди. Тун бўйи у ёнбошдан бу ёнбошга аганаб, ухломай чиқди. Симла бир кун ҳам уни овуштиrolмади. Ромдос уйидаги доимий машаққатли турмушнинг Рулду Бҳаттадаги барча шароит ва Симла ҳаётининг ялтироқлиги билан янада чуқурлашган бегоналашиш туйгуси энидни уни бутунлай қамраб олди. Чэтан у ердан дарҳол қочиб кетишни ўйлаб ўзининг Жоланд-ҳар ёки Лоҳурда кечирган ҳаётини тусаб қолди: У Симлада энидни бир кун ҳам қолмасликка аҳд қилганида эрталаб соат тўртлар чамаси бўлса керак. Китобни ёзиб тугатгаи, эрталаб уни Ромдосга топширади-да, уйга кетмоқчи эканини билдиради. Уни шу қарори тинчлантирдими ёки руҳий ва жисмоний жиҳатдан жуда чарчаганикданми, нима учундир шу заҳотиёқ қаттиқ уйқуга кетди.

Эрталаб у ҳали ўринидан туриб улгурмаган ҳам эдикӣ, Манни деразадан хат узатди.

— Бу хат сизга, жаноб,— деди у.— Буни менга доктор кеча берган эди. Сиз жуда кеч келдингиз.

Чэтан ётган жойинда қўлинни узатиб хатни олди ва конвергни йиғтиб хагни ўқий бошлиди. У бирдан устидаги кўрпани очиб, сакраб турди-да, деди:

— Манни, мен кетяпман!

— Қаерга?

— Уйга. Нила турмушга чиқаётганини.

46

— Басти Газангача бир йўловчи оламан! Қани ким Басти Газангча боради?

Бир оёғини извош шотисига, иккинчисини зинапояга қўйиб олган очиқ ёқали кўйлак ва товонигача тушгани таҳмад кийган извошчи чап қўлида тизгинни силкитиб, ўнг қўли билан мўйловини мағрур бураг буран, бақиради:

— Ҳой, Басти Газангача яна бир йўловчи оламан! Яна бир йўловчига ўрии бор!

Извошчи катта кўчани кесиб Бастига кетадиган бескат томон бораётгани Чэтанин кўриб унга қичқирди:

— Жаноб ўтирининг, фақат бир одамгина стишмай турганиди.

Олдида битта бўш ўрин бор эди. Чэтан жимгина келиб извошга чиқди. Бироқ извош ўриндан жилмади. Извошчи бир оздан кейин таҳмадини кўтариб қўйди, оғга қамчи босиб майдонни бир айланди. Извошда тўртга олам ўтирганига қарамай, у яна қаттиқ товуш билан қичқирди:

— Ҳой, Басти Газангача яна бир йўловчи оламан!

Аввалларни Чётанинг дарҳол жаҳли чиққан бўлар ёки икки ўрининг ўзи тўлашини айтган бўлар эди, бироқ у ҳозир жим ўтирибди. У ўз хәёлларига берилиб ўтирар ва тарновидан ариққа тинмай сассиқ сув оқиб тушаётган қаршиисидаги уйга тикилиб қарар эди.

Чётан извошда Жоландҳарга етиб келди. У уйига келиб, онасига таъзим қилди, унинг фотиҳасини олиб, Чандани суриштириди. Онаси Чанданинг Бастига жўнаб кетганига етти кун бўлганини айтди. Ниланинг акаси ҳам бугун келиши керак эди. Қайнагаси Ранвир уни буғун икки марта сўраб келди.

Чётан сетор ва дилрубасини бурчакка қўйди. Улар энди хўп кўнгилга урган эди. У чиройли ҳарфлар билан «Чаңда учун» деб ёзишган тахтачини асбобларига осиб қўйди. Сўнгра юваниб, янгидан кийинди-да, Бастига жўнади.

Ўзига қолса у ерга боринини спра истамас эди. Чётанин галати ҳижжолатпазлик туйгуси эгаллади. У Нила билан бирга ўтказган онларини, Илавалиурдаги ўз номаъқулчилигини, Ниланинг бўлажак тўйи ва бошиқа кўп нарсаларни ўйларди. Уни Илавалпурдаги аҳмакона ҳаракатидан сўнг Ниланинг олдига қайси юз билан бораман деган фикр азоблар эди.

Баъзан Чётан Нила у воқеани аллақачон уцутиб юборган, у эрга тегаётганидан хурсанд бўлиб ҳеч инманни билмаса керак деб ўйларди. Ўзини шундай деб юпатиб, Чётан қадамини тезлаштирар, бир лаҳзада яна агар унутмаган бўлса-чи, деган фикр шаштини қайтарарди. Агар у хафа бўлган бўлса-чи? Яна қадамини секинлагатар эди. У бекатга келиб, извошга ўтиргунича, бир шошилиб, бир секинлашиб юриб келди. Бироқ шундан кейин ҳам мулоҳазалари тамом бўлмади. У извош ўринидан қўзғалиб, ўзининг Бастига келиб қолганини, извошдан тушганини, эгри-буғри юриб кўчани кесиб ўтганини ва Венипрасод уйи олдида тўхтаганини ҳам пайқамади.

Остона хатлаб ичкарига киргач, биринчи кўрган кишини Нила бўлди. У ҳовли бурчагида ориққина қўлни водопровод кранига қўйиб ўтирас эди. Унинг қўлнига солинган зулуклар қонини сўриб, тобора шишиб боришарди. Чэтан тўхтаб унинг ажойиб оппоқ қўллари ва унга ёпишиб олган долчин ранг зулукларни томоша қилди. Кейин у Ниланинг юзига қаради. Назарида, унинг юзи оқарган, ўзи бир оз озган кўриниди. Бироқ бу билан Ниланинг ҳусни янада очилиб кетганини Чэтан дарров сезди. У одатга кўра, тўй олдидан бир неча кун уйидан чиқмаган бўлса керак; қизнинг эгнидаги кийими ифлос, баъзи жойларида убтан майининг¹ сарнқ доғлари қолган эди. Бироқ Ниланинг чиройи бу ифлос кийимда ҳам соғ тилланинг жилосидек мана мен деб турарди. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, бироқ офтоб ҳароратининг фусункор бўсасини тотиб кўрмаган лаблари эпдинги на жилмайиб боқсан гуначадек эди.

Нила қўлни сўраётган зулуклардан кўзини узмай, Чэтанга совуққина «намасте» деб қўя қолди.

Чэтан баттар ҳижолат бўлди. У Ниланинг ёнидан ўтиб, жимгина айвондаги бўш турган темир курсига чиқиб ўтирди.

Ахири у Симладек йироқ жойдан фақат ана шу совуққина айтилган «намасте»ни эшитгани шошиб келганини? У тўйга келганинга пушаймон бўлди. Илавапурда бўлган воқеадан кейин унга Нила билан учрашишнинг ҳожати йўқ эди.

У кўз қири билан Нилага қараб қўйди. Нила унга орқасини ўгириб, зулукларга кўз узмай қараб ўтирас, Чэтанга ҳатто бир марта ҳам назар ташламади. Унинг бўлиб ўтган воқеани унутмаганлиги ва Чэтанин кечирмаганлиги аниқ эди. У нега келди-а? Унинг бу ердан қочиб кетгиси келди. Шу пайт Ниланинг катта опаси пайдо бўлди; қўлида бир яrim — икки яшар бола бақириб йиғларди. Онаси илжайиб турарди.

— Намасте! — дея Чэтанин табриклади у боласини тинчтишга уриниб.

Чэтан бир лаҳзагина опасининг онлавий ҳаёги тўғрисида Ниланинг Илавалпурда гапирган гапларини эслади. «Ҳа, у бу башараси билан кимга ҳам ёқар-

¹ У б т а н м о й и — тўйларда ишлатиладиган хушбўй мой.

ди!»— ўйлади Чэтан, бироқ сир бой бермай, меҳрибончилик билан деди:

— Намасте, Мила. Аҳволларинг яхшими?

— Қаочон келдинг?— сўради Мила. Сени кутавериб кўзимиз тўрт бўлди-ку!

— Бугун эрталаб келдим,— жавоб берди Чэтан ва Нилага қараб қўйди.— Кўлига бир нима бўлганими?

— Газак... Доктор зулук солишни маслаҳат берди.

— Тўйни нега кейинга қолдирмадигиз?

Куёв отпускасини чўза олмайди. У зўрга бир ойга келган. У армияда хизмат қиласди. Яқин бўлгандаям бир илож қиласа бўларди. Бирмадан келиш осон иш эмас.

— Бирма?— Чэтанинг юрагини худди бирор аниқ мўлжалга олгандай бўлди.— У ерда нима иш қиласди?

— Рангунда ҳарбий бухгалтер.

Ниланинг оқарган озғин юзи Чэтанинг кўз олдиндан ўтди. Унинг бўғзига бир нима тиқилиб қолгандай бўлди. Секин ва ғамгин оҳангда деди:

— Нилани жуда йироққа узатяпсизлар.

Мила куёвнинг ойига икки юз рупия маош олишини, қариндошликка келса, ўз эрининг амакиваччаси әканини айтди. У одамшаванд, меҳрибои, меҳнатсевар киши. Хотинининг вафотидан беш йил ўтган бўлса-да, ҳануз уйланолмаган. Хизмат жойини тез-тез ўзгартириб, бир жойда узоқ ишламади. У яқин орада Панжобга ўtkазишларига умид қилиб, унга қаллиқ топиб қўйиншларини айтиб хат ёзган эди. Мила буни эшитиб, дарҳол унга Нилани унаштириб қўйибди.

Мила ўзининг шошқалоқлигидан кулиб қўйди, ҳисқиллаб турган боласининг елкасига секингина уриб: «Тентак, кап-катта бўлсанг ҳам қўлимдан бир зум тушмайсан!»— деди. Шу пайт қўшини хонада Чанда нима биландир ивиришиб юарди. Мила унн чақириб Чэтанга дастурхон келтиришни айтди-да, ўзи қўшни хотин билан валақлашгани чиқиб кетди. Руҳан эзилиб кетган Чэтан айвонда ўтирганича қолаверди.

Рангун, беш йилдан бери бева, ҳарбий бухгалтер — шу сўзлар унинг қулоғини қоматга келтириб турарди. Чэтан яна Нилага кўз ташлаб қўйди. Зулуклар энди қўлидан думалаб тушибди.

Газак кичрайибди. Кам қонлиқдан Ниланинг ранги

яна ҳам оқариб кетган. Унинг ёши ўн беш-ўн олтиларда бўлса-да, аммо ҳозир ўн уч яшар қизалоқдай қўринарди. Бу гунча очилмасдан сўлади, кейин астасекин қурийди. Ҷэтанинг юраги сиқилиб кетди. Агар у ўша пайтда Илавалпурда бўлган соқеа тўғрисида ишити Венинрасодга ҳеч нима демаганида Нила шошилинч равишда йироқдан келган бу тул — ҳарбий бухгалтерининг иккинчи хотини бўлармиди? Ўз аҳмоқлигини сезиш туйғуси Ҷэтанинг қалбини баттар яралади. У энди ортиқ ўтира олмади, турди, шу маҳал тарелка кўтарган Чанда келиб қолди, унинг лўйни думалоқ чекрасидан табассум аrimасди.

Ҷётан ўғрилардай кун бўйи Нила билан гапиришини учун қулай пайт пойлади. Нила ундан аразлагани шубҳасиз. Ахир улар бир неча ой қўришмаган, агар у аразламаган бўлса, ҳозир, у уйни бошига кўтариб шўхлик қилган бўларди. Ҳар қандай тўй — ҳатто ўзининг тўйи ҳам унинг шўхлигини тийиб туролмаган бўларди. Нила ўзини шу дараҷа бепарво тутардик, гўё бу тўй унки эмас, балки бегона, иотаниш бир қизининг тўйи эди. У Ҷётандан ўзини олиб қочар, доим дугоналари, опалари, келиллари ва қўшни қизлар билан бирга бўлишга ҳаракат қиласарди. Ҷётанинг Нила билан сұхбати истакдан ташқари, тасодиғий гаплардан иборат бўлар ёки сўzlари бўлинib қоларди.

— Нила, тузукмисан энди?

— Аинча тузукман...

Шундай деся, у гўё дугонаси билан жуда муҳим нарса тўғрисида гаплашиб олишга шошиларди.

— Хафага ўхшайсан, Нила...

— Йўғ-э, поччажон...

У шу заҳоти опаси билан бир ишин маслаҳатлашиши лозимлигини эслади.

— Энди узоқларга кетиб қоларкансан-да, Нила!

— Ҳа, поччажон...

— Мендан хафамисан, Нила?

— Йў-ўқ, поччажон...

Ҷётан ундан батағинлроқ жавоб ололмас эди. Шу орада кичкиниагина ҳовлида одам қайнарди. Шовқин-сурон, келди-кетдиларининг кети узилмас, булар орасида Милланинг күсвии мақтаган товушни бир дақиқа ҳам тинмай эшитилиб турарди. Ҷётан айрилиқ олдида Нила билан очиқчасига гаплаша олмади, ундан кечи-

рим сўраш учун қулай фурсат тополмади. У дард-ала-мии ичига ютиб болохона айвонига чиқди ва чорпояга чўзилди.

Чэтан исгадир раингунлик ҳарбий бухгалтер, тулиниг шаънига айтилаётган мақтовларни эшигиси келмасди. Шу ётишда бирданига миясига шундай фикр келди: балки Нила шундай яхши күёв топилганига мағурурланаб индамай юргандир? Мила ҳовлида яна қайсиdir қўшнисига ҳадеб бўлғуси қайнагасини мақтар, синглисинг бахтини тиларди. Чор атрофдан кўз очиб юмгунича шундай күёв тополгани учун Милага мақтов устига мақтовлар ёғилар эди. Чэтанинг ётавериб тоқати тоқ бўлди. У Нилага унинг бўлғуси эри тўғрисидаги мақтовлар қандай таъсир қилаётганини жуда-жуда билгиси келди. Чэтан ҳовлиқиб пастга тўшди. Нила тиззасини қучоқлаб, иягини тираганича, айвоннинг қороғи бурчагида жимгина ўтирадар эди. У опасишинг айтилаётган сўзларини эшиятгими, йўқми, билиб бўлмасди: У бепарво, қимиirlамай ўтирадарди. Чэтан ниманидир баҳона қилиб унга яқин келганида, Нила юзини тиззаси орасига яшириб, тескари бурилди. Эҳтимол у йиғлаётгандир. Чэтанинг юраги дук-дук ура бошлади. Эҳтимол, унга тўйи бўлаётганилиги ёқмаётгандир? Чэтан пушаймон ва ўқинчларини борича ифодалай оловчи, Нила қалбига таскин берувчи сўзларни ўйлаб турганида, Нилани онаси чақириб қолди (тўй маросимига яқин қолганди, унгача баъзи бир расм русумларни бажариш лозим эди). Нила ўрнидан туриб, ҳовлига чиққанида Чэтан унинг юзини аниқ кўрди — унда йиғлаётганилик аломати йўқ эди. Мағрурлик ҳам кўринмайди. Чеҳрасида на севги, на нафрат, на шодлик, на гам, на баҳтиёрлик, на ҳасрат акс этарди — фақағ ажиб, чуқур ва оғир лоқайдлик бор эди. Чэтанинг руҳи тушиб кетди.

Ўшиа пайт кўчадан күёвларниг келаётган шовқин-сурони эшитилди, қайнанааси Чэтандан меҳмонларни кутуб олишга чиқишини илтимос қилди.

Чэтан бошига гулчамбар тақилган, гул ўрами чаккасига тushiб турган, бастилик бир адвокатдан ҳожат чиқарнишга олингани «бъюонк» машинасида иззатли ўринига ўтирган кишининг қиёфасига ҳавас қилолмади — аксинича, Ниланинг келажагини ўйлаб юраги эзилиб кетди.

Наҳотки каллан саҳардан буён кўклирга кўтариб мақташаётган куёв шу киши бўлса? Чэтан тўй маросими билан Бастининг бу дарвозасидан у дарвозасигача, ундан ҳам ўтиб дҳармашалагача бориб (меҳмонларни ўша ерда кутиб олиш ва жойлаштириш мўлжалланган эди), қуёвни машинадан тушганида, у билан ионушта қилганида ҳарбий бухгатерни сийчиклаб кузатди.

Тақир бошида ёшлигидан ёдгорлик бўлиб бир неча тук қолган, кўзлари салқиган, ияклари туртиб чиққан, (кулиш у ёқда турсин, ҳатто жилмайгандан ҳам бутун афтини ажин босиб кетадиган,) қора сунъий тищлари юмуқ, ёши қирқлардан ошган кишин хурматли Ромила Деви ҳатто юзини кўрмай ўз синглисига танлаган «куёв бола» ана шундай эди.

Меҳмонлар дҳармашалага ўрнашгач, Чэтан уйига қайтиб келди. У ошхона эшигига тўхтаб, қайнанасининг Мила билан сухбатини эшитиб қолди:

— Мила, сен ҳеч бўлмаса куёвни илгари кўрганидинг?

Мила кўз ёшини тўхтатолмай жавоб берди:

«Холажан, мен унинг бунча қари эканини қаёқдан билибман. Қайнатамнинг уйига келганимда у Бирмада экан, мен унинг расмини кўрдим холос. Дадам эса Нилани тезроқ узатишни буюрди. У ахир икки юз эллик рупия маош олади! Мен унга унаштирдим».

— Бояқиши Нила! — Чэтаннинг қайнанаси сифир хўрсиниб қўйди. — Ахир у ҳали гўдак-ку!

Қайнанасининг сўзлари Чэтаннинг кўксига найзадек қадалди. Чэтан ҳозир Нила билан учрашуви, кўзи кўзига тушиши мумкинлигини хаёлидан ўтказиб хижолатда эзилди. У яна юқори айвонга чиқиб, тўшалмаган чорпояга ётди.

Ниланинг отаси шошиларди, опаси бўлса кўрмай билмай, (қариндошликлари ҳам узоқ эди-да) фақат расмига қараб у кишига ўз синглисини унаштириб қўйди. Уларни бунча шошилишга нима мажбур қилган? Ҳа, Нила қўрқоқ поччасининг соч тутамларини сийпалаб, шу билан унга ўз меҳрибонлигини изҳор қилган Илавапурдаги ўша арзимас воқеа сабаб бўлган, албатта! Ахир ўша воқеа Нилани бир умрга бадбаҳт ҳарбий бухгалтерга танғиб қўйишга арзигулик катта жиноят, хавфли гуноҳ эмасди-ку! Нега у буни Ниланинг

отасига гапирди? Нега у индамай қўя қолмади? Нила-нинг фожиасига фақат ўзи айбордай кўриши. Нила-нинг келажагини ўйлаганида унинг томогига бир нима тиқилиб қолгаандай бўлди: Нилани куёви билан бирга тасаввур қилиб кўрди. Шу топда Ниланинг оёғига бош қўйиб, токи уни кечирмагунча ўридан турмасликини жуда-жуда истарди. Шу маҳал айвои орқасида иккита хотиннинг шивирлашаётганни эшилди:

— Ҳа, Лалитанинг онаси, Мила қизчани нобуд қилибди-я! Эшилдингми, куёв қирқ-қирқ бешларда эмиш.

— Нила ҳали гўдак-ку, — деди Лалитанинг онаси.

— Яна эшитишимча, унинг учинчи марта уйланиши эмиш.

— Учинчи?!

Лалитанинг онаси нимадир айтмоқчи эди, шу пайт уни кимдир пастдан «Ҳой, Лалитанинг онаси. Биз сувга кетяпмиз. Биз билан юр!» — деб чақириб қолди.

Лалитанинг онаси ёнидаги хотин билан пастга тушиб кетди.

«Учинчи хотин!» — бу икки сўз Чэтанинг бошига тўқмоқ билан ургандек садо берди.

У ортиқ ётолмай, ўрнидан турди.

Ховлида маҳалланинг ҳамма хотинлари йигилиши-гаи. Ранвири ва хотини арқон, чеълак ва қўзаларни олиб, сувга кетишга тайёрланмоқда эди. Чэтанинг кетидан тушиб келаётган хотинлар Ранвирини олдинга ўтказиб юбориб, Нилага чодра ёпишди-да, қудуққа йўл олиниди — қўзаларга сув тўлдириш маросимини бажариш лозим эди. Чэтан жимгина уларга эргашди.

Хотинлар қудуққа чеълак ташлаб, тортиб олишар ва тўкиб ташлашарди. Улар Ранвирининг жигига тегишар, қўшиқ айтишар ва кулишарди. Ниҳоят, турли қудуқлардан сув олиб, Бости дарвозаларидан шаридаги меҳмонлар жойлашган дҳармашала томон йўл олдилар, Чэтан улар билан бирга кирмасдан, шарига ўтиб кетди. Дҳармашаладан шарида бир неча дўкон, улар олдида эса ўтихоналар бор эди. Чэтан уларнинг ёнидан ўтиб, даламарга етиб, уватга чиқмагунча бир марта ҳам тўхтамади.

Уфқда тўлин ой кўриниар, у гўё тун кирнишини

кутиб мудраётгандай эди. Гун қоронгисини жон-жаҳди билан тутиб қолниига аҳд қынгандай юлдузлар порларди. Баъзи далаларининг уватларида ўсиб турган сершоҳ шинам дараҳтлари довюорак ва баҳайбат соқчилар сингари қотиб турибди. Атрофда сокинлик. Фақат ўнг тарафдаги бутазорлар орасида қудуқ чигириби гижирлар ва олисдан дҳармашалада кўзада сув келтирган хотинлар кўйлар эдилар. Чэтанинг гижирлаши билан хотинларининг кўйлаши ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқдек туолди. Хотинларининг овози ҳам чигириқлар сингари гингшиётгандай бўлиб эшигтилди унга. Улариниг кўйлашида ҳеч бир шира йўқ. лаблари ҳам одатга кўра қимирларди, холос.

Чэтанин қудуқ яқниидаги кесилган кекса дараҳт устига ўтириди. Кўршапалак қанотларини шитирлатиб учишига ит қаттиқ ҳуриб қолди, кейин яна жимлик чўкди. Узоқда хотинлар гўё қудуқдан сув олаётгандай бўлиб, Нилага куёвни кўрсатишгач, дҳармашаладан чиқиб кетишарди. Чэтанин ӯша жойда ўтирас, қудуқ чигириги эса гижирлашда давом этарди.

47

— Почча, ҳой почча!

Чэтанин бошқа ёнбошига ўғирилиб, қўзини очди. Эндигина чиқиб келаётган қуёш шурлари очиқ эшикдан ўтиб, тўғри унинг кўзларига тушди. Чэтанин аввалинга уни қаттиқ уйқусидан ким уйғотганини билолмай турди. Кейин у юзига тушиб турган офтоб нурини тўсиб олдида қайниси Ранвири турганини кўрди.

— Почча, Ҳунар соҳиб келди!

— Ҳунар соҳиб?

Чэтанин Ранвирининг қувноқ чеҳрасига истеҳзоли иззар ташлади-да, нариги ёнбошига ўғирилиб деди:

— Боравер, Ранвири, мен кейнироқ чиқарман.

Ранвири поччасини Ҳунар соҳибдай атоқли шонрининг номини эшитган заҳоти ўрнидан сакраб туриб, у билан бирга пастга югуради деб ўйлаганди. Чэтанинг лоқайдлиги ва истеҳзоли қарашини сезган Ранвири уна қисташга ботинолмади.

— У эрталабдан берни бизинкида, мен икки марта колганимда ҳам ухлаб ётган экансиз. Рўнарадаги уй-

нинг меҳмонхонасида кутяпти. Ўша ерга желинг...— Ранвир бу сўзларни бидирлаб Чэтанинг елкаси оша гапириб чиқиб кетди. Бўсағада бир зум тўхтаб:— Ҳунар соҳиб ажойиб сеҳралар¹ ёзади-да!— деб қўйди.

«Ажойиб сеҳра!— Чэтан ичида кулиб қўйди.— Қизиқ, бу «ноёб асар»ни «ижод қилиш» йўлида қанчадан-қанча шоир ўз истеъдодидан маҳрум бўлгац, қанчадан-қанча куёвлар ва меҳмонлар бу «ажойиб сеҳра»ни эшитиб «лаззатланган» эканлар? Неча марта Ҳунар соҳиб ўзининг «тенги йўқ истеъдоди»ни намойиш қилиб энг ҳурмат қилувчи мухлисларининг чўнтагини енгиллатган экан? Четан ўзининг Ҳунар соҳиб билан биринчи учрашганини эслади. Ўшанда унинг кўзлари завқ-шавқ ва қувончдан яшнаб кетганди. Бечора Ранвир, қанчалик соддасан-а!

Чэтан аччиқ хўрсиниб, кўзларини юмди. Бироқ ухлай олмади. Тун бўйи унинг кўз олдида яқинда бўлиб ўтган воқеалар жонланаверди. Тўй маросими нинг бошланишидан тортиб, маросимни якунлаган тоатибодатгача — ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгидан ўтиб турди. У ўзининг гуноҳкор эмаслигига ўзини ишонтироқчи бўларди. Рад қилиб бўлмайдиган далиллар излаб топарди. Барибир қалб тўрида қаттиқ айбдорлик туйғулари яширинганди. Баъзан у талвасага тушиб қолар, гўё Нилани тириклайнин оловга отаётгандек туюларди. Энди тўй сҳанглари қулоғига оҳ-воҳ, дод-фарёд бўлиб эшигиларди. Қўшиқ унинг қалбини тинмай жароҳатларди:

— Айт-чи, қизим кимни кутгайсан,
Саидал сояснда, панада.

— Ҷир муносиб куёв топишнинг
Аллақачон пайтидир, дада.

— Айтгин менга, қизим, айта қол,
Бўлсин дейсан куёвнинг қандоқ?

— Бўлсин дейман, куёв, дадажон,
Юлдузлардан, тоғдан гўзалроқ.

Чэтан, ниҳоят меҳмонлар ёнига келди. От расм русми аллақачон тугаган, «муқаддас муқаддима»ларга

¹ Сеҳра — тўйларда куёвлар шаъннага ўқиладиган мадҳия

тайёргарлик кўрилмоқда эди. Куёв меҳроб ёнига келди, пандит садақа чирогини ёқди, ҳовлига жимлик чўкиди. Чэтан жимгина девор ёнига бориб ўтириди.

Ниланинг тўйи бутун расм-русларга риоя қилинган ҳолда ўтказилди. Тўғри, пандит Венипрасодининг ўзи ория саможчи бўлса-да, ўзига тўқ онлаларда куёв ёки унинг отаси қайси динда бўлса, тўй маросимларини ўша таълимот ақидалари асосида ўтказиш одати мавжуд. Чэтанинг тўйида сеҳрли эскилик анқиб турган бу маросимларга риоя қилинмаганди, бу эса ўшанда унга тоза алам қилган эди... Оловдан айланиб ўтиш маросими ҳам диннинг мустаҳкам ақидалари асосида ўтказилди. Нилани ўраб-чирмаб, юзига чодира тутган ҳолда меҳроб остига ўтқазишган пайтда, айвондаги хотинлар қўшиқ бошлишди:

Муқаддас Кришнанинг номини эслаб...

Хушчақчақ навжувон чўпон Кришна!— Яна Чэтанинг қулоқларида суҳаг¹ сўзлари янгради. «Нилага хушбичим эр танлашларига қойилман,— ачниқ истехゾ билан ўйлади у.— Самодаги юлдуздан гўзалроқ эрни истамайдиган қиз бу дунёда бормикин? Бироқ ҳаммаларининг орзуси ушалиши мумкинми? Ҳатто ҳусни билан мақтанишга арзимайдиган қизлар ҳам Кришнадек гўзал ёрни орзу қиласидилар: ҳатто чиройли куёвга муносиб қизларнинг тақдирлига ҳам бу баҳт осонликча кулиб боқмайди. Қанчадан-қанча ёшгина гўзал қизларни кўримсиз, бадбашара йигитларга, чол ёки қари тулларга узатиб юборадилар. Ахир ота-оналари ёки тогаларининг кўзи йўқми? Мабодо, улар ёш, эндингина яшаб келаётган умрни ҳазон қилишни истар эканлар, буни енг ичиди — ашуласиз, музикасиз қилиш мумкин эмасми? Кечагина қайнанаси «Нила ҳали жуда ёш» деган эди. Қўшни аёл эса: «Уни опаси жувонмарг қилди» деб ташвишланарди. Мана энди ўшаларнинг ҳаммаси бу гапларидан тонгандек асрлардан буён сийқаси чиққан маросим ашулаларини мириқиб куйлашмоқда...»

¹ Суҳаг — тўйда куёвнинг фазилатларини мадҳ эгувчи қўшиқ.

Чэтан ана шулар тўғрисида ўйлар экан, унинг қалбидаги динга қарши нафрат тўлқинни туғён урди. Эҳ, бу инсонларининг энг эзгу туйғуларини талқон қилувчи эҳтиоросиз тегирмон тошидек кўр-кўронада аиъаналар!.. Бу хурофот қалбии ҳам, ҳаётни ҳам сўндиради!.. «Нэхотки, бу расм-руслардан фориғ бўлган ёки уларни қайтадан кўриб чиқувчи замонлар ҳеч қачон келмаса?— у ўз-ўзидан сўйарди дили хун бўлиб.— Қачон янги, замонга мос идеаллар ва қонунлар дунёга келади?»

У ана шулар ҳақида ўйлар экан, қалбидаги дард дақиқа сайни ошиб борарди. Сўнгра Чэтан Нилани ўйлай бошлади. Ҳозир Ниланинг кўнглида нималар кечеётган экан? У нима ҳақда ўйлаяпти? Чэтан унга бир қараб қўйди. Нила қимирламай, жимгина, ләқайд ўтиради. Чэтанга қаршисида каттакон сопол қўғирчоқ ўтиргандек туюлди... Ниланинг қалбидаги олов мангу сўнгандек эди...

Пандит охириги қироатни ўқиб тугатгач, куёвнинг акасини табриклади, аёллар эса янги ашула бошладилар...

Ранвир чиқиб кетгач, Чэтан қанча уринмасни, барибири ухлай олмади. Унинг кўз ўнгидан кеча кечаси бўлиб ўтган воқеалар лип-лип ўтиб турарди. У бир-бирига қовушмаган, ҳаяжонли фикрларни тартибга солмай хуноб эди. Яна кўзини юмиб ётаверишнинг иложи бўлмади. У ёнбошидан бу ёнбошга ағдарилиб ётди. Аллақачон офтоб чиқиб хона ёришиб кетган эди; пастдан қувноқ қийқириқлар, шовқин-сурон эшитилиб турарди. Чэтан қимир этмай шифтга қараб ётарди.

Тўсатдан унинг фикрлари бошқача тус олди. «Хўп, майли,— ўйларди у,— агар ўшандаги воқсани Ниланинг отасига гапирмаганида, нима бўларди? Ўзи-чи? Ўзи нима қилган бўларди? Чандани ташлаб, Нилага ўйланармиди?» Чэтан илжайиб қўйди. Йўқ, ҳатто бу ҳақда ўйлаш ҳам мумкин эмас... Ахир биздаги ҳозирги тузумда бундай қилиш мумкинми? Агар Нила гўзал, бақувват йигитга турмушига чиққанида, ораларида бўлиб ўтган воқеа Чэтанинг назарида шунчаки баҳтсизлик бўлиб қолаверармиди? У ҳолда Чэтанинг виждан азоби қийшамаган бўларди.. Чэтан бу тўйда ажойиб гўзал

йигит билан танишди. Уни Трилок леб аташаркан. Бу йигит күёвнинг жияни эмиш. «Нила тогасига эмас, жиянига эрга текканида ҳам майли эди!»— деган ҳайқириқ пайдо бўлди Чэтанинг қалбида. Балки Трилокин бадавлат, овсар, бадбашара бир қизга уйлантиришар, тогаси эса худди жиянига насиб бўлиши керак бўлган қизнинг эри бўлади.

Чэтанинг назарида Нила, Трилок, ўзи ҳамда барча хотин-қизлар ва эркакларни анъаналар заинжирбанд қилган жамиятнинг баланд деворлари ўраб тургандай эди. Наҳотки, бу деворлар ҳеч қачон қуламаса? Наҳотки, бу девор ичиди дикқинафас бўлаётганлар озод, баҳтиёр бўлмасалар? Тор кўчада куйлар янграй бошлади. Тўй маросимининг штирокчилари дастурхонга ўтиришди шекилли.

48

Чэтан юваниб чорраҳага чиққанида меҳмонлар овқатланиб бўлишганди. Улар орасида Ҳунар соҳиб ҳам бор эди. У уйда тўқиңлган матодан кўйлак ва дхўти кийиб олганди. Ҳунар соҳиб ясама қиёфада кеккайиб ўроғлиқ бир қофоз тутиб турарди. Ранвир фуур билан бу ерга йиғилганларга унинг шоирлик қобилияти хусусида гапирди. Ҳунар соҳиб сеҳра ўқишга тайёрланмоқда эди.

Сеҳра дунё каби кўҳна қондалар асосида ёзилган бўлиб, унда куёв ой ва юлдузга қиёс қилинарди. Чэтан бенхитиёр ўз-ўзидан: шоир наҳотки, келтирган ўхшатишлиридан бирортаси ҳам күёвнинг ташки қиёфасига мос келмаслигини фаҳмламаса деб сўради.

Тунда хотинларнинг қўшиғини эшишган пайтда юрагини тирнаган дард яна қайтиб келди. Ўша пайтда Ҳунар соҳиб сўзларига дикқатни тортишга уриниб зўр ҳаяжон билан ўқий бошлади.

Кумуш ранг ойдиннинг зар шуъласидан
Никоҳ гулчамбарим бўлибди пайдо.
Ерим ҷеҳрасидан таралган нурга
Ҳаттоқи тўлни ой бўлибди шайдо.

Давомини эшитишга Чэтанинг тоқати қолмади. Бу ёшини яшаб қўйған тенакал тул ой каби гўзал эмиш! Чэтан фақат сеҳрани ўқиётган шоиргина кўр бўлиб қолмай, афтидан эшитувчилар ҳам кўр бўлса керак деб ўйлади. Чэтан Ранвирга қараса, у кўзларини каттагатта очиб Ҳунар соҳибининг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни обизамзам суви қилиб ютаётгандек кўриниди. Чэтан у тентакининг ёнига бориб тарсаки тортиб юбормоқчи бўлди. «Сеҳра ўқишади-я,— ўйлади Чэтан,— бунақа пайтда сеҳра эмас, марсия ўқиш керак!»

Бироқ у Ранвирнинг олдинга бориб унга тарсаки туширмади...

Нила эса шу ўтирганича қимирламай, айвон бурчагида лоқайд ўтиради. Чэтанинг юраги ачишиб кетди. У Нилага яқинлашинб, темир курсига ўтирди. Бироқ Нила унга қарамади ҳам. Чэтанинг Нилага бир нима дегиси келар, аммо у гапни нимадан бошлишини билмасди.

Нила унга қаради. Чэтанинг назарида, Ниланинг нигоҳи бир дақиқа Трилокка тикилиб қолгандай, кейин оппоқ юзига қон югуриб, ҳасратли кўзларида қандайдир нур чақнагандай бўлди.

Ташқарида чолғувчилар куй бошлаб юборишиди. Ҳунар соҳиб сеҳра ўқишини тугатган ва тўй маросими чиқишига тайёрлананаётган бўлса керак. Шу пайт Ниланинг қўйидаги сўзлари Чэтанинг қулоғига чалинди:

«Трилок, бу ёққа кел. Келин ойинг билан танишиб қўй!»

Зум ўтмай айвон остонасида уялинқираб кулиб турган Трилок пайдо бўлди. Чэтан уни ўзи ўтирган курсига таклиф қилди.

— Нила, бу сенинг жиянинг, Трилок.

Чэтан йигитга назар ташлади. У қўлида беш камон ўқини-ушлаб турган Мадан¹ сингари гўзал эди! Кейин Чэтан Нилага назар ташлади. У ҳам гўзалликда Рати²дан кам эмас!

Трилок деди:

— Намасте, келин ойи!

¹ Мадан — ишқ-муҳаббат худоси,

² Рати — Маданинг маъшуқаси.

Отахон, биэ дуонгиз кутиб,
Олдингизда таъзим этамиз.
Оқ йўл тиланг фотиҳа ўқиб,
Қушлар каби учиб кетамиз.

Тун сокишилигида бу мунгли қўшиқ қасрданидир узоқдан учиб келгандай бўлди; у Чэтанинг қалбини азоб-уқубатга ғарқ этди. Бўғзинг нимадир тиқилиб, қўзларига ёш келди.

Ниланинг тўйи шарафига бўлаётгани шодиёна тугади, Чэтан Чандани Жоландҳарга олиб келди. Узоқ давом этгани айрилиқдан сўнг Чанда билан бирга эканлигига, ёқимли тун ёмғири севалаб турганинга қарамасдан Четанинг ўзини бехузур сезарди. Ўнинг кўз олдида Нила билан хайрлашиш манзараси ўчмас из қолдирганди. Қулоқларида эса ҳамон ўша ёқимли-мунгли қўшиқ жарангларди.

Оқ йўл тиланг фотиҳа ўқиб.
Қушлар каби учиб кетамиз.

Узоқ, жуда узоқ парвоз! Рангун Жоландҳардан қанчалик йироқ-а! Балки бу мунгли қўшиқ шафқатсиз қонун туфайли жонажон уйни ва думоналаридан ажратиб олиб кетилган бирор бахтсиз қизнинг қалб садосидир. Асрлар ўтиб, кўп нарсалар ўзгарган бўлса-да, бу жафокаш қизнинг тақдиринда ҳеч ишма ўзгармай келаётди.

«Бечора Нила... Бу қўшиқини эшишиб у қандай хаёлларга бордийкни?» — ўйлади Чэтан.— Қадимги но маълум шонр бу сўзларни худди унга атаб ёзгандай эди.

Қушлар каби учиб кетамиз.

Ёмғир тиниши билан Чэтан ўрнидан туриб, томга чиқди. Сийраклашган булутлар нафармон ҳавода кезиб юришарди. Қучсиз шамол эсиб турарди. Олдинда қўриниб турган уй орқасида яширишган янги ой майин нур сочарди. Атрофии қора соялар қоплаган... Ой хавотирланиб том ортидан мўралади гўё ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигини билиб, аста-секин тантанали юришини бошлади. Булутларнинг йиртиғидан очиқ осмон қўриниб турар, эндигина қоронғилик қўйнига кириб

·бораётган пастдаги уйларнинг қораси кўзга чалишарди. Бироқ бу манзара узоққа чўзилемади. Қоп-қора булутлар келиб, яна ҳамма ёқни ўз бағрига олди. Яна кутиямаганида ваҳимали қоронғиликни заррин нури билән ёритиб ой кўринди.

Чэтан томда узоқ қолиб, мадори қуриб совуқ ва нам' тош курсига ўтирди. Чап томонда уйлар устидан дарахтларнинг катта сояси тушиб турарди: бу дарахтлар муқаддас дарвиш Барнонинг қабри устида кўкаргав. Чэтан бу қора доғга маъюс қараб турди, бирдан кўз олдидан таниш воқеалар худди экрандаги каби ўта бошлиди...— Ҳа, Ниланинг тўйи...

Ўша куни Чэтан ўзини қўярга жой тополмай юрди. У мактабдош ўртоқлариникига борди.. Улар билан нималар ҳақидадир гаплашиш, нималаридир сўрашга ҳаракат қиласди... Фақат вақт ўтса бас эди унга. Кечқурин яна томга чиқиб ётди. Уйига меҳмонлар келишди... Уни чақиришди... Аммо у касалман деб ёлғиз ўзи томда ётаверди.

Зиёфат бошланди. Музика чалинди, ҳамма ёқни кулги ва қувноқ ҳазил-мутойибалар тутиб кетди. Чэтан ёлғизликка бардош беролмади. У ўрнидан туриб ўтириди. Кейин Ниланинг овози эшилгандай бўлди. Бирдан юраги ўйнаб кетди.

Нила Трилок билан гаплашяпти. Нима ҳақда эканлигини. Чэтан билолмади. Лекин дарҳол билишни истарди. Билиш унга жуда зарур эди. Чэтан кичкина Шилани ёнига чақириб, поччасига сув келтириб бериншини айтди. Шила сув келтирди. Чэтан стакандан бир ҳўплам сув ичгач, ундан сўради:

— Шила, ҳозир пастда кимлар бор?

Содда Шила поччасининг тиззасида ўтириб жавоб берди:

— Трилок тогам... Ниланинг ғашига тегяпти...

Қизалоқ поччасининг бўйнидан қучоқлаб яна шундай деди:

— Сиз жудаям яхшисанз, Трилок — ёмон.

— Трилок Нилага нима деди?

Бояқиши Шила эплаб гапириб беролмади. Чэтан унай тиззасидан тушириб, чорпояга яна ётиб олди.

Чанда унга жуда кечикиб овқат келтирди. Шунда

у бир йўла Ниланинг эрталаб жўнаб кетишини ҳам айтди. Унинг эри хизматига дарҳол етиб бориши зарур экан. У бу ерда кўп қололмасмиш. Шунинг учун нонуштадан кейин Нила оила аъзолари билан хайрлашиб, жўнаб кетишаркан. Агар Чэтан ўзини жуда оғир ҳис қилмаса, албатта пастга тушсин. Ибодатхонада ибодат қилиш олдидан хайрлашув маросимида ҳамма бўлиши шарт. Соат ўнларга яқин иккинчи ва охирги хайрлашув маросими бўларкан. Маросим пайтида Нилага беринш учун Чанда Чётанинг бошига беш рупия қўйди.

Чётан жимгина пулни ёстиғи остига қистириб қўйди. Чанда ташвишланиб сўради:

— Аҳволингиз чатоқми?

— Йўқ... Ҳечқиси йўқ... Мана кўрасан, албатга бораман.

Чанда бир оз хотиржам бўлиб пастга тушиб кетди.

Чётан ҳақиқатан ўзини ёмон ҳис қилаётганди. Унинг оғир дарди танасида эмас, қалбида эди. У Илавалпурда бўлган воқеани қайта-қайта эслаб, узоқ пайт ёлғиз ётди. Ушанда Нила Чётанинг касал бўлиб қолганини эшитган заҳоти олдига келиб унга қарай бошлияган эди. Уша ўтган бир неча кунда унга Нила жуда яқин бўлиб қолган эди! Энди-чи? Чётан энди қанчалик оғир бетоб бўлмасин, Нила ёнига келмайди... Чётанинг ҳақиқатан ҳам қаттиқ бетоб бўлиб, ўлгиси келар, ўнинг тик боқиши истар эди. Агар Нила Чётанинг ўлаётганини билса, албатта унинг ёнига келган бўлар эди. Ахир Чётан Ниланинг қурбон бўлишида, бенхтиёр бўлса ҳам, иштирокчилик гуноҳини ҳаётидан бошка нима билан ювиши мумкин? Унинг хаёлига пукул бири-биридан баттар мулоҳазалар келарди; у ўлаётган эмиш, Чанда унинг бошини тиззасига қўйиб ўтирганиниш; онаси, қайнанаси, укалари — ҳаммаси кўзлари ёшга тўтиб ёнида ўтирганиниш. Кўчада музика чалиниб турганиниш... Ниланинг кетиши зарур. У қололмайди. Ҳарбий бурч эрини хизматга чақирияти. У Рангунга стиб бориши шарт. Уни ҳеч бир касаллик, ҳеч қандай ўлим, ҳеч қандай фалокат йўлдан тўхтата олмайди. Жўнаш олдида Нила Чётан ёнига бирласга шошиб келганиниш. У ўз поччасини ўлим талвасасида кўриб, унинг юзидан икки томчи ёш думалаб тушаётган эмиш. Шундан кейин Нила у билан жимгина хайрлашиб, оғини бир ушлаб қўйиб сўнг шошиб чиқиб кетганиниш.

Чэтан тунии бозовталаниб ўтказди. Хўрор қичқирғанида у даҳшатли хаёллардан толиқиб уйқуга кетди.

Эрталаб у кўзини очганида, меҳмонлар нонушта қилиб бўлишган экан. Нила биринчи марта уй ичлари билан хайрлашди. Эди у хайрлашувнинг иккинчи ва охирги маросимиини кутмоқда эди.

— Поччажон, туршиг, поччажон, турсангиз-чи! — дея Чэтанин силкитарди Шила. У турди.

— Шила, боравер, мен ҳозир...

У яна ётиб олди.

Шила кетмади.

— Чанда опам чақирияптилар! Эннитяисизми? — дея қичқирди уни яна силкита бошлаб.— Нила кетяпти!

Чэтан ушинг гапига кириб, беихтиёр туриб ўтиради. Шила жилмайниб, югуриб пастга тушиб кетди. Чэтан унинг кетидан бормади. У энг охирги дақиқаларда чиқади... Нила юзини сорийсизнинг бир учи билан бекитганида, эски удум бўйича уни акаси ё тоғаси куёв ўтирган извошга кўтариб ўтқазиб қўйгач, Чэтан унга яқинлашиб беш рупияни беради... Фақат кўзлар кўзларга тўқиаш келмаса бўлгани...

Унга нима бўляпти? Нега ушинг қалби бўзлаяпти? Нега бадани ғазаб-нафратга тўлиб-тошяпти? Бу ғазаб-нафрат кимга қаратилган? Нилагами? Ахир у гуноҳкорми? Ахир у бундай бўлишини истармиди?..

Бир неча дақиқадан сўнг Чанда юқорига чопиб чиқди.

— Нега ҳалигача бў ерда ўтирибсиз?

— Мен ҳозир бораман...— Уни тинчтишга шошилди
Чэтан.— Бир оз бошим айланяпти...

— Ундей бўлса ётнинг... Аҳволингиз оғир-ку!..—
Чанда ёстиқни тўғрилаб қўйди.— Шунча ташвиш...
Винингизда ҳам ўтиrolмаяпман. Нила жўнаб кетгац,
рошингизни мой билан уқалаб қўяман, дарров тузалиб
қоласиз. Пулни менга беринг, номингиздан ўзим бериб
ўяман.

Чэтан унамади.

— Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ, сен боравер, мен ҳозир
ушаман.

Чанда кетди. Чэтан кута бошлади. Музика чалинса,
 хотин-қизлар қўшиқ айтиб, Нилани ташқарига чиқари-
ди. У ўшанда тушади.

Музика чалинди... Хотин-қизлар куйлашди...

Отакон, биз дуонгиз кутиб,
Олдингизда таъзим этамиз.
Оқ йўл тиланг фотиҳа ўқиб.
Қушлар каби учиб кетамиз.

Узоқ парвоз... Жуда узоқ...

Чэтанинг қалбидаи нимадир узилниб түшгандай бўлди. У ғазабини ўзига сочарди. Нега пулни Чандадин бериб юбормади? Ҳеч қаерга боришининг ҳожати йўқ. У шу ерда қолади. У қалбини тирнаётгани оғир дардга охиригача бардош беради. У яна чорпояга ётди.

Шу пайт бирдан оёқ тақинчоқларининг таниш жаранги қулогига чалинди. Зиннадан шошилганича Нила чиқиб келаётганди.

Чэтан туриб ўтирди. Унинг юраги яна ўйнаб кетди.

Нила остоида тўхтади. Кафтларини пешанаси остида туташтириб титроқ овоз билан деди:

— Паччажон, хайр... мендан рози бўлинг.

Нила кетай деб турганда, Чэтан ўринидан сакраб туриб, унинг қўлидан тутди. Ана шу бир неча сўз уни қаётга қайтарди.

— Нила! Мени кечир, мен олдингда гуноҳкорман! —

У Ниланинг оёқларига эгилди.

— Поччажон, нима қиляпсиз? — Нила уни елкасидан ушлаб тиклади, кейин кўз ёшини зўрга тўхтатиб, орқасига қайрилди-да, шошиб пастга тушиб кетди.

Осмонни янги булутлар қоплади, янги ойнинг ўроги яна зулмат ичида қолди. Уйлар, томлар ва муқаддас дарвиш қабрида кўкарган дарахт — ҳамма-ҳаммаси бу зим-зиёлик қўйинига сингиб кетди. Чэтанинг устига бир нечта ёмғир томчилари келиб тушди. Унинг фикрлари бўлинди. У нам курсида оғир дам ўтириб қолганидан елкаси оғир эди. У ердан туриб, жимгина пешайвондаги чорпояга чўзилди.

Жала қуя кетди. Айвоннинг тунукалари йиғлагандай бўлиб шиддатли оқимдан дирплай бошлади...

На узбекском языке

Упенданатх Ашк
ПАДАЮЩИЕ СТЕНЫ
Роман

*Перевод с издания Издательства
иностранный литературы, Москва, 1961*

Редактор А. Хабибуллаев

Рассом В. Журавлев


Расмалар редактори А. Бобров

Техн. редактор Т. Валькова

Корректор М. Кудратова

Босмахонага берилди 16/1-75 й. Боснишга рухсат этилди 31/VII-75 й. Формати 84×108^{1/16}.
Босма л. 6,0. Шартли босма л. 10,08. Нацр. л. 10,4. Тиражи 60000. Фафур Ғулом номи-
даги Адабийи за санъат нашрии, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 111-74.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдою
ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент 1-босмахонасида № 3 қогозга
босилди. Тошкент, Ҳамза кӯчаси 21. Заказ № 679. Баҳоси 65 т.



Ашк Упендринатх.

Кўхна девор, (Роман). Русчадаи Л. Парнихўжасев ва Н. Бозорбоев тарж. Т., Адабиёт ва санъат навариёти, 1975. 192 б.

Асарининг бош қаҳрамони Чэтан роман давомида аста-секкин ўзи мансуз бўлган ижтимоий гадқа кишиларининг тақдири бир хизла ияничли эканини тушуниб етади. Мана шу тушудча уни эски тузумни кўтариб ташлад, яни жамият тузиши учун курашга тайёрланишга чорлаганди. Четан ёркни нафас олгиси, яхши яшагиси, бахтили бўлгиси келади. Аммо у эскиликнинг нураётган «кухна девор»и ортида миззум ватандошларининг фарёди эшиятиниб турар экан, бахтили бўла олмаслигини тушуниади. Унинг учун ягона йўл — яшаги жамият тузиши учун, инсонлар бахти учун кураш.

Ашк Упендринатх. Падающе стены. Роман.

И(хинд)

№ 423—75
Навоий номли ЎзССР Давлат
кутубхонаси.

У 70304—118
352(06)—75 170 -75